

М.Х. САИДОВ



ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ  
БОШҚАРУВ

65.497.273

С21


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

**М.Х. САИДОВ**

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
томонидан иқтисодиёт таълим йўналиши талабалари учун  
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

«ТАФАККУР-ВО‘СТОН!»  
ТОШКЕНТ – 2011



УДК: 336(075)

65.497.

С21

Саидов М.Х.

Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: ўқув қўлланма/  
М.Х.Саидов. — Т.: «Tafakkur-Bo'stoni», 2011. 432 б.

ББК 65.497я73

Мазкур ўқув қўлланма олий таълим тизимида молиявий бошқарувнинг долзарб мавзуларига бағишланган. Унда олий таълим тизими ривожлантириш омиллари таҳлил этилган, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар таснифланган, уларни бошқариш амалиёти таҳлил этилган, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш масалалари, таълимда сифат менежменти тизимини жорий этиш зарурияти ва уни ривожлантириш истиқболлари, олий таълим муассасаларини бюджетнинг газна ижроси шароитида молиялаштириш хусусиятлари тадқиқ этилган.

Ўқув қўлланма барча магистратура мутахассисликларида «Таълим менежменти» фанида фойдаланиш, шунингдек, олий таълим тизимидаги иқтисодиёт, бизнес ва бошқарув таълим йўналишлари бўйича билим олаётган талабалар, ёш тадқиқотчилар, амалиётчи мутахассислар, раҳбар ходимлар ва педагоглар фойдаланиш учун мўлжалланган.

#### Тақризчилар:

**Э.Ж. Юсупов**, иқтисод фанлари доктори, профессор;  
**М.А. Икромов**, иқтисод фанлари доктори, профессор;  
**Ш.Р.Холмунинов**, иқтисод фанлари доктори, профессор.

*Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 20 йил-  
лигига бағишланади.*

## СЎЗ БОШИ

Республикамиз мустақилликка эришгач, ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаб олди ҳамда ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти қуришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошира бошлади. Мамлакатимизда жамиятнинг маънавий янгиликларини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Умуминсоний қадриятлар ўзбек халқининг кўп асрлик илмий ва маданий анъаналарини, замонавий маданият, иқтисод, фан, техника ҳамда жамиятнинг ривожланиш истиқболини эътиборга олган ҳолда, таълим соҳасида олиб борилаётган, аниқ мақсадларга йўналтирилган давлат сиёсати қўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади.

Моҳият жиҳатидан мутлақо янги бўлган кадрлар тайёрлашнинг миллий модели «Таълим гуғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан иборат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва жорий этишга асос бўлди. Бундай ҳужжатлар ижтимоий фиол, маънавий жиҳатдан бой бўлган ижодкор шахсни шакллантириш ҳамда юқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлашда белгиланган стратегик мақсадларга эришиш учун назарий ва амалий асос бўлди.

Ҳозирги шароитда таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни татбиқ этиш, рақобатбардошликни ва турмуш фаровонлиги даражасини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бораётган Ўзбекистон учун меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига тез мослаша олувчи олий таълим тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва уни ривожлантириб бориш ҳам долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикасида 2011–2012 ўқув йилнинг бошига келиб 70 та олий таълим муассасалари (ОТМ), жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 19 та университет, 35 та институт, 12 та филиали 2 та академия, 2 та бошқа танкилий-ҳуқуқий шаклдаги ОТМ фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университет-

ти, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети ва Турин политехника университетининг филиаллари, Вестминстер халқаро университети ҳамда Сингапур менежментни ривожлантириш институти каби олий таълим муассасалари таълим тизимидаги халқаро ҳамкорлик асосида ташкил этилган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, мазкур Академия қошидаги Олий бизнес мактаби, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия Академияси, Олий ҳарбий божхона институти, шунингдек, мудофаа ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳалари учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган бошқа бир қатор олий таълим муассасалари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида таъкидлаб ўтганганларидек, «...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир<sup>1</sup>».

Мазкур вазифаларнинг ижроси олий таълим тизимида ҳам маълум бир ўзгаришлар амалга оширилишини тақозо қилади. Мамлакат иқтисодиётининг узвий қисми бўлган олий таълим тизимини модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни таълим тизимида ҳам жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Республика олий таълим муассасалари талабаларининг умумий сони 2006–2007 ўқув йилида 286341 нафарни, 2007–2008 ўқув йилида 296563 нафарни, 2008–2009 ўқув йилида 290916 нафарни, 2009–2010 ўқув йилида эса 284784 нафарни<sup>2</sup> ташкил этган.

Республика олий таълим муассасаларидан 21 таси таълим соҳаси, 14 нафари саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, 5 нафари тиббиёт, 4 нафари қишлоқ хўжалиги, 9 нафари иқтисодиёт ва ҳуқуқ, 6 нафари бошқа тармоқлар учун кадрлар тайёрлайди. Жами таълим олаётган 284784 нафар талабанинг 272757 таси бакалаврият ҳамда 12027 таси магистратура босқичида таҳсил олган. Бакалаврият босқичи талабаларининг 69,0 фоизи, магистратурада эса 75,0 фоизи тўлов-контракт асосида таҳсил олмақда.

Олий таълим тараққиётининг бугунги ҳолати интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми бўлган республика-

<sup>1</sup> Каримов И. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: «Ўзбекистон». 2009. 3-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси олий таълим сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар. 2009–2010 ўқув йили. Статистик тўплам. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази. Т. 2009 й.

миз олдида таълим тизими фаолиятини ҳам жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, халқаро таълим тизимига интеграциялаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий халқаро меҳнат бозори талаби даражасида ташкил этишни талаб этмоқда. Бу ҳолат республика олий таълим муассасаларини халқаро сифат менежменти талабларидан келиб чиққан ҳолда сертификатлаштиришни тақозо этмоқда. Хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида сифатни бошқариш тизими ISO ва бошқа шу каби халқаро сертификатлаштириш тизимлари талаблари даражасида ташкил этилган, халқаро сифат сертификатини олиш ОТМнинг халқаро миқёсда тан олинишининг ва фаолият юртишининг зарурий шarti ҳисобланади.

ISO атамаси юнонча «Isos» сўзидан олинган бўлиб, «тенг», «эквивалент» деган маъноларни англатади. Инглизчада ISO атамаси «International Organization for Standardization» сўзларининг ифодасидир. Мазкур халқаро стандартлаштириш тизимининг бош офиси Женева (Швейцария) шаҳрида жойлашган, тизим 162 та давлатдаги миллий стандартлар институтларининг тармоғидир.

Мамлакатнинг ОТМларининг жаҳон талаби даражасига чиқишга интилишлари, эришадган ютуқ ва муваффақиятлари олдимизга қўйилган буюк мақсад ижроси республика ОТМларининг ISO каби халқаро стандартлаштириш ташкилотларининг сифат сертификатларини олишлари заруриятини келтириб чиқарганлиги мазкур ўқув қўлланмада асосланган.

Олий таълим тизимини молиялаштиришини ташкил этиш ва ислоҳ қилишда, албатта, бу ҳолат ҳисобга олиниши зарур. Соҳанинг устувор аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2009 йил 20 августда «Республика олий таълим муассасаларини янада молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Мазкур қарор мамлакат ОТМлари моддий-техника базасини ҳамда уларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш ва бунинг асосида реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари талабига мос олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори<sup>1</sup> мазкур соҳа ривожига янги босқични бошлаб берди. Мазкур қарор олий таълим муассасаларининг

<sup>1</sup> «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2011 йил 20 май. № 1533.

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илгор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида қабул қилинган.

Қарор билан 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармаси ташкил этилди.

Юқоридаги қарорлар ва соҳа фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси, олий таълим муассасаларини молиялаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар таълим тизимининг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишини, жаҳон стандартлари талаби даражасида фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Давлат томонидан олий таълимни моддий қўллаб-қувватлаш таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини, иқтисодиётни модернизациялаш ва янги технологияларни қўллаш тадбирларини янада фаоллаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва бандликка кўмаклашишда маркетинг хизмати ролини ошириш ҳисобига таълим муассасалари даромадини ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда замонавий техника воситалари, жиҳозлар, янги технологияларга бўлган эҳтиёжни таъминлайди. Шунингдек, фаннинг таълим билан интеграциялашувининг таъсирчан воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини беради ва пировард натижада олий таълим тизимида ёш мутахассисларни тайёрлаш сифатининг янги босқичда кўтаради.

Мазкур қўлланма олий таълим тизимини модернизациялаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашнинг меъёрий ва ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга пойдевор бўлиб хизмат қилади ҳамда амалиётчи мутахассислар ва илмий тадқиқотчилар учун зарур китоб сифатида қўлланиши мумкин.

## **1 БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ АМАЛИЁТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **1.1. Олий таълим тизимида молиявий бошқарувнинг концептуал асослари**

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги ҳаракати давлат ва жамиятнинг, шу жумладан, таълим тизимидаги фаолиятнинг барча соҳаларидаги туб ислоҳотлар билан боғлиқдир. Олий мактабни қайта ташкил этиш жараёнининг самарадорлиги таълимни фаолиятнинг турли соҳаларида орттирилган, жамиятнинг янада ривож учун шарт-шароит яратган тажрибаларни ўзида мужассамлаштирган муҳим муассаса эканлигини тан олиш билангина эмас, балки улар самарали фаолият кўрсатиши учун зарур ресурсларни вужудга келтириш билан ҳам белгиланади.

Таълим муассасаси фаолиятининг ташкилий-бошқарув асосларини ўзгартириш олий таълим иқтисодиётини қайта қуриш билан бир вақтда кечади. Олий таълим муассасаларида молиявий бошқарувнинг сифатини баҳолашда молия-кредит механизмининг амал қилиш хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу дегани, мамлакатнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабини амалда қондириш тизимни молиялаштириш ҳажмларига бевосита боғлиқдир, бу эса, ўз навбатида, биринчидан, давлатнинг иқтисодий ҳолати, иккинчидан, таълим сиёсати билан белгиланади.

**Олий таълим — ривожланадиган ва ўз-ўзини ривожлантирадиган тизим. У инсоният тараққиётининг барча босқичлари мобайнида тўпланган тажрибани янги авлодларнинг онгига сингдириш ва маданият, фан, техника, умуман, жамиятни янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга масъул этилган. У ўзига хос бўлган қонуниятлар асосида фаолият юритади, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг бевосита таъсири остида ривожланади.**

Бозор иқтисодиётига ўтиш барча соҳаларда, шу жумладан, олий таълимда сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Бу, аввало, бошқаришдаги қатъий вертикал тизимнинг парчालаниши, Олий таълим муассасаларига қабул қилиш ва ёш мутахассисларни ишга тақсимлаш мажбурий режасининг такомиллаштирилиши, олий таълимнинг ижтимоий, давлат ва тижорат секторлари тенг ҳуқуқлилиги тамойилларига амал қилиниши билан боғлиқдир.



Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг босқичлари

Ёш	Таълим турлари		Маълумот даражаси
31	Катта илмий ходим-изланувчи (иш муддати 2-3 йилдан кам бўлмаган)		Олий ўқув юртидан кейинги таълим
30			
29			
28			
27	Стажер-тадқиқотчи-изланувчи (ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмаган))		
26			
25			
24	Олий таълим	Магистратура (2 йилдан кам бўлмаган)	Олий таълим
23			
22		Бакалаврият (4 йилдан кам бўлмаган)	
21			
20			
19	Академик лицей (ўқиш муддати 3 йил)	Касб-ҳунар коллежи (ўқиш муддати 3 йил)	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
18	Умумий ўрта таълим (ўқиш муддати 5 йил)		Умумий ўрта таълим
17			
16			
15			
14	Бошланғич таълим (ўқиш муддати 4 йил)		
13			
12			
11	II босқич		Мактабгача таълим
10			
9	I босқич		
8			
7			
6			
5			
4			
3			
2			
1			

Манба: «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори асосида тузилди.

Эндиликда давлатимиз таълим сиёсатини «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га асосланган бутун таълим тизимини кенг қўламда қайта қуриш белгилаб бермоқда. Молиялаштириш ҳажмларига келсак, бунда ҳам туб ўзгаришлар кўзга ташланади. Зеро, бугунги кунда олий таълим муассасаларини молиялаштириш давлат томонидан маблағ билан таъминлаш ва уларга ўз фаолиятларида кенг мустақиллик бериш билан қўшиб олиб борилмоқда.

1-чизмада Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими кўرғазмали тарзда акс эттирилган. Кўриниб турибдики, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида яратилган мамлакатимиз таълим тизими изчил, бир-бирини тўлдириб боровчи, барқамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган таркибий тузилмага эга бўлиб, таълим соҳасидаги халқаро андозалар талабларига мос келади.

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида таълимни молиявий таъминлашни тубдан яхшилашга йўналтирилган қуйидаги вазифалар ҳал этилмоқда:

– таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасига йўналтириладиган ЯИМ (Ялпи ички маҳсулот) улушини босқичма-босқич ошириб бориш;

– кадрлар тайёрлаш кўпканалли вариантнинг (бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан) молиялаштириш тизимини жорий этиш;

– таълим муассасаларининг ўз-ўзини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

– таълим соҳасига хусусий, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

– республика фуқаролари учун таълим кредитлари бериш тартибини шакллантириш, кейинчалик уни қайтаришининг мослашувчан тизimini яратиш;

– узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийлар аҳамиятини ошириш;

– пуллик асосдаги таълим хизматларини кенгайтириш, тадбиркорлик, консултантив, экспертлик, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий фаолиятлар ва бошқа фаолият турлари ҳисобига таълим муассасаларининг даромадларини оширишни таъминлаш.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасидаги, жумладан, унинг молиявий-иқтисодий таъминланганлиги борасидаги туб ислоҳотлар муассасаларнинг илмий ва иқтисодий мустақиллик тамойилларига асосланади.

ОТМнинг илмий мустақиллиги илмий тадқиқотлар йўналиши, мавзуи, буюртмачилари, шунингдек, илмий ишларни олиб бориш шакл ва усулларини танлашда намоён бўлади.

ОТМлари иқтисодий мустақиллигининг асоси бўлиб, ўз фаолияти натижасида таълим муассасаси ишлаб чиқарган маҳсулотнинг мавжудлигини тан олиш ҳисобланади.

**Олий таълим иқтисодиёти бу — товарлар ва хизматларни миллий даражада ишлаб чиқаришнинг алоҳида қисми бўлиб, унинг амал қилиши фаолиятнинг мазкур соҳасидаги молиявий, моддий ва меҳнат муносабатларининг ўзига хос ташкил этилишига асосланади.**

Иқтисодий мустақиллик деганда, бир томондан, ОТМнинг ҳам ўз маблағлари, ҳам таълим, илмий ва ҳўжалик фаолиятдан келган ресурсларни тасарруф этишдаги эркинлик тушунилса, иккинчи томондан, ўз фаолияти натижалари юзасидан тўлиқ иқтисодий жавобгарлик тушунилади.

Таълим фаолиятини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларига таъсисчи, улар низомига мувофиқ равишда, эгаллик қилиш ҳуқуқи объектларини (ер, бинолар, иншоотлар, ускуналар, мулк, шунингдек, бошқа истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган зарур мулкларни) бириктириб беради, ўз навбатида бу мулклар мулкчилик ҳуқуқига кўра таъсисчига тегишли бўлади ёки таъсисчи томонидан учинчи шахсдан (мулк эгасидан) ижарага олинади. Таъсисчи томонидан таълим муассасасига бириктириб қўйилган мулк объектлари мазкур муассаса оператив бошқарувида бўлади.

ОТМнинг ўз маблағлари(ёки моддий-техника базаси)ни *актив* ва *пассив* қисмларга ажратиш мумкин. *Пассив* қисми (бинолар, иншоотлар, ер, ускуналар) талабалар, ўқитувчилар ва бошқа ходимлар учун зарур меҳнат ва маиший шароитларини яратади. *Актив* қисми (профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, ҳисоблаш техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, дастурий маҳсулотлар, интернет тармоқлари, юқори технологиялар ва ҳ.к.лар) олий таълим бериш жараёнида бевосита иштирок этади. Ер майдонлари давлат ва маҳаллий таълим муассасаларига муддатсиз ва ҳақ тўламай фойдаланиш учун бериб қўйилади.

ОТМ ўз мажбуриятлари юзасидан тасарруфидаги пул маблағлари ва ўзига тегишли бўлган мулк билан жавобгардир. Маблағлар етишмаган тақдирда ОТМнинг мажбуриятлари бўйича қонунда белгиланган тартибда таъсисчи жавобгар бўлади. Нодавлат таълим ташкилоти қонунда белгиланган умумий асосларда банкрот деб тан олиниши мумкин.

ОТМларининг жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий томонларига кўрсатадиган таъсири жуда муҳимдир. Айни мана шу таъсир олий таълим соҳасига нисбатан давлат сиёсатини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълимнинг *иқтисодий таъсири* инсоннинг тўплаган фойдали хислатлари йиғиндиси, унинг малакавий ва касбий сифатлари орқали намоён бўладики, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланиши муайян инсоннинг, у ишлайдиган корхона ёки ташкилотнинг фаровонлигини оширишга олиб келади. Бу эса оқибат натижада давлатнинг моддий фаровонлиги ошишига са-

баб бўлади. Америка фирмалари тажрибасига кўра, таълимга қўйилган ҳар бир 35 минг доллар 1 миллион доллар фойда келтирар экан. Бундан ташқари, замонавий жамият тараққиётининг ўзига хос хусусияти — меҳнатни интеллектуаллаштириш ҳисобланади, шундай экан, мазкур соҳани устуворликлар доирасидан чиқариш жаҳоннинг илгор мамлакатларидан орқада қолишга олиб келади.

*Ижтимоий таъсир* шундан иборатки, шахсни шакллантириш, индивидуал ва ижтимоий онгнинг шаклланиши кўп жиҳатдан айна шу таълим муассасаларида амалга оширилади, таълим, маданий-маърифий хизматлар кўрсатиш орқали жамият маънавий бойлигига бойлик қўшилади.

Олий мактаб, аввало, мамлакат иқтисодиётига таъсир ўтказади.

Таълим муассасасининг мамлакат иқтисодиётига, жумладан минтақа иқтисодиётига таъсири йўналишларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- **Иқтисодий йўналиш.** Давлат сезиларли даромадга эга бўлади, чунки таълим муассасасининг мавжудлиги анчагина қўшимча молиявий ресурслар оқиб келишини таъминлайди. Бундан ташқари, талабалар ўз даромадининг кўп қисмини мазкур минтақада сарф қилганлари учун бу жойда пул тушуми кўпаяди. Меҳнат бозорининг аҳволи юқори малакали мутахассислар сонининг ошиши томон ўзгаради, бу ўз навбатида, мазкур минтақада улар рақобатбардошлигини оширади ва уларга талабни кучайтиради. Демак, юқори малакали меҳнат билан боғлиқ иш ўринлари миқдори ҳам ошади. Ишлаб чиқариш тизимида ҳам илм талаб технологияларни яратувчи ва улардан фойдаланувчи ташкилот ва фирмалар кўпайиб, ўзгариш юзага келиши мумкин.

- **Демографик йўналиш.** Таълим муассасасининг мавжудлиги аҳоли сонини ва ҳаракатчанлигини оширади. Бундан ташқари талабалар таркиби аҳоли тузилишига ижобий таъсир ўтказади.

- **Ижтимоий йўналиш.** Халқнинг турмуш даражаси яхшиланади, фаровонлиги ошади, аҳоли саводхонлигининг ўсиши эса жиноятчилик кўрсаткичи пасайишига олиб келади.

- **Маданий йўналиш.** Таълим муассасалари жамиятнинг маданий ва ахлоқий савияси ошишига сабаб бўлади ва маданий ҳаётни янада жонлантиради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан ОТМлари ўз молиявий сиёсатини белгилашда ва тижорат ҳисоби асосида фаолиятини ташкил этишда катта эркинликларга эга бўлдилар. Бугун бозорда улар таклиф этишлари мумкин бўлган хизматларни ўзлари мустақил белгилайдилар. Мазкур хизматлар нархи ва сифатининг асосланганлиги ОТМ фаолиятининг самарадорлигига, унинг обрўсига ва оқибат натижада, унинг иқтисодий барқарорлигига бевосита таъсир этади. Шу билан бирга, олий мактабнинг фаолияти жамият ҳаётига, мамлакат иқтисодий ва сиёсий аҳволига биринчи даражали таъсир кўрсатиши-

ни ҳисобга олиб, мазкур соҳа давлатнинг бевосита ва қаттиқ назорати остида туради. Бу бир томондан, олий таълим стандартлари талабларини бажариш билан боғлиқ қатъий тавсияларда намоён бўлса, иккинчи томондан, таълим муассасалари тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан муайян тарзда Қонунчиликда белгиланган даражада ривожлантиришни рағбатлантиради.

**Таълим муассасаларини бюджетдан молиялаштириш механизми давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатига боғлиқ тарзда бюджетларни тузиш ва ижро этишининг ягона қоидаларидан фойдаланишга асосланган.**

Таълим инсон омилига инвестициядир. Жамият ва давлат бундай инвестициялардан манфаатдор, чунки таълим даражасини ошириш иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади, ижтимоий муаммоларни юмшатади. Шунинг учун ҳам таълимга йўналтирилган молиявий ресурсларнинг салмоғи устувор ҳисобланади.

Молия-кредит механизмининг таркиби, умуман олганда, қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- молия-кредит муносабатларини ташкил этиш шакллари, усуллари ва тамойиллари;
- қонунчилик билан тартибга солиниши;
- режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш тизими.

Мазкур бўғинлар мустақил фаолият кўрсатишига қарамай, улар бир-бири билан боғлиқ ва алоқадордир. Молия-кредит механизми таркибий қисмларининг ички боғлиқлиги унинг амал қилиш самарадорлигини белгилаб берувчи биринчи даражали ва ажралмас шартли ҳисобланади.

Молия-кредит механизмини ташкил этишининг турли шакллари, яъни бюджетдан молиялаштириш, банк орқали кредитлаш ва ўз ўзини молиялаштириш шакллари билан молия-кредит муносабатларининг амал қилиш жараёнида бир вақтнинг ўзида баравар фойдаланилади. Улар бир-бирини тўлдиради, шунга кўра, уларни оқилона уйғунлаштириш ҳам бутун хўжалик механизмининг, ҳам улардан фойдаланиш муайян соҳасининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу таъсир этиш усуллари маълум меъёр ва мезонлардан, шунингдек, муассасага тегишли бўлган фондларни шакллантириш шартлари ва тартибларидан иборатдир.

Молия-кредит механизмининг амал қилиш тартиби қуйидаги таркибий элементларни ўз ичига олади: *ҳуқуқий тартибга солиш; режалаштириш; бошқариш; назорат.*

*Ҳуқуқий тартибга солиш* молия-кредит муносабатларини ташкил қилиш масалалари бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни кўзда тутаяди. Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қоидаларни ўрнатиш бир қатор давлат идораларининг ваколатидаги фаолият ҳисобланади. Ҳуқуқий тартиблаш ёрдамида молия-

кредит сиёсатини муваффақиятли юритиш, молия-кредит механизмининг аниқ ишлаши учун зарур шароит яратиш мумкин бўлади.

*Режалаштириш, бошқариш ва назорат* молия-кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Мазкур аппаратнинг ўзига хос хусусиятлари тарихий, иқтисодий ва сиёсий шароитларга боғлиқ. Унинг таркиби ва тузилиши мамлакатнинг давлат қурилишига мувофиқ белгиланади. Иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичига унинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи муайян молия-кредит механизми тўғри келади. Молия-кредит механизми етарли даражада динамика бўлиб, фақат ўзгаришларга мойил бўлибгина қолмай, балки мунтазам такомиллаштириб боришга ҳам муҳтождир. Демак, молия-кредит механизмини ташкил қилишда давлат унинг молия-кредит муносабатларидаги муайян вазиятга тўла мос келишини таъминлашга ҳаракат қилиши лозим. Бунга ҳўжалик тараққиётининг умумий тенденцияларини тўлиқ ва ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали эришилади, бу эса бошқарув органларининг фаолият доирасига киради.

Молия-кредит механизми амал қилишининг ўзига хос жиҳатларини тўлиқ кўриб чиққан ҳолда, олий таълим молия-кредит механизми тузилишини тадқиқ этишга киришамиз.

Мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси олий мактаби анча заиф молиявий базага эга эди, яъни давлат томонидан амалга ошириладиган бир каналли молиялаштириш тизими мавжуд эди. Эндиликда олий таълимни молиялаштириш тизимидаги вазият тубдан ўзгарди. Албатта, давлат ОТМларини молиялаштиришда давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг салмоғи катта, лекин бугунги кунда молиялаштиришнинг янги, бюджетдан ташқари манбалари ҳам вужудга келди ва кенгайиб бормоқда.

Жаҳон амалиётида бюджетдан молиялаштиришни молиялаштирувчи субъектлар бўйича – республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш сифатида таснифланади.

Олий таълим муассасаларининг молиявий ресурслари икки асосий манба: **давлат бюджети** ва **бюджетдан ташқари маблағлар** (2-чизмага қаранг) ҳисобидан шаклланади.

Олий таълим муассасасининг бюджетдан тўланадиган харажатларини ҳисоб-китоб қилишнинг асосида қуйидаги ишлаб чиқариш (оператив-тармоқ кўрсаткичлари) ётади: талабалар қабул гранти миқдори; талабалар контингенти (сони); таълим муассасаси моддий-техника базасининг ҳажми. Профессор-ўқитувчи лавозимлари сонини ва шу асосда тегишли иш ҳақи фондиди аниқлаш учун бир ўқитувчига белгиланган талабалар сонига кўра белгиланган меъёр қўлланилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан *назорат* қилиш харажатларни уларнинг гуруҳлари ва моддалари бўйича ажратилишида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини молиялаштириш манбалари



*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1999 йил 14 декабрдаги 414-сонли Қарори, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан муаллиф томонидан тайёрланди.

Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида 1999 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини белгилаб берди. У қуйидагиларни назарда тутади:

– бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

– бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратиш;

– иш ҳақи ва унга тенглаштирилган туловларни, иш ҳақига қўшимчалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаган ҳолда бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида бюджет ташкилотларини нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини жорий этиш;

– бюджетдан маблағ билан таъминлашни бюджет ташкилотларининг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини кенгайтириш билан бирга қўшиб олиб бориш;

– бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Юридик шахс мақомига эга бўлган таълим муассасаларининг 414-Қарор бўйича кўзда тутилган қўшимча даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобига олиниши мумкин:

– фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш;

– бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни ўзга ташкилотларга ижарага бериш;

– юридик ва jisмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами.

Бу маблағлар бюджет ташкилотига ташкилотга тегишли бўлган «*Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси*» деб номланувчи фондда жамланади.

Молиялаштиришнинг янги тартиби бюджетдан ташқари фаолиятдан қўшимча даромад олувчи олий таълим муассасаларини давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва йигимларнинг барча туридан озод этиш ва бўшаган маблағларни таълим муассасаларининг моддий-техника ҳамда ижтимоий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтиришни кўзда тутади.

Кейинги йилларда бюджет амалиётидаги ўзгаришлар, «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонуннинг (2004 йил 26 август, №664-II сон) қабул қилиниши ва бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш механизмнинг ўзгариши муносабати билан амалдаги 414-сонли Қарорга 2007 йил 19 июль 148-сон Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан қатор ўзгартиришлар киритилди. Унга мувофиқ, газна ижросига ўтган бюджет ташкилотларининг харажатлари Молия вазирлигининг Ҳазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона газна ҳисоб рақамидан, шунинг-



дек, сметада кўрсатилган харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳудудий газначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш даврида таълимнинг молиявий базасини соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши ижтимоий соҳа давлат учун энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолиши, давлатнинг бош ислоҳотчилиги, ижтимоий соҳани молиялаштиришда давлат бюджети устуворлигини инкор қилмаган ҳолда *бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш* ҳисобига молиялаштиришнинг янги манбаларидан фойдаланиш бўлиб ҳисобланади. Бу чора фақат ўтиш даври шароити тақозосига кўра Ўзбекистон учун зарурат эмас, балки умуман дунё миқёсида олий таълимни ривожлантиришнинг объектив қонуниятидир.

ОТМларига улар ихтиёрига берилган давлат мулкidan фойдаланиш ҳуқуқининг бириктириб қўйилиши бу мулкдан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун катта имкониятлар очиб беради ва бу энг таъсирчан усул ҳисобланади. Таълим муассасаларига бириктирилган моддий ресурслар негизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ОТМлари бюджетдан ташқари фаолиятининг муҳим йўналишидир.

Олий таълим муассасалари ўзининг бюджетдан ташқари фаолияти натижасида олган маблағлар (асосан, молиявий ресурслар)дан фойдаланишда кенг эркинликка эгадирлар. Бу фаолиятнинг самаралилиги таълим муассасалари фаолияти учун мутлақо янги бўлган *молиявий активларни бошқариш* билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу фаолият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси томонидан бошқарилади. Маркетинг хизмати ОТМлари раҳбарлари учун бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқади ва жорий этади, вазирликнинг масъул ходимлари, иқтисод масалалари бўйича проректорлар, маркетинг хизмати ходимлари иштирокида жойларда семинарлар ўтказади, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, сарфлаш ва бу фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича бошқа ишларни амалга оширади.

ОТМларининг бюджетдан ташқари фаолияти асосий турларини куйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

**1. Таълим хизматлари соҳаси:**

- тўлов-контракт асосида таълим бериш;
- олий таълим муассасаларига киришга тайёрлаш;
- корхоналар билан шартномалар асосида мутахассисларни тақсимлаш;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш (Малака ошириш факультетлари (МОФ) ва институтлари (МОИ));
- иккинчи олий маълумот бериш;
- турли бизнес-мактаблар ташкил этиш;
- чет тилларни жадал ўқитиш курсларини ташкил этиш;

– махсус сертификатлар олиш учун курсларда қўшимча таълим бериш (дастурчилар, бухгалтерлар, аудиторлар ва бошқалар);

– жисмоний ва юридик шахслар учун пуллик маслаҳат(консультатив хизмат)лар ташкил этиш;

– қисқа муддатли пуллик курслар ва семинарлар ташкил этиш. Консалтинг хизматлар, юридик хизматлар.

## **2. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти:**

– хўжалик шартномаси асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

– консалтинг ва маълумот-ахборот фаолияти;

– худудларда юқори технологияларни татбиқ этиш билан боғлиқ фаолият;

– илмий мақсадлардаги ускуналар ва жиҳозлар лизингини ташкил этиш;

– кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга бизнес режалар тузиш, инновацион гоёларни таклиф этиш;

– ҳукумат идоралари, худудий бошқарув органлари ёки тижорат тузилмалари буюртмалари асосида фанлараро комплекс тадқиқотлар олиб бориш;

– кичик бизнесга илмий-техникавий кўмаклашиш;

– илмий-техникавий парклар ва янгиликлар инкубаторларини ташкил этиш;

– тижорат ва хўжалик ҳисобидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари билан яқка тартибдаги шартномалар асосида илмий ишларни бажариш;

– ОТМлари олимларининг кашфиётлари ва ихтироларига патент ва лицензиялар сотиш;

– тижорат фирмалари ва корхоналари билан биргаликда илмий-тадқиқот марказлари ҳамда лабораториялари ташкил этиш;

– хорижий инвесторлар иштирокида қўшма корхоналар тузиш; тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;

– пуллик илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этиш;

– ОТМларининг таълим ва илмий-тадқиқот хизматлари реклама-сини ташкил этиш;

– аудиторлик фаолиятини ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа илмий-ишлаб чиқариш тусидаги инновацион фаолият турлари билан шуғулланиш.

## **3. Ташқи иқтисодий фаолият:**

– хорижий талабалар, аспирантлар, магистрантлар, стажёрларга таълим беришни ташкил этиш;

– хорижий олий таълим муассасалари билан биргаликда қўшма факультетлар ташкил қилиш;

- хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш;
- хорижий жамғармалар билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш дастурларида иштирок этиш;
- Ўзбекистон талабаларини хориждаги олий таълим муассасаларига ўқишга юбориш;
- турли хил хорижий инвестицияларни жалб этиш.

**4. Тижорат фаолияти:**

- дарсликлар, ўқув-услубий ва илмий-оммабоп адабиётлар нашр этиш;
- даврий нашрлар чиқариш;
- реклама фаолиятини ташкил этиш;
- бўш хоналарни ижарага бериш;
- хоналарнинг узоқ муддатли ижараси (лизинги);
- таътил вақтида бўш қолган ётоқхоналарни қисқа муддатли ижарага бериш;
- конференциялар ва пуллик машғулотлар ўтказиш учун конференц-залларни, аудиторияларни ижарага бериш;
- ўқишдан ва ишдан ташқари вақтда тантанали маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун ошхоналарни ижарага бериш;
- талабалар, ходимлар ва аҳолига турли пуллик хизматлар кўрсатиш;
- умумий овқатланиш шаҳобчаларини ташкил этиш;
- ОТМга тегишли соғломлаштириш муассасаларининг пуллик асосдаги даволаш ва соғломлаштириш хизматлари;
- спорт комплекслари ёки стадионлар хизматлари;
- маиший хизматлар (сартарошхоналар, кимёвий тозалаш, кир ювиш, пойабзал таъмирлаш ва ҳ.к.);
- пуллик болалар боғчалари ёки болалар майдончалари ташкил этиш;
- тижорат ташкилотларига олий таълим муассасасининг рамзлари ва реквизитларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

**5. Ҳомийлик:**

- турли мулк шаклидаги корхона, ташкилот ва фирмалардан ҳомийлик маблағларини жалб этиш;
- хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш (капитал таъмирлаш, ўқув биноларини безаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва ҳ.к.);
- ускуналарни бепул бериш (аудио-видео ва компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ёзув қоғозлари ва ҳ.к.);
- кутубхона фондиди тўлдириш (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, каталоглар, бадий адабиёт ва ҳ.к.);
- хорижий инвестицияларни жалб этиш (кичик босмахоналар, автотранспорт, ўқув-лаборатория ускуналари, ўқув адабиётлари).

**6. Олий таълим муассасалари Васийлик кенгашининг Ривожлантириш жамғармаси:**

Васийлик кенгаши низом мажбуриятларига мувофиқ ОТМни ривожлантириш жамғармасини шакллантириши мумкин. ОТМнинг Васийлик кенгаши жамғармаси қуйидагилар ҳисобига ташкил топади:

- давлат корхоналарининг кўнгилли бадаллари;
- турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари;
- фуқароларнинг кўнгилли хайриялари;
- хорижий инвесторларнинг кўнгилли ҳомийлик бадаллари;
- Васийлик кенгашининг хорижий фирмалар билан тузган қўшма корхоналар фаолиятдан келадиغان даромадлар;
- тижорат банклари ёки бошқа молия институтлари томонидан берилган кредитлар;
- Васийлик кенгаши номига келган бошқа тушумлар.

Шундай қилиб, бугунги кунда давлатдан молиялаштириш билан бир қаторда, бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиқувчи олий таълим тизимини ривожлантириш вазифаларини тўлақонли бажаришнинг таъсирчан усулига айланиб бормоқда (3-чизмага қаранг).

Ҳозирги кун ҳақиқати шундан иборатки, таълим муассасасининг молиявий ресурсларга бўлган минимал эҳтиёжини ҳам бюджетдан молиялаштириш эвазига тўлиқ таъминлаб бўлмайди, бу эса унинг харажатларини тўлиқ молиялаштиришда тақчилликни келтириб чиқаради.

Маълумки, республикамызда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш икки босқичда – *бакалавриат* ва *магистратурада* амалга оширилади. Магистратурадаги ўқув жараёнини ташкил этиш қўшимча молиялаштиришни талаб қилувчи қатор ўзига хос жиҳатларга эга. Гап шундаки, магистрантларнинг илмий-тадқиқот, илмий-педагогик, илмий-ишлаб чиқариш ва битируволди амалиёти асосан яқка тартибда олиб борилиши лозим, бу эса қўшимча равишда маблағ сафарбар этишни талаб этади. Бу ҳолатлар молиялаштиришнинг тақчилликни камайтирувчи кўпканалли тизимини жорий этишни тақозо қилади.

Олий таълим тизимида молиявий бошқарув қуйидагиларга асосланади:

1. Давлат (ёки иқтисодиёт тармоқлари) инвестиция дастурларини молиялаштириш.
2. Давлат (республика, маҳаллий) бюджетдан молиялаштириш.
3. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштириш.
4. Васийлик кенгаши ҳамда бошқа ҳомийлар маблағлари ҳисобида молиялаштириш.

Таълим соҳасининг инвестиция дастурлари деганда давлат мақсадли дастурлари ижросини таъминлашга қаратилган давлат бюджети маблағлари эвазига молиялаштирилувчи давлат инвестициялари, иқтисодиётнинг муайян соҳасига кадр тайёрлашга мўлжалланган тармоқ ОТМларининг инвестицион дастурлари, халқаро ташкилотлар инвестиция ресурсларини таълим тизимида жалб этиш кабилар ту-

шунилади. Инвестиция дастурлари асосан 5 йил, 10 йил ёки ундан ҳам кўп муддатни мўжаллаб тузилади, улар асосида ОТМларига капитал қўйилмалар киритилади, ўқув биноларини қуриш ёки капитал таъмирлаш, янги ўқув, илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, талабалар турар жойлари, маданият ва спорт иншоотлари, бошқа бино ва иншоотларни қуриш харажатлари молиялаштирилади.

Давлат бюджетидан молиялаштириш деганда ОТМлар жорий фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан маблағ билан таъминлаш тушунилади. Амалиётда бу харажатлар асосан Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарорига асосан, I гуруҳ (талабалар стипендиялари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар), II гуруҳ (ягона ижтимоий тўлов ва иш ҳақидан бошқа ажратмалар) ва IV гуруҳ (бошқа жорий харажатлар)ни молиялаштириш учун ажратилади.

Таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари деганда, тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларнинг ўқиш учун тўловлари, вақтинча бўш турган бино ва иншоотларни, бошқа асосий воситаларни ижарага бериш, хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини бажариш эвазига тушумлар, ноширлик фаолияти, бошқа шу каби тижорат фаолияти эвазига олинган даромадлар тушунилади.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида Васийлик кенгашлари тузилган ҳамда фаолият кўрсатмоқда. Талабаларнинг ота-оналари, кадрлар истеъмолчилари бўлган корхоналар раҳбарияти, таълим муассасасининг собиқ битирувчилари ва бошқа ҳомийлар мазкур кенгаш аъзолари бўладилар. Васийлик кенгаши таълим муассасасига қўшимча маблағ жалб этишнинг самарали воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизимида молиявий бошқарувнинг концептуал асослари ОТМлари бошқарувида, шу жумладан, молиявий бошқарувида давлат устуворлиги билан белгиланади. Амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳам давлат таълим соҳасида ўзининг устувор ролини сақлаб қолган бўлиб, бу ўқув-услубий таъминот, аттестация ва аккредитациядан ўтказиш, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш қабиларда намоён бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида соҳа бошқарувида давлат устуворлиги янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ислохотларнинг «ўзбек модели» деб ном олган ва жаҳон эътироф этган моделининг 5 тамойилларидан бири — давлат устуворлиги тамойили яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда ва ўзгаришларга бой ҳозирги кунларда ҳам унинг долзарблиги янада ошиб бормоқда.

Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини бошқаришда энг асосий йўналиш таълим тизимига инновация-

ларни жорий этиш, янги техника ва технологиялардан фойдаланиш, иқтисодийни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнларида таълим муассасаларининг иштирокини фаоллаштиришдир. Бунда илмий-тадқиқот ишларини замон талаби даражасида ташкил этиш, ишлаб чиқариш билан интеграциялашув даражасини ошириш, янги технологияларни, жумладан, нано-технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тузиш ва амалиётга жорий этиш талаб қилинади, бунинг натижасида педагог кадрларнинг илмий-тадқиқотларда кенг иштирокини таъминлаш ҳисобига илмий салоҳиятни ошириб бориш билан биргаликда, кўшимча маблағлар ишлаб топиш, профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш имкониятлари кенгайди.

Замон талаби даражасидаги кадрларни тайёрлаш, уларнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлаш эса ўз навбатида мамлакатимиз ОТМларида таълим сифатини халқаро стандартлар талаби даражасида ташкил этилишини тақозо қилади. ISO-9001 стандарти айнан мана шу сифат менежменти тизимларидан энг кенг тарқалган ва халқаро миқёсда тан олинган тизимдир.

Олий таълим муассасаларида сифат менежментини ISO-9001 стандарти талаби даражасида ташкил этиш ОТМларнинг ўқув-услубий ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлашни талаб қилади. Бу эса жаҳон меҳнат бозоридаги рақобатга бардош бера олувчи кадрларни, шу билан бирга, «юртимизнинг эртанги кунни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшлар»<sup>1</sup>ни, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашнинг зарурий шартидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида давлат таълим сиёсати Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг кўпканалли тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилади, шу билан бирга, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларда давлат устуворлиги таъминланади.

## 1.2. Таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш

Давлат таълим муассасаси бюджет ташкилоти ҳисобланади, ваколатли давлат идоралари томонидан «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ таълим ва ижтимоий-маданий функцияни амалга ошириш учун тузилади ва тўлиқ ёки қисман давлат бюджетидан молиялаштириштирилади.

Кадрлар тайёрлашга бўлган давлат буюртмаси грант асосида таълим олувчилар сони таълим муассасасига бюджетдан маблағ ажратиш

<sup>1</sup> Каримов. И. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Конституция қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи» / 6 декабр 2009 й.

учун асос бўлади, унга асосан таълим муассасасига бюджет маблағи ажратилади.

Таълим муассасасини бюджетдан молиялаштиришнинг меъёрий негизи «Таълим тўғрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарори каби қонунчилик ҳужжатларидан иборат. Булар таълим муассасаси ички молиявий оқимини тартибга солиди ҳамда харажатлар меъёри ва раҳбарлар ҳуқуқини белгилайди. Таълим муассасасининг раҳбарлари белгиланган қоидалар доирасида тартибга солувчи буйруқлар ва фармойишлар бериш ҳуқуқига эга-дирлар.

Жаҳон амалиётида таълим муассасасининг бюджети атамаси кенг қўлланилади, бу иборага қуйидагича таъриф бериш мумкин — тегишли қоидалар асосида таълим муассасасига бириктириб қўйилган пул маблағининг ҳосил бўлиш ва сарфланиш шакли. Бюджет таълим муассасасига умумий ёки қисман юридик шахс ҳуқуқи берилган айрим бўлинма учун алоҳида молиявий ҳисоб-китоб қилиш бўйича ажратилган ички бўлинма учун тузилади. Мамлакатимизда таълим муассасаси бюджети деганда уларнинг сметалари тушунилади.

Бюджет тизимининг учта босқичи фарқланади:

- умумтаълим муассасаси миқёси;
- алоҳида бўлинма миқёси;
- айрим ишлар, айрим талбир, айрим объект миқёси.

Таълим муассасасини молиялаштириш учун маблағ давлат тузилмаларидан (**давлат маблағи**), корхоналар ва хусусий фуқаролар (**нодавлат маблағлар**)дан келиши мумкин.

Бюджетни таснифлаш давлат тизими бўйича харажат ва даромад моддаларини гуруҳлаб амалга оширилади. Таълим муассасаси бюджет тизимининг бирлиги ҳуқуқий негизнинг бирлигини таснифлашнинг ягона тизимидан, ҳужжатларнинг ягона ҳисобот ва режа шаклидан фойдаланиб, умумий бюджетни тузиш учун таълим муассасалари бошқарув даражаси бўйича зарур статистика ҳисоботи тақдим этиш йўли билан таъминланади.

Таълим муассасаси бюджет тизими бирлиги турли даражалар даромадига тушумлардан ва бошқарувнинг анча юқори даражаси мақсадли ҳисоб рақамига тушумлардан ажратмалар белгиланган меъёрлари орқали бюджетлар ўзаро ҳаракати билан чекланади.

**Таълим муассасасининг бюджет даромадлари**, меъёрий ҳужжатга биноан тасдиқланган смета асосида давлат бюджети ҳисобидан ажратилган пул маблағларидир.

**Таълим муассасаси харажатлари**, таълим муассасасининг белгиланган смета доирасида гуруҳлар кўзда тутилган харажатларни қоплашга бўлинмалари йўналтирилган пул маблағларидир.

Давлат буюртмасига мувофиқ ажратилган маблағ харажатлар алоҳида моддалар гуруҳи бўйича чеклаб қўйилади. Маблағни ресурслар-

нинг турлари бўйича қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди. Бу стипендия фонди, иш ҳақи, таълим муассасасини ривожлантиришга қўйилган капитал ва жорий харажатларга ажратилган маблағларга тааллуқлидир.

Корхона ва муассасалар таълим муассасасига қайтармаслик шarti билан ускуна ва материалларни, бино ва иншоотларни, транспорт ва техника воситаларини, молиявий ресурсларни бериш мумкин. Таълим муассасаси бу тур маблағларни мустақил тарзда тасарруф этади.

Таълим муассасаси оператив бошқарувда ер майдонларидан, бинолар, ускуналар ва унга давлат бюджетидан ажратилган, шунингдек, корхоналардан ҳамда фуқаролардан ажратилган ёки бошқа манбалар ҳисобидан сотиб олинган барча моддий ресурслардан фойдаланади, уларни тасарруф этади.


Таълим муассасалари олган маблағларига исталган корхонадан ёки хусусий шахсдан ўзи учун зарур бўлган ускуналарни ёки моддий ресурсларни харид қилиши, ижарага олиши, буюртма бериш, пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга.

Илмий фаолиятни амалга ошириш учун олинган давлат (нодавлат) маблағларидан фойдаланиш тартибини, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилладиган улушни таълим муассасаси мустақил белгилайди. Шу билан бирга, олинган фойда таълим жараёнини ривожлантиришга, шу жумладан, турли илмий-техникавий жамғармалари тузиш ва ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш ва бошқалар орқали инвестиция қилиниши мумкин.

Таълим муассасасининг давлат молиявий маблағлари бюджет ҳисоби Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан назорат қилинади, белгиланган қоидалар эса бу маблағлардан мақсадли бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланишга йўл қўймайди. Бюджет маблағларидан *мақсадли бўлмаган* тарзда фойдаланиш бўлиб, уларни олиш шартларига номувофиқ ёки таълим муассасаси ички бюджет тузилиши қоидаларига хилоф йўналишларга сарфлаш ҳисобланади. Масалан, бюджет маблағини аввал олинган тижорат кредитини қоплашга йўналтириш молиявий қоидага хилоф ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаси стипендия ва иш ҳақи тўлаш учун маблағ тушмай қолганда бюджетдан ташқари манбаларни жалб эта олмайди.

Таълим муассасаси кундалик фаолияти мобайнида бюджет маблағини ректор тақсимлайди, шунингдек, таълим муассасасининг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга мансабдор шахслари, тўлиқ ёки қисман молиявий мустақилликка эга таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ҳам маълум даражада бюджет маблағини тақсимлаш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин, мазкур мустақиллик айна мақсад бўла олмайди. Бўлинма ва уларнинг раҳбарлари, мустақилликка эга бўлгач, ҳам ўз бўлинмасининг, ҳам умуман таълим муассасасининг ривож-





Манба: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» материаллари асосида тайёрланди.

ланиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Молиявий мустақиллик бўлинма мақсадларини, унинг бошқа бўлинмалар билан ўзаро муносабатлари шартларини, умуман таълим муассасаси муваффақиятини таъминлаш мажбуриятларини аниқлаштиришни кўзда туғувчи ўқув-илмий фаолият дастурини қабул қилиш билан уйғунлашган бўлиши керак.

Таълим муассасаларига бериладиган молиявий мустақиллик молиявий лимитни белгилаш билан мувофиқлаштирилади. Булар айрим бўлинма учун харажатлар чегаравий ҳажми сифатида, фаолият йўналиши ёки харажатлар моддаси сифатида вақт оралиғи (ойлик, чораклик, йиллик) бўйича белгиланади. Лимитлар таълим муассасаси ресурслари ёки мақсадли жалб этилган маблағлар асосида белгиланади. Лимитлар бўлинмалар, фаолият йўналишлари ёки харажатлар моддаси бўйича харажатлар ойлик миқдорини чеклаб қўйган тарзда бир йилга белгиланади (бўлинмалар бюджети тақсимоли лимитлари таълим муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади).

Бюджетдан фойдаланиш самарасини ошириш олий таълимни молиялаштириш тизimini такомиллаштиришнинг зарур шартларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан билим даражасини ошириш, молия маблағларини шакллантириш ва сарфлашнинг самарали шакли ва тартибидан фойдаланишни, уларни амалда жорий этишни бажариш айниқса муҳимдир.

1-жадвал

**Ўзбекистонда давлат бюджети харажатлари таркибида таълим харажатлари улуши динамикаси**

Кўрсаткичлар	2007	2008	2009
Давлат бюджети жами харажатлари	100,0	100,0	100,0
Ижтимоий-маданий соҳаларга харажатлар	47,3	45,0	47,0
Таълимга харажатлар	32,6	31,6	32,6
Давлат бюджетидан таълим харажатларининг ЯИМ даги улуши	7,3	6,8	7,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2007–2009 йиллар кўрсаткичлари асосида тузилди.

2-жадвал

**Давлат бюджетининг ижтимоий соҳалар харажатлари таркибида таълим соҳасига харажатларининг ўрни**

Кўрсаткичлар	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Ижтимоий-маданий соҳаларни сақлаш харажатлари (аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларисиз)	100,0	100,0	100,0	100,0
Таълим	67,3	69,0	69,6	69,5
Соғлиқни сақлаш	25,9	25,2	25,5	25,2
Фан, маданият, ОАВ, спорт	4,6	4,0	3,9	3,8
Ижтимоий таъминот	0,9	0,8	1,0	0,9
Ижтимоий маданий соҳалардаги бошқа харажатлар	1,3	0,9	–	–

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2007–2009 йиллар кўрсаткичлари асосида тузилди.

### 1.3. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизimini бюджетдан молиялаштириш хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини бюджетдан молиялаштиришнинг тартиби бюджетларни тузиш ва улардан фойдаланиш ягона қондасига эга бюджет тизими ўзаро боғлиқлигига асосланган. Барча олий таълим муассасалари, баъзи бир академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади.

Маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасалар,

академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари молиялаштирилади. Олий таълим муассасасини молиялаштириш ҳар бир таълим муассасаси тури бўйича давлат белгилаган меъёрга мувофиқ амалга оширилади. Бу тур таълим муассасаларини молиялаштириш тизими икки манбадан ташкил топади: давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида таълим муассасалари молиялаштиришнинг янги тартиби — харажатлар моддалари бўйича маблағ ажратишга ўтказилди. Жорий этилган бу янги тартиб улар мустақиллигини кенгайтирди ва шу билан бирга, масъулиятини ҳам оширди. Бундан ташқари, молиялаштириш тартибини соддалаштириб, таълим муассасаси ходимлари меҳнатини рағбатлантириш учун шароит яратди.

Меъёрлар бўйича ягона рўйхатдан молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш таълим муассасаларига қуйидагилар ҳисобига ривожлантириш фондини шакллантириш ҳуқуқини берди:

— режавий бюджетдан молиялаштириш ҳисобига тушадиган тежалган (фойдаланилмаган) ва ҳисобот даври охирида бюджет ташкилоти ҳисоб рақамида қолган маблағ;

— таълим муассасаси соҳасига оид фаолият бўйича товар ишлаб чиқариш ва сотишдан (ишлар бажариш, хизмат кўрсатишдан) келган даромад;

— юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган беғараз, ҳомийлик ёрдами.

Молиялаштиришнинг янги тартибида бюджетдан ташқари фаолиятдан қўшимча даромад олган ўқув юртлари давлат бюджетига олинadиган барча солиқ ва йиғимлардан (2010 йил 1 январдан бошлаб беш йил муддатга) озод қилинди. Тежалган маблағлар мақсадли йўналтирилиб, ўқув юртининг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантиришга қаратилди.

Ўзбекистонда академик лицейлар ва касб коллежлари тармоғини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида «1999–2005 йилларда академик лицейлар ва касб коллежлари моддий-техника базасини ривожлантириш ва молиялаштириш дастури» қабул қилинди. Унга кўра 2010 йилда 1600 академик лицей ва касб коллежи ишга тушиши керак. Буларда 1,5 млн. ўқувчилар таълим олади. Бюджетдан ажратмалар, маълум даражада бюджетдан ташқари жамғармалар, корхона ва ташкилотлар, ҳомийлар, чет эл кредитлари мазкур дастурни молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади. Чет эл инвестициясини жалб этиш алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун қуйи бўғин мутахассислар тайёрловчи касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун Осиё тараққиёт банкидан 150,0 млн. АҚШ доллари, OESP (Япо-

ния)дан 200,0 млн. АҚШ доллари, ЕDCF (Корея)дан 35,0 млн. АҚШ доллари миқдориди инвестиция жалб этилди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш доирасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

— таълим муассасаларини замонавий ўқув мебеллари, жиҳозлари, ашёлар ва аппаратлар билан таъминлаш;

— республикада ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш таълим муассасаларини техникавий, дастурий ва дидактик таълим воситалари билан жиҳозлаш саноатини барпо этиш;

— жаҳон даражасидаги таълим стандартларига эришиш;

— таълим муассасаси ихтисослиги бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашга имкон берувчи, айниқса, таълим муассасалари таркибидаги академик лицейлар негизиди таълимнинг янги шакллари ни татбиқ этиш;

— узлуксиз таълим тизими молиявий-иқтисодий негизини мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатидаги таълим вазифаларини ҳал этиш устуворлиги.

Ҳозирги шароитларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишдан ташқари таълим муассасалари ўз шахсий ташаббусини кенг қулоч ёйдирмоқда, ортиқча тижоратлаштиришга йўл қўймаган ҳолда молиялаштиришнинг қўшимча манбаини жалб этиш бўйича фаолиятини кенгайтирмоқда, чунки таълим жамиятнинг интеллектгуал ва маънавий салоҳиятини шакллантирувчи ижтимоий институт ҳисобланади.

#### 1.4. Таълим тизимида молиявий бошқарувни ташкил этиш бўйича хорижий тажрибалар

Иқтисоди ривожланган хорижий мамлакатларда олий таълимни молиялаштиришнинг ҳажми ва усуллари бир қатор омилларга кўра белгиланади:

— мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси;

— олий таълим олдига мамлакат ва унинг раҳбарияти қўядиган вазифалар;

— миллий анъаналар;

— олий таълим муассасаларини тузиш, ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хослиги.

Мана шу каби барча ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда таълим тизимини молиялаштиришнинг миллий модели шаклланади.

Япония юқори даражадаги олий таълим моделига эга, давлатнинг ЯИМ даги таълимга бўлган харажатлари улуши сезиларли даражада паст. Олий таълим АҚШ, Канада ва Швецияда ҳамма учун очиқ, бу — мамлакат раҳбариятининг сиёсати, бу — миллий анъана. Агар Европа мамлакатлари, хусусан Франция, Германия олий мактабни бюджет ҳисобидан сезиларли даражада молиялаб ва давлат

томонидан назорат қилиб, бозорнинг таъсиридан ҳимоя қилса, АҚШда олий таълим анъанавий тарзда федерал ҳукуматдан мустақил, бозор тузилмалари билан мунгазма алоқада, ҳатто давлат таълим муассасалари ҳам пулли. АҚШнинг олий таълимга харажатлари шундай оқилона даражага эришганки, ундан ошиб кетса, таълим муассасаси автономлиги ва ташқи ўзгаришларга бўлган акс таъсири шубҳа остида қолади.

Фарб мамлакатларидаги ОТМ фаолияти билан боғлиқ сарфлар ҳукумат грантлари, талабалардан таълим учун олинадиган ҳақ, тижорат фаолияти туфайли олинадиган даромадлар каби манбалардан қопланади. Турли мамлакатларда улар нисбати турлича бўлиб, вақт-вақти билан ҳар бир мамлакатда бу нисбат ўзгариб туради. Таълим муассасаси талабаларининг ўзлари ҳам кундалик сарф-харажатларини ўзлари кўтардилар. Бунинг учун қуйидаги имкониятлар мавжуд: *отаналарининг маблағи; ҳукуматдан олинган индивидуал грант; талабаларга тарқатиладиган махсус заёмлар; қўшимча даромадлар*. Шунини таъкидлаш жоизки, тизимдан, жамиятдан ёки қайси мамлакатлигидан қатъий назар харажатлар у ёки бу тарзда қуйидаги тўрт манбадан олиниши мумкин: **ота-оналар, талабалар, солиқ тўловчилар ва таълим муассасаси**. Юқорида қайд этилган молиялаштириш манбалари икки гуруҳга ажралади: давлат ва хусусий.

Кўпгина чет эл мамлакатлари бюджетни мувозанатлаштириш мақсадида давлат харажатлари ҳажмини қисқартиришга ҳаракат қилади. Фарбий Европада молиялаштириш ҳукумат грантидан очиқ-ойдин ОТМнинг тижорат фаолиятидан ёки таълим учун тўловдан келадиган даромад томон силжимоқда. Германия каби мамлакатларда таълим учун тўлов амалда номинал тарзда, Буюк Британияда эса анча сезиларли даражада, лекин кўпчилик мамлакатларда бу харажатларнинг оғирлиги талаба истиқомат қиладиган туман ёки шаҳар ҳокимияти зиммасига тушади, ҳукумат таълим муассасаларига таълим учун мустақил ҳақ белгилашни таъқиқлайди.

Ҳозирги пайтда бу тизим ўзгаришга учрамоқда ва тез орада кўпгина Фарб мамлакатларида таълим учун ҳақ тўлашни таълим муассасаларининг ўзлари белгилайди ва молиялаштириш асосан талабалар томонидан амалга оширилади. Мўлжал қилишларича, бу ҳол таълим даражасини кўтаришга имкон беради, чунки талабалар ўзлари танлаган таълим муассасаларига юқори талаб қўядилар, улар эса, ўз навбатида таълим жараёнига юқори эътиборни қаратадилар. Ҳамон талабалар олий таълим тизимида асосий таълим хизматини талаб қилувчилар экан, келгусида ўз иш ҳақлари ошишини кутишлари мумкин, бутун дунёда таълим харажатларини улар ўзлари молиялаштиришларини адолатли ҳисоблайдилар. Ўртача олганда анча юқори меҳнат унумдорлигини ва умуман аҳоли анча юқори даромадини таъминловчи меҳнат ресурслари таълим даражасини ошириш ҳисобидан жамият фақат ютади, бу — таълимга кетадиган харажатлар бир қисми-

ни ҳукумат молиялаштириши маъқул эканлигининг яққол далилидир. Амалда, кейинчалик мунозаралар ҳукумат ва талабалар (уларнинг ота-оналари) томонидан туланидиган бадалларнинг адолатли нисбатида жамланади. Кўпгина Ғарб мамлакатларида ҳозирги пайтда бу нисбат кўпроқ талабалар ҳисобидан молиялаштириш ва камроқ ҳукумат ҳисобига бўлиш томон оғмоқда. Шундай қилиб, талабаларни индивидуал тарзда бюджетдан молиялаштиришнинг пасайиши юз бермоқда, бу ўз навбатида талабалар эндиликда таълим харажатлари кўп қисмини ўз зиммаларига олишлари керак деганидир.

Баъзи мамлакатларда талабаларга кредит бериш ривожланмоқда. Талабалар учун молиявий вазиятни кескинлаштиришнинг оқибат натижаси ўз таълими учун харажатларнинг бир қисмини ўз иш ҳақлари ҳисобидан молиялаштиришга интилиш бўлди. Бу ўқув муддати узайишига ва таълимнинг анча мослашувчан моделига талабнинг юзага келишига таъсири сезилмоқда. Аммо таълим учун талабалардан олинadиган ҳақ, ҳатто, АҚШдаги давлат таълим муассасаларидаги таълимга сарфларнинг фақат 20%ини қоплайди, холос (хусусий таълим муассасаларида 33%). Қолган сарфлар давлат ва хусусий манбалардан молиялаштирилади. Кўплаб мамлакатларда олий таълимни давлат молиялаштиришини лимитловчи бюджет тақчиллиги йилдан-йилга сақланиб қолмоқда. Шунинг учун таълим муассасаларига молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излаб топиш ҳуқуқи берилди ва бунда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади.

Тижорат фаолияти қуйидаги шаклларда олиб борилади:

- университет майдонлари ва жиҳозларидан конференциялар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказишда фойдаланиш;
- таълим муассасалари кўрсатадиган хизматлар ёки уларга тегишли ердан фойдаланувчи фирмаларни тузиш;
- таълим муассасаси мутахассисларининг тижорат компанияларига консултациялар бериши;
- аҳолига қўшимча таълим хизмати кўрсатиш;
- буюртма асосида илмий-тадқиқот ишларини бажариш ва бошқалар.

Бухгалтерия ва солиқ ҳисоботи қонунийлигини таъминлаш учун фаолиятнинг бундай тури таълим муассасаларига тўла тааллуқли бўлган тижорат фирмалари томонидан олиб борилмоқда. Университетларга даромад келтирувчи самарали тизимни барпо этиш йўлида амалий қийинчиликлар, масалан, фойдани таълим муассасалари ва фирмалар ўртасида тақсимлаш вужудга келади. Маълумки, агар университет фойдасининг ҳаммасига эга чиқса, бундай университетда ҳеч ким фирма очмайди. Таълим муассасаларига тижорат фаолиятдан келадиган фойда қайта инвестицияга йўналтирилса, бундай ҳолларда таълим муассасаларига берилadиган солиқ имтиёзи сезиларли аҳамият касб этади.

Бино, лаборатория, кутубхона, компьютер марказига қўшимча сарфларсиз ва профессор-ўқитувчиларни қўшимча жалб қилмай талабалар қабулини ошириш таълим муассасалари самарадорлигини оширишнинг энг осон йўли ҳисобланади. Буни фақат таълим муассасасининг жалб этилган ходимлари маъқуллагандагина оқлаш мумкин. Бироқ, кўпгина университетларнинг профессор-ўқитувчилар таркиби илмий-тадқиқот фаолиятида қатнашадилар ёки тадқиқот институтлари билан боғланганлар, бундай ёндашув чекланган имкониятга эга. Объектив сабабларга кўра университетнинг бошқа функцияларини чекламай туриб ўқитувчилар юкмасини ошириш мумкин эмас: талабалар сони фақат қўшимча ресурслар ҳисобигагина оширилиши мумкин. Мана шунинг учун, масалан, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда таълим тизими жуда қимматга тушган усулда кенгайтирилган — мутлақо янги таълим муассасалари (асосан университетлар) бунёд этилган.

Анча кейинроқ қуйидаги тадбирларга асосан мутахассислар етиштиришга эътибор қаратилди:

- курслар муддатини қисқартириш;
- академик йилни, ёзги таълимни ҳам қўшиб ошириш;
- масофали ўқитишни кенгайтиришдан фойдаланиш;
- катта гуруҳларда маъруза ўқиш (бу махсус аудиторияларсиз мумкин эмас).

Бу тадбирлардан кўплари ҳали кўриб чиқиш ёки илк жорий этиш босқичида, лекин уларнинг муҳокама этилишини ўзиёқ Фарбдаги расмий фикр қайси йўналишда ривожланаётганини кўрсатади. Бунга шубҳа йўқки, баъзи мавжуд ёндашувлардан тезда бошқа давлатларда ҳам кенг фойдаланилади. Шуниси аниқки, етарлича ресурслар билан ёрдам бермай таълим муассасаларига самарадорликни ошириш учун тазйиқ ўтказиш ҳам таълим, ҳам институтлардаги тадқиқотлар сифатининг пасайиш эҳтимолини оширади. Мана шунинг учун самарадорлик анча тез суръатлар билан ошиб бораётган мамлакатларда вақт-вақти билан ҳам таълим, ҳам илмий жараёни баробар баҳолашга ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Буюк Британияда, масалан, бундай баҳолашлар натижасида таълим муассасаларига уларни яхшилаш хусусида тавсиялар берилибгина қолмай, балки бюджет соҳасида ҳам маълум силжишлар юз берди. Хусусан, бунда барча таълим муассасаларни рейтинг асосида баҳолаш амалга оширилмоқда ва ҳар йили бир тойфадаги университетлар гуруҳини миллий даражалаш жадвали эълон қилинади. Юқори рейтингга эга таълим муассасалари ёки таълим сифати учун анча юқори балл олганлари қўшимча молиялаштиришга сазовор бўладилар.

Бюджет маблағи ҳаддан зиёд тежаладиган Япония тажрибасига мурожаат этайлик. Япония таълим тизими мамлакат умумбюжети учун нисбатан арзон тушмоқда: Япония ҳукуматининг таълимга қиладиган сарфи ялпи миллий маҳсулотнинг 5,5–6%ини ташкил этади,

**Иқтисоди ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасаларида  
ўқиш учун тўлов миқдори тўғрисида маълумот**

T/p	ОТМ номи	Web-сайти	Ўқиш учун тўлов миқдори			
			иқтисод	ҳуқуқ-шунос	тиббиёт	ахборот технологиялари
<b>АҚШ, минг \$</b>						
1.	Harvard University	www.college.harvard.edu	37,012	37,012	37,012	37,012
2.	Princeton University	www.princeton.edu	35,340	35,340	35,340	35,340
3.	Yale University	www.yale.edu	36,500	36,500	36,500	36,500
4.	California Institute of Technology	www.caltech.edu	34,584	34,584	34,584	34,584
5.	Massachusetts Institute of Technology	web.mit.edu	37,782	37,782	37,782	37,782
6.	Stanford University	www.stanford.edu	37,881	37,881	37,881	37,881
7.	University of Pennsylvania	www.upenn.edu	38,970	38,970	38,970	38,970
8.	Columbia University	www.columbia.edu	41,316	41,316	41,316	41,316
9.	University of Chicago	www.uchicago.edu	39,381	39,381	39,381	39,381
10.	Duke University	www.duke.edu	38,975	38,975	38,975	38,975
<b>Буюк Британия, минг фунт стерлинг</b>						
11.	Oxford	www.ox.ac.uk	13,450	11,750	24,500	13,450
12.	Cambridge	www.cam.ac.uk	9,747	9,747	12,768	12,768
13.	Imperial Collge	www.imperial.ac.uk	10,500	22,200	23,800	20,400
<b>Россия Федерацияси, минг Россия рублида</b>						
14.	М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети	www.msu.ru	220,0-320,0	250,0	220,0-320,0	220,0-320,0
15.	Санкт-Петербург давлат университети	www.spbu.ru	136,0-196,0	136,0-196,0	136,0-196,0	136,0-196,0
16.	Россия Халқлар дўстлиги университети	www.rudn.ru	82,8-288,0	108,0-324,0	36,0-234,0	67,6-91,0
17.	Томск давлат университети	www.tsu.ru	31,0-45,0	30,0-45,0	45,0	45,0
18.	Ростов давлат университети	rsu.ru	40,0	40,0	40,0	80,0
19.	Қозон давлат университети	www.ksu.ru	43,2-55,2	37,2-57,0	29,4-55,2	29,4-55,2

Манба: <http://colleges.usnews.rankingsandreviews.com/best-colleges/national-universities-rankings>



АҚШда бу кўрсаткич 7,1% ни, Буюк Британияда эса 7,7% ни ташкил этади. Шунга қарамай япон ўқувчилари ва талабалари кўпгина кўрсаткичлар бўйича бошқа мамлакатлардаги тенгдошларидан ўзиб кетган. Кўринадики, япон таълим тизимининг асосий устунлиги иқтисодга институционал ўзига хосликка, хусусан, давлат ва хусусий шўъба нисбатига ва таълим муассасаларини молиялаштиришнинг ўзига хослигига бориб тақалади: *нодавлат шўъбанинг аҳамияти бошланғич таълимдан олий таълимга томон ошиб боради.*

Японияда олий таълим элитар, яъни барча хоҳловчиларга очик эмас. У ҳам давлат, ҳам хусусий таълим муассасаларига таянади. Япония ҳукумати таълим соҳасини олий мактаб тизимига қолдиради: давлат университетлари, асосан, табиий-илмий, муҳандислик фанлари бўйича мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланган ва шуғулланмоқда; нодавлат университетлар, қоидага кўра, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган. Кўрамизки, давлат кўп сарф талаб этадиган ихтисосликка эга бўлишни таъминлайди — маълумки, замонавий муҳандисни тайёрлаш, айтишлик ҳуқуқшунос ёки иқтисодчини тайёрлашдан кўра қимматга тушади. Шундай қилиб, таълим тизими таълим тизимидаги бозорнинг ноқобиллигидан ўзини муҳофаза қилади. Ваҳоланки, хусусий таълим муассасалари кўп сарф талаб ва назарий фанлар билан боғлиқ ихтисосликларни эгаллашга қўйилган бошланғич маблаглар қайтмаслиги хавфи туфайли имконият яратмай қўйиши мумкин.

Давлат таълим стандартларини шундай белгилайдики, нодавлат шўъбасида харажатлар минимал даражага келади, бу таълим учун ҳақни пасайтиради, нодавлат олий таълимга талабни оширади. Оқибат натижада нодавлат университетларининг сони кўпаяди. Бунга дотация сиёсати ҳам, қиммат тушмайдиган ихтисосликка ўқитиш учун лицензия бериш ва ўқитувчи малакасига талаб анча паст эканлиги ҳам кўмаклашади. Бу иш ҳақини тежаш, хусусий университетларда битта ўқитувчига тўғри келадиган талабалар миқдори кўп бўлишига имкон беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, япон таълим тизими ўз муваффақияти учун ҳам ҳукумат бошқарув тузилмаси даражасиди, ҳам давлатнинг ўзидаги ва нодавлат таълим муассасаларидаги *менежментлик маданияти* юқорилигидан миннатдор бўлса арзийди.

Таълим муассасаларини молиялаштиришнинг асосий манбалари (давлат ва хусусий манбалар)га қайтиб олий таълим тадқиқотчилари консорциум ва ЮНЕСКОнинг Олий таълим бўйича Европа маркази (СЕПЕС) экспертлари фикрини келтириш ўринлидир. Улар соф давлат ёки мутлақо хусусий тарзда таълим муассасаларини молиялаштиришдан кўра *аралаш молиялаштириш* анча самарали ҳисобланади, деган хулосага келганлар. Бу ҳам давлат, давлат, ҳам хусусий таълим муассасалари учун бирдек самаралидир. Шу маънода АҚШ таълим муассасаларини молиялаштириш тизими эътиборга молик.

Тарихан Америкадаги илк коллежлар хусусий корпорациялар тарзида шаклланган. Улар давлатдан мутлақо мустақил тарзда ўз таълим сиёсати, стандартлари ва тартибларини ишлаб чиққанлар. Аммо Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда давлат таълим муассасаларидаги талабалар миқдори муттасил ошиб борди. Агар 1950 йилда барча талабаларнинг 49%и хусусий коллеж ва университетларда таълим олган бўлса, кейинчалик давлат маҳаллий коллежлари тармоғининг кенгайиши туфайли нисбат ўзгаради: давлат таълим муассасаларидаги талабалар улуши 78% дан ошади.

Олий маълумот тўғрисидаги диплом берувчи АҚШдаги 3500 таълим муассасасининг ярмидан кўпроғи — хусусий корпорациялар, уларда масъулият ҳомийлар зиммасига юклатилган бўлиб, улар машҳур собиқ битирувчилар ва бошқа филантропик ёрдам кўрсатувчилардан иборат. АҚШ даги машҳур тадқиқот университетларининг кўпчилиги — Гарвард, Стэнфорд, Стел, Чикаго университетлари ва бошқа ном қозонган коллежлар, хусусан, Амхерст, Уилямс ва Каретондагилар хайрияларнинг сезиларли қисмини оладилар ва юқори мавқега эгадилар. Бу уларга таълим учун юқори даражада ҳақ олиш имконини беради.

Кейинги ўн йилликларда АҚШдаги хусусий таълим муассасаларининг сони давлатта қарашлиларникидан кўра тезроқ ошиб борди, аммо улардаги талабалар сони, биринчи галда, таълим учун ҳақ юқорилиги, шунингдек, давлат таълим муассасаларида ҳам айна бир хил диплом олиш мумкинлиги туфайли қисқариб кетади. Бундан ташқари, АҚШ хусусий таълим муассасалари ўз ҳажмига кўра давлатникидан анча кичиқдир.

Америка таълим муассасаларини молиялаштириш беш асосий манбадан амалга оширилади:

- федерал бюджет, штат бюджети ва маҳаллий ҳокимиятдан ажратиладиган маблағлар;
- таълим ва хизматлар учун талабаларнинг тўловлари;
- таълим муассасасининг ўз фаолиятдан оладиган даромадлари;
- филантропик ташкилотлар ва айрим хусусий шахслар хайриялари;
- хусусий ташкилотлар ва шахслар тузган махсус жамғармаларда тўпланган маблағлардан фоизлар.

Давлатнинг олий таълимга ёрдами таълим муассасаси умумий даромадининг ўртача 40–45% ни ташкил этади ва қуйидагича тақсимланади: федерал ҳукумат бюджетидан — 10–15%, штатлар бюджетидан — 25–30%, маҳаллий ҳокимият бюджетидан — 2–5%.

Федерал ёрдам, Америкалик мутахассислар хулосаси бўйича фойда олиш мақсадида эмас, балки зарурат туфайли шаклланган ва ҳозирги даражасига таълим бевосита миллий манфаатларга хизмат қилиш ва миллий қадриятнинг аҳамиятли элементи эканлигига кўра эришади.

Шуни айтиш жоизки, олий таълимнинг давлат ёки хусусий шўъбаси кўп ёки кам самаралилиги хусусида бирдек маълумот ва далилларни учратиш қийин.

Хусусий таълим муассасаларига нисбатан кўпроқ эгалик қилувчи мамлакатлар ҳам асосан давлат таълим тизими шаклланган давлатлар эришган натижаларни қўлга киритмоқда ва аксинча, хусусий таълимнинг кенг тарқалиши на иқтисодда, на таълим соҳасида анча қониқарли натижаларга олиб келмаяпти.

Таълимнинг ижобий натижалари, одатда, ташкилий тарздаги олимлар билан боғлиқдир. Муаммо шундаки, хусусий шўъба динамизминини жорий этишга муваффақ бўлиш учун давлат таълим тизими бошқаруви, йўл қўйилмаган ҳолда, демократик тавсифини йўқотишига тўғри келади. Бу муаммо таълим муассасалари мустақиллиги, улар фаолияти натижалари устидан назорат тўғрисидаги масалага яна қайтишни тақозо этади.

Шундай қилиб, кейинги ўн йилликлардаги машҳур университетлар умумжаҳон йўналиши олий таълим иқтисодидаги қуйидаги умумий йўналишни белгилаш имконини беради:

1. Европадаги кўпгина мамлакатларда кейинги бир неча йиллар мобайнида нисбатан, айрим жойларда, мутлақо **олий таълимни молиялаштиришнинг пасайиши** юз берди. Бу ҳол Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги умумий иқтисодий пасайиш билан боғлиқ. Дунёдаги йирик университетларнинг барчаси ўз сарфларини фақат ижтимоий соҳалардагина эмас, балки ўз профессорларини хизмат сафарига юбориш ва таклиф этилганларни қабул қилишда ҳам қисқартирмоқдалар. Масалан, Германиянинг фахри бўлган Гейделберг университети барча ўқув-илмий лабораториялари мунтазам таҳлилини, у университетга қандай фойда келтириши нуқтаи назаридан ўтказди (ўзини оқламаган айрим лабораториялар ёпилади).

2. **Ривожланган мамлакатлар кўнчилигининг таълим муассасалари** давлат томонидан молиялаштириладиган ўқув-илмий ва маданий марказдан тобора кўпроқ, корхона барча хусусиятларига эга бўлган **бозор иқтисодиётининг иқтисодий субъектига айланмоқда**; шу жумладан, таркибий бўлинмалар самаралилиги ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш олиб борилмоқда; университетларда таълимнинг қўшимча иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган турли шакллари **нинг сони кўпаймоқда**, илмий тадқиқотлар эса тобора амалий хусусият касб этмоқда ва фирмалар ёки хусусий жамғармалар томонидан молияланмоқда; таълимнинг турли шаклларида мутахассислар тайёрлаш таннархи бўйича фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда, таълим учун ҳақ тўлашнинг табақалаштирилган вариантлари кўриб чиқилмоқда.

3. **Таълим муассасалари таклиф этаётган қўшимча таълим хизматининг кескин ўсиши**, шу жумладан, таълим муассасасини тугатгандан кейин ҳам таълим хизмати кўрсатиш. Бу жараёни давлат ҳам

рағбатлантирмоқда, чунки юқори малакали мутахассисга эҳтиёж юқоридир, бундан нодавлат шуъбаси ҳам манфаатдор, чунки ўз ходимлари малакасини ошириш эҳтиёжи ҳам сезиларли даражада ошмоқда. Таълим муассасалари ҳам, хусусан, иқтисодий жиҳатдан, кўшимча таълим кўрсатиш тизимини ривожлантиришдан манфаатдор АҚШда, масалан, таълим муассасалари диплом олгандан кейинги таълим ва кўшимча таълим хизмати кўрсатишдан бакалавриятдан келадигандан кўра кўпроқ даромад оладилар.

4. **Таълим муассасаларининг тобора кўпроқ мустақил бўлишга интилиши**, хусусан, шундай асосланади, яъни таълим муассасалари борган сари давлат томонидан камроқ даражада, кўпроқ эса таълим муассасаси ўзи ишлаб топган маблағ ҳисобига молияланмоқда, бу давлат томонидан назоратнинг кучайиб бориши билан мутаносибланмоқда. Таълим муассасаси фаолияти устидан мунтазам назорат қилиш тартиби яратилмоқда. АҚШда давлат, масалан, аккредитацияланган турли (касбий ёки ҳудудий) агентликлар ишини рағбатлантиради, Францияда таълимни баҳолаш бўйича махсус Миллий қўмита тузилган.

**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб хорижий олий таълим муассасаларини молиялаштириш тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.**

АҚШнинг Стенфорд университети 2008 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида ўз эндаументи (университет фаолиятини молиялаштириш учун ташкил этилган махсус фонд, яъни университет бюджети)ни 25 фоизга қисқартиришга мажбур бўлди. Университет 2009 йилда ўрмонлар ва бошқа кўчмас мулкларини сотиш эвазига кўшимча 1,0 миллиард АҚШ долари миқдоридаги маблағни жалб қилишни режалаштирган.

Агар инвесторлар томонидан қизиқиш билдирилса, университетнинг бошқарувчи компаниyasi — Stanford Management умумий суммаси 5,0 миллиард АҚШ долларини ташкил қилувчи бошқа кўчмас мулкларини ҳам савдога қўйишни режалаштирган.

Стенфорд университетининг эндаументи 12,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этади ва АҚШдаги энг катта эндаументлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Сўнги йилларда АҚШдаги кўплаб университетлар ўз маблағларини кўчмас мулкларга инвестиция қўйишга сарфлаган эдилар, бу акцияларни сотиб олишга нисбатан кўпроқ фойда келтиради деб ҳисоб-китоб қилинган эди, лекин жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бу каби активлар нархининг кескин пасайиб кетишига олиб келди. Масалан, АҚШнинг Гарвард университети 2008 йилда деярли 8,0 миллиард АҚШ долларига тенг суммада зарар кўрган, бу эса 37,0 миллиард АҚШ долларига тенг суммадаги университет эндаументининг 29 фоизини ташкил этган.

Бу каби ҳолат АҚШдаги бошқа университетлар фаолиятида ҳам кўзга ташланади.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг қўллаб мамлакатларида қуйидаги белгиларига кўра тавсифланувчи таълимнинг аралаш молиялаштириш модели шаклланди:

- бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан молиялаштириш механизми биргаликда фаолият кўрсатади;
- молиялаштиришнинг турли каналлари (манбалари)дан фойдаланилади;
- таълимни молиялаштиришда турли даражадаги ҳукумат бошқаруви (умумдавлат, минтақавий, маҳаллий) органлари қатнашади;
- таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва бошқаруving демократик тамойилларини қўллаш имкониятлари ортиб боради.

Бюджетдан сметали молиялаштириш механизмларининг устуворлиги таълимни молиялаштиришнинг замонавий аралаш модели учун хос бўлган асосий хусусиятлардан бири бўлиб ҳисобланади, у таълим соҳаси учун давлат устуворлиги билан изоҳланади.

Таълимни молиялаштириш механизмининг давлатга йўналтирилганлиги таълимни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва институционал базасини яратишда давлат ҳал қилувчи, белгилаб берувчи аҳамиятга эга. Жумладан, давлат таълимни узоқ муддатли ривожлантириш дастурларини, концепцияларини, доктриналарини ва бошқа муҳим қонун ҳужжатларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди, амалиётга татбиқ этади ва мониторингини амалга ошириб боради.

Давлат таълим хизматлари бозорини тартибга солиш бўйича ягона тартиб-қоидаларни жорий этади, таълим стандартларини, бюджетдан молиялаштириш меъёрларини, таълим сифати устидан давлат назоратини ва таълим соҳасидаги харажатларни молиялаштириш устидан молиявий назоратни амалга оширади.

Таълим соҳасини молиялаштириш бўйича халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қўллаб мамлакатларда даромадлар ва харажатлар сметалари асосида беғараз (қайтарилмаслик шарт билан) давлат асигнованияларини ажратиш механизми устувор бўлиб ҳисобланади. Мазкур механизмнинг ижобий жиҳатлари даромад манбаларининг барқарорлиги билан изоҳланади, бу эса жамият молиявий ресурсларини солиқ механизми ёрдамида бюджетда жамлаш имкониятлари билан белгиланади. Бюджетдан сметали молиялаштиришнинг салбий жиҳатлари эса ресурсларни кўпроқ сарфлашга йўналтирилганлиги, мойиллиги билан изоҳланади.

Шу билан бирга, олий таълимни молиялаштириш моделларининг ўзгарувчанлигини ҳам эътироф этиш зарур. Ҳозирда бутун дунёда унинг самаралироқ модификацияларини қидириб топиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда, таълимга сарфланган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш йўллари ўрганилмоқда.

Ҳозирги кунда иқтисоди ривожланган давлатларда ЯИМ таркибида таълим харажатлари улуши ўртача 5,9 фоизни ташкил этади.

Мамлакат иқтисоди ривожланган деб эътироф этилиши учун унинг ЯИМ таркибида таълим харажатлари улуш 4-6 фоизни ташкил этиши талаб қилинади. Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 7,2 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисоди ривожланган мамлакатларда ўрта таълим деярли тўлиқ давлат ва жамоат маблағлари ҳисобига молиялаштиририлади, барча болалар ва ёшларнинг ўрта таълим олишлари таъминланади. ЯИМ таркибида олий таълимга харажатлар улуши ўртача 1,3 фоизни ташкил этади. Олий таълимга харажатлар таркибида жамоат ва хусусий сектор улуши мос равишда ўртача 78,6 ва 22,4 фоизни ташкил қилган, бунда жамоат сектори дейилганда давлат ва корпоратив секторлар харажатлари назарда тутилган.

Европа мамлакатларида олий таълимга харажатлар таркибида жамоат сектори улуши иқтисоди ривожланган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга нисбатан юқорироқ, Японияда пастроқ (ўртача 50% атрофида), АҚШда — 34%, Австралияда — 51,0 %, Канадада — 61,0 %, Исроилда — 56,5 фоизни ташкил этган. Ривожланаётган давлатларда олий таълимга харажатлар таркибида давлат сектори улуши нисбатан паст даражада, масалан, Чилида — 18,3 %, Индонезияда — 43,8 %, Филиппинда 34,4 фоизни ташкил қилган.

Таълимни бюджетдан молиялаштириш модели тараққиётининг замонавий тенденциялари бюджет ассигнованияларини шахсга йўналтирилган ҳолда (подушевое финансирование — жон бошига тақсимотдан келиб чиқиб молиялаштириш) тақсимлаш усулидан тобора кенгроқ фойдаланилиши билан изоҳланади. Мазкур усул бюджет маблағларини таълим муассасалари — бюджет ташкилотлари ўртасида эмас, балки таълим хизматларининг истеъмолчилари — фуқаролар ўртасида тақсимлаш ҳамда уларнинг тасарруфида бўлган бюджет маблағлари учун ўқув муассасалари ўртасида квазибозор рақобат муҳитини яратишга, яъни, «пул маблағлари ўқувчи орқасидан боради» деган тамойилга асосланган.

Олий таълим тизимини персоналлашган ҳолда молиялаштиришда давлат бюджети маблағларини давлат таълим кредитлари ёки бошқа шу каби усулларда абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари ҳошиштакларига қараб тақсимланиши механизмини ҳам идеал деб айтиб бўлмайди. Сабаби, абитуриентлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам касб танлаётганларида меҳнат бозоридаги бугунги ҳолатдан келиб чиқиб қарор қабул қиладилар. Бунда оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

Абитуриент бугун «обрули» бўлган касбни танлайди, давлат унинг танловидан келиб чиққан ҳолда таълим кредитларини тақдим этса, кадрлар асосан маълум бир соҳалар бўйича тайёрланиши таъминланади, жамият учун ўта зарур бўлган, ҳозирча аҳоли ўртасида «обрули» деб ҳисобланмайдиган баъзи бир соҳаларда эса келажакда кадрлар етишмовчилиги келиб чиқади. Бу ҳолат келажакда маълум бир касблар билан шуғулланувчи маҳаллий кадрлар етишмай қолиши,

охир-оқибатда шу қасблар билан шуғулланиш учун хориждан кадрлар таклиф қилиш ёки маҳаллий кадрларни хорижга ўқишга жўнатиш мажбуриятини келтириб чиқариши, пировард натижада давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Олий таълим тизимида таълим хизматлари истеъмолчилари — *абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари* ҳамда бу хизматларни тақдим этувчилар — *олий таълим муассасалари* манфаатларига риоя қилиниши билан бирга, соҳага давлат бюджети маблағлари ҳам сарф қилинаётганлиги сабабли, умумдавлат манфаатлари, жамият манфаатлари ҳам ҳимоя қилинишини таъминлаш зарур.

Шу сабабли, давлат молиявий ресурслари олий таълим соҳасига йўналтирилаётганда нафақат таълим хизматлари истеъмолчилари бўлган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари манфаатлари, балки умуман жамият манфаатлари, узоқ муддатли истиқболдаги иқтисодий тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар, кадрлар тайёрлаш тизимининг, жумладан, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимининг мазкур ўзгаришларга мосланувчанлигини таъминлаш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 августдаги 237-сонли қарори олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўлаб-қувватлаш йўлидаги навбатдаги қадам бўлди. Мазкур қарор билан Вазирлар Маҳкамаси 2008-2009 йиллар мобайнида ОТМларга берилган бюджетдан ташқари даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик фарқларни қоплаш учун ажратилган умумий суммаси 38,6 млрд. сўм бўлган фойсиз бюджет ссудалари ҳисобдан чиқарилди.

### Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. «Бюджет», «Давлат бюджети», «Бюджетдан ташқари маблағ» тушунчалари мазмунини очиб беринг.

2. Агар талабалар таркиби 1600 нафарни ташкил этса, бир ўқитувчига 15 талаба тўғри келиши белгиланган 1 млн. 700 минг сўм бўлса, ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш фонди ойига таълим муассасасида лавозимдан ташқари ходимлар, компьютерлар билан жиҳозланган лаборатория, ўзининг болалар боғчаси, келаси йилга капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлса таълим муассасаси бюджет харажатларини қандай ҳисоблаш мумкин?

Ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун тилга олинган элементлар етарлими? Нима етишмайди? Бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотлар харажати функционал тузилишига мувофиқ таълим муассасаси бюджет элементлари ниманинг ҳисобидан шаклланишини эсланг, етишмаётган маълумотларни келтиринг (рақамлар мазкур қўлланмадаги 2-иловадан олиниши мумкин) ва топшириқни бажаринг.

3. Таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолияти қайси йўналишлар бўйича амалга оширилади?

4. Таълим муассасаси бюджетнинг даромадлари ниманинг ҳисобига ташкил топади?

5. Таълим муассасаси бюджет тизимининг тамойилларини тавсифлаб беринг.

6. «Бюджет», «Бюджет тизими даражаси», «Таълим муассасаси бюджет даромади», «Бюджет тақчиллиги» тушунчалари моҳиятини очиб беринг.

7. Таълим муассасаси режавий молия бюджети қандай элементлардан ташкил топади?

8. Тасаввур қилинг, сиз таълим муассасасининг ректорисиз. Давлат бюджетидан таълим муассасаси ходимлари иш ҳақи ва талабалар стипендиялари учун 9600,0 минг сўм ажратилди. Бюджет тақчиллиги ҳам шунча. Агар таълим муассасаси тезда капитал таъмирловга муҳтож бўлса, буюртма қилинганга анча бўлган жиҳозлар келган бўлса, ҳомий эса ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, шуларни ҳисобга олган ҳолда маблағларни жалб қилиш бўйича сизнинг ҳаракат режангиз қандай бўлади? Ўз ҳаракат ва қарорингизни шарҳланг.

9. Таълим муассасасини молиялаштириш қайси бюджетдан амалга оширилади?

10. Чет эл инвестицияси нима? Агар таълим муассасаси бюджет ташкилоти бўлса, уларнинг таълим муассасасини молиялаштиришга қандай алоқаси бор?

11. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қандай таъсир этади? Бу дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш билан олий таълимда қандай янгилик юзага келди? Нима учун Таълим Миллий моделини амалга ошириш таълим доирасидан четга чиқиш демоқдалар? Ишончли далиллар келтиринг.

12. Чет элда олий таълимни молиялаштириш усулини танлашни белгилловчи омилларни айтинг?

13. Олий таълимни молиялаштириш манбалари қандай, хусусан, Фарбадаги университетларда?

14. Англия таълим муассасаларини молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг.

15. Молиялаштиришнинг Япония тизими афзалликлари нимада? Фикрингизни далиллар билан асосланг.

16. АҚШ молиялаштириш тизими ҳақида нималарни биласиз?

17. Чет элда олий таълимни молиялаштириш усулини танлашни белгилловчи омилларни айтинг?

18. Олий таълимни молиялаштириш манбалари қандай, хусусан, Фарбадаги университетларда?

19. Англия таълим муассасаларини молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг.

19. Англия таълим муассасаларини молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг.

20. Молиялаштиришнинг Япония тизими афзалликлари нимада? Фикрингизни далиллар билан асосланг.

21. АҚШда таълимни молиялаштириш тизими ҳақида нималарни биласиз?



## **II БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

### **2.1. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари**

Узлуксиз таълим замонавий тизимнинг фаолият юритиши ва ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ислохотлар муваффақиятининг, жамият маънавий янгиланишининг мажбурий шартидир. Таълим тизимидаги ислохотларнинг ҳуқуқий меъёрий-ҳуқуқий асоси бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилганидан буён 10 йилдан зиёд вақт ўтди. Таълим тизими бошқарувини такомиллаштириш ҳамда умумтаълим ва касб-ҳунар дастурлари мазмунини мукаммаллаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Таълим иқтисодиётида ҳам туб ўзгаришлар бўлди. Шу билан бирга, олий таълим тизимида иқтисодиёт, инвестиция, бошқарув, маркетинг, таълим хизматлари ва инновациялар бозори муаммоларини тадқиқ этиш каби ўзининг илмий ва амалий ечимини кутаётган бир қатор вазифалар долзарблигича қолмоқда.

Таълим иқтисодиёти соҳасининг кўлами жуда кенг бўлиб, умуман олий таълим тизимининг ва ҳар бир таълим муассасасининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштириш шакл ва механизмлари хусусиятлари, молиявий ва моддий ресурсларни бошқариш, инвестиция жараёнлари, маркетинг, олий маълумотга эга кадрларни тайёрлаш, таълим хизматлари бозорини ривожлантириш, ОТМларни ишлаб чиқариш, бандлик ва меҳнат бозори билан иқтисодий ўзаро муносабатлари ва интеграцион жараёнларини қамраб олади.

Олий таълим тизимига бозор муносабатларининг жорий этилиши нафақат хўжалик субъектларига, балки таълим субъектларига ҳам тадбиркорлик фаолиятининг кенг доираларини очиб беради. Ҳозирги даврнинг энг муҳим хусусияти тор ихтисослашган таълимдан инсонга тез ўзгараётган технологияларга осон мослашиш имкониятини берувчи фундаментал таълимга юз тутишдир. Бу таълим муассасалари хизматларига бўлган талабни оширади. Шу туфайли ОТМ раҳбарияти мазкур муассасаларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга, қўйилган вазифаларни бажариш имкониятини берувчи энг қулай механизмларни танлашда асосланган қарорларни қабул қилиш зарурияти пайдо бўлади. Бу ерда гап, биринчи навбатда, бюджет маблағларини тежамли тақсимлаш, ишлатиш ва инвестицияларни жалб этиш маҳорати ҳақида боради.

Ҳозирда баъзи мутахассислар олий таълимни тижоратлаштириш зарур деб таъкидлайдилар, бошқалари эса ҳаддан зиёд тижоратлаштириш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайдилар. Бизнингча, олий таълим тизимидаги мазкур жараёнлар ўртасида мақбул мувозанатни танлаш тўғри бўлади.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида молиявий маблағларга муҳтожлик ошиб бормоқда, бунинг учун ҳукуматни махсус қарори билан олий таълим тизимини давлат инвестиция дастури асосида, хорижий инвестициялар ҳамда ҳомийлар маблағларини жалб этиш-ни кучайтириши талаб қилинади. Шу билан бирга, давлат буюртмаларига асосан илмий ишланмалар яратиш, аҳолига қўшимча таълим хизматларини кўрсатиш, ҳомий маблағларини жалб этиш ва албатта, талабаларни, жумладан, хорижий талабаларни тўлов шартнома асосида ўқитиш ҳисобидан тушадиган маблағларни жалб этиш орқали олинган молиявий воситаларни ишлатиш имкониятини беради.

Олий таълимни бюджетдан молиялаштиришнинг устуворлиги уни ресурс, ахборот, кадр базасини мустаҳкамлаш, маблағларни тизимли мониторинг қилиш ва ишлатилишининг оқилона назорат қилиш имконини беради. Бу жараёнда, иқтисодий муносабатларни тартибга солиш механизмини давлат амалга оширади. Мазкур муаммони ҳал қилиш йўллари таълим тизими ривожини тартибга солувчи умумий ҳужжатларда, жумладан олий таълимга тегишли «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида кўрсатилган. Бошқача қилиб айтганда, таълим ўз ҳужалигининг шакл ва механизмларини қандайлигидан қатъий назар ўзининг бош ижтимоий вазифасини бажариши лозим.

Таълим тизимида яна бир долзарб муаммоларидан бири — инвестиция жараёнларини ривожлантириш, жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда жаҳонда фойдали қўлданилиш мақсадида тўпланган маблағларнинг улкан ҳажми мавжуд, Ўзбекистонда эса инвесторлар учун муҳит, шароит ва ҳуқуқий асослар яратилган.

Ҳукумат таълим соҳасига киритилаётган хорижий сармояларга катта аҳамият беради. Кадрларни тайёрлаш миллий дастури бир қатор халқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунга қарамадан бу соҳада, хусусан олий таълим соҳасида бево-сита ва портфель хорижий сармояларнинг динамикаси камтарона бўлиб қолмоқда. Бугун биз глобаллашаётган дунёда яшамоқдамиз ва сўзсиз глобаллашув жараёнлари мамлакатимиз таълимининг иқтисодийётида, хусусан олий таълим тизимида намоён бўлиши шубҳасиз.

Глобал муҳитда рақобатбардош бўлмоқчи бўлган давлат муассасалари ҳамда хусусий ташкилотлар ўз рақобатбардошлиги устуворликларини қўллаб-қувватлаш ва оширишга имконият берувчи мутахассисларга эга бўлишлари лозим. Бу эса олий таълимга янги талаб, давлат муассасалари ва хусусий корхоналар ходимларини қайта тайёр-

лаш имкониятига эга бўлган курсларга эҳтиёж ошишига олиб келмоқда. «Бутун ҳаёт давомида таълим олиш» иборасини амалга ошириш муглақ зарурият бўлиб қолмоқда ва ОТМлар бу жараёнларда муҳим ўринга эга ҳисобланади.

Ўқитишга келсак, бугунги кунда талабаларни мутахассис сифатидагина тайёрлаш мумкин эмас. Уларни турли соҳа билимларини ишлатиш ёки уйғунлаштиришга, билимнинг бошқа соҳаси вакили бўлган мутахассислар билан самарали ўзаро ҳамкорликка ўргатиш керак.

Кадрлар учун курашда рақобат — бу яна бир бошқа соҳа. Бунда вазифа ОТМлар бир-биридан хизматларнинг кенгроқ тўплами ёки мутахассисларни сифатлироқ тўплаши ёки яна бир бошқа томондан фарқланишидадир. Мазкур пайтда бундай имкониятлар ҳар бир ўқув муассасасида мавжуд.

Ҳозирда мустаҳкам ишонч шаклланди: эртанги кунда ким иқтисодий жараёнларни ташкилаштира, тадқиқ этса ва бошқарса, айнан ўшанга мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлиги боғлиқ бўлади. Хужаликнинг бозор услубларини ўзлаштириш жараёнида иқтисодиёт ва молия, менежмент ва маркетинг соҳасида кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб боради. Цивилизацияланган ва ижтимоий йўналтирилган бозорга ўтиш шароитида фаолият юрита оладиган янги иқтисодий тузилмаларнинг ташкилотчиси ва таъсисчиси бўла оладиган бошқарувчилар керак. Узоқ муддат бу жараён ўқув муассасаларининг ҳар хил турларида ва ишлаб чиқаришда ўқувчиларни тайёрлаш қийматини белгилаб берадиган илмий асосланган меъёрий базанинг, кадрларни тайёрлаш сифати ва ўқитишга бўлган сарф-харажат ўртасида ўзаро боғлиқликни, ўқув муассасасига сарфланадиган молиявий маблағларни ҳисоб-китоб қилиб шакллантиришнинг йўқлиги, ўқув муассасаларини ўқитувчи кадрлар билан етарли даражада таъминланиш йўқлиги билан мураккаблашган.

## **2.2. Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори<sup>1</sup> мазкур соҳа ривожига янги босқични бошлаб берди. Мазкур қарор олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни

<sup>1</sup> «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2011 йил 20 май. № 1533.

замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида қабул қилинган.

Қарор билан 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармаси ташкил этилди.

Юқоридаги қарорлар ва соҳа фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси, олий таълим муассасаларини молиялаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар таълим тизимининг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишини, жаҳон стандартлари талаби даражасида фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501 сонли фармойишига биноан ташкил этилган Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган, 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олган Дастур маъқулланди:

- 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

- юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

- 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган ҳажмлари кўрсаткичлари;

- ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритиладиган олий таълим муассасаларининг рўйхати;

- олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий-тадқиқот лабораторияларининг рўйхати.

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- олий таълим муассасаларининг замонавий ўқув-лаборатория базасини модернизация қилиш ва яратиш;
- ОТМларни замонавий жиҳозлар, компьютер техникалари ва коммуникация тизимлари билан таъминлаш ва ОТМлариаро ягона компьютер тармоғини яратиш орқали ўқув жараёнига компьютер технологияларини жорий этиш;
- олий таълим муассасаларида талабаларнинг яшаши ва спорт билан шуғулланиши, шунингдек, ўқитувчилар фаолияти учун шарт-шароитларни яхшилаш;
- чора-тадбирлар мажмуининг молиялаштиришини ва амалга ошириш мониторингини таъминлаш.

Ўқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талаб қилинадиган мутахассисларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, ўқув жараёнини тубдан яхшилаш, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш;
- профессор-ўқитувчи кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларини такомиллаштириш, уларни моддий рағбатлантириш, илғор хорижий илмий ва таълим муассасаларида ёш истиқболли кадрлар стажировкасини ташкил қилиш.

Қарор билан 2011–2016 йилларда қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлаш бўйича ҳар йиллик манзилый дастурларга киритиладиган ОТМлар ва уларда ташкил этиладиган замонавий илмий-тадқиқот лабораториялари рўйхати ҳамда 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган ҳажмлари кўрсаткичлари тасдиқланган. Жами бўлиб 277098,8 млн. сўм, жумладан 2011 йилда 38853,4 млн. сўм, 2012 йилда 42944,6 млн. сўм, 2013 йилда 56559,7 млн. сўм, 2014 йилда 46255,8 млн. сўм, 2015 йилда 48239,5 млн. сўм ва 2016 йилда эса 44245,8 млн. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Мазкур маблағнинг 192328,6 млн. сўми ОТМларнинг ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва ТТЖларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун, 84770,2 млн. сўми ОТМларнинг ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва ТТЖларини жиҳозлаш, жумладан 16546,4 млн. сўми ОТМлариаро замонавий илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш учун ажратилиши режалаштирилган.

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли амал-

га оширилишини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш учун Махсус комиссия ташкил этилди.

Махсус комиссия зиммасига:

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тақлифларига биноан ҳар йили, молиявий харажатларнинг умумий тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида олий таълим муассасаларининг амалдаги техник ҳолати, шунингдек, ҳар бир олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб, уларнинг бинолари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатларини тасдиқлаш;

- 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш ва ҳар ярим йиллик ҳамда йил якунлари бўйича унинг ижроси натижаларини Вазирлар Маҳкамасига қўриб чиқиш учун киритиш вазифалари юклатилди.

Қарор билан қуйидаги ОТМлар ихтисослашуви ўзгартирилди ва қайта ташкил этилди:

- Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти — Андижон машинасозлик институтига;

- Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти — Наманган муҳандислик-технологик институтига;

- Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институти — Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- давлат бюджети маблағлари;

- замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари;

- халқаро донорлар грантлари, васийлар ва мамлакатимиздаги ҳомийлар маблағлари;

- жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни бажариш учун чет эл кредитлари ва грантларини жалб қилиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифати-

ни тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилишини молиялаштириш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2011–2016 йиллар мобайнида ҳомийлик ёрдами шаклида йўналтирилган маблағлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқарилиши тартиби белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш вазифаси юклатилди. Бунда қуйидагилар кўзда тутилади:

- ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш ва уларга қўйиладиган лавозим талабларини қайта кўриб чиқиш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби тарификациясининг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

- «доцент» ва «профессор» илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш, маскур тизимнинг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг мунтазам равишда ўз малака ва педагогик маҳоратини оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтириш;

- юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган аниқ ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизимини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига илғор халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар негизда ўқув жараёнининг ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан интеграциялашувини янада чуқурлаштиришни назарда тутадиган ўқув-илмий комплекслар ва марказларни ташкил этиш тўғрисида таклиф ишлаб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида таъкидланган қарори билан 2016 йилнинг 31 декабригача 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатлар бўйича республикага олиб кириладиган ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари, илмий-услубий адабиётлар боғхона тўловларидан озод этилди.

### 2.3. Олий таълим иқтисодийтини мустаҳкамлаш истиқболлари

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар, олий таълим тизимида ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш заруриятини белгилаб беради.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «ижтимоий ҳимоя нафақат давлат ташкилотлари ва ҳокимият органлари, ижтимоий ҳимоя муассасалари ва ҳомийлик ташкилотларининг иши бўлиб қолмай, балки бугун жамиятнинг диққат-эътибори марказида бўлиши лозим».

Жамиятнинг бозор иқтисодига ўтиши олий таълим соҳасида молиявий-иқтисодий механизм ташкил қилинишининг янги моделини қабул қилиш ва мустақамлашни талаб қилди. Мазкур механизм тизimini ташкил қилувчи принциплари қуйидагилардир: таълим муассасаларининг хўжалик молиявий мустақиллигини кенгайтириш; молиялаштиришнинг кўп тармоқлиги ва кўп қатламлилиги; бюджетдан ташқари нодавлат мулк олдида давлат мулки устуворлигини тан олиш асосида мулк ва хўжалик муносабатлари тизимининг хилма-хиллиги; ОТМлар ривожланишига ўз табиатида кўра нотижорат тузилмалар мақомини бериш, бунда тижорат ва нотижорат фаолият бир-бирини тўлдириш тамойили ва тижорат фаолияти даромадини нотижорат хўжаликка, яъни бундай фаолиятдан олинган даромадлар таълим муассасаларига қайта сармояланиш тамойилига асосланиши.

Фикримизча, олий таълимни тартибга солишнинг давлат ва бозор услубларини баҳолашдаги ёндашувни мувозанатлаштириш лозим. Давлат механизмнинг ижобий салоҳиятини ЯИМ ўсишига қараб бюджет молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш ва янада ошириш йўли билан фаол ишлатиш мақсади мувофиқ бўлар эди. Таълим эҳтиёжларига мувофиқ мажбурий тўловлар ҳисобидан давлат бюджети доирасида таълимнинг мақсадли фондини яратиш ва шу билан бир қаторда молиявий ресурсларни юришидаги тиниқликни ошириш, олий таълим соҳасида молиявий ресурслар устидан давлат мониторинги механизмини кучайтириш бюджет молиялаштириш барқарорлигининг ишончли кафолатидир. Давлат мулкни олий таълим соҳасида амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий механизмини тартибга солиш зарурияти туғилди.

Бюджет молиялаштириш салоҳиятининг барқарор ўсиши ЯТС (Ягона тариф сеткаси) бўйича тариф ставкаларини ошириш, илмий даража ва эгаллаб турган лавозимига устама ҳақ ва бошқа тўловлар, нафақа таъминотини яхшилаш ва нафақа таъминоти соҳавий тизимини яратиш йўли билан илмий-педагогик кадрлар меҳнат маоши даражасини ошириш муаммосини давлат даражасида ҳал қилишга имконият беради.

Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришгач, ўзининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан, шу жумладан, таълим соҳасида, энг самарали ривожланиши учун тадбирларни фаол изламоқда. Бу муаммони — барча эриша олишини кенгайтириш учун таълим сифати ва самарадорлигини ҳал қилишга таълим муассасалари ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш туфайли таълим муассасаларининг ўқув жараёнини ташкил этиш ва иқтисод



соҳасидаги вазифалари мураккаблашди. Шундан таълим муассасаси ресурсларини турли йўналишлар ва бюджетдан ташқари фаолият турлари ҳамда таркибий бўлинмалар ўртасида хизмат кўрсатиш ҳажминини ошириш мақсадида тақсимлаш ва таълим муассасасининг таълим ҳамда илмий функцияси бир бутунлигини саклаган ҳолда фойдани кейинчалик қайта инвестициялаш зарурати юзага келди.

Давлат таълим муассасаси фаолият кўрсатишини улар хизматининг буюртмачиси ҳисобланган субъектлар учлиги амалга оширади:

- давлат;
- корхона, муассаса ёки ташкилот (юримдик шахслар);
- фуқаролар (жисмоний шахслар).

Ресурс усули, хусусан, молиявий усул таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолиятини бошқаришнинг муҳим усули ҳисобланади. Давлат таълим муассасалари ресурслари ташкиллашуви меҳнат ва моддий ресурслардан юзага келади. Агар янада кенгроқ ёндашиладиган бўлса, яна ресурс имкониятини информацион ташкил этувчи ва ресурсларнинг бошқа турларини айтиш мумкин. Булар муайян маънода иккиламчидир, чунки оқибатда булар, барибир, ходимлар меҳнати ёки улар фаолиятининг моддий атрибути сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан номоддий активларни, уларнинг таркибидаги интеллектуал мулкни фарқлаш зарур. Хусусан, ишлаб чиқариш омили сифатида таълим муассасаси ходимларининг тадбиркорлик қобилиятини ҳисобга олиш талаб этилади.

Ресурслар моддий ҳисмида молиявий ресурслар, биринчи навбатда бюджетдан ташқари фаолият муҳим ўрин тутаети, чунки улар бюджет ресурсларидан фарқли ўлароқ эркин, бир-бирига боғлиқ ҳисобланмайди.

Ўқув илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси сифатидаги таълим муассасалари ресурсларининг ўзига хослиги қуйидагилардан иборатдир:

— номоддий активларнинг сезиларли ва тобора ошиб борувчи аҳамияти;

— лаборатория-тажриба ускуналардан саноатдаги каби интенсив фойдаланишнинг мумкин эмаслиги, унинг ноёблиги, нархи баланд ва ликвид эмаслиги, булар таълим муассасаси маҳсулотининг бозордаги рақобатбардошлигини пасайтиради;

— инсон капитали, яъни илмий-педагог ходимлар нодирлиги, юқори малакаси, бир томондан меҳнат ресурси сифатида нархи юқорилиги, иккинчи томондан талабалардан иборат арзон ишчи кучининг таълим муассасасида мавжудлиги;

— бюджетдан ташқари фаолиятга жалб этиладиган (ҳам меҳнат, ҳам моддий) таълим муассасаси барча тур ресурсларининг чекланганлиги, булар фақат мутлақ бўлибгина қолмай нисбий ҳамдир, чунки, бюджетдан молиялаштириладиган асосан таълим ва илмий жараёнда улардан фойдаланиш устувор ва мажбурий ҳисобланади, бу бюджетдан ташқари фаолиятни ташкил этишни мураккаблаштиради.

Замонавий иқтисод активлар ресурси куйидаги тушунчасидан фойдаланади: асосий, айланма, номоддий.

*Номоддий активлар* — ҳўжалик фаолиятида узоқ вақт мобайнида фойдаланиладиган ва даромад келтирувчи номоддий объектларга қўйилмалар. Моҳиятига кўра бу ўтказилган тадқиқотлар ва ишланмаларнинг натижалари, ҳўжалик оборотига жалб этилганлар, баҳо қийматига эга бўлиб, улар номоддий активга айланади. Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги қоидаларига асосан номоддий активлар таркибида қуйидагилар ҳисобга олинади: ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи, патентлар, лицензиялар, товар белгилари, ноу-хау, дастурвий маҳсулотлар, монополь ҳуқуқ ва имтиёз, хусусан, фаолиятнинг лицензия тури ва ҳ.к.

Номоддий активлар таълим иқтисодининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Номоддий активларни бошқариш асосий фондларни бошқариш билан қўшилиб кетади. Интеллектуал мулк ва унинг муҳофазаси, патент сотишнинг кенгайиши, ноу-хау ҳақидаги қонунчилик ривожлангани сари номоддий активларнинг аҳамияти ортиб боради. Шунга таъкидлаш муҳимки, давлат таълим муассасалари тизимида интеллектуал мулкка ҳуқуқ субъекти бўлиб, таълим муассасасининг ўзигина эмас, балки илмий-педагогик ходимларининг бир қисми ҳам ҳисобланади. Бу бюджетдан ташқари фаолият жараёнида таълим муассасасидаги муносабатларни мураккаблаштиради.

Молиявий ресурслар унинг айланма активларининг бир қисми ҳисобланади ва бир томондан, таълим муассасаси фаолият кўрсатиши ва ривожини, иккинчи томондан, бюджетдан ташқари соҳадаги ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Умуман, таълим муассасаси **молиявий ресурслари шаклланишининг манбалари** бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— давлат таълим стандартларини таъминлаш ажратиладиган турли даражадаги бюджет маблағлари, яъни бюджет маблағи; таъсисчи (давлат) пул бадаллари;

— таълим учун тўловлар;

— банклар ва бошқа кредит берувчилар кредити;

— юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари ва мақсадли бадаллари.

Таълим муассасаси молиявий тартиб-тузилишига давлат молиявий сиёсати сезиларли таъсир ўтказади. Давлат бошқарув тартибида ҳам бюджетга тўловлар, ҳам бюджетдан молиялаштириш бирдек муҳимдир. Бюджетга тўловлар таълим муассасаси хусусий молиявий негизини сафарбарлашни тартибга солади ва шу йўл билан унинг тасарруфида қолган хусусий молиявий ресурслар улуши миқдорига таъсир этади. Амалдаги қонунчилик таълим муассасалари тadbirkorлик ва тadbirkorлик бўлмаган фаолиятини солиққа тортишнинг турли тизимини белгилайди, фаолият турли хиллари самарали нисбатига боглиқ ҳолда молия ресурслари сафарбарлик миқдорини белгилай-

ди, бу таълим муассасаларига фаолиятнинг тадбиркорлик бўлмаган турини, хусусан, пулли тўлов хизмати ва илмий тадқиқот турини ривожлантириш имконини беради.

Марказлаштирилган фондга даромаддан ажратмаларнинг ҳажми таълим муассасаси маъмурияти ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари ҳисоб-китоблари ва битимларининг моҳияти бўлади. Агар бўлинма бу фойдани таълим муассасаси стратегиясини ҳисобга олган ҳолда бўлинмага қайта инвестиция қилса, албатта уни тўлиқ ҳажмдан марказлаштиришдан маъно йўқ. Таълим муассасасига таркибий бўлинмалар тўловлари мажмуининг қуйи чегараси таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолияти жараёнидаги сарфларидан кам бўлмашлиги керак, юқори чегараси эса таълим муассасасининг товарлар, ишлар, хизматлар бозоридаги рақобати билан чекланади, чунки уларнинг нархини кўтаради. Тўловлар энг самарали ҳажминини белгилаш — раҳбарият санъати ҳисобланади.

Ҳамон бюджетдан ташқари маблағ давлат таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларидан бири экан, **таълим муассасаси харажатлари ва даромадларини режалаштириш** — бу маблағларни ҳисобга олмай мумкин эмас. Ўз навбатида бюджетдан ташқари маблағни сарфлаш йўналишини белгилаш таълим муассасаси бюджет маблағлари ҳақидаги маълумотсиз мумкин эмас. Таълим муассасасининг бюджети етарли эмас, бундан ташқари, сарфлаш эркинлиги чекланган.

Улар давлат томонидан фақат таълим муассасаси ходимларига иш ҳақи тўлашга йўналтирилади, талабаларга стипендия берилади, таълим муассасасининг асосий харажатларини қоплашга, коммунал хизматлар (иссиқлик, сув, электр-энергия, алоқа ва ҳ.к.ларга) сарфланади, яъни таълим муассасаси ривожига имкон бермай ана шу маблағлар ҳисобига ижтимоий вазифани бажаради. Бошқача айтганда бюджетдаги пуллар «банд» ҳисобланади. Стратегик ривожланиш режасини амалга ошириш учун асосий манба бўлиб, бюджетдан ташқари «банд» бўлмаган (эркин) маблағлар ҳисобланади, чунки улар таълим муассасасининг хусусий маблағи бошқарилиши икки босқичли тузилмасига кўра давлат таълим муассасалари учун бюджет тизими энг самарали ҳисобланади, у таълим муассасаси (марказлашган қисм, биринчи босқич) ва унинг мухтор таркибий бўлинмалари (марказлаштирилмаган қисм) бюджетлари мажмуидан иборат бўлади.

**Таълим муассасасининг бюджет тизимида** даромадлар, табиати бўйича (барча даражадаги бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар), уларнинг манбалари (муайян тузилмавий бўлинма), шунингдек, бюджетдан ташқари йўналишлар ва турлар бўйича тақсимлаш кўзда тутилади. Режалаштирилаётган товарлар, ишлар, хизматлар учун талаб этиладиган ресурсларни ҳисоб-китоб қилиш биргаликда олиб борилади. Шундай қилиб, бюджет тизимининг сўл қисми қаерда, қайси бўлинмага, ниманинг ҳисобидан ва қандай ҳажмда даромад қисми шаклланишини кўрсатади. Бюджет тизимининг ўнг қисми

моҳиятган таълим муассасасининг фаолият кўрсатишини таъминлаш ва ривожлантириш стратегик режасини акс эттиради, муайян вази-фалар, режанинг мақсадли дастури қайси даражада (таълим муассасасининг маркази ёки таркибий бўлинма миқёсида) амалга ошири-лишини, бунга қанча маблағ ажратилишини кўрсатади.

Таълим муассасасининг даромад ва харажатлари бир хил белгилар ҳўжалик ёки ишлаб чиқариш (масалан, капитал қўйилма, иш ҳақи ва ҳ.к.) ва мақсадга (ўқувга, илмий ишларга, ижтимоий дастурларга) йўналтирилгани бўйича гуруҳланади.

Таълим муассасаси бюджет тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қарорлар қабул қилишда таълим муассасаси ходимларининг амалда иштирок этишини, ошкоралик ва ҳамфикрликни эътиборга олади, бу таълим муассасаси ресурсларидан фойдаланиш самарали-лигини оширади ва даромадни тақсимлашда келишмовчиликларнинг олдини олади.

Таълим муассасаси бюджет тизимини режалаштириш жараёнида **таълим муассасасининг боғлиқ бўлмаган бюджетдан ташқари маблағ-лари** муҳим ўрин тутати. Булар давлат таълим муассасаларига молиявий оқимлар аниқ йўналганлигига таъсир этиш имконини беради. Бюджетни режалаштиришнинг бошқа жиҳати бўлиб, фаолият муайян йўналиши бўйича бюджетдан ташқари даромаднинг мақсадли йўнал-ганлигидир. Масалан, ижарадан келадиган даромад тўлиғича молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор тасарруфига ўтади ва таълим муассасасининг моддий-техника базасини таъминлашга сарфлана-ди; ҳўжалик шартномаси асосидаги ИТГКИдан келадиган марказ-лаштирилган даромадлар қисми эса илмий ишлар бўйича проректор тасарруфига тушади ва мақсадли дастурларга сарфланади.

Таълим муассасаси стратегик режасини молиявий таъминлаш, яъни ҳаракатлар ва қарорлар мажмуи таълим муассасаси бюджет тизими-ни (даромад ва харажатлар ягона рўйхатини) ишлаб чиқишдаги асо-сий масала ҳисобланади. Булар ўз мақсад, вазифаларини ишлаб чи-қишга олиб келади. **Стратегик режалаштириш**, аввало, таълим муас-сасаси келажagini олдиндан кўра билиш, ташқи муҳитга мослашиш, таълим муассасасининг ички ташкилий томонидир. Қисқа муддатли тадбирларга йўналтирилдиган ресурсларни ёки стратегик режани амалга оширишни белгилар экан, таълим муассасасининг бюджет тизимида ҳар қандай ҳолатда ҳам қуйидагилар кўзда тутилади:

- *молиялаштириш манбаларини ошириш ва ривожлантириш (ди-версификация);*
- *мавжуд ресурслардан янада самарали фойдаланиш, жорий хара-жатлар тузилишини такомиллаштириш;*
- *ресурсларни ҳам қисқа муддатли, сердаромад, ҳам узоқ муддатли стратегик дастурларга инвестиция қилиш;*
- *таълим муассасаси харажатларини қисқартириш ва ресурсларни тежаш ҳисобига қисқартириш;*
- *самаралиликни баҳолашда ташқи омиллардан фойдаланиш.*

Бозор иқтисоди шароитларида таълим муассасалари учун молияни маҳорат билан бошқариш — молия менежменти тобора юқори аҳамият касб этмоқда. Бюджетдан ташқари маблағ йўналиши ҳақидаги стратегик қарор, расосан қайта инвестициялаш, яъни моддий-техника базасини жадал ривожлантириш ва олий таълим истиқболли йўналиши бўйича илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш қарори таълим муассасасида бозор талаб этадиган бир қатор ихтисосликларни очиш имконини беради, бу ўз навбатида таълим муассасаси даромадини оширади.

Бозор иқтисодига ўтишда таълим муассасаси ресурсларини бошқариш — мураккаб вазифа, у таълим муассасаси активларини баҳолаш кўрсаткич ва тамойилларини ишлаб чиқишни, уларни инвентаризациялашни, моддий-техникавий негиз ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишни, таълим муассасаси ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назоратни талаб этади.

Давлат солиқ сиёсатини ҳисобга олиб, бюджетдан ташқари фаолият йўналишлари ва турлари мажмуини бошқариб ва улар бўйича таълим муассасасининг чекланган ресурсини самарали тақсимлаб, шунингдек, ўсишни рағбатлантиришни, иш ҳажминини, марказлаштирилган фондга ички тўловларни белгилаб таълим муассасаси ўзини ривожлантиришнинг танлаган стратегиясига мувофиқ кейинчалик қайта инвестициялаш учун максимум фойдага эга бўлади.

Республикада ижтимоий талабларни олиш ва самарали ишлатишнинг муайян молиявий-иқтисодий механизмлари кенг тарқалди.

ОТМларни бюджетдан ташқари таълимга қайта сармојланаётган маблағларини фаол ишлатиш мақсадга мувофиқдир, бунда эътиборни экстенсив (биноларни ижарага бериш, таълим хизматлари учун тўлов) ва интенсив (инновацион фаолиятдан, интеллектуал мулк ҳуқуқларини сотишдан, халқаро лойиҳалар, мамлакатимиз грант танловларида иштирок этишни кенгайтириш орқали даромадларни ошириш) омилларга қаратиш лозим. Олий таълим ходимларини мотивация тизимини фаоллаштириш, ОТМни мустақил фаолияти натижасида олинган ёки ҳомийлик, мерос натижасида олинган мулкни аниқ қонуний расмийлаштириш тизимини тартибга солиш лозим.

Бу сўзсиз ОТМ жамоасининг муайян ижтимоий масалаларини амалга ошириш учун ресурс имкониятларни кенгайтиради. Улар қаторига ойлик маош ва стипендия, тиббий ва уй-жой таъминлови, фаол дам олиш ва соғлом турмуш тарзи учун шароитларни яратиш, экологик муаммолар киради.

Ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, шароит ва кафолатларни яратиш, жамият манфаатидан келиб чиқиб унинг ижодий салоҳиятини очиш мақсадида қабул қилинган ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналишидир. Ўзбекистон Республикасидаги ёшларга оид давлат сиёсати қуйидаги тамойил-

ларга асосланган: ёшлар ҳақида уларнинг миллати, ирқи, тили, этни-қоди, ижтимоий ҳолати, жинси, маълумот ва сиёсий қарашларидан қатъий назар гамхўрлик, ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофа-заси, миллий, маданий анъаналарнинг узвийлиги, авлодларнинг маъ-навий алоқаси; ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ёшларни Ўзбе-кистон Республикаси Конституция ва қонунлари доирасида манфаат-ларини амалга ошириш йўлларини танлашдаги эркинликнинг кафо-лати; сиёсат ва жамиятнинг ривожланиш дастурларини шаклланти-риш ва амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштироки, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги.

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳа-сига қуйидагилар киради: республика ҳудудида ёшларга оид давлат сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асослари-ни белгилаш, ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси чораларини ишлаб чиқиш ва таъминлаш, ёшларга оид давлат сиёсати бошқарув орган-ларини яратиш; ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида республика комплекс мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш учун мўлжалланган молиявий маблағларни бошқариш,

Ўзбекистоннинг халқаро мажбурияти доираларида республика ёшлари манфаатлари ваколати, республика ҳудудида ёшлар ва улар-нинг бирлашмалари ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш; республика ёшлари, уларнинг ижтимоий бирлашмаларининг ташаббусларини иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий томондан қўллаб-қувватлаш; ёшларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчили-гида белгиланган мажбуриятларни ҳуқуқнинг барча субъектларига рия қилиши устидан назорат, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг бошқа масалалари.

«Ёшлар йили» давлат дастурини амалга ошириш доирасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, унинг тузилмавий бўлимлари, олий таълим муассасалари томонидан олий таълим тизимида ижтимоий вазибаларни ҳал қилиш бўйича бир қатор мақсадли чоралар амалга оширилди.

Ёш авлод манфаат ва қизиқишларини янада тўлиқ таъминлаш учун меъерий-ҳуқуқий база мустаҳкамланди, амалдаги меъерий-ҳуқуқий актларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан вазирлик, муассаса, корхона ва ташкилот раҳбарларига ёш мутахассисларни қабул қилиш, уларни олий ўқув муассасаларида олган таълим йўналиши ва малакасига мувофиқ ишлатиш, улар учун зарур уй-жой шароитларини яратиш, жамоа ва ишлаб чиқаришда мослашиш учун шароитларни яратиш, малакасини ошириш ҳамда ёш мутахассисларни ОТМни битирганидан сўнг 3 йил мобайнида ишга қабул қилиш учун жавобгарликни назарда тутган меъерий ҳуж-жат тайёрланди.

Тақсимланиш орқали келган ёш мутахассисга ўз вақтида жойига етиб келиши имкониятини берувчи назарда тулган меъерий ҳужжат ишлаб чиқилди ва мувофиқ органларга тасдиқлаш учун берилди. Бу ҳужжатда давлат гранти асосида ўқиган битирувчиларга ишлаб беришнинг альтернатив вариантлари ҳам кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аспирантура ва докторантура фаолиятини умумий мувофиқлаштирилишини, уларнинг аттестация ва акредитациясини таъминлаб бериш бўйича ҳамда аспирант ва докторантларнинг моддий рағбатлантирилишини кучайтириш бўйича қарор қабул қилинди.

Мувофиқ йўналишдаги ОТМларга маҳсулот намуналарини (ўқув-лаборатория ускуналари, технология, кўرғазма қўлланма, тринажер, макетларнинг ўқув лойиҳаларини) тақдим этиш бўйича қорхона ва сармоядорларни рағбатлантириш ва мажбурлаш механизмини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрланди.

2008–2012 йилларга талабалар «Ёшлик шаҳарчаси» ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилган. ОТМларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, ўқув-лаборатория биноси, талабалар турар жойи ҳамда ОТМ маданий-оммавий тадбирлар объектларини таъмирлаш назарда тутилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси қарорларини ижро этиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бино ва иншоотларни модернизациялаш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, 2011–2016 йилга мўлжалланган олий ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини янгилашдан келиб чиқиб, ҳар йили 1 октябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига капитал ва жорий таъмир, қайта қуришнинг рўйхатлари ҳамда келгуси йилга олий таълим муассасаларини мебель, ўқув-лаборатория ускуна ва бошқа инвентарь билан таъминлашнинг адресли дастурлари тақдим этилади.

Янги ўқув корпуслари, маданият, спорт бино ва иншоотларни, талабалар уйлари қуриш ва мавжудларини қайта таъмирлаш, уларни таъминлаш, олий таълим муассасаларнинг моддий-техник базасини кучайтириш бўйича маълум ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, талабалар «Ёшлик» шаҳарчаси жорий йилда ахборот-ресурс маркази, вилоятлардан келган аспирант ва илмий ходимлар ёш оилалари учун муассаса-уйи, 3000 ўринга мўлжалланган ёшлар учун ёзги амфитеатр, маиший хизмат кўрсатиш комплекс-маркази (ҳаммом, кир ювиш, кимёвий тозалаш, сартарошхона, пойафзал таъмирлаш) ва дегик ошхона қуриш лойиҳалари амалга оширилди, Ўзбекистон миллий университети маданият саройи базасида Ёшлар маркази ташкил қилинди.

Ёшларни замонавий талабга мувофиқ, зарарли ҳодиса ва оқимларга қарши чиқишга қобилиятли миллий ва умумбашарий қадрият-

лар руҳида ўқитиш ва тарбиялаш сифати ва самарасини ошириш, ҳаётда керак бўлган касбларга йўналтириш долзарб ижтимоий вазифа бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланган янги авлод кадрларни тайёрлашни таъминлаш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим тизимида мазкур мақсадни амалга ошириш учун маънавий-маърифий ишларни самарали ташкиллаштириш, тизимли мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бундан ташқари таълим дастурлари, жумладан янги авлод кадрларини тайёрлаш ва таълим олаётган ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш учун шароитларни яратиш мақсадида ижтимоий-гуманитар фанлар блоки мазмуни ва тузилмасини такомиллаштириш давом этмоқда.

Вазирлик фаолиятининг муҳим ижтимоий вазифаси ва йўналиши республика ОТМларининг ахборот-ресурс базасини янгилаш ва уларни ажратилаётган маблағларни кўпайтириш, кадрларга асосий буюртмачилардан ҳомийлик ёрдами ҳажмини кенгайтириш йўли билан замонавий ўқув, услубий, илмий адабиёт, даврий соҳа, илмий, илмий-оммабоп журналлар билан бойитишдир.

Бунда таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг функционал имкониятларини кенгайтириш, қўшимча шароитларни яратиш ва компьютер, турли ускуналар билан таъминлаш назарда тутилади. Электрон таълим ресурслар ва ЗИЕНЕТ тармоғига киришнинг жамоа тугунлари ташкил қилинади, виртуал муҳитда ОНЛАЙН режимда таълим муассасаларининг истеъдодли ёшлари орасида турли интеллектуал конкурс (олимпиада), форумлар ўтказилади. Истеъдодли ёшларнинг илмий салоҳияти инновацион грант ва хўжалик келишувли ишлар асосида иқтисоднинг мувофиқ соҳаларининг техник ва технологик муаммоларини ҳал қилишга жалб этилмоқда. Тошкент шаҳри ва республика минтақаларидаги етакчи ОТМлар қошида ёшларнинг муаммовий йўналтирилган илмий тадқиқот марказлари ташкил қилинмоқда ва замонавий ускуналар билан таъминланмоқда. ДЖҚА базасида республика ОТМлари магистрантлари учун ёш раҳбар (менежер)лар курслари ташкил қилинган.

Ўз ичига қуйидагиларни қамраб олган соҳавий дастурлар ташкил қилинди ва бошқичма-бошқич амалга оширилмоқда: йўналиш ва мутахассисликлардан келиб чиқиб олий маълумотли кадрларга жорий ва истиқболли эҳтиёжлар; соҳа корхоналарида ишчи ўринни ташкил қилиш; ОТМлар билан интеграция; ОТМларга аудитория, лаборатория, кафедраларни замонавий ускуна билан таъминлаш ва уларни янгилашга кўмаклашиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар, ўқув жараёнини такомиллаштириш учун ишлаб чиқариш салоҳиятини ишлатиш, ОТМлар билан кадрларни тайёрлаш, фан ютуқларини ишлаб чиқишга жорий этиш бўйича ҳамкорлик фаолияти, ОТМларга амалиёт ўташ базасини яратиш, ишга йўналтирилаётган битирувчиларни мақсадли ишга жойлаш, ёш мутахассислар учун соҳанинг ижтимоий

инфратузилмасини яратиш, ёш мутахассис шаклланиши учун мақсадли фаолият.

Ёшларни, айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда яшовчи мудатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини тамомлаган ёшларни ишга жойлаштириш бўйича мақсадга йўналтирилган чораларни амалга ошириш давом этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тасарруфида олий таълим муассасалари битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва ишда ишлатиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил қилинди. Олий таълим муассасалари битирувчиларини улар олган малака, мутахассислик ва иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳа эҳтиёжларига мувофиқ ишга рационал жойлаштиришни таъминлаш, касбий ўсиши ва меҳнат жамоаларида ёш мутахассисларнинг мослашувини таҳлил қилиш мақсадида ҳокимиятлар қошида вилоят ҳокимларининг иқтисодий ва ижтимоий масалалари бўйича муовинлари раислигида ишчи гуруҳлар ташкил қилинган.

«Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш» қоидасига мувофиқ вазирлик ва муассасаларда махсус комиссиялар фаолият юритади. Улар мутахассисларга вилоят, таълим соҳаси йўналиши кўринишидаги эҳтиёжларни умумлаштириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш ва уларнинг меҳнат фаолияти мониторинги масалалари билан шуғулланади. Комиссия битирувчиларни қайта тақсимлаш ёки эркин тақсимланиш (алоҳида шароитларда) бўйича аризаларни кўриб чиқиш ваколатига эга.

Маҳаллий ҳокимият органлари, корхона ва муассаса раҳбарларининг юқори малакали кадрларни тайёрлаш жараёнида иштироки фаоллаштирилди, улар ОТМларнинг васийлар кенгаши таркибига киритилди. Кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, ишчи ўринларга эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ёшларни муайян касбга йўналтириш бўйича фаолият тобора рағбатлантирилмоқда. Ўқувчиларни дастлабки касбий йўналтириш учун веб-сайтлар ташкил қилинди, уларда ОТМ таълим йўналишлари ва минтақа ҳамда соҳа кўринишидаги меҳнат бозорлари истиқболлари кўрсатилган. Ишлаб чиқиш талаб қилган мавзуларга битирув малакавий иш ва магистерлик диссертацияларнинг йўналтирилганлиги таъминланмоқда. Битирув ишларига раҳбарлик қилиш, битирувчиларнинг билими, маҳорати ва кўникмаларини баҳолаш жараёнига буюртмачилар вакиллари жалб қилинмоқда, ДАК таркибига ишлаб чиқариш мутахассислари киритилмоқда.

Ёш истиқболли мутахассислар қаторидан педагогик кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш шакллари ривожланмоқда, улар мамлакатимизнинг етакчи ва хорижий ОТМ ва илмий-тадқиқот муассасаларига, жумладан Истеъдод фонди орқали юборилмоқдалар.



ОТМларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш ва ўқишга кириши бўйича чоралар амалга оширилмоқда. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда мақсадли касбга йўналтирилган иш амалга оширилмоқда, у минтақада билимларнинг мувофиқ соҳаси мутахассисларига бўлган ҳақиқий эҳтиёжини кўрсатиб беради.

Болаларнинг мусиқа, рассомчилик, санъат ва маданият соҳаларида қобилият ва истеъдодини эрта аниқлаш ва ривожлантириш, мазкур тадбирларни амалга оширишда нодавлат ва ноҳукумат ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кучайтирилди.

Истеъдодли ва қобилиятли талабаларни аниқлашда, ўқувчи-ёшларни санъат ва гўзалликка интилишларида «Камолот», «Маданият ва санъат Форуми Фонди», «Келажак овози», «Меҳр нури» каби нодавлат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича фаолият жадаллашди.

Ёш оилаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш бўйича, уларни уй-жой билан таъминлаш, маънавий бой, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар тизими амалга оширилмоқда.

Ташкилот ва муассасалар иштирокида етим, ногирон, кам таъминланган ва кўп болали оилалардан бўлган талаба-ўқувчиларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, тизимли ёрдам амалга оширилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида талабалар турар жойининг маиший шароитларини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режаси, талаба ёшларнинг ижтимоий-маиший шароитларини таъминлаш ва яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Оилали талабаларга маънавий ва моддий ёрдам бериш, оила ва аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, талаба ёшларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом оилани шакллантириш мақсадида «Талаба оиласи» дастури ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

ОТМларда оммавий спорт тадбирлари, талаба ўқувчилар орасида спорт мусобақаларини ташкил қилиш, спорт турлари бўйича ғолиб талабалар, Жаҳон ва Осиё мусобақалари иштирокчилари билан махсус учрашиш анъана бўлиб қолди.

Шу билан бир қаторда, Олий таълим тизимида ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш бўйича мақсадли чораларни амалга ошириш самарасини кўтариш учун қуйидагиларни таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

- таълим соҳасида ижтимоий муҳофаза чораларини амалга ошириш бўйича вазирлик ва муассасалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

- талаба-ўқувчиларга дарслик бериш механизмларини такомиллаштириш, хусусан нарх сиёсатини ишлаб чиқиш;

- кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчиларни, жумладан, ўрта махсус, касб-хунар таълимида ҳам ижтимоий муҳофазаси соҳасида тизимли чораларни ишлаб чиқиш;
- кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчиларга қишки кийим бошини бериш бўйича ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;
- талаба-ўқувчиларнинг ёзги таътилини ташкил қилиш соҳасида давлат бошқаруви органлари, муассаса ва хўжалик фаолияти субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ижтимоий кафолатлар бериш соҳасида давлат бошқаруви органлари ва ноҳукумат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- етим болалар ижтимоий муҳофазаси соҳасида фаолиятни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш. Етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ижтимоий таъминлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- таълим тизимидаги талаба ва ходимларнинг алоҳида тоифаларига имтиёзларни (талабаларни шартнома тўлаши учун имтиёзли таълим кредитлари, ходимларнинг яшаш шароитини яхшилаш учун имтиёзли кредитлаш, ОТМларнинг тижорат фаолияти ва таълим хизматлари кўрсатишида имтиёз бериш) беришни амалга оширишда иштирак эгувчи вазирлик ва муассасалар фаолиятни мувофиқлаштириш.

Кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда давлат ҳокимияти органлари ва ижтимоий соҳа бошқаруви фаолияти назорати ва мувофиқлиги, ижтимоий ахборот тўплашнинг тизимли таҳлили, ахборот тўплаш, мониторинг ва таҳлил қилиш асосий инструментлар бўлиши лозим.

#### 2.4. Инвестиция — сифатли таълим кафолати

Таълим — инсон омилига сарфланувчи сармоядир. Умуман, жамият бундан манфаатдор. Зеро, таълим даражаси ва сифатининг юксалиши иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади, ижтимоий муаммоларнинг оқилона ечимларини топиб, пировард натижада мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини белгилайди. Бозор шароитларида таълим хизматларига талаб тобора ортиб боради, чунки замонавий тараққиёт йўлини тутган давлатлар ўз муносиб истиқболини, келажакларини барпо этишларида таълимнинг ҳал қилувчи аҳамиятини эътироф эгмасликлари мумкин эмас. Мана шунинг учун давлат мустақиллиги қўлга киритилиши билан ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлидаги дастлабки савий-ҳаракатларини янги шароитлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ва ижтимоий муаммолар билан бир қаторда таълим вазифаларини бир йўла ҳал этишга қаратди.

Бугун Ўзбекистонда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»да белгиланган вазибалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шахснинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилганлик бу қонунларнинг асосий ўзига хос хусусиятидир.

Модомики, бозор шароитларида билимларни мунтазам янгилаб ва янги касбларни эгаллаб бориш зарурлиги меҳнат фаолиятининг асосий қондасига айланар экан, ҳам муайян объектлар, ҳам бутун-бутун тармоқлар бозорнинг мутахассислар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари тўғрисидаги ахборотларни, маълумотларни ўз вақтида ола билиши алоҳида аҳамият касб этади. Молиявий қўллаб-қувватлашларсиз эса ахборотга эгаллик қилиш, янги технологияларни яратиб, жорий этиб бўлмайди. Шу маънода, 2005 йилнинг апрель ойида қабул қилинган Ўзбекистан Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони республикада таълимни, хусусан, олий таълимни ривожлантиришга сармояларнинг бевосита сарфланиши учун янгидан-янги имкониятларни очди.

Унга кўра тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб эгидан иқтисодий тармоқлари (жумладан, таълим, фан соҳасига) корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан ҳамда йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан имтиёзли тарзда озод этилади.

Фармонга биноан ўзаро манфаатли, имтиёзли ва беминнат асосда салоҳиятли донорлар-инвесторларни излаш, академик лицейлар, касбхонар коллежларини ўқув-технологик ускуналар, оргтехника ва мебеллар билан жиҳозлашга, энг замонавий таълим стандартларини ишлаб чиқиш, ўқув режалари ва дастурлари менежменти бўйича маслаҳат ёрдамини таъминлаш, малака ошириш ишларини ташкил этиш, малакали кадрлар, йўриқчилар ва ўқитувчиларни тайёрлашга хорижий сармояларни жалб этиш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, донор мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратилаётган имтиёзли хориж кредитларини олишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Чунончи, Япония ва Кореянинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик жамғармалари (ОЕСР ва ЕДСР), Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) томонидан кўпдан буён таълим соҳасида бевосита сармоялашга асосланган турли-туман лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундан ташқари Европа Иттифоқи (ЕИ), Германия техника ҳамкорлиги жамияти, Малайзия ва бошқа давлатлар ажратётган грантлар асосида кўплаб лойиҳалар амалиётга жорий қилинмоқда.

Шубҳасиз, Ўзбекистон олий таълим муассасалари бугунги кунда бевосита хусусий хорижий инвестицияларга эҳтиёж сезмоқда. Ҳатто, Россиянинг энг нуфузли М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (МДУ) ҳам хорижий инвестицияларга эҳтиёж сезади. Ҳолбуки, у федерал бюджетдан тўғридан-тўғри молиялаштириштирилади. Ўзининг 250 йиллиги арафасида МДУ 1500 номдаги гоят қимматбаҳо замонавий илмий ва ўқув асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун Германиянинг ўзидан 40,0 миллион АҚШ доллари миқдорда сармоя олди. Бундай тажриба Ўзбекистонда ҳам мавжуд, лекин ушбу Фармон уни янада фаоллаштиради. Бунда Олий таълим муассасаси давлат кафолатларисиз муайян имтиёзлар киритилгани ҳолда лойиҳанинг мустақил ҳиссавий иштирокчисига айланади.

Ташқи иқтисодий фаолият — олий мактабни молиялаштиришнинг қўшимча манбаи ҳисобланади. Халқаро алоқаларни бошқаришда марказлаштиришдан тўла мустақилликка ўтилиши Олий таълим муассасалари халқаро фаолияти фаоллашувига олиб келди. Таълим жараёни, тадқиқотчилик фаолияти, ахборот хизмати бундай фаолиятнинг объектлари ҳисобланади. Бу фаоллашув илмий-техникавий шартномалар миқдорининг ортишига, республика Олий таълим муассасаларининг хорижий олий таълим муассасалари ва фирмалари билан ўзаро фойдали алоқаларининг юзага келишига қўмаклашмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир олий таълим муассасасининг ҳар бир инвестицион лойиҳаси асосли бизнес-режа билан пухталанган бўлмоғи лозим.

Чет эл мамлакатлари учун мутахассислар тайёрлаш бюджетдан ташқари маблағ тушишининг муҳим манбаидир. Шу муносабат билан чет эл ўқувчиларини тайёрлаш қийматини белгилаш зарурияти туғилади. Бу ўринда асосий муаммо чет эл фуқароларини ўқитиш қийматининг энг паст даражасини тўғри белгилашдан иборат. Албатта, бу борада ягона баҳони қатъий белгилаш таълим базаси талабларига мос эмаслигини мавжуд таълим муассасаларидаги шарт-шароитларнинг ўз сифатига кўра хилма-хиллиги билан асосланади. Лекин, бундай фаолият баҳоси тўпланган тажрибага таяниб белгиланади ва мувофиқлаштириб борилади. Тўлов масалалари олий олий таълим муассасалари томонидан берилаётган диплом сифати, унинг халқаро ташкилотлар, ишбилармонлар доиралари, жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги олий таълим муассасасининг халқаро аккредитацияси билан узвий боғлиқдир. Шу маънода инвестицион фаолиятни фаоллаштиришга қаратилган бу Фармон ҳамкорларни шартнома шартларини, томонларнинг мажбуриятлари ва шу кабиларни аниқ билишга йўналтиради.

Эркин ташқи иқтисодий фаолият Олий таълим муассасаларига хорижий сармоядан зарур асбоб-ускуналарни сотиб олиш, шунингдек, таълим жараёнини сифатли такомиллаштириш учун имконият туғдиради. Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолият натижасида

ишлаб топилган валюта маблағлари олий таълим муассасаларига кенг халқаро алоқаларни амалга ошириш, чет элларда ўтказиладиган конференцияларда қатнашиш, талабаларга республикадан ташқарида стажировкалар ўтказиш имконини беради, умуман, Ўзбекистон олий мактаби ва фанининг ҳақон таълим тизимига интеграциялашуви жараёнига хизмат қилади.

Манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихоналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига хорижий инвестицияларни бевосита ва билвосита жалб қилиш борасида олиб бораётган ишлари ҳам фаоллашмоқда. Олий таълим муассасаларига ўз тармоғи учун мутахассислар тайёрлаб чиқаришдан манфаатдор корхоналар ота-оналар, хусусий сармоядорларнинг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг инвестицион фаоллигини рағбатлантириш ва мавжуд сармоялардан самарали фойдаланиш бўйича изланишлар олиб бориш мажбуриятини юкловчи чора-тадбирлар кўрилди. Ресурсларни моҳирона йўналтириш — жиддий мадад, зеро, бу ахборотнинг электрон воситаларига ҳамда хилма-хил маълумотлар базаларига кириш демакдир.

Энг қувонарлиси, миллий онгни кўтариш, ахлоқий тангликни бартараф қилиш, аҳолининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган узоқ муддатли мақсадларни кўзлаб, давлат иқтисодиётининг жамики инфратузилмаларини мутаносиб ривожлантириш учун чоралар кўрилмоқда. Бу мутахассисларнинг бандлигини, шунингдек, уларнинг таълим хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини, ташбўсқорлик ва мураккаб вазиятларда мўлжални тўғри олиш малакасини шакллантириш мақсадида ўқув дастурлари ва режаларини қайта кўриб чиқаётган Олий таълим муассасаларига алоҳида мажбуриятини юклайди. Улар талабалар ўз қобилиятларини намоён этиб, ривожлантира олишлари, энг янги технологиялар билан боғлиқ кўникма ва маҳоратларни эгаллашлари учун зарур шарт-шароитларни яратмоқдалар. Айни шу жараёнда талабаларда ижтимоий масъуллиқ кучайиб, ҳаракатчанлик, янгиликларни қабул қилиш ва улардан фойдаланишга интилиш пайдо бўлмоқда. Буларнинг барчаси мўмай молиявий харажатларни тақозо этади.

МДХ таркибидаги бошқа мамлакатларда ҳам бўлгани каби, республикамизда инвестицияларнинг етишмовчилиги ва муаммолари ҳўжалиқ юритишнинг бозоргача бўлган тизимида яратилган инсон ва молиявий капиталини қайта тақсимлаш, яъни сармоянинг бозор иқтисодиёти талабларига мослашиши зарурлигини тақозо этувчи ўтиш иқтисодиётининг шарт-шароитлари билан боғлиқ эди. Қисқаси, бу фармон олий таълим муассасалари учун кенг имкониятлар яратди.

Бирок, шуни ҳам назарда тутиш керакки, хориж сармояларини олаётган тармоқлар ҳам бу маблағларнинг бир қисмини келажакда ушбу соҳа учун мутахассислар тайёрлаётган Олий таълим муассаса-

ларини ривожлантиришга йўналтиришлари лозим. Бу Миллий дастурнинг ишлаб чиқариш билан таълимнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги қоидасини амалга ошириш йўналишларидан биридир.

Айтилганларга шуни қўшимча қилиш мумкинки, бугун узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган, яъни жамланма самарали умумреспублика лойиҳаларини амалга оширишда республика Олий таълим муассасалари ва (тегишли кадрларни оловчи) иқтисодиёт тармоқлари кооперациясининг зарурлиги етилган масаладир.

Ҳозирда бизга қандай устувор лойиҳалар учун инвестициялар керак? Биринчи навбатда, бу Олий таълим муассасалари асосий кутубхона — ахборот-ресурс маркази, базавий Олий таълим муассасаларида ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича технопарклар барпо этиш, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари — университетлар ҳамда илмий марказлар тизимларида ягона ахборот тармоғини яратиш, олий мактаб учун ноширлик уйини барпо этиш, тизим учун хилма-хил товарлар ишлаб чиқариш индустриясини шакллантириш ва шу каби йўналишларга маблағлар ажратиш зарур бўлади.

Шундай шароитда сармояларни муваффақиятли йўналтириш учун, бизнинг фикримизча, таълим хизматлари бозоридаги вазиятдан (яқин йил ва истиқболда мутахассисларга эҳтиёж, демографик вазият тўғрисидаги тахминлар, давлат грантларининг сони, эҳтимол тутилган инвесторлар ва шу кабилар) яхши хабардор бўлиш; ҳуқуқий базани яхши билиш ва ундан фойдалана олиш; иқтисодиёт, таълим, сиёсат соҳаларида ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлардан ҳамиша хабардор бўлиб бориш; ўқув жараёнига янги техника, замонавий (жумладан, педагогик) технологияларни кенг жорий этиш, энг янги техника адабиётларидан фойдаланиш; битирувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган барча илғор таълим усуллари жорий эта бориб, талабаларни фаолиятнинг барча соҳаларидаги ютуқлар билан таништириб бориш учун бошқа, шу жумладан, чет эл олий таълим муассасалари билан алоқаларни муттасил ошириб бориш, айни пайтда битирувчиларни тайёрлаш сифатини яхшилаб бориб, уларнинг бозор талабларига муносиблиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш; таълим хизматлари бозорини ўрганиш, уларда ҳар бир олий таълим муассасаси битирувчиларининг сифатини аниқлаш, уларни тайёрлаган олий таълим муассасасининг нуфузлилигини кўтариш учун амалий чоралар кўриш; имкони бўлганича кўпроқ, инвесторларни таништириш ва жалб қилиш мақсадини кўзлаб, ўз олий таълим муассасасини, унинг таълим хизматлари бозоридаги устунликларини кенг реклама қилиш учун мумкин бўлган барча ахборот воситалари (радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар, ОАВ, махсус varaқалар, буклетлар, фильмлар ва бошқа шу кабилар)дан фойдаланиш зарур. Зеро, инвестиция — сифатли таълим кафолатидир.

Яна бир жиҳат хусусида: инвесторларни жалб қилишга етакчи олимларимизни фаолроқ сафарбар этишимиз керак. Агар олий таъ-

лим муассасалари, тармоқ илмий текшириш институтлари олимлари, Ўзбекистан Республикаси Фанлар академиясининг ҳар бир академиги ўз илмий салоҳияти ҳисобига хориж инвестицияларини олса, таълим ва иқтисодиёт соҳаларида сезиларли самарага эришилади.

Фақат иқтисодиётга тааллуқлидек кўринган бу фармон ижтимоий соҳани, хусусан таълим ва фанни ривожлантиришга жиддий равишда таъсир кўрсатади, деб баралла айтиш мумкин. Таълим соҳасида, жумладан, олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик натижаси сифатида республикамізда ташкил этилган бир қатор олий таълим муассасаларини келтириш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ташкил этилди. Маълумки, МДУ нафақат Россия, балки дунёда етакчи мавқега эга бўлган билим даргоҳларидан биридир. Яқинда ўзининг 250 йиллик юбилейини нишонлаган ушбу дорилфунун узоқ йиллик тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугун Европанинг йирик илмий марказларидан бирига айланди. 40 факультет, 354 кафедра, 11 илмий-текшириш институти, 4 музей, 40 000 нафар талаба(уларнинг 5000 дан ортиғи хорижлик, дунёнинг 80 мамлакатидан келиб таълим олади), 9001 га яқин профессорлар, ўқитувчилар ва илмий ходимлар, 310 нафар академик (уларнинг 190 нафари Россия Фанлар Академияси академиги), 7000 нафар фан докторлари ва номзодлари... бу кўрсаткичларнинг барчаси юқоридаги фикрларни исботлайди.

## 2.5. Олий таълим тизимининг нобюджет ресурсларини самарали бошқариш

Кадрлар тайёрлашнинг янги модели, бозор иқтисодиётига ўтиш таълим молиявий-иқтисодий тартибларини шакллантиришда, хусусан, бюджетдан молиялаштиришни бюджетдан ташқари маблағлар билан тўлдиришда жиддий ўзгаришлар қилишни талаб қилмоқда.

Ҳозирги пайтда молиялаштиришни бюджетдан ташқари қўшимча манбаларини жалб қилиш бўйича таълим муассасаларининг фаолияти тобора тижорат тавсифига эга бўлмоқда. Тижорат фаолиятининг асосий мақсади ҳамон таълим муассасасини интеллектуал, таълимий, илмий, маданий ва ишлаб чиқариш имкониятини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Демак, таълимнинг бошланғич тижорат билан уйғунлашиши самарали шаклларини топиш жиддий вазифа бўлиб қолмоқда.

Давлат таълим дастурлари ва стандартлари доирасида **таълим хизмати кўрсатиш**, биринчи галда таълим муассасасига тўлов асосида қабул қилиш, мулкнинг турли шаклидаги корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан шартнома асосида мутахассислар тайёрлаш олий

мактабга молиявий тушумлар келадиган муҳим манбалардир. Бу иқтисодий тавсифдаги қатор масалаларни, хусусан, унинг тўлов миқдори ва муддатига, сарф ҳажмини белгилаш ва қоплаш даражасини аниқлаш, пул маблағлари харажат рўйхати, шартномаларни юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштириш, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шартномага риоя этилмаганлик учун жавобгарлик чоралари, «тўловчи» ва «тўламовчи» талабалар ўртасидаги нисбатни ҳисобга олиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги нархлар ҳосил бўлиши бозор муносабатларини шакллантириш, мутахассислар тайёрлаш қанчага тушишлигини белгилаш мутлақо янгича мазмун касб этмоқда ва жиддий ёндашувга муҳтож бўлиб, қуйидаги уч ҳолат ҳисобга олинishi лозим:

— давлат буюртмаси бўйича мутахассислар тайёрлаш амалга ошириладиган *бюджетдан молиялаштириш меъёрлари*;

— ҳар бир таълим муассасасида мутахассислар тайёрлаш учун келтирилган амалдаги сарфлар. Булар ихтисосликлар, таълим муассасаси жойлашган ўрин, профессор-ўқитувчилар таркибининг малакаси, моддий-техника базаси ва ҳ.к.лар бўйича фарқланади;

— *тайёрлов учун тўлов сарфлардан ортиб қолувчи маблағни ҳам ўз ичига олади*. Буюртмачи учун, инсон капитали назариясига мувофиқ, мутахассис тайёрлаш учун тўлов инсон капиталига қўйилмадир, келгусидаги натижани, иқтисодий нуқтаи назардан пул даромадини таъминловчи инвестициядир.

Албатта, бундай инвестиция риск билан боғлиқ. Бу шунда кўринадик, буюртмачи таълим муассасасига мутахассислар тайёрлашга сарфга қараганда кўпроқ маблағ тўлаб, таълим муассасаси билан келажакдаги даромадини бўлишади, таълим муассасаси эса келажакдаги даромад тақсимоотида қатнашади.

**Шартнома бўйича мутахассис тайёрлаш** таълим муассасасининг корхоналар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг кўпгина эҳтимолий шакллари билан бири ҳисобланади. Булар бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгармоқда, чунки бу икки тузилманинг ўзаро манфаати ва бир-бири учун зарур эканлиги юзага келмоқда ҳамда ошиб бормоқда. Аввал параллел мавжуд бўлган мамлакатимиздаги иқтисодий ривожланишнинг юзага келган шароитлари туфайли ҳам бир-бирига жипс боғлиқдир. Ҳозирги пайтда **таълимни ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш**, кўп бўғин мутахассислари тайёрлашга ўтиш, таълим турли босқичини молиялаштиришга янгича ёндашув ишлаб чиқилди. Булар мутахассислар тайёрлашни бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг умумий йўналишини аниқлаб берди ва у қуйидагичадир: касбий тайёргарлик қанчалик юқори бўлса, бунинг учун кўпроқ улushi бюджетдан ташқари молиялаштириш ўз зиммасига олиши керак.

Таълим учун таълим олувчиларнинг ўзи ҳақ тўлаши таълим муассасасини молиялаштиришнинг иккинчи манбаи ҳисобланади. Таъ-



лим муассасалари тўловнинг турли шаклларини жорий қилиш масаласини ҳал этишда таълим муассасаси Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига асосланади. У иккита анча муҳим вазиятни ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини белгилайди:

— аҳоли асосий қисмининг даромад даражаси олий таълим олиш бўйича харажатларни кўтаришни анча муаммоли қилиб қўймоқда;

— таълимнинг текинлиги хусусида юзага келган ижтимоий руҳият таълим хизматига ҳақ тўлаш заруратига нисбатан салбий муносабатни туғдирмоқда.

Олий таълим кадрлар салоҳиятини сақлашга сезиларли улуш қўшаётган тадбиркорлик тузилмаларсиз таълим шаклининг тўлов асосидалиги муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Уларнинг молиявий ёрдами, айрим ҳолларда анча салмоқли бўлмоқда. Ўқитувчилар, тадқиқодчилар ва талабаларни тадбиркорлик ишида қатнашишга жалб этиш ўқув жараёнини мавжуд иқтисодий амалиёт билан уйғунлаштириш учун шароит яратади, ўқитувчилар таркиби юқори малака даражасига эга бўлиши ва уни сақлашга кўмаклашади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналардан тушумлар (ижара ҳақи, дароманинг бир қисмини таълим муассасасини ривожлантириш фондига ўтказиш) айрим ҳолларда таълим муассасаси моддий-техника базасини мустаҳкамлашда муҳим манба ҳисобланади.

Таълим муассасаларида тижорат тузилмалари туфайли таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш, техника ва жиҳозлар сотиб олиш имкони юзага келмоқда. Тадбиркорлик корхоналари таълим муассасаси фани муаммоларини ҳал этишга фаол аралашмоқда. жамоаларнинг юқори самарали ишлаб чиқариш тизимини ишлаб чиқишдан моддий манфаатдорлигини ривожлантиришда ёрдам кўрсатмоқда. Бироқ таълим муассасаси тадбиркорлик тузилмаларини тузиш ва улар фаолият кўрсатиши олий мактабнинг якуний мақсади — юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш билан боғлиқ бўлиши керак.

Таълим муассасаси ва унинг тадбиркорлик тузилмасининг амалда фаолият кўрсатиш моделида иккита вариант кўзда тутилган: биринчиси — тадбиркорлик тузилмалари таълим муассасасининг бўлинмалари ҳисобланади; иккинчиси — тадбиркорлик тузилмалари шундай ҳисобланмайди. Ҳар иккала вариантда таълим муассасалари ва тижорат тузилмалари ўртасидаги муносабатларнинг бутун мажмуи аниқ белгиланади.

Ҳозирги кунда олий мактабда кенг қўлланаётган ижара муносабатлари, бир томондан, таълим муассасалари моддий-техника базаси етарли ривожланмаганлиги, иккинчи томондан, мавжуд мулккий муносабатлар ва амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан чекланади. Қонун ҳужжатларида таълим муассасалари фақат мустақил тадбиркорлик фаолияти натижасида сотиб олинган мулкни тасарруф этади.

Бу ҳолатни ўзгартириш таълим муассасалари ижарани ривожлантириш ҳуқуқини олсагина мумкин бўлади, бунинг учун, аввало, улар-

нинг мулккий ҳуқуқи кенгайтирилиши керак. Бунинг учун таълим муассасалари ўз оператив бошқарувига бериб қўйилган мулкдан мустақил фойдаланибгина қолмай, балки уларни мустақил тасарруф этиши лозим. Шунда таълим муассасалари ҳақиқий хўжайинликни ҳис этади ва бу уларга юқори даражада ташаббус кўрсатишга, мулкдан энг самарали фойдаланиш йўлини топиш, унинг масъулиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

**Ташқи иқтисодий фаолият** олий таълимни молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Халқаро алоқаларнинг қаттиқ марказлашган бошқарувдан тўла мустақилликка ўтиши таълим муассасалари халқаро алоқаларининг фаоллашувига олиб келди. Бунинг объекти эса таълим жараёни, тадқиқотлар олиб бориш фаолияти, ахборот хизмати кўрсатиш ҳисобланади. Бу илмий-техникавий шартномалар, республика таълим муассасалари билан чет эл таълим муассасалари ва фирмалар ўртасида ўзаро фойдали тадбиркорлик битимларининг тузилиши кўпайишига олиб келади.

**Чет эл мамлакатлари учун мутахассислар тайёрлаш** бюджетдан ташқари тушумларнинг муҳим манбаидан бири ҳисобланади. Давлат йўли билан республика таълим муассасаларида таълим барибир улар тўпланган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва уйғунлаштирилади. Тўлов масалалари таълим муассасаси берадиган диплом сифати, унинг халқаро ташкилотлар, ишбилармонлар доираси, жамоатчилик, таълим муассасалари халқаро аккредитацияси томонидан тан олинishi билан боғлиқ.

Таълим муассасасининг чет элдан техника ва ускуналар сотиб олиши ҳам уйғунлаштирилади, чунки у улгуржи сотиб олиш нархининг анча паст бўлишини таъминлайди. Эркин халқаро фаолият таълим муассасаларига зарур ускуналарни сотиб олишда, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш учун чет эл капиталдан фойдаланишга имкон беради. Бундан ташқари ташқи иқтисодий фаолият натижасида олинган валюта маблағи таълим муассасаларига кенг халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, чет элда ўтказиладиган конференцияларда қатнашиш, талабаларга республикадан ташқарида тажриба орттириш имконини беради, яъни Ўзбекистон олий мактаби ва фанининг жаҳон таълим тизимига уйғунлашувига қўмақлашади.

Хўжалик шартномалари тузиш йўли орқали саноат ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан илмий-техникавий ҳамкорлик таълим муассасаларини молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг анъанавий ва муҳим манбаларидан биридир.

Бюджетдан ташқари молиялаштиришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, олий таълимда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ишлаб чиқариш билан уйғунлаштиришнинг турли шаклларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Бунда раҳбарлар ҳамда мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни

ташқил этиш алоҳида аҳамият касб этади (келажакда ҳам шундай бўлиб қолади). Бу ўз навбатида меҳнат ва таълим хизмати бозоридagi вазиятни жиддий ўрганиш, маркетинг фаолияти олиб боришни талаб қилади, зеро шундагина мутахассис тайёрлаш ва қайта тайёрлашдаги ўзгаришларга тезкорлик билан мослашиш мумкин бўлади.

Олий таълимда ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг барча соҳасида кучли интеллектуал негиз ва мутахассис ходимларга эга, шунинг учун бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини жалб этиш таълим муассасаларининг фаоллиги ҳисобланади, чунки бугунги кунда сустркашлик қилиш бозор рақобати шароитида келгусидаги ютуқдан маҳрум этиши мумкин ва бу исталган таълим муассасасига — анча фаол рақобатчига ўринни бериб қўйиш дегани бўлади. Талабалар, аспирантлар ва ўқитувчиларни бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаини излашга жалб этиш бўйича ишларга кенг тортиш бу фаоллик кўринишларидан бири ҳисобланади. Юқорида айтилганлардан ташқари, пулли таълим хизмати, ноширлик фаолияти ва бошқалар молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари анъанавий манбалари ҳисобланади.

Шундай қилиб, таълим муассасасининг қўшимча бюджетдан ташқари молиялаштиришни жалб этиш фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

— *давлат таълим дастурлари ва стандартлари доирасидаги таълим хизмати* (мулкнинг турли ҳуқуқий-ташқилий шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан шартнома бўйича мутахассислар тайёрлаш, контракт асосида чет эллик ўқувчиларни тайёрлаш);

— *қўшимча таълим дастурлари, махсус курслари ва тайёрлов курслари; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг турли шакллари; тайёрлов курслари; консалтинг хизмати* (давлат дастурлари ва стандартлари доирасида);

— *илмий-тадқиқот ва тажриба-ишлаб чиқариш хизмати* (турли хил корхона ва ташкилотлар билан биргаликдаги фаолият, ортиқча илмий жиҳозларни сотиш);

— *тадбиркорлик фаолияти* (ижара, харидоргир жиҳозлар, товарларни сотиш, воситачилик хизмати, бошқа муассасалар фаолиятида ҳиссадор бўлиб қатнашиш, акциялар, облигациялар, бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш ва улардан даромад қилиш, фойда келтирвчи бошқа операциялар);

— *ташқи иқтисодий фаолият* (ишга алоқадор муносабатлар, биргаликдаги илмий фаолият);

— *ноширлик фаолияти;*

— *ахборот ва хўжалик фаолияти* (кутубхонанинг ксеронусхалаш, адабиётларни танлаш хизмати, китобни йўқотганлик ва белгиланган муддатдан узоқ фойдаланганлик учун жарималар; ўқитувчилар, ходимлар, талабаларнинг турли хил хўжалик хизмати кўрсатиши; таълим муассасаси турар жой фонди ва ётоқхоналаридан хизмат кўрсатиш);

— *корхона, муассаса ва ташкилотларнинг хайрия бадаллари, шунингдек хайрия асосида чинакам молиявий ва моддий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи Васийлик кенгашлари, битирувчилар уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг хайрия жамғармалари.*

Бироқ фаолиятнинг турли кўринишларини кенгайтириш, молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини жалб этиш бўйича барча чораларни амалга ошириб, таълим муассасалари ҳаддан ташқари тижоратга берилиб кетишлари мумкин эмас, чунки олий мактаб — жамиятнинг муҳим ижтимоий институти, унинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини шакллантиради. Шунга кўра тижоратлаштириш йўналиши ва кўлами фақат шу ҳолда ўзини оқлаши мумкин, агар булар уставда белгиланган фаолиятга зид келмаса ва қайта ихтисослашувга олиб келмаса.

Бюджетдан молиялаштириш давлат ресурсларини жалб этиш ҳисобига таълим муассасаси имкониятларини тартибга солиди ва бу билан ҳам сифат, ҳам миқдор кўрсаткичларига таъсир ўтказди. Давлат бюджет ҳисобидан ажратиб олий мактабни молиялаштиришни тўлиқ таъминлай олмагани учун таълим муассасалари бюджетдан ташқари фаолияти учун солиқ имтиёзлари белгилайди, шу билан бир вақтда бу фаолиятни рағбатлантиради. Амалдаги қонунчилик билан белгиланадиган солиқ имтиёзлари, бир неча йўналишга эга:

— *бюджет ташкилоти сифатида таълим муассасасини бир қатор тўловлардан, уларнинг бюджетдан ташқари фаолиятиндан қатъий назар (ерга ҳақ тўлаш, мулк солиғи ва ҳ.к.дан) озод қилиш;*

— *давлат ва таълим муассасаси учун фаолиятнинг муайян муҳим йўналишига давлат солиқ имтиёзини белгилаш ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ пулли таълим хизмати таълим соҳасидаги хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ва ҳ.к.);*

Давлат мулкни ижарага беришдан келадиган даромадни қонун айниқса қаттиқ назорат қилади ва бу даромадларни фақат таълим муассасасини таъминлаш ҳамда ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштарини таъминлашга йўналтириш мажбуриятини юклайди.

Бюджетдан ташқари фаолиятни ташкил этишда таълим муассасаси маъмуриятининг вазифаси фаолиятнинг йўналиши ва турларини солиқ имтиёзлари бўйича самарали жамлаш ҳамда таълим муассасаси чекланган (меҳнат, моддий, молиявий ва б.) ресурсларини қайта тақсимлаш, шунингдек, таълим муассасасининг таълим ва фан соҳасидаги стратегик режимларидан келиб чиқиб фойдани қайта инвестициялашдан иборатдир.

Бюджетдан ташқари фаолият асосий йўналишлари бўйича ресурсларга бўлган талабнинг тузилиши қуйидагилардан далолат беради:

1. Тўлов асосидаги таълим хизматлари, аввало, меҳнат ресурслари (юқори малакали илмий-педагог кадрлар)ни ва моддий ресурслар (ўқув майдонлари ва ускуналари)ни талаб этади. Бошланғич босқичда молиявий ресурсларнинг мавжуд бўлиши шарт эмас, чунки таъ-

лим хизматига ҳақ олдиндан тўланади. Муҳими бошқа вазият — *тегишли таълим хизмати учун лицензия зарурлиги*, яъни таълим муассасасининг ўзига (ходимларига эмас) тааллуқли таълим фаолиятига бўлган мутлақ ҳуқуқ шаклидаги номоддий активлар, бу таълим муассасасига фойдадан тегишли улушни таъминлайди.

2. *Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти таълим муассасасида юқори малакали илмий мутахассислар, ишлаб чиқариш майдонлари ва ускуналари, айланма молиявий маблағ бўлишини талаб қилади*, чунки буюртмачи тайёр илмий маҳсулот учун ҳақ тўлайди. Шунини таъкидлаш жоизки, бюджетдан ташқари илмий фаолият, одатда, таълим муассасасига кўп ҳам фойда келтирмайди, сабаби, бозорда рақобат кучли ва ресурслар тузилишига мутаносиб тарзда даромадлар тақсимланади (меҳнат ресурсларининг нархи балианд, бошқа илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ)га бевосита сарфлар ҳам юқори), лекин таълим муассасалари учун у асосий фаолиятини сақлаш учун зарур.

3. *Тадбиркорлик фаолияти молиявий эркин ресурслар ўзидаги бўш пул маблағининг баъзи бир майдонлар ва ходимлар ишбилармонлик қобилияти бўлишини кўзда тутлади*. Бу фаолият даромади ҳам тегишлича тақсимланади.

Таълим муассасаси ички тақсимот тартибига икки хил ёндашув мавжуд: *марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тақсимот*, таркибий бўлинмаларнинг фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш мажбуриятлар билан бирга қўшиб олиб борилади. Марказлаштирилмаганликнинг афзаллиги даромад кўп манбадан олинганда ва хизмат кўрсатиш учун тўлов шаклини олганда, молияни бошқариш анча мураккаб ва комплекс, ташқи ўзгаришларга мослашувчан ва адекват тарзда акс таъсир ўтказадиган бўлса яққол кўринади. Таълим муассасасининг ташкилий тузилиши айти шундайдир.

Таълим муассасасида мухтор тузилмалар бўлганда бюджетдан ташқари фаолиятнинг икки босқичли бошқаруви даромадни тақсимлаш даражасини белгилайди: таълим муассасаси *марказлаштирилган фондини* ва таркибий бўлинмалар *марказлаштирилмаган фондларини* шакллантиради. Иккинчи томондан, молиявий оқимнинг иккита бошқа даражаси (босқичи)ни фарқлаш зарур; товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш босқичи, бунда таълим муассасаси маҳсулотини қиймати ва фойдаси, шунингдек, тақсимот, фойдани сарфлаш шаклланади.

Бюджетдан ташқари фаолиятдан келадиган даромадни тақсимлаш қуйидагича амалга оширилади: таълим муассасаси дастлаб тушган маблағни давлат ва таълим муассасаси ўртасида тақсимлайди, бюджетта турли даражадаги солиқларни йўналтиради ва бюджетдан ташқари фонд (нафақа, ижтимоий суғурта, бандлик фондлари)га солиқ ва тўловлар мажбурий ҳамда таълим муассасаси ҳисоб рақамидан унинг бухгалтерияси марказлаштирилган тарзда амалга оширади.

Қолган маблағ таълим муассасалариаро (марказлаштирилган бюджетдан ташқари маблағлар) бюджетдан ташқари фаолияти билан банд

таркибий бўлимлари (бўлимлар маблағи) ўртасида тақсимланади. Тақсимлаш нисбати таълим муассасасининг раҳбари томонида фаолиятга жалб этилган (меҳнат, моддий ва номоддий) таълим муассасасини сақлаш ва ривожлантириш бўйича бўлимларнинг: мажбурияти, товар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш бўйича таълим муассасаси марказлаштирилган қисми ҳамда таркибий бўлимлар аниқ харажатларидан келиб чиқиб тақсимланади.

Таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағини шакллантириш давлат бюджетини шакллантиришга ўхшаш амалга оширилади, яъни, биринчидан, таълим муассасаси таркибига ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи (ЯЎИИМ) сифатида кирувчи ташкилот, корхона ва муассасалар даромадларидан «солиқлар» йиғиш ҳисобига, бунда маълум даражада таълим муассасасининг капитали қатнашади; иккинчидан, давлат мулки бўлган таълим муассасаси ва унинг таркибий бўлимларининг бюджетдан ташқари даромадларининг марказлаштирилган қисми ҳисобига бўлади.

Таълим муассасаси асосий фондига амортизация ажратиш марказлаштирилган қисмини шакллантириш учун иқтисодий асос ҳисобланади, таълим муассасасининг, мулкдор сифатидаги фойдасининг марказлашган улуши (бюджетдан ташқари фаолиятга жалб этиладиган ресурслар), шунингдек, мухтор таркибий бўлимлар (бухгалтерия, кадрлар бўлими, бюджетдан ташқари бўлим, таъминот бўлими, хўжалик хизмати, коммунал хизмат ва ҳ.к.) бюджетдан ташқари марказлашган хизмат кўрсатиш бўйича таълим муассасасининг нақд-ной харажатлари ҳам иқтисодий асос саналади.

ЯЎИИМ ичидаги юридик шахслар ўртасидаги муносабат фақат иқтисодий жиҳатдан ўзаро фойдали шаклланиши, лекин ҳаминша ҳуқуқий, маъмурий эмас бўлиши лозим. Маъмуриятнинг таълим муассасаси ичидаги иқтисодий фаолияти муносабатнинг ҳар уччала субъектининг манфаатини ҳисобга олиши керак: яъни *давлатнинг* — давлат мулкнинг эгаси, пулсиз олий таълимнинг кафолати сифатида; таълим *муассасасининг* — мустақил, ўзига етарли ва ўзини ўзи ривожлантирувчи муассаса (нотижорат ташкилот) сифатида ва таълим муассасаси *ҳодимларининг* — ўз эҳтиёжлари ва манфаатларига эга бўлганлар сифатида.

Иқтисод тили билан айтилганда давлат бюджетдан ташқари фаолиятдан келган даромаднинг бир қисми таълим муассасаси пулсиз таълимни таъминлашга сарфлашини талаб қилиш ҳуқуқига эга; таълим муассасаси ўзининг марказлаштирилган даромади ҳисобидан сақлаш ва стратегик ривожлантириш учун бюджет тизимини тўлдирини таъминлашга мажбур, ходимлар эса ўз меҳнатлари учун ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдорда ҳақ олишлари, шунингдек, таълим муассасасида қулай инфратузилма, шу жумладан, ижтимоий тузилмага эга бўлиши лозим.

Мулкдорнинг янгича муносабатлари таълим муассасаси ички даромад тақсимои тартибининг иқтисодий асоси ҳисобланади, чунки

ҳар уччала субъект — *давлат*, таълим муассасаси, шахс — *муайян*, қонунчилик билан мустаҳкамланган меҳнат, моддий ва номоддий ресурсларга эгалик ҳуқуқига эгадирлар. Масалан, давлат таълим муассасасига оператив фойдаланиш ва маълум мақсадларга кўра бериб қўйилган мулкка эгалик ҳуқуқига эга; таълим муассасаси бюджетдан ташқари фаолиятни ривожлантирган сари алоҳида балансда ўз мулкани жамғаради, таълим муассасасининг ходимлари эса ўз меҳнати ва интеллектуал мулкнинг эгаси ҳуқуқига эга ҳисобланади, бундан ташқари ўзи иштирокида яратилган таълим муассасаси мулкига меҳнат жамоасининг аъзоси сифатида маълум муносабатда бўлади.

Бюджетдан ташқари фаолият жараёнида мулкка бу муносабатлар мажмуи (бу, асосан, илмий-ишлаб чиқариш фаолияти ва таълим хизматининг бир қисми) таълим муассасасидаги мулккий муносабатларнинг иккинчи ва учинчи даражасига тааллуқлидир. Бу муносабатлар анча мураккаб ва таркибий бўлинмалар ҳамда мухтор бўлинмалар учун юклама харажатлари, марказлаштирилган фондга фойдадан ажратмаларнинг миқдорини ҳисобга олишни талаб этади. Бу тўловлар мажмуи ишлар ва хизматлар ҳажмини оширишга рағбатлантиради, мухтор бўлинмалар иқтисодий иш шароити ташкилотлар ЯУИИМ таркибидаги юридик шахсларникидан қулайроқдир.

Таълим муассасасининг хўжалик шартномаси асосидаги хизмат ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича юклама харажатлари иш ҳажми ўсишига мутаносиб *ўзгарувчан* ва шартли равишда *доимийга* (амалда иш ҳажми ўзгаришига боғлиқ бўлмаган) ажралади, масалан, амортизация ажратмалари, хоналарни сақлаш ва ҳ.к.

Бу вазият таълим муассасаси маъмуриятига жуда бўлмаганда хўжалик шартномаси асосидаги ИТТКИ ҳажми ўсишига кўра мухтор таркибий бўлинмалар учун накладной харажатларини камайтириш (аммо таълим муассасасининг амалдаги сарфларидан паст бўлмаган миқдорга) имконини беради. Таълим муассасаси таркибий бўлинмалари ўз маблағи ҳисобидан сотиб олган ускуналар қийматининг ошиши ҳам мазкур бўлинмалар учун юклама сарфларини камайтиради.

Мана шу маблағ ҳисобидан илмий асбоб-ускуналар сотиб олинган хўжалик ҳисобидаги ишлар бўйича сарфлар ҳам қўшимча рағбатлантиришни талаб қилади. Булар шартнома тугагач, таълим муассасаси балансида қолади, буни муайян хўжалик шартномаси асосидаги ИТТКИ бўйича юклама харажатлари ставкасини белгилашда ҳисобга олиш зарур.

## 2.6. Таълим кредитлари — олий таълим тизимини ривожлантириш омили сифатида

Демократик ва бозор ўзгаришларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш модели миллий хўжалик барча соҳаларини, шу жумладан, олий таълимни самарали молиялаштиришнинг аниқ тартибларини талаб этади.

Ҳозирги пайтда республикада олий таълимни молиялаштиришнинг кўп вариантли (бюджетдан ва бюджетдан ташқари) тизими муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, олий таълим муассасаларининг ўзини-ўзи молиялаштириши ривожланмоқда, хусусий, шу жумладан, чет эл инвестициясини жалб этиш рағбатлантирилмоқда, пулли таълим, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, консалтация, экспертлик, илмий, ноширлик фаолияти ҳисобига таълим муассасаси даромадини ошириш таъминланмоқда, донорлар ва ҳомийларнинг олий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти ошмоқда. Республика фуқаролари учун кейинчалик қайтаришнинг мослашувчан тизимига эга **таълим кредитларни бериш тартибининг шаклланиши** таълимни молиялаштириш тизимини тақомиллаштиришнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда дунёда таълим кредити беришнинг турли дастурларидан фойдаланилмоқда. Масалан, Буюк Британияда кундузги бўлимда ўқиётган талабалар турмуш кечирishi учун сарфларни қопловчи ссудалардан фойдаланилади. Шундай кредит олиш имкони мамлакатда доимий яшовчи талабаларга, уларнинг молиявий аҳволи, ота-онасининг молиявий аҳволидан қатъий назар берилади.

Кредит олиш ва уни тўлаш тизими шу мақсадлар учун махсус тузилган таълим бўйича комиссия тасарруфидадир. Агар талаба шундай кредит олмоқчи бўлса, олий таълим маъмурияти юқорида тилга олинган комиссияга мурожаат этган талаба ҳақиқатдан ҳам ишдан ажралган ҳолда барча машғулотларда тўлиқ қатнашишини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этади: Кредитни қайтариш таълим муассасасини тугатгандан сўнг тўққиз ой ўтгач ойма-ой, бир миқдорда, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда, аммо фоизларсиз, бошланади. Агар битирувчининг иш ҳақи мамлакат бўйича ўртача миқдорнинг 85%ни ташкил этса, кредит шартномасининг чегаравий муддати (5 йил) узайтирилиши мумкин.

Германияда талабалар адабиётлар, овқатланиш ва турар жой (ётоқ) учун ҳақ тўлайдилар. Бундай мақсадлар учун улар федерал бюджетдан (15%) ва ерлар (маҳаллий) бюджетидан (85%) молиялаштирилмаган стипендия ёки фоизсиз заём олишлари мумкин.

Бир қатор мамлакатларда фақат таълим учун ҳақ субсидияланади. Олий маълумотга эга шахслар тўловларни даромад солиғига қўшимча 2,3 ёки 4 % миқдорда (миқдор таълим муассасасини битирганнинг даромадига боғлиқ) амалга оширади. Бундай ҳолда давлат юқори даромадга эга талабалардан олий таълимга ажратган маблағни қоплаш учун сезиларли даражада маблағ олади, даромади кам ёки ишсиз юрган таълим муассасасини битирганлардан унча кўп бўлмаган маблағ олади ёки умуман ҳеч нима ололмайди. Шундай қилиб, олий мактабга маблағ қўйишда риск минималлаштирилади. Ана шундай солиққа ўқиган-у, аммо таълимни тугатмаганлар ҳам тортилади. Бу вариант талабаларни кредитлашнинг бошқа усулидан баъзи афзалликларга эга. Ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:



— олий маълумот олган ва шундай маълумотга эга бўлмаган шахслар ўртасидаги ижтимоий адолат сақланади, булар ўз даромадидан олий мактабни қўллаб-қувватлаш учун маълум миқдорда маблағ ажратадилар;

— давлат олий таълимга сарфлаган маблағ қайтмаслик rischi пасаяди;

— маъмурий-хўжалик сарфлари қисқаради;

— минтақавий таъсир жиҳати бўлмайди, яъни таълим муассасасини битирган турар жойини ўзгартириши мумкин, лекин бу берилган кредит бўйича зарур тўловларни ундиришда ҳеч бир қийинчиликларни туғдирмайди.

Баъзи мамлакатларда ҳам таълим, ҳам яшаш харажатларини қопловчи таълим кредитлари берилади.

АҚШда, масалан, талабаларни кредитлаш учун мўлжалланган ресурслар ҳажмида кўпроқ улушни федерал ҳукумат олий таълимга ажратадиган маблағ ташкил этади. Мазкур маблағ таълим муассасалари жорий харажатларини қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилмайди, балки танлов асосида грант ва контрактлар воситасида тақсимланади. Федерал ҳукумат талабаларга ёрдам кўрсатишнинг бешта асосий дастурини амалга оширади. Хусусан, кафолатланган грантлар диплом таълимини олаётган ва оиласи кам даромадли талабаларга берилади. Гарчи маблағ олий таълим муассасалари томонидан тақсимлансада, талабаларнинг бу тур стипендия олиш ҳуқуқи пулга бўлган талабнинг умуммиллий тизими негизида белгиланади. Қўшимча грантлар таълим муассасаларига фақат диплом таълимидаги талабалар учун берилади ва кафолатланган ҳисобланмайди.

«Иш-ўқув» дастури талабаларга ишга жойлашиш имконини беради. Талабалар давлат ёки хусусий фойда келтирмайдиган ташкилотларда ишлайдилар, уларнинг фаолияти аҳоли манфаатлари йўлида, ўзлари ўқийётган бино ичида амалга оширилади. Паркинс заёми деб аталувчи дастур диплом таълимидаги ва диплом олгандан кейинги таълимдаги талабаларга молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида 5%ли заём беришни кўзда тутди. Стаффорд заёми (биринчи тўрт йил давомида қайтариш миқдори 8% га, қолган вақтда эса 10% ташкил этади) талабаларга банклар, кредит ташкилотлари ёки омонат ассоциациялар томонидан олий таълим олишга ёрдам кўрсатиш мақсадида берилади.

Баъзи университетлар талабаларга ўзларининг фондларидан ёрдам кўрсатадилар ёки мазкур таълим муассасаси собиқ талабаларининг, шунингдек, ўқитувчилари ва ходимларининг болалари учун чегирма қиладилар. Кўпгина олий таълим муассасалари, агар битта оиладан таълим муассасаларида бир вақтнинг ўзида бир нечта киши ўқиса, белгиланган тўловни қисқартирадилар (чегирма қиладилар).

Таълим кредитларини ташкил қилиш бўйича дастурни амалга ошириш билан баъзи мамлакатларда мустақил давлат муассасалари, бош-

қа бирларида тижорат банклари шугулланади. Айрим давлатларда талабалар ссудаси сифатида берилган маблағ давлат бюджетига мавжуд ҳукумат ташкилотлари (масалан, солиқ идоралари) томонидан (қўшимча тузилмаларсиз) давлат бюджетига қайтарилади. Кейинги икки вариантдаги кредит жараёнини бошқарувчи ташкилот энг самарали ҳисобланади, чунки бу ташкилотларга мазкур жиҳозлар фаолият кўрсатиши билан боғлиқ қўшимча маъмурий харажатларсиз бошқарувнинг юқори даражаси хосдир.

Таълим кредитлари беришда фоиз сиёсати эътиборга молиқдир. Асосан бу узоқ муддатли қарз ссудалар бўлиб, шуларга асосан фоизларнинг қайд этилган тўловлари амалга оширилади. Уларнинг асосий ўзига хосликлари шундаки, уларнинг ҳажми бозор фоиз ставкасига боғлиқлигида ва ссуда муддати узоқлигидадир. Шундай қилиб, мазкур ссудалар юқори ва кам таъминланган талабалар учун бирдек маъқулдир. Фоиз тўловлари ва ссудани қайтариш талаба иш ҳақининг даражасига боғлиқ. Таълимга ҳақ тўлашнинг бошқа усули – унинг чинакам қийматини тўлаш.

Кўриб ўтилатган мисолларда барча таълим кредитлари 13 дан 93% гача субсидияланади, бу мазкур ссуда бўйича ставка фоизи бозорниқидан паст белгиланганининг оқибати ҳисобланади. Бундан ташқари, кредит берувчиларнинг йўқотишлари ва давлат харажатлари фоизларни тўлашдан бош тортишлик ёки бошқа сабабларга кўра тўлов тўхтаб қолишлигидан ошиб кетади. Ривожланган мамлакатларда бундай муаммо кучли намоён бўлмайди ва сезиларли даражадаги маъмурий харажатларни талаб этмайди.

Шундай дастурларни ташкил этишда амалда барча мамлакатлар қийинчиликка дуч келади. Бу таълим кредитини қайтаришдаги салбий ҳолатларнинг объективлиги билан боғлиқдир. Булар қуйидагича:

- инсон капиталига қўйилмалар мавҳумотдир;
- таълимни тугата олмаслик эҳтимоли борлиги туфайли қўйилмалар rischi мавжуд;
- таълим муассасасини тугатгандан сўнг маош даражаси юқори бўлмаслиги оқибатида, ссудалар бўйича фоизнинг олишлик мумкин бўлмай қолиши ёки қийинлиги;
- тўлов муддатининг узоқлиги;
- таълим кредитларини жойлаштириш билан шугулланувчи ҳам тижорат банклари учун, ҳам давлат ташкилотлари учун ссудалар бўйича хизмат кўрсатишнинг қимматга тушишлиги;
- юқорида қайд этилган барча жиҳатлар талабаларни кредитлашнинг самарали эканлигига шубҳа туғдиради, чунки кўп ҳолларда харажатларнинг бир қисми қайтмайди (ссудаларни тиклаш кредит миқдорининг 27% дан 67% и атрофида бўлади).

Иқтисодий ривожланган давлатларда олий таълим соҳасида давлат таълим кредитлари ҳамда тижорат банклари таълим ссудалари воситасида молиялаштириш усулидан кенг фойдаланилади. Тижорат банк-

ларининг таълим кредитлари анъанавий банк кредитларининг бир тури бўлиб, кредит қарзи фоиз ставкалари, қайтариш муддатлар ва шартлари олдиндан қатъий белгиланган бўлади.

Олий таълим соҳасида таълим кредитларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш учун уларнинг қайтмаслиги рискинни давлат томонидан суғурталаш ҳамда фоиз ставкаларини ўртача бозор кўрсаткичига нисбатан паст даражада белгилаб, ўртадаги маржа (фоиз ставкалари орасидаги фарқ)ни давлат бюджети ҳиссбидан қоплаш каби ёрдамчи тадбирлардан фойдаланилади.

Таълим соҳасидаги банк кредитлари аҳолининг харид қобилияти юқори бўлган, кредитларнинг қайтмаслик рискига қарши самарали чора-тадбирлар кўзда тутилган, мукамал меъёрий-ҳуқуқий базага эга бўлган иқтисоди ривожланган давлатларда, айниқса, кенг қўлланилади.

Таълим кредитларининг ижтимоий ҳимоя функциясини кучайтириш мақсадида баъзи бир хорижий давлатларда бюджет маблағлари ҳиссбидан таълим кредитларини тақдим этиш, бунда кредитларни қайтариш муддатини олдиндан аниқ белгиламасдан, балки битирувчининг даромадига бевосита боғлиқ ҳолда белгилаш амалиётидан фойдаланилади. Кредит ажратилганидан кейин 4–6 йил ўтиб, давлат кредитининг қисман сундирилиши натижасида биринчи тушумларни ола бошлайди ва биринчи ўн йиллик якунига бориб, 40–50% маблағни қайтариш мумкин бўлади. Амалиётда таълим кредитларининг қайтарувчанлик даражаси жами бўлиб 70 фоизни ташкил қилади.

Таълим кредитларини тақдим этиш бўйича хорижий тажрибалар шунини кўрсатмоқдаки, барча мамлакатлар томонидан кредит маблағларининг қайтарувчанлигини ошириш бўйича катта саъй-ҳаракатлар қилинишига қарамай, маълум бир суммада йўқотишлар бўлиши табиий ҳолат ва бу йўқотишлар бюджетдан олий таълимни молиялаштиришга йўналтирилган молиявий ёрдам сифатида қаралади, чунки таълим кредитларининг маълум бир қисми қайтарилмай қолгани билан, жамият олий маълумотли мутахассислар билан таъминланади, олий таълим муассасаларининг молиявий ҳолати яхшиланади, бошқа шу каби ижобий натижалар таъминланади. Мана шу ҳолат давлат ижтимоий таълим кредитларининг тижорат банкларининг кредитларидан энг асосий принципиал фарқловчи жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Иқтисоди ривожланган давлатларда таълим кредитлари соҳасидаги давлатнинг роли фақат тижорат банклари ва бошқа молия институтлари томонидан тақдим этилувчи таълим соҳасига инвестицияларни қайтарилмаслик рискидан суғурталаш, кафолатлаш тадбирлари билан чекланиб қолмайди, балки давлат бошқа шу каби воситалар ёрдамида олий таълим тизимини фаол равишда қўллаб-қувватлайди.

Таълим кредитларини тақдим этиш соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни умумлаштирган ҳолда, қуйидагича хулоса қиламиз:

- замонавий таълимни кредитлаш тизимида давлат асосий ўринни эгаллаши, асосан олий таълимни молиялаштиришга йўналтирилаётган давлат маблағлари ҳисобига инвестицияланиши лозим;
- давлат таълимни кредитлаш тизими марказлаштирилган ҳолда тuzилиши, кредит ресурсларини марказлаштирилган ҳолда жалб этиши ва тақсимлаши, маълум бир шахслар, минтақалар, корхоналаргина эмас, балки умумдавлат иқтисодиёти манфаатлари нуқтаи назардан узоқ муддатли истиқболни кўзлаган ҳолда олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш функцияларини амага ошириши зарур;
- таълим кредитларининг қайтарувчанлиги битирувчиларнинг келгусидаги даромадларига боғлиқ ҳолда белгиланиши лозим, бу ҳолат давлат таълим кредитларининг ижтимоий ҳимоя функциясини кучайтиради, таълим хизматлари учун меҳнат бозорига муайян афзалликларга эга бўлган ҳолатда айнан мана шу афзалликлар учун ҳақ тўлаш тизимини яратди.

Таълим кредитлари тизими ёрдамида қуйидаги вазифалар ижросини таъминлаш кўзланган:

- мамлакат ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти учун зарур бўлган, лекин аҳоли ўртасида ҳозирги кунда жозибали бўлиб ҳисобланмайдиган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш, уларни давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий, технологик тараққиёти манфаатлари йўлида меҳнат жойларига тақсимлаш ва фаолият кўрсатишларини таъминлаш;
- жамият олдида турган муаммоларнинг ечимларини топишдан манфаатдор бўлган инвесторлар маблағларини таълим кредитлари сифатида тақсимлаш йўли билан жамиятнинг таълимни бошқариш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш;
- талабаларнинг ўқишда юқори натижаларга эришишдан манфаатдорлигини таъминлаш;
- оилаларнинг молиявий маблағларини хусусий репетиторлар фаолиятини молиялаштиришдан расмий таълим муассасаларини молиялаштиришга йўналтириш эвазига таълим соҳасига қўшимча инвестициялар жалб этиш;
- ўқиш даврида талабаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган маблағларни тежаб-тергаб, самарали фойдаланилишини таъминлаш.

Республикамиздаги тижорат банкларининг яқин келажакда сезиларли даражада талабаларни кредитлаш амалиётини жорий этиш бир қатор ўзига хос муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ. Аввало, бу бандларда тегишли кредит ресурсларнинг мавжудлиги, яъни 10–20 йил муддатли депозитлар борлиги. Уларнинг мавжудлиги барқарор иқтисодий вазиятда, инфляция даражаси пастлигида ва шу муддатта маблағ қўйиши учун фойдали шароитдагина мумкинди, яъни депозитлар бўйича фоиз инфляция даражасидан юқори бўлиши лозим. Ўзбекистон иқтисодини барқарорлаштириш тижорат банкларида кредит

операцияларини амалга ошириш имконини беради, лекин чет эл тажрибаси саноқли банкларгина ресурсларини шунга жалб қилишлари мумкинлигини кўрсатади, чунки, пул маблағини қўйишнинг купинга йўналишларига эга тижорат банклари самараси аниқ белгиланган, пул маблағини қайтариш эҳтимоли юқори лойиҳаларни кредитлашни маъқул кўрадилар.

Талабаларни кредитлаш иқтисодий самаралилигини куп ҳолларда ҳисоблаш амалда мумкин эмас. Бундан ташқари, билим пул маблағи қўйиш объекти сифатида, ажралмас ҳисобланади, демак, уларга мулк эгаси ҳуқуқини бериб бўлмайди. Мазкур омиллар мажмуи таълим кредити бериш жараёнини rischi юқори банк операциялари даражасига кўтарди. Шунга кўра тижорат банклари ишончли кафолатсиз бундай хизмат кўрсатишга журъат этавермайдилар.

Бундай ҳолатда (халқаро тажриба кўрсатишига) давлат кафолат берувчи ҳисобланади. Ушбу жараёнда давлатнинг қатнашиши мақсадга мувофиқлиги сезиларли даражада пул маблағи қўймаган ҳолда жамият таълим даражасини оширишга таълим кредити беришга олиб келишидан иборатдир.

Бу имконият кредит жараёнининг моҳиятини ташкил этади ва у шундан иборатки, зарур миқдордаги пул маблағи тижорат банклари томонидан берилади, қарзни тўлаш бўйича сарфларни эса жисмоний шахслар, яъни олий таълим олувчилар, ёхуд юридик шахслар (мазкур мутахассисларни ишга таклиф этишни хоҳловчилар) ўз зиммасига олади.

Банк билан кредит шартномаси тузиб, қарз олувчилар ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарликка эгадирлар. Агар у тўловга қобил бўлмаса, унинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик давлатга ўтади. Мана шундай вазиятлардагина давлат муайян харажатлар қилади. Аммо давлат берадиган кафолат, чекланган бўлиши лозим, яъни давлат кўрсатилган фоизларни ҳисобга олмаган ҳолда қарзнинг бошланғич миқдоринигина қайтариш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олиши керак. Бу кредит rischi миқёсини маълум даражада тақсимлаш заруратидан келиб чиқади.

Бундан ташқари давлат банклар доирасини белгилаши лозим, булар талабаларга кредит бериш билан шуғулланади, чунки, кафолат бергандан сўнг кредит жараёни сифатли амалга ошишига ишонч бўлиши шарт. Мазкур ҳолатни ҳисобга олиб, ушбу тадбир ўзига хослиги ва қалтис эканидан келиб чиқиб таълим кредити берувчи банклар учун маълум солиқ имтиёзлари жорий этилиши мумкин.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 26 июлда 318-сонли «Таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорини

қабул қилди<sup>1</sup>. Мазкур қарор билан «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида Низом» тасдиқланди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш ва уларни қайтариш тартибини белгилайди. Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш, уларни қайтариш, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Низомга кўра, таълим кредитлари тижорат банклари томонидан Олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилиши мумкин. Таълим кредитлари, қоидага кўра, қарз олувчи яшайдиган аҳоли пунктида жойлашган тижорат банклари муассасалари томонидан берилади.

Таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда (муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври бу муддатга кирмайди), бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Мазкур Низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

— чин етимларга, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига ноль фоиз ставкаси (фоизсиз кредит);

— талабаларнинг қолган тоифаларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади.

Тизимда таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаси ва тижорат банклари томонидан қўшиладиган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкинлиги, бу кредит шартномасида қайд этилиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 95-сонли қарори билан берилган имтиёзга кўра, кам таъминланган oilалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка қўмаклашиш марказла-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан муаллифнинг «Экономические основы государственной политики высшего образования в Республике Узбекистан» мавзuida М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида 2001 йил 27 июнда ҳимоя қилган докторлик диссертациясида асосланган таълим кредитлари бериш тўғрисидаги фикрлари ўз тасдиғини топди. Қаранг: Автореферат док. дис. М. Саидов. М.: МГУ, 2001, 37–38-бет.

ри томонидан Иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади. Кўрсатиб ўтилган имтиёзга ҳуқуқли бўлган оилалар Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарорига илова) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

Таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш таълим муассасасига ўтказилган сумма берилган вақтдан, асосий қарзни қайтариш эса талаба томонидан олий таълим муассасасида ўқишнинг таълимнинг ушбу тури учун расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг, айрим курсларда такроран ўқиш муддати ҳисобга олинмасдан, уч ой ўтгандан сўнг бошланади. Талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда таълим кредитлари учун фоиз ставкалари ҳисобланмайди.

Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айни бир вақтда паспортини шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминлаш шакллари билан бирини банкка тақдим этиши лозим, бунинг амалга оширилиши унга қўйилган асосий талаб ҳисобланади:

- мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;
- банкнинг кафолати;

- учинчи шахснинг кафилиги;
- суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;
- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг кафилиги (фақат чин етимлар ва «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

Банк қарз олувчи томонидан кредит олиш учун тақдим қилинган ариза ва бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқади. Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида кафолат ёки кафиллик шартномаси тақдим қилинган бўлса, банк гарант ва кафилнинг молиявий аҳволини баҳолайди. Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида мол-мулк ёки қимматли қоғозлар қўйилган бўлса, банк уларнинг бозор нархларини аниқлайди.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар банк талабларига жавоб берса, банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади.

Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқиши учун таълим кредитлари бериш учун ҳар бир томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган ҳолда банк, қарз олувчи, олий таълим муассасаси ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ўртасида кўп томонлама кредит шартномаси тузилади.

Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сураб банкка тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризаچига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

Таълим кредити қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилди. Таълим кредитлари бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки тенг қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқиганлик учун бошланғич тўлов жорий йилнинг 1 октябригача, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календарь йилнинг 15 мартигача тўланади. Ўқишнинг иккинчи йилдан бошлаб кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йиллик биринчи ойи (сентябрь ва март)нинг 5-кунидан кечиктирилмай тўланади.

Фоизлар қарз олувчи томонидан кредит шартномасида қайд этилган шартларда тўланади. Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқишига таълим кредитлари учун фоизлар қарз олувчи ва Жамғарма томонидан ҳар ойда, ҳисобланган фоизлар суммасининг 1/2 қисми бўйича тенг улушларда тўланади.



Жамғарма ҳисобланган фоизлар суммасини тўлов топшириқномаси билан банк билдиришномаси олингандан кейин уч иш куни мобайнида ўтказади.

Таълим кредити берилгандан сўнг банк кредит таъминлиниши бўйича шартномада кўрсатилган тартибда мониторинг олиб боради.

Агар талаба ўқиш даври тугамасидан талабалар сафидан чиқарилса, таълим муассасаси раҳбарияти ректор (директор)нинг буйруғи чиққан кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида банкка хабар бериши керак, қарз олувчи эса ўз навбатида уч ой муддатда таълим кредити ва унга қўшилган фоизлар бўйича қарзларни тўлиқ қайтариши лозим. Талабанинг талабалар сафидан чиқарилиши олий таълим муассасаси томонидан банкка ўз вақтида маълум қилинмаган тақдирда, таълим муассасаси ушбу давр учун ҳисобланган фоизларни банкка тўлашга мажбур.

Низомда юқорида кўрсатилган шартларнинг банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида тузиладиган кредит шартномасида акс эттирилиши тартиби белгиланган.

Таълим кредитлари кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилмаган тақдирда, банк гаров тўғрисидаги шартномага мувофиқ ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредитни таъминлаш объектини тасарруф этиш йўли билан кредит бўйича қарз суммасини ундириб олади. Агар кредитнинг қайтарилишини таъминлаш сифатида таъминлашнинг бошқа шакллари тақдим этилган бўлса, банк белгиланган муддатда қайтарилмаган таълим кредитини улар ҳисобига ўз вақтида қайтарилиши чораларини кўриши керак.

Низомда қарз олувчи кредитни кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтаришга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Таълим кредитлари аҳолининг кам таъминланган қатлами учун олий таълим олишнинг молиявий манбаси бўлиб, шу билан бирга олий таълим муассасалари учун тўлов-контракт суммаларини ўз вақтида ундириш механизми бўлиб хизмат қилади, шунингдек, таълим кредитлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг самарали воситаси сифатида ҳам амалиётда кенг қўлланилмоқда.

### **Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Таълим муассасаларининг тижорат фаолияти асосий мақсадини тавсифланг.

2. Шартнома бўйича таълим муассасаси мутахассис тайёрлаши учун тўловни ҳисоблашда эътиборга олинувчи асосий элементларни айтиб беринг.

3. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишнинг қандай шакллари биласиз? Сизнинг назарингизда нима эътиборни ўзига кўпроқ жалб этади: а) таълим муассасаси учун; б) талаба учун; в) давлат учун? Хулосангизни далилланг.

4. Бюджетдан ташқари молиялаштиришда тижорат тузилмаларининг аҳамияти қандай?

5. Бюджетдан ташқари маблағни жалб этишда таълим муассасаси талабаси сифатида сиз ўз урнингизни нимада деб биласиз? Тўловнинг қандай ҳажми сиз учун энг мақбул қуринади? Нега? Ишончли далиллар келтиринг.

6. Таълим муассасангиз аҳолига пулли юридик хизмат кўрсатиш имконига эгами? Реклама тадбирини сиз қандай ташкил этишингизни сўзлаб беринг. Сизнинг хизматингиздан фойдаланишни истовчилар энг кўп миқдорини жалб этиш учун нималарга эътиборни қаратасиз? Инвесторларни нима билан жалб этасиз?

### III БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАРКЕТИНГ

#### 3.1. Олий таълим тизимида маркетинг фаолияти хусусиятлари

**Маркетинг – бу барча корхона, ташкилот ва муассасаларни ўз фаолиятини бозор орқали бошқариш, фойда кўриш ва манфаатда бўлишини таъминлашдир.**

Иқтисодий адабиётларда маркетингга товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ёки фойдаланувчига етказишни бошқаришга қаратилган тадбиркорлик фаолияти сифатида ҳам таъриф берилади. Шунингдек, маркетинг ижтимоий жараён бўлиб, бунда товарлар ва хизматларга бўлган талаб прогноллаштирилади, уларни ишлаб чиқариш, бозорга етказиш ва сотиш йўли билан кенгайтириб борилади ва қондирилади.

Таълим хизматлари маркетинги фаннинг таълим хизматларини ишлаб чиқарувчи, тақдим қилувчи, истеъмол этувчи таълим хизматлари бозори субъектлари: таълим муассасалари, кадрлар истеъмолчилари-корхоналар, таълим олувчилар, воситачи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар стратегияси ва тактикасини шакллантирувчи ва ўрганувчи соҳасидир.

Таълим инсоннинг билим, малака, кўникмалар тизими кўринишидаги авлодлар тажрибасини ўзлаштиришига қаратилган мақсадли жараёндир.

Иқтисодиётнинг ёки ижтимоий соҳанинг муайян тармоғида маркетинг тизими фаолиятини ташкил этишда маркетинг тадбирларини бошлаш вақтида шаклланган, мазкур бозорга тақдим этилаётган товарлар доирасини ва бозор турини белгилаб олиш зарур.

Маълумки, товар – бу инсонлар эҳтиёжини қондиришга яратилган, лекин ўз истеъмоли учун эмас, балки сотиш ёки алмаштириш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулидир. Меҳнат маҳсули ижтимоий меҳнат тақсимооти шароитида ва ишлаб чиқариш воситалари ҳамда меҳнат маҳсулига нисбатан эгалик ҳуқуқи мавжуд бўлганда товарга айланади. Замонавий бозорда кўчар ва кўчмас мулк, истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш воситалари, молия инструментлари, хизматлар ва гоёлар каби товарлар сотилмоқда.

Замонавий таълим бозорини ҳам шартли равишда уч сегментга: таълим хизматлари бозори, педагог кадрлар меҳнат бозори ва илмий-услубий гоёлар бозори сифатида таснифлаш мумкин.

Хизматлар учун умумий бўлган хусусият бу уларнинг номоддийлигидир, яъни уларни жамғариб бўлмайди. Инсон таълим хизматла-

рини истеъмол этиб, билим, малака, кўникма ва шахсий имкониятларни жамғаради, яъни ўзида шакллантиради.

Таълим хизматларининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, мазкур хизматларнинг истеъмолчиларига нисбатан муаян талаблар қўйилади (масалан олий маълумот олиш учун маълум даражада билимга эга бўлиш ва унинг мавжудлигини исботлаш талаб этилади). Шу билан бирга, бепул бошланғич таълим хизматларидан фойдаланишда олиш учун истеъмолчининг харид қобилияти аҳамиятга эга эмас.

Маркетинг нуқтаи назаридан қараганда таълим хизматларининг муҳим хусусияти уларнинг бир вақтнинг ўзида тақдим қилиниши ва истеъмол этилишидир. Бу маънода таълим хизматлари маданият муассасалари томонидан тақдим этилувчи хизматлар (кинофильмлар, концертлар ва бошқа шу каби томошалар)га ўхшайди, лекин улардан фарқли ҳолатда таълим хизматлари доимо узоқ вақт давом этувчи, кўп қиррали жараён бўлиб, у режалаштирилади, прогнозлаштирилади ва бошқарилади.

Таълим хизматлари истеъмолчилари мазкур хизматлар курсатилишида, албатта, фаол иштирок этади. Уларнинг фаол иштирокисиз таълим жараёни мазмунга эга бўлмайди. Таълим хизматларининг бу жиҳатига айниқса мажбурий ва бепул таълим хизматларининг самардорлигини тадқиқ этишда алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Таълим хизматлари соҳасидаги маркетингнинг моҳиятини баён этиш учун унинг маркетинг муносабатлари субъектлари ва уларнинг бозордаги функциялари, таълим хизматлари маркетингининг фаолият соҳаси ва объектлари, унинг мақсадли йўналиши ва муаммовий мазмуни каби элементлари ва жиҳатлари шакллантириш мақсадида тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини кўпайтириб ва сифатини яхшилаб боришдан;

Куйидагилар таълим хизматлари соҳасидаги маркетинг муносабатларининг субъектлари ҳисобланади (4-чизма):

- таълим хизматларининг истеъмолчилари, яъни фарзандларининг таълим олиши шароитларини танловчи оила, кейинчалик вояга етгандан сўнг шахс ўзи мустақил равишда танловни амалга оширади;

- таълим муассасалари, улар ходимлар меҳнат шароитларини яхшилаш ва қўшимча даромад манбаларини шакллантириш мақсадида тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини кўпайтириб ва сифатини яхшилаб боришдан;


- таълим хизматларини бевосита тақдим этувчилар, яъни педагоглар, улар ўз интеллектуал ва ижодий салоҳиятларини тўлиқ ва самарали фойдаланишдан, меҳнат шароитларини яхшилаш ва иш ҳақини ошириб боришдан манфаатдордирлар;

- таълимни бошқариш органлари, уларнинг таълим хизматлари бозоридаги роли таълим муассасаларини молиявий, ташкилий, услубий таъминлашга қаратилган. Шунингдек, барча мулчилик шаклидаги муассасаларида давлат таълим стандартларида қатъий риоя қилинаётганлиги текширилади;

• хўжалик субъектлари ва бошқа ташкилотлар. Улар ўз фаолияти давомида юқори малакали кадрларга эҳтиёж сезадилар.

Таълим хизматлари бозорининг бошқа субъектлари, масалан, якка тартибда фаолият олиб борувчи педагоглар ҳам маркетинг элементларидан у ёки бу даражада фойдаланадилар. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улар ўз хизматларининг истеъмолчилари билан доимий алоқада бўладилар, яъни уларнинг талаб ва эҳтиёжларидан бохабар бўладилар, реклама фаолиятини олиб борадилар ва ҳ.к.

4-чизма



Таълим хизматлари соҳасидаги маркетингнинг асосий тамойиллари қуйидагилар билан тўлдирилиши лозим:

1. Таълим муассасаси ресурсларини бозорнинг танланган сегментидаги истеъмолчилар талабини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош таълим хизматларини кўрсатиш учун йўналтириш;

2. Таълим хизматлари сифатини уларга бўлган эҳтиёжни қондириш чораси сифатида баҳоламоқ лозим.

Олий таълим тизимида маркетинг таълим хизматларига бўлган талаб ва таклиф мувозанатини аниқлаш тадбирларини ўз ичига олади, абитуриентларни жалб этиш ва битирувчи мутахассисларни иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳаларга ишга йўналтириш ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Маркетингда

ҳам бошқа амалий фанлардаги, иқтисодий фаолият соҳасидаги сингари кўпинча одатдаги тушунишда у қадар аҳамиятли бўлмаган омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган тўлақонлилик, аниқ элементлар муҳим ўрин тутати.

«Маркетинг» тушунчасининг мазмуни кенг кўламда инсонлар, ташкилотлар, умуман жамиятнинг мунтазам ўзгариб турувчи эҳтиёжлари алмашилиши асосида таъминловчи шакл ва усуллар мажмуни ўз ичига олади. Маркетинг қўйидагиларни қамраб олади:

- бозорга алоқадор бўлган инсон фаолиятининг моҳияти, тамоийллари, усуллари ва вазифаларини;

- бозор турлари, бозор воситалари, таклиф ва талабни;

- маркетинг фаолияти стратегия ва тактикасини;

- режалаштириш – маркетинг режаси ва унинг турлари маркетингдаги дастурий-мақсадли усулларни;

- товар – товар тушунчаси, товар турлари, товарнинг мавжуд бўлиш цикли, товарнинг сифати, рақобатбардошлиги, товар турини тартибга солиш, сервисни;

- товарнинг ҳаракатланиши ва сотиш, товар ҳаракатланиш йўллари, товар ҳаракатини бошқариш, товар сотилишини ташкил этиш;

- нарх, нархнинг ҳосил бўлиши – маркетинг фаолиятидаги нархни, нархни ҳисоблаш усуллари, нарх ҳосил бўлиши масалалари, нарх сиёсатини;

- талабнинг шаклланиши ва сотувни рағбатлантириш (ТШСР), реклама ва унинг вазифасини, реклама турлари, кўрғазма ва аукционларни, реклама тадбирларини режалаштириш, реклама бюджетини;

- маркетинг фаолиятини ташкил этиш – ташкил этиш тамоийллари ва ташкилий тузилмаларни;

- маркетингни бошқариш ва назорат қилиш – бошқариш ва назорат тушунчаси, бошқарув ва назорат тури, вазиятли таҳлил, маркетинг тафтиши ва бошқалар.

Маркетинг тизимидаги прогнозлаш бозорни ҳар томонлама ўрганишнинг асосий ва яқунловчи bosқичи, унинг асосий натижалари иқтисодий дастур асосини ташкил этади.

Республикадаги олий таълим тизимида белгиланган ислохотлар жамиятимиз олдига кенг кўламдаги масалаларни қўйди. Гарчи «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бажариш учун давлат бюджетидан ўтиш даврида ажратилган қўшимча харажатлар 135,0 млрд сўмни ташкил этган бўлса, бу Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек «Келажакда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий нуқтаи назардан ушбу масалаларни бажариш туфайли биз оладиган фойда бўлиб, у сўзсиз ҳар қандай сарф-харажатларни оқлайди».

Республикада юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида меҳнат бозорини шакллантиришда мутахассисларни тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва бандликлари жараёнининг давлат бошқаруви алоҳида аҳамият касб этади.

Бу муаммоларни бажариш мутахассисларга бўлган талабнинг истиқбол дастурини яратиш туфайли, ишлаб чиқариш талабларини ҳисобга олиб «бююртмалар портфели»нинг шаклланганлиги, бу талабнинг талабаларни таълим муассасалари, минтақалар, ихтисосликлар бўйича қабул миқдорий кўрсаткичлар билан мутаносиблиги иқтисодни давлат бошқаруви тизими билан маркетинг хизмати ишлари қўшилиб кетганлиги иқтисод турли тармоқлари бўйича олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлашда асосий нисбатларни ишлаб чиқиш туфайли таъминланади.

Истиқбол дастури мутахассисларга бўлган талабни, иқтисодни унинг турли тармоқлари бўйича аниқ аҳволи ва истиқболи асосида аниқлайди ва шакллантиради. Ахборотни мунтазам қабул қилиш ва қайта ишлаш, иқтисоддаги тузилмавий ўзгаришларга сезгирлик билан муносабатда бўлиш ва шу асосда; таълим фаолияти ҳамда унинг келгусида ривожланишини прогнозлаш бўйича бошқарув қарорини асослаш негизида белги ҳисобланади.

Бозор иқтисоди шароитларида мутахассисларни иш билан таъминлаш таълимни ислоҳ қилиш жараёни ривожини кузатиб бориш, миллий ва чет эл таълим тизимини қиёсий таҳлил этиш йўли билан амалга оширилади.

Муаммони ҳал этиш ижтимоий-иқтисодий соҳадаги стратегик мақсадларга эришиш даражасини мунтазам кузатиш, республика иқтисодини қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли прогнозлаш асосида асосий йўналишларини олдиндан белгилаш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли қарори олий таълим тизимида маркетинг хизматлари соҳасида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш вазифасни қўймоқда. Жумладан, қарорда қуйидагилар белгиланган:

- олий таълим муассасаларига талабалар қабули кўрсаткичларини «Инжиниринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари» билим соҳасидаги йўналишлар бўйича қабул квоталарини кўпайтириш йўли билан, «Таълим», «Иқтисод ва бизнес», «Хуқуқ» ва бошқа ижтимоий-гуманитар соҳаларни ўз ичига олган бошқа йўналишлар бўйича қабул квоталари салмогини белгиланган кўрсаткичларга мувофиқлаштириш;

- талабалар қабулининг умумий квотасини сақлаб қолган ҳолда таълимнинг барча йўналишлари бўйича давлат гранти ўринларининг солиштирма улушини ўрнатилган миқдорга мувофиқлаштириш;

- республика олий таълим муассасаларига талабалар қабули кўрсаткичларини ҳудудлар кесимида босқичма-босқич қайта тақсимланишини таъминлаш.

Мазкур вазифалар ижроси олий таълим битирувчи мутахассисларини замон талаби даражасидаги касбларни эгаллашларини таъминлайди. Бунинг учун, албатта, олий таълим тизимида илмий асосланган прогнозлаштириш лозим.

«Прогнозлаш» тушунчаси кенг маънода бўлиб, баъзилар «прогнозлаш — келажакни белгилаш» деса, бошқа бировлар «прогнозлаш — объект ривожини тўғрисидаги илмий фараз» деса, учинчи бировлар эса «прогнозлаш — объектнинг келгусидаги аҳволининг тавсифи» ёки «прогнозлаш — ривожланиш истиқболини баҳолаш» дейишади. Хуллас, дунёда прогнозлаш усулининг кўплаб талқини мажуд, улар юздан ортиқ.

**Прогнозлаш учун келажак ҳақида эҳтимолий тавсифда мулоҳазалаш хосдир. У ҳодиса содир бўлиши эҳтимоли даражасини белгилашда ёхуд қабул қилиниши мумкин бўлган қарор асосида ҳаракат қилиш кўламини белгилашда, ёхуд ривожланиш варианты ёки муқобилини топишда намоён бўлади.**

Прогнозлаш ва режалаштириш орасидаги ички боғлиқлик ва ўзаро алоқадорликни ва улар фарқини аниқлаш муҳимдир. Прогнозлашнинг илмий-аналитик тавсифи унинг режалаштиришдан функционал фарқини белгилайди. Прогнозлашнинг вазифаси — бўлиши мумкин дейиш. Режалаштиришнинг вазифаси эса барча мумкинлар орасидан бўлиши керакни танлашдир. Прогнознинг режадан тубдан биринчи фарқи шунда.

Прогнозлаш объектлари ва истиқболли режалаштириш кўпинча бир-бирига режалаштириш ва прогнозлаш уфқлари туташгандек мос тушади.

Илмий прогнозларни муҳокама қилиш иқтисодни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш билан қўшиб олиб борилиши лозим. Бунда прогнознинг бошланғичлик, режалаштириш муқаддимаси эканлиги кўринади.

**Иккинчи ўзига хослиги — прогнозлашнинг режалаштиришдан кўра «илдамроқлик» тавсифи.**

Режалаштириш фармойиш кучига эга. Режа — давлат қонуни. Прогнозлаш тавсиявий аналитик функцияни бажаради, бунда прогнознинг режадан учинчи фарқи намоён бўлади.

Режа бир талқинли, прогноз эса кўп талқинга эга, унга эҳтимоллик моҳияти мансуб. Прогнознинг режадан тўртинчи туб фарқи ана шундан иборат.

Прогнозлаш ва режалаштириш усулларига кўра ҳам жиддий фарқланади. Прогнозларни ишлаб чиқиш учун ўзига хос усуллар қўлланади. Улар кўпининг асосида эҳтимолий, экстра қутбли, баҳолаш, эвристик (назарий тадқиқот ва ҳақиқатни излаш мантиқий тутум, усулий қоидаларининг мажмуи), стохастик (тасодифий ёки эҳтимолий жараён) ва ҳ.к. ғоялар ётади. Булар аниқ кўрсаткичлар аниқли-



ги, белгиланганлиги, уларнинг мутаносиб боғлиқлиги, тўғридан-тўғри техникавий-иқтисодий ҳисоб-китобларни талаб эталиган режани тузиш босқичида қўлланмайди. Бу – прогнозлашни режалаштиришдан бешинчи сезиларли фарқи.

Прогноз функцияси: ҳодисаларни, йўналишларни таҳлил қилиш; уларни баҳолаш ва муқобил вариантларни белгилаш. Иқтисодий прогнозлаш режалашдан ўзига хос бир қатор кескин фарқ этадиган жиҳатларга эга бўлган иқтисоднинг ривожланиш мужассама тизими доирасида амалга ошириладиган ривожланиш илмий фараз (гипотеза)ни ишлаб чиқишдан иборатдир. Олдиндан кўра билинадиган келажак аввало бугун бир қарорга келиш учун керакдир.

Молиявий прогноз – молияни бошқаришнинг илмий имконияти. Прогнозларни муддатларга кўра умумқабул қилинган таснифи мавжуд ва у қуйидагиларни ўз ичига олади: 5 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган қисқа муддатли прогноз; 10 йилгача бўлган ўрта муддатли прогноз; 10 йилдан кўп муддатга бўлган узоқ муддатли прогноз. Шу билан бирга узоқ муддатли прогнозлар икки тоифага бўлинади – 10 йилдан 20 йилгача ва 20 йилдан 50 йил ҳамда бундан ортиқ муддатли.

Муваффақиятли прогнозлаш ва у ёки бу усулни танлаш сезиларли тарзда боғлиқдир, дейди австриялик олим Эрих Янг (ҳозирда мавжуд прогнозлаш тажрибасини танқидий тадқиқ этади). Шуниси ажаблანарлики, юксак даражада ихтисослашган прогнозлаш институтлари ҳам деярли прогнозлашнинг мураккаб усулини қўлламайдилар, гап усулнинг тўғрилигида эмас, балки ғоянинг тўғрилигида деб ҳисоблайдилар улар. Прогнозлаш усулларини қўллаш бўйича прогнозчилар орасида ягона нуқтаи назар учрамайди, лекин кўпчилик прогнозчилар 5/010 та энг оммавий «ишчи усуллар»дан фойдаландилар. Улар уч катта гуруҳга бирлашадилар: эвристик усул, экстраполяция усули ва моделлаш усули.

Тармоқларга оид прогнозларнинг асосий қисмини тадқиқотчилар мана шу усуллар ёрдамида оладилар. Таълим соҳасида маркетинг тадқиқотларни ўтказиш учун, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- таълим бозоридаги талабни;
- таълим соҳасидаги хизматларнинг аниқ йўналишлари ва уларга бўлган талабни;
- таълим муассасасининг моддий-техникавий, молиявий, касбий негизини;
- ишлаб чиқаришга бўлган мўлжални;
- хизмат ва товарлар нархи, улардан келадиган фойдани баҳолаш;
- бюджетдан ташқари фондни шакллантиришда қатнашувчиларни;
- ҳомийларни.

Булардан ташқари туман, шаҳар, вилоят миқёсида худди шундай хизмат кўрсатадиган мавжуд муассасаларни, иқтисоднинг маҳаллий

ўзига хос томонларини, муайян ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли эҳтиёжи (ишловчи оналар, нафақахўрлар ва б.)ни ҳисобга олиш, шунингдек, таълим муассасаси ишлаб чиқарадиган ва кўрсатадиган товарларнинг сотув, хизмат ҳажмини белгилаш (прогноزلаш) лозим.

Маркетингни муваффақиятли ўтказиш учун қуйидагиларни ўрганиш керак: маҳаллий матбуот, китоблар, проспектлар, каталоглар, прогнозланаётган фаолиятга оид журналлар, телекўрсатувлар, реклама материаллар, бошқа таълим муассасалари тажрибаси, шунингдек, бўлажак мижозлар билан суҳбат ўтказиш лозим. Маркетинг хизмат ва маҳсулотларни сотиш ўсишининг муваффақиятини таъминлаш, демак, бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш ва ундан фойдаланиш масаласини самарали ҳал этиш учун мунтазам фаоллик, ҳаракат қилиш, талабга ўз вақтида муносабат билдиришни талаб этади.

### 3.2. Олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни белгилаш

Аҳоли бандлиги ислохотларни муваффақиятли ўтказиш кўрсаткичларидан бири. Бандлик – фуқароларнинг ижтимоий-фойдали фаолияти. У мамлакатдаги туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, муайян меҳнат бозорининг, таълим хизмати шаклланиши шароитида жамият ривожини билан, жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашаётган бозор иқтисодини юқори даражада рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан узвий боғлиқ бўлган давлат стратегик мақсадига айланади.

Мустақил давлатимизнинг сиёсати, жамият ривожининг ҳозирги даражаси, унинг маданияти, фан ва техникаси, бозор иқтисодига кириши ва олий таълим олдида турган янги вазифалар фақат сифат жиҳатдан янги мазмун ва таълим технологиясинигина эмас, балки ҳўжалик юритишнинг замонавий шароитлари тақозосига кўра тарихан шаклланган вазият, республика иқтисодий ривожини динамикасини ҳисобга олиб, бозор иқтисоди қонуниятларига таянувчи мутахассисларни тайёрлаш йўналишлари ҳамда уларга бўлган талабни белгилашга янгича ёндашишни талаб этади.

Мутахассисларни тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва бандлик жараёнини бошқариш давлат дастурини яратиш мамлакат миқёсида муҳим аҳамият касб этмоқда, бу – олий таълимда давлат таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш режаси иқтисодиёт тармоқларининг амалдаги талабига мос келиши лозим дегани.

Сўнгги йилларда олий маълумотли мутахассис билан алмаштирилиши лозим бўлган ўринлар кўпаймоқда, кадрлар тайёрлашга ҳам сифат, ҳам миқдорий жиҳатдан талаб ўзгармоқда. Ишга олувчилар кўп ҳолларда маълумотга тегишли дипломларга эмас, балки кадрлар ишни қай даражада билиши ва касбий тайёргарлиги билан қизиқадилар. Бу дегани, иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича халқаро даражадаги билимларга талаб пайдо бўлмоқда.

Баъзи таълим муассасалари меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори талабларига жавоб бера олмайди, бунинг оқибатида мутахассисларнинг бир қисмига қўшма, хусусий, чет эл ва мамлакатдаги бошқа турдаги корхоналарда талаб йўқ. Буларнинг барчаси олий таълим обрўсига путур етказмоқда ва мутахассислар тайёрлаш сифатини кескин оширишни талаб этади. Бу вазиятни ўзгартириш учун, яъни олий маълумотли мутахассислардан самарали фойдаланиш ва давлат маблағларини таълимга мақсадли сарфлашда қуйидагилар алоҳида аҳамият касб этади:

— олий таълимиинг янги ихтисослашуви (магистратура ихтисосликлари ва бакалавриат таълимнинг янги ихтисослашуви (магистратура ихтисосликлари ва бакалавриат таълими йўналишлари рўйхати) олий маълумотли мутахассислар билан алмаштирилиши лозим бўлган лавозим талабларига мувофиқлигини, яъни мутахассислар тайёрлашнинг мамлакат иқтисодийётидаги лавозимлар билан мутаносиблигини белгилаш;

— умумий талабга мувофиқ олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик тармоқ меъёри янги таснифловчисида қабул қилинган таълим йўналишлари соҳасидаги умумий ва қўшимча талабни аниқлаш;

— тармоқлар кенгайиши ва меҳнат мураккаблигини сифат жиҳатдан такомиллаштириш билан боғлиқ мутахассисларга талабни белгилаш; Бунда қуйидагилар, албатта, ҳисобга олинади лозим:

— турли сабабларга қўра уларнинг сафдан чиқиши (авлодлар алмашуви, табиий намоиши, кўчиб кетиш, кадрлар қўнимсизлиги ва б.);

— таълим муассасалари, минтақалар, йўналишлар (бакалавриат, магистратура ва олий таълим ҳар бир йўналиши бўйича талабларни таснифловчи, малакавий тавсифлар ва таълим стандартларига мувофиқ ўтказиш;

— олий маълумотли мутахассисларга истиқболдаги талабларни белгилаш бўйича тармоқ методикасини тузиш.

Мутахассисларга бўлган талабнинг ривожланиши иқтисод икки асосий шўъбасида моддий ишлаб чиқаришда, ижтимоий соҳада турли қонуниятга эга.

Моддий ишлаб чиқаришда мутахассисларга бўлган талаб вектори меҳнатни интеллектуаллаштириш умумий жараёни билан белгиланади, бунинг сабаб ва оқибати товар ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини мунтазам сақлаб туриш ҳисобланади, шунингдек, фан, техника ва юқори технологиянинг энг янги ютуқлари ҳисобига ҳам рақобатбардошлик сақланади, чунки янги технологиялар мутахассисларнинг бевосита ишлаб чиқариш соҳасидан унинг ташкил этилиши, тайёрлов сақлаш ва ривожлантириш соҳасида ўтишга олиб келади.

Ижтимоий соҳада, умуман, сервисда мутахассислар миқдори давлат ижтимоий сиёсати тўлақонли, сервис хизматида аҳоли эҳтиёжи-

нинг туловга қобиллиги ошиши асосидаги сервис соҳасидаги фаолият кўламининг ошишига мутаносиб тарзда ошиб боради.

Бакалавр ва магистр даражасига эга олий маълумотли мутахассисларга бўлган иқтисод тармоқларидаги талабни ҳисоблаш учун қуйидагилар асосий бошланғич ахборот материаллари бўлиб ҳисобланади:

- иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган таълим соҳалари бўйича мутахассисларнинг миқдори ва таркиби, уларнинг ўсиб бориши;

- айрим тармоқ ва минтақалар иқтисодидаги ривожланиш ҳамда тузилмавий ўзгаришлар, ходимлар, шу жумладан, олий маълумотли мутахассислар бандлиги;

- лавозимларни иқтисод тармоқлари, ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича бакалавр, магистр даражасига эга мутахассислар билан алмаштиришга бўлган меъёрий талаблар.

Прогнозлаш методологик асосини ташкил этувчи таянч ёндашишга қуйидагилар асосидаги прогнозлаш тааллуқлидир:

- меъёр ва мезонлар;

- иқтисоддаги тузилмавий ўзгаришлар ва бандлик;

- техникавий-иқтисодий ўзгаришлар тенденцияси (қўп омилли моделлаштириш);

- аналог асосида.

Меъёр ва мезон асосида мутахассисларга талабни прогнозлаш уларнинг турли кўринишидан фойдаланишга асосланади. Тармоқ хусусияти ва мутахассислар меҳнати татбиқ этиладиган соҳага боглиқ тарзда ёхуд қийматларда, ёхуд натурал тарзда ҳисобланадиган ишлаб чиқариш меъёри ёки самаралилик фойдаланилиши мумкин.

Замонавий иқтисод ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос хусусияти шундаки, кенг хусусийлаштириш, фаол тадбиркорлик, чет эл инвестицияси ривожланмоқда, акциядорлик жамиятлари, ассоциациялар, корпорациялар юзага келмоқда, жамоатчилик бирлашмалари ва ташкилотлари шаклланмоқда, бошқа тузилмавий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Булар барчаси мутахассисларга, уларни тайёрлашга, ишга жойлаштиришга ва самарали фойдаланишга алоҳида талаб қўймоқда, таълимни молиявий ва моддий-техникавий шакллантиришга таъсир этмоқда.

Тузилмавий ўзгаришлар асосида мутахассисларга бўлган талабни прогнозлаш мулклар ва ҳўжалик юритишнинг айрим шакллариининг устуворлиги ва ривожини ҳисобга олиб, тармоқлар ва минтақалар иқтисодини тузилмавий қайта қуришнинг асосий йўналишлари аниқлаш негизида амалга оширилади.

Прогнозланаётган 10–15 йиллик даврдаги жиддий йўналишлар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисоднинг анча муҳим йўналишлари, айниқса, саноатда ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш динамикасининг кучайиши;

– бандликда юз бераётган ва кутилаётган тузилмавий катта ўзгаришлар ходимларнинг моддий ишлаб чиқаришнинг анъанавий тармоқларидан бозор инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш соҳасига қайта тақсимланиши;

– хусусийлаштириш ва кичик бизнеснинг ривожланиши ҳисобига ҳўжалик юритувчи субъектлар сонининг ошиши (бу бизнес, маркетинг, молия ва ҳисоб-китоб соҳасида мутахассисларга талабнинг ошишига олиб келади);

– мудофаа ишлаб чиқаришнинг конверсия қилиниши ва улар негизда фуқаровий ишлаб чиқаришнинг юзага келиши (бу мудофаа соҳасида мутахассисларга бўлган талабни пасайтиради, лекин шу билан бир вақтда янги техника ва такомиллашган технология соҳасида мутахассисларга талабни кучайтиради);

– ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш (янги технологиялар бўйича мутахассисларга талабни оширади).

Иқтисоднинг барча соҳаларида ишлаб чиқаришнинг жадаллашуви, автоматлаштириш, замонавий алоқа воситалари, микропроцессорлар, компьютерлар, робот техникасидан фойдаланиб бошқариш жараёни билан боғлиқ бозорнинг ривожланиши шароитида, тегишли соҳа мутахассисларига талаб ошмоқда.

**Техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши асосида прогнозлаштириш** (кўп омилли моделлаштириш) кутилаётган тузилмавий ўзгаришлар, демографик омиллар ижтимоий ривожланиш иқтисодининг аҳволи ва ривожланиш истиқболини ўрганиш ҳамда таҳлил асосида амалга оширилади.

Бундай ҳолда прогнозлаш модели бир неча блокларни ўз ичига олади:

1) *иқтисод ҳолатини баҳолаш* (бунда бошланғич макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади). Минтақада, умуман, республикада иқтисод ривожини тавсифловчи техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни шакллантириш бу блокда ҳал этиладиган асосий вазифа ҳисобланади.

2) *тузилмавий қайта қуриш асосий йўналишларининг таҳлиши асосида иқтисодни ривожлантиришда кутилаётган дастурлар*. Вазифа энг ишончли дастурни танлашдан иборатдир:

3) *кутилаётган инвестиция ҳажми*. Бу блокда давлат ва маҳаллий бюджетдан ва бошқа молиялаштириш манбаларидан келиши мумкин бўлган инвестициялар белгиланади;

4) *турли тоифадаги ходимлар бандлиги динамикаси* (ишсизлик ва ишчи кучларни қайта тақсимлаш тартибини ҳисобга олган ҳолда аҳоли бандлиги ҳақидаги маълумотлар асосида шаклланади);

5) *ходимларни бўшатишнинг кутилаётган сони ва таркиби* (масалан, бўшатилаётган ходимлар сони ва таркиби мониторинг асосида ҳал этилади);

6) *кутилаётган демографик ўзгаришлар*. Демографик тузилиш, меҳнат ресурслари таркиби ва иқтисоддаги қайта қуриш бўйича ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Умуман моделлаштириш техникавий-иқтисодий, ижтимоий, демографик ва меъёрий-маълумотнома кўрсаткичлари бўйича ахборот-меъёрий маълумотлар жамланмаси асосида ўтказилади.

Мутахассисларга бўлган талабни баҳолаш аналогия усули билан ўтказилиши мумкин, яъни бошқа давлат фаолиятидаги шундай соҳада шаклланган, талаб кўрсаткичларни қабул қилиш, хусусан чет эл мамлакатларидаги аналог бўйича иқтисоддаги таркибий ўзгаришлар тенденциясини кўп омилли моделлаштиришнинг айрим техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини, шунингдек, айрим корхоналар бўйича мутахассисларга талаб баҳолалиши мумкин. Муҳими – мамлакат тўғри танланишида.

Мутахассисларга бўлган талабни прогнозлашда юқорида келтирилган барча ёндашишлардан турли тарзда қўшган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Асосийси шундаки, тармоқ (вилоят минтақа ёки корхона) иқтисодининг самарали варианти ва аниқ аҳволи иложи борича ҳисобга олиниши керак. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурда кўзда тутилган таълим хизматига талаб ва таклифнинг мунтазам мониторинги, моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар учун юқори малакали кадрлар етиштириш ва қайта етиштириш – комплекс вазифа бўлиб, у мутахассисларга бўлган талабни ўрганишни тақозо этади:

- республика, вилоят, иқтисод тармоқлари ва ижтимоий инфра-тузилма, олий таълим йўналишлари (ихтисосликлари) миқёсида;

- малака (бакалаврлар, магистрлар) ва таълим (олий, ОТМни тугатгандан кейинги) даражаси бўйича тадқиқотнинг қуйидаги усуллари-дан фойдаланиб:

- социологик тадқиқотлар;

- Ўзбекистон республикаси ва чет мамлакатлардаги таълим хизматининг қиёсий таҳлили, кадрлар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг имкониятини ўрганиш (тегишли меъёрлар билан боғлиқ таълим йўналишлари ва ихтисосликлари миқдори ва соҳасини);

- техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ва бозор конъюнктураси билан боғланган ҳолда кадрларга бўлган талабни моделлаштириш;

- меъёр ва мезонлар асосида кадрларга бўлган талабни прогнозлаш;

- олий таълим ҳолати ва ривожланиши мониторинги тизимини ишлаб чиқиш;

- аҳоли бандлигини прогнозлаш асосида кадрларга бўлган талабни ўрганиш;

- тегишли маълумот олишга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондириш имкониятларини белгилаш;

- моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни кадрларга бўлган эҳтиёжи қонуниятларини айрим-айрим ўрганиш, бу республика иқтисоди барча тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради.

### 3.3. Таълимда сифат менежментини такомиллаштириш масалалари

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2010 йилга юртимизда «Баркамол авлод йили» деб ном бериш таклиф этилган. Юртбошимиз янги йилга айнан шундай ном беришнинг сабаблари ҳақида гапириб, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради деб жавоб берганлар.

Юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз барча буюк режаларимиз ижросини таъминловчи қудратли омилдир. Шунинг учун ҳам бу ўта муҳим масала доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида диққат-эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Маълумки, мамлакат тараққиёти унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади, бу эса тўлиқ равишда таълим сифатига боғлиқдир. Мазкур вазифани бажаришга «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қаратилган. Аммо таълим сифатини ошириш — бу, биринчи галда — ўқув ва ўқув-лаборатория жиҳозларини, кутубхона жамғармасини янгилаш, таълим муассасаларини глобал ахборот тармоғи — Интернетга боғлаш. Булар барчаси қўшимча молиявий сарф-харажат, тузилмавий ўзгаришларни давлат бошқаруви, давлатга қарашли бўлган ва бўлмаган таълим муассасаларининг ривожланиш динамикаси, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг самарали тартибини жорий қилиш, таълим сифатини назорат қилиш тизимини шакллантиришни талаб этади.

Кадрлар тайёрлаш сифатига тааллуқли кўпгина қоидалар, амалда татбиқ этилган, хусусан, таълим бошқарув идораларидан мустақил бўлган таълим сифатини аттестациялаш давлат хизмати ташкил этилди; мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожига талабларига жавоб берадиган давлат таълим стандартлари жорий этилди; таълим муассасаси фаолиятини, профессор-ўқитувчилар педагогик маҳорати, шунингдек, таълим оловчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими ўрнатилди; кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоатчилик шакли ривожланмоқда; таълим муассасаларини битирувчилар якуний аттестацияси тизими такомиллаштирилмоқда.

Рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш ва рақобатбардош хизмат кўрсатишни таъминлаш — таълимнинг асосий мақсади. Ҳозирги кунда қуйидаги масалалар жамиятни ташвишлантирмоқда ва ўз ечимини кутмоқда.

Олий таълимда сифат бошқаруви технологиясини қўллашнинг умумий модели қандай? Олий таълимни ташкил этиш энг яхши тизимини белгилаш учун сифатни бошқаришнинг амалиётда синовдан ўтган усулларини қандай қўллаш керак? Ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги мулоқот жараёнини яхшилаш учун сифатни бошқариш тамойилларини қандай қўллаш лозим?

Замонавий сифат менежменти тизими куйидагиларга асосланади:

– ялпи сифат менежменти тизими (Total Quality Management – TQM);

– ИСО 9001:2008 сериясидаги халқаро стандартлар талаблари ва тавсиялари;

– «Такомиллаштириш модели» деб номланувчи сифат менежменти бўйича Евопа фонди модели мезонлари.

Ялпи сифатни бошқариш тизими – Total Quality Management (TQM) концепциясида баён этилган куйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаш лозим:

1. TQM – оммавий ҳаракат. Бу таълим муассасасининг ҳар бир ходими таълимда юқори даражадаги сифатга эришиши ишида қатнашиши лозим деганидир.

2. Ҳар бир ходим, ҳар бир кафедра, ҳар бир таълим муассасаси ўзининг «ички ва ташқи буюртмаси ҳамда етказиб берувчисига» эга. Сифатни бошқариш – «буюртмачи»ни рақобатбардош мутахассислар билан таъминлаш ва рақобатбардош таълим хизмати кўрсатишни аниқлатади.

3. Таълим муассасаси фақат раҳбарият ёки бир неча самарали фаолият кўрсатувчи ходим куч-гайрати туфайлигина самарали ривожлана олмайди, шунинг учун таълим муассасасининг ҳар бир ходими таълим жараёнини такомиллаштириш ва «буюртмачи» талабини қондиришга жалб этилган бўлиши керак. Барча ходимлар, барча кафедра-лар, таълим муассасасининг барча бўлимлари, барча таълим муассасалари иккита вазифани – таълим стандартига мувофиқ кундалик ишини ва жараёнини такомиллаштириш ишини бажариши лозим. Меҳнатнинг анъанавий тақсироти, бир ходим «конвейер»даги кундалик ишини бажариши, бошқа биттаси эса жараённи такомиллаштириш билан шуғулланиши ҳозирги пайтда кам самаралидир.

4. Ҳар бир битирувчи-мутахассис ва ҳар бир хизмат муайян технологик жараён натижаси ҳисобланади, шунинг учун сифат самардорлигини ошириш жараённи такомиллаштириш ҳисобланади. Ҳар бир ходим ижодий имконидан шуни жамоавий ташкил этишда энг самарали тарзда фойдаланиши мумкин, демак, TQM жамоада ишлаш билишни талаб этади.

5. Мазкур жараёнга ректорни жалб этиш TQMни жорий этишнинг муваффақиятли стратегиясининг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бунинг учун икки омил мавжуд: биринчиси – янги технологияга қизиқиш уйғотиш (бу кўпроқ таълим муассасасидан ташқарида



амалга оширилади — семинарларда, бошқа ректорлар билан мулоқотда, шахсий тажрибада); иккинчиси, анча муҳими — маиший хизмат нархининг ошиши таълим бозорида рақобатнинг кучайиши, битирувчиларнинг мақсадли тақсимланмаслиги, ходимлар манфаатдорлигининг пасайиши ва б. билан боғлиқ хавф ёки инқироз.

6. Ташкил этилган таълим таълим муассасасида ТQMни жорий этиш муваффақиятининг танг омили ҳисобланади. «Домино» қоида-сига кўра — ректордан талабагача. Ўзининг, рақобатчиларининг, буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг муваффақияти ва муваффақиятсизлигидан ўрганиш лозим. Таълим муассасаси ходимларини ўқитиш мунтазам ва узлуксиз, турли жараёнлар учун турли вақт оралиғида бўлиши керак. Таълим муассасасида, бу — дарс соати, кун, ҳафта, семестр, йил, беш йил.

7. Жараённинг сифатига, унинг натижасига «буюртмачи»нинг талаблари ҳамиша аён эмас, шунинг учун «харидор»нинг аён бўлмаган эҳтиёжларини қондиришга интилиш керак. Бунда таълим муассасаси фаолиятининг натижалари давлат таълим стандартларига мос келиши керак.

8. Таълим жараёнини оператив такомиллаштириш заиф жойларни, жараёндаги камчиликларни излаш ва бартараф этишга таяниши, узоқ муддатлиси — янги ғояларни тадқиқ этиш, сифат кўрсаткичлари ва раҳбар интуициясини таҳлил этишга таяниши лозим.

9. TQM қатъий фан эмас. TQM ни жорий этишнинг ягона тўғри усули мавжуд эмас. У ҳар бир таълим муассасасининг маданияти ва ривожланиш тарихига, таълим муассасасида фойдаланиладиган замонавий компьютер технологиялари ривожланиш истиқболига ва имкониятига мос келиши керак.

АҚШ ва Франция университетларида сифатни ялпи бошқаришга уч жиҳатдан қаралади:

— таълим муассасасидаги ва уни битиргандан кейинги кадрлар тайёрлаш таълимида, шунингдек, муҳандислик йўналишларида ТQMни мустақил ўқув фани сифатида ўтиш (кўпгина таълим муассасаларида бу фан муҳандислик ихтисосликларидаги барча талабалар учун мажбурий қилиб қўйилган);

— TQM қоида ва усулларида фойдаланиб, бошқа фанларни ўқитишни ташкил этиш;

— TQM ғоялари асосида таълим муассасасининг бошқарувини ташкил этиш. TQM билан танишиш сифат концепциясининг тўрт йўналиши бўйича сифат тушунчаси эволюциясини кўриб бошланади:

— стандартга мувофиқлик;

— қўллашга мувофиқлик;

— аён бўлмаган эҳтиёжларга мувофиқлик.

Таълим соҳасида сифат концепциясининг барча атрибутлари (аён ёки аён бўлмаган ҳолда) мавжуд бўлади. Республикадаги кўпчилик таълим муассасаларида концепциянинг биринчи талабига риоя қили-

нади, муҳими — таълим муассасасини тугатувчининг билими давлат таълим стандартларига мос бўлишида. Бу нуқтаи-назарда иккита камчилик бор: биринчиси — сохта тасаввур. Бу шундан иборатки, гуё юқори сифат кўрсаткичига қаттиқ назорат, инспекция йўли билан эришиш мумкин эмиш. Ваҳоланки, бундай ҳолда талабаларга таълим берувчилар билан тайёрлаш сифатини назорат қилувчилар манфаатларининг тўқнаш келиши муқаррар; иккинчиси — таълим бозори эҳтиёжларига эътиборсизлик (стандартлар «харидорлар» талабига улгурмайди).

Ўзбекистонда таълим бозори учун «аён бўлмаган эҳтиёжларга мувофиқлик» концепцияси хосдир, чунки, кўпчилик мутахассис талаб қилувчилар ҳамон мутахассислар сифатига содда талаблар қўймоқда, лекин, умуман, республика олий таълим тизими «қийматларга мувофиқлик»ка таянувчи сифатнинг замонавий концепциясига қаратилган ишончли қадамни қўймоқда.

Умуман олганда, ТQM қоида ва усулларининг таълим хизмати соҳасига мослашуви фаолиятнинг қуйидаги турларини фарқлаш имконини беради:

#### 1. Сифатни режалаштириш:

— таълим муассасаси маҳсулоти ва хизматига бўлган эҳтиёжни белгилаш (абитуриентлар, талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар, тадбиркорлар, корхоналар, минтақа, жамият);

— талаб этувчилар эҳтиёжини аниқлаш;

— маҳсулот ва хизмат тавсифини ишлаб чиқиш;

— режани бажарувчиларга етказиш.

#### 2. Сифат алоқаларини белгилаш:

— ходимлар куч-ғайратини бирлаштириш учун фаолият турларини уйғунлаштириш;

— таълим жараёнини таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиш;

— ўқитувчилар жамоасини шакллантириш;

— таълим олувчилар жамоасини шакллантириш;

— таълим жараёнини стандарт тархига мувофиқ ташкил этиш;

— сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

#### 3. Сифатни назорат қилиш:

— сифат ўлчов кўрсаткичларини таъминлаш;

— сифат кўрсаткичларини таҳлил қилишини таъминлаш;

— берилган стандартга мувофиқ жараённи тўғрилаш;

— стандарт жараён тактикаси ва стратегиясини такомиллаштириш учун рағбат.

#### 4. Сифатни яхшилаш:

— жараённи узлуксиз такомиллаштириш учун инфратузилма яратиш;

— таълим жараёнидаги нуқсон асосий сабабини аниқлаш;

— таълим жараёнини яхшилаш бўйича ҳар бир ташаббусни амалга ошириш учун гуруҳ тузиш;

- ишчи гуруҳи мотивини таъминлаш;
- мақсадга эришиш устидан назорат ўрнатиш;
- ишчи гуруҳ узлуксиз таълимини таъминлаш.

Бироқ, шунинг назарда тутиш лозимки, жараёни тактик такомиллаштиришнинг сифати ва технологиясини назорат қилишга зўр бериш ижодиёт ва «ҳаддан зиёд ташкил этилганлик» ўртасидаги мувозанатни бузиши мумкин, шунинг учун вазиятни ҳис этиш керак ва таълим жараёнига кескин ўзгартишлар киритиш лозим.

Сифатни бошқариш тизими ички контури бўлиб жараён устидан статистик назорат, ўлчаш ва сифат ҳамда жараёни бошқариш кўрсаткичларини стандарт билан қиёслаш ҳисобланади.

Таълим технологиясини оператив такомиллаштириш кичик тизими тактик кичик тизимни бошқаришнинг иккинчи контури ҳисобланади. Агар жараёни тўғрилаш «яроқсиз маҳсулот» чиқаришни бартараф этмаса, ТQM тизимида реактив такомиллаштириш тартиби қўлланади, у етти босқичдан иборат бўлади:

- 1) такомиллаштириш бўйича ишлар мавзуини ишлаб чиқиш;
- 2) ахборот тўплаш ва уни ишлаб чиқиш;
- 3) учраётган нуқсонларнинг асосий сабабини аниқлаш;
- 4) қарорларни режалаштириш ва таълим жараёнига жорий этиш, яъни аниқланган нуқсон асосий сабабини такрор пайдо бўлиши мумкинлигини бартараф этиш;
- 5) янгилик самарасини баҳолаш, яъни қарор қўйилган самарани берганлигини билиш учун сифат кўрсаткичларини назорат қилиш йўли билан ишонч ҳосил қилиш;

6) татбиқ этилган янгиликка стандарт ости жараёни мақомини бериш; яъни аввал мавжуд бўлган жараён бир қисмини янгиси билан алмаштириш;

7) навбатдаги муаммони ҳал этишда аниқланган хатоларга йўл қўймаслик мақсадида такомиллаштириш бўйича бажарилган ишлар таҳлилини ўтказиш.

Таълим сифати соҳасида унинг уч таркибий қисми алоҳида ажратилади:

- таълим мазмунининг сифати (билим сифати, топшириқни бажарилган усуллариининг сифати);
- таълим ва тарбия усуллариининг сифати (идроқлаш фаолиятини ташкил этиш сифати, таълим фаолиятини амалга ошириш устидан назоратнинг сифати, таълим фаолияти натижаларини назорат қилишнинг сифати);

– шахсий маълумотлилиқ сифати (билимларни ўзлаштириш сифати, ўқув ва малака сифати, ахлоқий мезонларни ўзлаштириш сифати).

Таълим жараёнининг ахборотлаш воситаси тузилишини асослаш учун шахс маълумотлилиқ сифати кўрсаткичларини кўриб чиқамиз. Таълим муассасасини тугатувчи қуйидагиларни хоҳлайди (бу ҳақда битирувчилар билан ўтказилган социологик сўров, корхона ва таш-

килотларнинг раҳбарлари билан ўтказилган суҳбат, таълим ривожланиши умумий йўналишларининг таҳлили гувоҳлик беради):

– техника, физика-математика, гуманитар ёки ижтимоий фанлар соҳасида билим олиш;

– олган билимни қўлай билиш;

– мулоқот ва етакчилик, ишбилармонлик малакасига эга бўлиш;

– яхши ишга эга бўлиш ва янги ишга мослашиш ўқувига эга бўлиш;

– таълимни пулсиз ёки паст даражада ҳақ тўлаб олиш.

Шу эҳтиёжларга мувофиқ таълим муассасаларида қуйидаги шахснинг маълумотлилиқ сифат кўрсаткичлари кўп босқичли тархи қабул қилинган:

– ўқув фанларидан билимни баҳолаш;

– системавий лаёқатлилиқ даражаси (системаларни тўғрилаш ва яхшилашни билиш, мониторинг олиб боришни билиш ва фаолиятни тўғрилай олиш, ижтимоий, органик ва техникавий системаларнинг ўзаро алоқадорлигини тушуниш);

– лаёқатлилиқ даражаси ва ресурсларни тақсимлаш (вақт, пул, материал, кўлам, ходимларни тақсимлай билиш);

– технологик лаёқат даражаси (жиҳозлар ва ускуналарни танлаш, техникавий хизмат кўрсатиш ва диагностикани амалга ошириш (аниқ вазифаларни бажариш учун технологияни татбиқ этишни билиш);

– ахборот билан ишлашдаги лаёқат даражаси (билимни эгаллаш ва баҳолашни, компьютер системасидан фойдаланишни, файлни ташкил этиш ва сақлаш, ахборотни талқин этиш ва беришни билиш);

– таянч малакасини баҳолаш (ёзиш, ўқиш, сўзлаш ва эшитишни билиш);

– шахс сифатларини баҳолаш (шахсий масъулият, ўз-ўзини бошқара билиш, ҳамсуҳбат бўла олиш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш);

– фикрлаш малакасини баҳолаш (ижодий фикрлашни, бир қарорга келишни, олдиндан кўра билишни, ўқиб-ўрганишни билиш);

– фикрий мулоқот малакасини баҳолаш (гуруҳда ишлашни, бошқаларни ўқитишни, музокаралар олиб боришни, етакчилик қилишни билиш).

Сифат ҳар бир компоненти учун икки миқдорий ўлчовдан фойдаланилади: 0 дан 5 гача оралиқда ва синф кўрсаткичи (рейтинг)ни баҳолаш. Маълумки, ҳеч бир ўқув фани сифатни бутун кўлами билан қамраб ололмайди. Ҳар бир ўқув фани, ҳар бир модул, ҳар бир лаборатория иши ёки иш ўйини сифат кўрсаткичларининг фақат бир қисмига эришишгагина қаратилган бўлади. Шунинг учун тегишли ўқув модулини тузувчи шу модул билан ишлашда ҳосил қилиниши мумкин бўлган сифат компонентларини, сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини (белгиланиши) режалаштириши лозим. ТQMга ўтиш педагог-талаба муносабатида туб ўзгаришларни талаб этади. Масалан, талаба талабгор сифатида ўзига нисбатан педагогдан қуйидагиларни кутади:

- ўзига ҳурмат билан муносабатда бўлишни;
  - соф виждонлилик ва ўзига тенг кўришни;
  - курс дастури ва режасини, имтиҳон талабларини, рейтинг жадвалининг ўзига тақдим этилишини;
  - машғулотларни мунтазам ўтказиши, ўтилмай қолганлар ўрни-ни тўлатишни;
  - қулай жадвал тузиш;
  - имтиҳон ва уй ишларини тезда қайтаришни;
  - янги материаллар билан таъминлашни, мунтазам курсни такомиллаштириш ва унинг мақсад ва вазифаси тушунтиришни;
  - талабаларга қизиқиш билан муносабатда бўлишни;
  - машғулотларни ўз вақтида бошлаш ва тугатиш.
- Иккинчи томондан, педагог талабадан қуйидагиларни кутади:
- ўзига ҳурматда бўлишни;
  - ишларни тартибли тарзда топширишни;
  - машғулотларга қолдирмай қатнашишни;
  - машғулотга тайёрланиб келишни;
  - машғулот давомида мунозараларда фаол қатнашишни;
  - курснинг бошқа фанлар билан боғлиқлигини англаган ҳолда дарсга қизиқиш билан муносабатда бўлишни;
  - курсни яхшилаш учун маслаҳат беришни;
  - ўз ишини такомиллаштиришни.

Ўқитувчи-талаба иккинчи ўзаро талабаларининг барча айгиб ўтилган компонентлари берилсагина бу муносабатлар сифат кўрсаткичларига мос келиши ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Сифат концепциясини сифатни ялпи бошқариш тамойил ва тартибларини жорий этиш кадрлар тайёрлаш сифати устидан давлат ва жамоатчилик назорати тизими доирасида таълим тизими учун юқори даражада кадрлар тайёрлашни, таълим хизмати бозоридаги танловда рақобат муҳитини яратиш имконини беради.

Сертификатлаштириш – бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар сифатини объектив назорат қилиш, унинг жорий этилган талабларга мос эканлигини тасдиқлаш методидир. Сертификатлаштиришнинг мақсади – маҳсулотлар, хизматлар сифатини кафолатлаш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсизлигини таъминлашдир.

Сертификатлаштириш компанияга истеъмолчи учун бўлган рақобат курашида, маҳсулотлар, хизматларни импорт ва экспорт қилишда жиддий афзалликлар(ютуқли жиҳатлар) тақдим этувчи, компания имижини кескин яхшилаган ҳолда маҳсулотлар сотиш ҳажми ўсиб боришини рағбатлантирувчи муҳим омил. Ҳозирги кунда барча иқтисоди ривожланган давлатларда сифат менежменти тизимини ISO 9001 стандартлари серияси талабларига мослигини сертификациялаш жорий этилган бўлиб, бу давлатларнинг деярли барчасида ISO 9001 халқаро стандартлари давлат стандартлари сифатида эътироф этилган.

Ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бу эса бевосита таълим сифатига боғлиқдир. Моҳияти жиҳатидан мутлақо янги бўлган кадрлар тайёрлашнинг миллий модели «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан иборат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш ва жорий этилиши ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантириш ҳамда юқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборат стратегик мақсадга эришиш учун назарий асос бўлди.

Таъкидлаб ўтилганидек, таълим соҳасидаги етук дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги нақадар тўғри бўлганлигини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда.

Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, ўтган йиллар давомида катта куч ва маблағ ҳисобидан таълим соҳасида моддий-техник база барпо этилганлиги ва ривожлантириб борилаётганлиги, бугунги кунда ундан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи долзарблиги эътироф этилмоқда. Жумладан, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Таълим муассасаларининг аудитория ва кутубхона фондини, ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозларини, талабалар турар жойлари биноларини янгилаш, глобал ахборот тармоғи — Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, фарзандларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборни янада ошириш, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш бугунги кунда давлатимиз ва юртбошимизнинг диққат марказида турган долзарб масаладир.

Президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаб ўтганларидек, таълим соҳасида замонавий ахборот ва компютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат таълим муассасалари, балки ҳар бир оиланинг кундалик ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим.

Булар барчаси тузилмавий ўзгаришларни давлат ўқув юртларининг ривожланиш динамикаси, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг самарали тартибини жорий қилиш, касбий таълим сифатини назорат қилиш тизимини шакллантиришни талаб этади. Маълумки, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида молия-

вий бошқарув, ОТМларнинг инвестицион фаолияти ва маркетинг ишлари кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига қаратилган. Ислохотларнинг бугунги босқичида таълим тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш вазифаси қўйилмоқда.

Бугунги кунда тараққиётни таъминлашда илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлиги тан олинган ҳақиқат. Шу сабабли, мамлакатимизнинг келажагини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий таълим муассасалари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишига эришиш юртбошимиз томонидан таклиф этилмоқдаки, бу ҳам олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини янада оширишга, уларнинг амалиёт билан интеграциялашувини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли ёшларимизни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофаллаштириш қўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан таъминлаш таклиф этилмоқда, бу инновацион тараққиётнинг молиявий таъминоти учун асос бўлиб хизмат қилади.

Муҳтарам Президентимиз маърузаларида таъкидлаб ўтганларидек, «Бу борада асосий вазифа — амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо бериш, халқаро тажриба ва ўзгаларнинг ютуқларига беписанд қарамаслик, ҳаётимизда бу йўналишда учрайдиган тўсиқларни бар-тараф этишдан иборат».

Халқаро тажрибага эътибор берадиган бўлсак, айти пайтда хориждаги етакчи олий таълим муассасалари фаолияти ISO ва бошқа шу каби халқаро сертификатлаштириш тизимлари талаблари даражасида ташкил этилган.

ISO атамаси юнон тилида «тенг», «эквивалент» деган маъноларни англатувчи «Isos» сўзи билан оҳангдош бўлиб, инглиз тилидаги «International Organization for Standardization» сўзларининг қисқартмасидир. ISO — жаҳондаги 200 та давлатнинг миллий стандартлар институтлари тармоғини қамраб олувчи халқаро стандартлаштириш тизими бўлиб, унинг бош қароргоҳи Женева (Швейцария) шаҳрида жойлашган. ISO халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича энг йирик муассасадир.

Ҳозирги кунда аксарият давлатларда сифат менежменти тизими-ни «ISO 9001» стандартлари талабларига мослигини сертификациялаш жорий этилган. Халқаро миқёсда тан олинисни истаган барча корхона ва муассасалар, жумладан таълим муассасалари учун «ISO

9001-2008» каби халқаро стандартлар талаблари даражасида сифат менежменти тизимини жорий этиш ва унинг самарали фаолият юриштирини таъминлаш жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан кириб бориш, рақобат курашида афзалликларга эга бўлишнинг зарурий шартидир. Масалан, ҳозирги кунда мазкур сертификатларга эга бўлган корхоналар сони Хитой Халқ Республикасида 210,0 минг та, Италияда 115,0 минг та, Бельгияда 73,0 минг та, Испанияда 65,0 минг та, Ҳиндистонда 46,0 минг та, Россияда эса 12,0 минг тани ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Олий таълим муассасаларида молиявий бошқарувнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш истиқболларини белгилашда сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш меъёридан асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO 9001-2008 халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш учун бир қатор олий таълим муассасаси стандартлари (ОТМС) қабул қилиниши талаб этилади. ОТМС олий таълим муассасаси фаолиятининг илмий, услубий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий фаолиятини тўлиқ қамраб олади ва таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва молиявий бошқаришда ҳуқуқий-меъёрий асос бўлиб хизмат қилади.

«Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу барча иқтисоди ривожланган давлатларда меъёрий асос сифатида кенг қўлланилаётган, халқаро миқёсда тан олинган глобал стандартлаштириш тизимидир.

Олий таълим муассасаларини мазкур сифат сертификатига эга бўлиши миллий таълим тизимимизнинг халқаро талаблар даражасида фаолият кўрсатаётганлигини эътироф этилиши, пировард натижада кадрлар таълим тизимининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига, келажак авлоднинг порлоқ истиқболига хизмат қилиши шубҳасиздир.

### **3.4. Таълим сифатини ошириш ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари**

Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳада беқиёс ислохотлар амалга оширила бошланди. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ келажакимиз ворисларини баркамол инсон этиб тарбиялашга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятига «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан иборат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. ШУ



билан бирга, таълим сифатини оширишга қаратилган бир қанча қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 1993 йил 14 июндаги «Ўзбекистон Республикасида олий таълим сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 283-сонли ҳамда 1998 йил 11 мартдаги «Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 109-сонли қарорлари қабул қилинган.

Таълим сифатини ошириш — бу, биринчи гада — ўқув ва ўқув-лаборатория жиҳозларини, кутубхона жамғармасини янгилаш, ўқув юртларини глобал ахборот тармоғи — Интернет коммуникация тизимига боғлаш демакдир. Булар барчаси молиявий сарф-харажат, тузилмавий ўзгаришларни, олий таълим муассасаларининг изчил ривожланиши динамикаси, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг самарали тартибини жорий қилиш, таълим сифатини назорат қилиш тизимини шакллантиришни талаб этади.

Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу боис, иқтисодиёт тармоқларида халқаро сифат менежменти тизимини жорий этиш масаласига доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

«Стандартлаштириш тўғрисида»ги ва «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Вазирлар Маъжамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 22 июлдаги 349-сонли ҳамда «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 19 июндаги 173-сонли қарорлари бу соҳадаги ишларнинг норматив-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 22 июлдаги 349-сонли қарорида сифатни бошқариш тизимлари жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилиши белгиланган ва мазкур ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва маҳсулотларни ўз вақтида сертификатлаш ишларини мувофиқлаштириш;
- ишлаб чиқарувчи корхоналарда сифатни бошқариш тизимларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаш билан боғлиқ жараёнларнинг мунтазам мониторингини амалга ошириш;

- сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш тадбирларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва бошқа донор ташкилотларнинг грантларини жалб этишда ишлаб чиқарувчи корхоналарга кўмаклашиш;

- халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимини жорий этган ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан фойда солигини ҳисоблашда юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши ва уларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган инвестициялар суммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда камайтирилиши тартиби белгиланган.

Шунингдек, «Ўзстандарт» агентлигига халқаро сифат стандартларини жорий этган корхоналар реестрини ташкил этиш ва унинг оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда эълон қилинишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, Вазирлар Маҳкамасига техника соҳаси ўқув юрларида «Сифат менежери» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш дастурини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритиш вазифаси топширилган.

Мазкур топшириқнинг ижроси сифатида ҳозирда «Маҳсулот сифати менежменти» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш Тошкент давлат техника университети ҳамда Тошкент кимё технологиялари институтларида олиб борилмоқда. Албатта, «Маҳсулот сифати менежменти» соҳасида мутахассис тайёрланиши ижобий ҳолат, бироқ сифат менежери фаолиятини фақат маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан чегараланиб қолиши эътирозли ҳолат. Ривожланган давлатларда мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида хизматлар улуши катта эканлигини ва бу улуш изчил равишда ошиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, йўналиш номини «Сифат менежменти» деб номлашни таклиф қиламиз.

Ушбу йўналиш базасида тайёрланувчи магистратура мутахассисликларида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари учун махсус мутахассисликлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу ўринда, сифатни бошқариш бўйича машҳур олим, профессор Каору Исикаванинг «Сифатни бошқаришда япон услублари» китобида баён этилган «Мен сифатни бошқариш кадрларини ўргатишдан бошланиб, кадрларни ўргатиш билан туғашини такрорлашдан чарчамайман<sup>1</sup>» деган фикрларини келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган фикрларни давом эттирган ҳолда айтиш мумкинки, республикамызда сифатни бошқариш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тадрижий давоми сифатида таълим

<sup>1</sup> Ашурметова Ф.И. Хизматимиз кўлами янада кенгаяди. // Standart. 2009 йил. № 4. 38-бет.

муассасаларида, жумладан, олий таълим муассасаларида сифат менежментини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш вақти келди.

Олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш учун бир қатор олий таълим муассасаси стандартлари (ОТМС) қабул қилиниши талаб этилади. ОТМС олий таълим муассасаси таркибий бўлинмалари томонидан тайёрланиб, Илмий кенгашда тасдиқланади. Бунда муассаса фаолиятини тартибга солувчи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади.

ОТМС олий таълим муассасаси фаолиятининг илмий, услубий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий фаолиятини тўлиқ қамраб олади ва таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва молиявий бошқаришда ҳуқуқий-меъёрий асос бўлиб хизмат қилади. Олий ўқув юрталари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш истиқболларини белгилашда сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш меъёрларидан асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Давлат тараққиётида малакали кадр, етуқ мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Бинобарин, инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш тадбирлари ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Бу ўз навбатида кадрларнинг малакали бўлишини тақозо этади. Таълим муассасаларининг халқаро сифат сертификатларига эга бўлиши маҳаллий кадрларимизнинг халқаро миқёсда тан олиншининг асосий омилларидан биридир. Инчунин, ушбу сертификатга эга бўлиш таълим тизимимизни жаҳон стандартлари талаби даражасида ташкил этиш гарови бўлиб, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларимизни мустаҳкамлайди.

### **3.5. Олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини жорий этиш зарурияти ва ривожлантириш истиқболлари**

Ҳозирги шароитда таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни татбиқ этиш, рақобатбардошлик ва турмуш фаровонлиги даражасини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бсраётган Ўзбекистон учун меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига тез мослаша олувчи олий таълим тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириб бориш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барча соҳалари қатори таълим тизими олдига ҳам улкан вазифалар қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида таъкидлаб ўтганларидек, «...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий

этиш — Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир<sup>1</sup>».

Мазкур вазифаларнинг ижроси олий таълим тизимида ҳам маълум бир ўзгаришлар амалга оширилишини тақозо қилади. Мамлакат иқтисодиётининг узвий қисми бўлган олий таълим тизимини ҳам модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни таълим тизимига ҳам жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Олий таълим тараққиётининг бугунги ҳолати, интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми бўлган республикамиз олдида таълим тизими фаолиятини ҳам жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш, халқаро таълим тизимига интеграциялаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий халқаро меҳнат бозори талаби даражасида ташкил этиш талаб этилмоқда. Бу ҳолат республика олий таълим муассасаларини халқаро сифат менежменти талабларидан келиб чиққан ҳолда сертификатлаштиришни тақозо этмоқда.

Олий таълим муассасаларини стратегик ривожлантириш истиқболларини белгилаш жараёнида сифат менежменти тизимидан фойдаланиш тақозо этилади. Сифат менежменти тизими мавжуд хато ва камчиликларни аниқлаш, уларнинг салий оқибатлари ва келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, ривожлантириш истиқболларини белгилаш, келгусида юз бериши мумкин бўлган инқирозли ҳолатларни прогнозлаш, уларнинг олдини олиш ва салбий оқибатларини баратараф этиш имкониятларини оширади.

Сифат менежменти тизими дейилганда сифат сиёсатини ишлаб чиқиш, мақсадларни белгилаш ва мазкур мақсадларга эришилишини таъминлаш тизими тушунилади.

Қуйидагилар сифат менежментининг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланади:

— **Истеъмолчига йўналтирилганлик.** Ҳар қандай корхонанинг, жумладан, таълим муассасасининг ҳам фаолияти аввало истеъмолчи талабига боғлиқ, шунинг учун ҳар қандай корхона истеъмолчининг ҳозирдаги ва келгусидаги эҳтиёжларини тушуниб етиши, унинг талабларини бажариши ва у кутгандан кўра кўпроқ, яхшироқ хизматларни тақдим этишга ҳаракат қилиши лозим. Бозор таъбири билан айтганда «Мижоз ҳамisha ҳақ».

— **Раҳбариятнинг лидерлик салоҳияти.** Бошқарувнинг юқори бўғинидаги раҳбарлар (ректор, проректорлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, деканлар) юқори даражадаги сифатни таъминлаш тамойилини ўз шахсий фаолиятлари билан ўрнак ҳолда бажаришлари зарур. Раҳбарият персоналнинг сифат масалалари бўйича зарурий билимларга эга бўлиши ва уни такомиллаштириб боришларини таъминлаши зарур.

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2008.

– **Ходимларни жалб этиш.** ОТМнинг сифат менежменти тизими ва унинг механизмлари ходимларни ташаббускорликка ундаши, муассаса фаолиятини доимий яхшилаб боришга рағбатлантириши, ходимларнинг сифатни яхшилаш юзасидан тadbирларда масъулиятни ўз зиммаларига олган ҳолда фаолият кўрсатишлари, бошқа корхона ва ташкилотлар билан бўладиган алоқаларда муассасанинг обрўсини сақлашга ҳаракат қилишлари зарур.

– **Жараёнли ёндашув.** ISO-9001:2008 стандарти сифат тизимини лойиҳалаштиришга алгоритмик ёндашувни тақозо этади, бунда ҳар бир жараён учун жараённинг кириш ва чиқиш(натижа) босқичлари аниқ бўлиши ва муайян кўрсаткичда ўлчаниши; ҳар бир босқич якунида шаклланадиган ахборотнинг истеъмолчилари аниқ белгиланиши; уларнинг талаблари аниқланиши ва жараён натижаларидан қониқиши даражаси ўрганилиши; жараённинг бошқа жараёнлар билан ўзаро таъсири аниқланиши; жараённи бошқариш бўйича масъулият, ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланиши, жараённи лойиҳалаштиришда унинг ресурс таъминоти аниқланиши каби асосий талаблар бажарилиши таъминланиши зарур.

– **Менежментга тизимли ёндошув.** Бу тизимли ёндашув тамойили бундан олдинги тамойил билан, шунингдек, сифат менежменти тизими тўғрисидаги ўзаро боғлиқ жараёнлари мажмуаси сифатидаги қарашлар билан чамбарчас боғлиқдир. Тизимли ёндашув билиш ва амалиётнинг услубиети бўлиб, бунда объект тизим сифатида қаралади. Тизим бу ўрганилаётган объект ичидаги объект олдида қўйилган мақсадга эришиш учун ўзаро ҳамкорликда фаолият юритувчи ўзаро боғлиқ элементлар тармоғидир. Тизимнинг фаолият юритишдан мақсади тизимнинг барча элементларига маълум бўлиши ва барча учун ягона бўлиши зарур.

– **Доимий яхшилаб бориш.** ОТМ фаолиятини доимий яхшилаб бориш унинг доимий мақсади сифатида белгиланиши зарур. Таълимнинг сифати ОТМнинг илмий, моддий-техник базаси ривожланиши ва яхшиланиб бориши билан узвий боғлиқдир, шу сабабли, янги рақобатбардош сифатларга эга бўлган таълим хизматларини яратиш мақсадида таълим жараёнларининг инновацион муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

– **Фактлар ва маълумотларга асосланган ҳолда қарорлар қабул қилиш.** Бу тамойил амалиётда кўпчилик ҳолларда қўлланувчи мавжуд тажриба ва тахминларга асосланиб қарор қабул қилиш тамойили ўрнига жорий этилади, бунда қўйилган вазифага оид тўлиқ ва аниқ маълумотлар йиғилиши талаб этилади.

– **Ҳамкорлар(маҳсулот, хомашёлар етказиб берувчилар) билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари.** Мазкур тамойилнинг жорий этилиши муассаса ва истеъмолчи (маҳсулот, хом ашёлар етказиб берувчи)лар ўртасида очик, аниқ алоқаларнинг йўлга қўйилишини таъминлайди.

Маълумки, бугунги кунда хориждаги барча етакчи олий таълим муассасалари фаолияти ISO ва бошқа шу каби халқаро сертификатлаштириш тизимлари талаблари даражасида ташкил этилган, ҳозирда халқаро сифат сертификатини олиш ОТМнинг халқаро миқёсда тан олиншининг ва фаолият юритишининг зарурий шarti ҳисобланади.

Халқаро миқёсда тан олиншни йстаган барча корхона ва ташкилотлар, жумладан, таълим муассасалари учун ISO 9001 каби халқаро стандартлар талаблари даражасида сифат менежменти тизимини жорий этиш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан кириб бориш, рақобат курашида афзалликларга эга бўлишнинг зарурий шartидир.

ISO халқаро стандартлари серияси сифатни бошқариш тизимидаги илғор жаҳон тажрибаларининг умумлашмаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур стандартлар ишлаб чиқариш(хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш) менежментига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар(кўрсатилаётган хизматлар, бажарилаётган ишлар)нинг сифати барқарор юқори даражада бўлишини таъминлаш бўйича асосий талабларни баён этади. ISO 9001:2008 — «Сифат менежменти тизими. Талаблар» стандарти ISO халқаро стандартлари сериясидаги асосий стандартдир.

Таълим хизматлари соҳасидаги ISO 9008 стандарти ISO/IWA 2:2008 — «Сифат менежменти тизими — таълим соҳасида ISO 9001:2008 ни қўллаш бўйича тавсиялар» деб номланади. Иқтисоди ривожланган давлатларда мазкур стандарт асосида унга мос бўлган миллий давлат стандартлари ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

Таълим муассасаларида ISO 9001 сифат менежменти тизимини жорий қилиш бўйича тадбирлар қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

**I. «Мустақил аудит» (муассасадаги иш жараёнларини баҳолаш ва уларнинг диагностикаси).**

Мустақил аудит жараёнида муассасадаги мавжуд сифатни назорат қилиш тизимининг ISO 9001:2008 талабларига мослиги ўрганилади.

**II. Бюрогмачи-муассаса ходимлари иштирокида ишчи гуруҳ тузиш.**

Муассаса раҳбари томонидан тегишли ваколатларга эга бўлган сифат назорати бўйича масъул ходим тайинланади ва унинг бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунishi тартиби белгиланади. Сифат назорати хизмати (бўлими, бошқармаси) тавсиясига кўра сифат назорати соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлган ходимлар таркибидан ишчи гуруҳ тузилади, мазкур ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари ISO 9001:2008 сифат назорати тизимини жорий этиш бўйича ваколатли ташкилотларда малака оширишлари ташкил этилади.

**III. Муассаса раҳбарияти ва ходимларига жараёнларини бошқариш принципларини ўргатиш.**

Ўрганиш жараёнида муассасанинг барча таркибий бўлинмалари (бошқармалар, бўлимлар, хизматлар) масъул ходимлари, шунингдек,

сифат назорати хизмати бошлиғи ва ходимлари иштирок этадилар. Бу жараёни четдан мутахассис ёллаган ҳолда бевосита муассаса биносида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ISO 9001:2008 асосий стандарти талаблари тушунтирилади, сифат назорати тизими жорий этиш тарғиби ўргатилади.

#### **IV. Сифат назорати тизимини жорий этиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш.**

Бу босқич муассасани сертификацион аудитга тайёрлаш, сертификацион аудит жараёнида кўмаклашишни ўз ичига олади. Муассасада сифат менежменти тизими жорий этилгач, назорат аудити ўтказилади, бу буюртмачи учун сертификацион аудит олдидан дастлабки назоратни ташкил этиш имконини беради. Назорат аудити натижалари бўйича аниқланган тафовутлар баргараф этилади ва сифат менежменти тизимини янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берилади. Муассасада сифат менежменти тизимини жорий этиш кўп вақт ва меҳнатни талаб қиладиган жараён бўлиб, малакали мустақил маслаҳатчилар жалб этилганда бу жараёни тезлаштириш мумкин бўлади.

#### **V. Сертификацион аудит.**

Сертификацион аудит ISO 9001:2008 стандарти талабларига мос келувчи сифат назорати тизимини жорий этиш бўйича тадбирларнинг манғиқий якунидир. Сертификацион аудитни ўтказиш учун муассаса сертификатлаштириш органи билан сифат назорати тизимини ISO 9001:2008 стандарти талабларига мос келишини баҳолаш бўйича шартнома тузади.

Сертификацион аудит натижалари бўйича сифат назорати тизимини текшириш ҳисоботи тузилади, мазкур ҳисобот асосида эксперт комиссияси ISO 9001:2008 стандартларига мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

**ISO 9001:2008 сертификатини олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

- устав, муассасанинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- мулк шакли ва мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (ижара шартномаси, ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар);
- ходимлар таркиби, уларнинг малакаси тўғрисидаги маълумотнома (насл-номаси, исми, лавозими, маълумоти, илмий даража ва унвонлари, иш стажи);
- моддий-техник база ҳақидаги маълумотлар (технологик жиҳозлар, ўқув-лаборатория бинолари ва жиҳозлари, кутубхона фонди ва б.);
- сифат даражасини ўлчаш воситалари ва усуллари тўғрисида маълумотлар;
- муассаса бино ва иншоотларининг санитария-эпидемиология ва бошқа шу каби меъёрларга мос келишини тасдиқловчи ҳужжатлар (биноларни ёритиш, иситиш ва совутиш, ҳавосини алмаштириш,

электр жиҳозларини «заземление» қилиш талаб даражасида эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар);

- муассасанинг экология хавфсизлиги талабларига мослигини тасдиқловчи ҳужжатлар (атроф-муҳитни ифлослантириш даражаси, оқова сувларни, чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича тузилган шартномалар);

- муассасанинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мослигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- муассаса фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ёки технологик ҳужжатларнинг (давлат стандартлари ва бошқа шу қабила) мавжудлиги;

- техник жиҳозланганлик ва хизмат кўрсатиш (электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви каби) йўлга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- муассасага фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар (лицензиялар, аттестация ва аккредитациядан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатлар), сифат менежменти тизими тўғрисидаги ҳужжатлар;

- кўрсатилаётган хизматлар потенциал истеъмолчилари ҳақидаги маълумотлар, товарлар, хизматлар истеъмолчиларининг фикр-мулоҳазалари.

Мазкур ҳужжатлар тақдим этилиши сифат менежменти тизимини сертифицирлаштириш жараёнидаги биринчи қадам бўлиб ҳисобланади.

ISO 9001:2008 халқаро стандарти талабларига кўра муассаса сифат менежменти тизими ҳужжатларини ишлаб чиқиши, уларни тасдиқлаши, амалиётга жорий этиши ва ижросини назорат қилиб бориши зарур.

Таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш масаласи мамлакатимиз тадқиқотчиларининг илмий изланишларида ҳам ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази томонидан бу борада амалга оширилаётган ишларнинг тадрижий ривож сифатида «Таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини ISO халқаро стандарти талаблари даражасида ташкил этиш» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълим муассасалари бош бошқармаси, «SERT MANAGEMENT» компанияси, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази раҳбарияти ва ходимлари қатнашдилар.

Таълим тизимида хоржий инвестицияларни жалб этиш, таълим муассасаларида сифат менежментини халқаро стандартлар талаблари



асосида ташкил этиш жараёнига халқаро грантларни жалб этиш имкониятлари ўрганилмоқда. Бу борада Европа Уйи Темпус дастури билан ҳамкорлик алоқалари истиқболлидир.

Темпус дастурининг устувор йўналишлари қаторида янги ўқув дастурларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш, ОТМларда бошқарувни такомиллаштириш, ОТМларнинг жамият билан алоқаларини кенгайтириш, узлуксиз таълимни ривожлантириш кабилар кўрсатилган бўлиб, мазкур йўналишларнинг барчасида республика ОТМлари билан ҳамкорликда лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконияти мавжуд.

Темпус дастури конкурсида қатнашиш учун лойиҳани ишлаб чиққан муассаса бевосита Европа Иттифоқи ҳудудидаги ОТМларга тақдим этиши, уларнинг мазкур лойиҳада иштирак этишга розилигини олиши, кейин лойиҳани Темпус дастурига тақдим этиши тартиби белгиланган.

Темпус дастури раҳбарияти республика ОТМларида ISO халқаро сифат менежменти тизимини жорий этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилишини тўлиқ қўллаб-қувватлашини ва лойиҳа талаб даражасида тайёрланганда уни молиялаштиришга тайёр эканлигини маълум қилмоқда. Мазкур тадбирлар «Баркамол авлод йили» давлат дастури вазифалари ижросига қаратилган.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сонли Қарори билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тасдиқланди.

Қуйидагилар дастурнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

• таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртлирида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

• замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш.

Олий таълим муассасаларида сифат менежментини ISO халқаро стандартлари талаблари даражасида ташкил этилиши юқоридаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш, жумладан, таълим сифатини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тизимида муносиб ўрнини топиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида сифат менежменти тизимини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этилиши уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

### Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. «Маркетинг» тушунчаси моҳиятини очиб беринг.
2. Таълим муассасангиз таълим хизмати сотишини рағбатлантириш учун маркетинг тадқиқоти ўтказинг. Олиниши лозим деб ҳисоблаган бошланғич маълумотларингизни айтиб беринг, шунингдек, тилга олинган хизматларни истемолчига етказиш бўйича амалга оширадиган муайян ҳаракатларингизни баён этинг.
3. Маркетинг тизимидаги прогнозлаш нима? Ўз туманингиздаги таълим хизмати бозорининг ривожланиши тўғрисида прогноз тузинг. Бунинг учун сизга қандай маълумот кераклигини белгиланг. Прогнозингиз муқобили қандай?
4. Маркетинг усуллари ва маркетинг тадқиқотидаги унинг аҳамиятини айтинг.
5. «Бандлик» тушунчаси мазмунини очиб беринг.
6. Олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни белгилаш учун зарур бўлган асосий кўрсаткичларни айтиб беринг.
7. Мутахассисларга бўлган талабни прогнозлаш учун фойдаланиладиغان, ўзингизга маълум бўлган методикани айтиб беринг.
8. Таълим муассасалари тузилмавий ўзгариши ва ривожланиши динамикасини бошқарувчи асосий ҳужжатни айтиб беринг.

9. Олий таълимнинг асосий мақсадини очиб беринг.

10. TQM тизими асосий қоидасини баён қилинг.

11. Сифат концепцияси бўйича «Шахс маълумотлилиги сифати» тушунчаси нимани англатади? Сифатнинг ҳар бир компоненти миқдори қандай ўлчанади?

12. TQMга биноан педагог-талаба муносабати қандай юзага келади? Факультетингиздаги вазиятни TQM нуқтаи назаридан таҳлил қилинг. Бир, иккита ҳамкасбингиз сифатига баҳо беринг, ўз хоҳишингизга кўра ўқитувчилардан бири рейтингини белгиланг.

#### **IV БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

##### **4.1. Олий таълим муассасалари бюджети**

Давлат таълим муассасаси бюджет ташкилотидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда олий маълумотли мутахассислар етиштиришни амалга ошириш учун ташкил этилади. Унда нотижорат тавсифидаги ижтимоий-маданий функция бажарилади, давлат бюджетидан тўлиқ ёки қисман, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

Таълим муассасасини бюджетдан маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тартибга солинади. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини молиялаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори таълим муассасаларини молиялаштириш жараёнини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Талабалар қабул қилиш гранти, моддий-техника базасининг ҳажми таълим муассасасига бюджетдан маблағ ажратиш учун асос бўлади. Шунга қўра Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар ойда таълим муассасасига зарур бюджет маблағини ажратади.

Таълим муассасасининг бюджет тизими қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

- ички молия тизимининг методик бирлиги;
- даромад ва харажатлар ҳисоб-китобининг тўлақонлиги;
- ошкоралик;
- бюджет ваколатнинг раҳбарият даражалари бўйича тақсимланиши.

Таълим муассасасининг бюджети тўғрисидаги меъёрий ҳужжатда унинг шаклланиши тамойили, даромадни белгилаш ва харажатларни тасдиқлаш тартиби, шунингдек, бюджет интизомига риоя қилиш, таълим муассасаси фаолияти бюджет қоидалари бузилганлик учун жавобгарликка тортиш шартлари белгилаб қўйилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш ва бюджет интизоми мустаҳкамлаш «Таълим тўғрисида»ги қонун, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлиги йўриқномалари, Олий таълим тўғрисидаги низом, таълим муассасасининг низоми ва бошқа таълим муассасаси ички молия оқимларини ташкил этиш, харажат меъёрлари ва раҳбарият ҳуқуқларига тааллуқли айрим муаммоларни тартибга олувчи қоидаларга асосан амалга оширилади.

Бюджет — таълим муассасаси ички қоидалари билан мустаҳкамланган, таълим муассасаси пул маблағларининг ҳосил бўлиши ва сарф бўлиши шакли. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасалари барча бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар каби смета асосида молиялаштирилади. Мазкур қўлланма жаҳон амалиётидаги илғор тажрибаларга асосланган ҳолда «таълим муассасаси бюджети» тушунчаси ишлатилган, мазкур тушунча бугунги кунда мамлакатимиздаги «олий таълим муассасаси сметаси» тушунчасига мос келади.

Бюджет таълим муассасаси учун яхлит, юридик шахс мақоми берилган айрим бўлинма учун бўлиши мумкин.

Бюджет тизимининг уч босқичи фарқланади:

— умумтаълим муассасаси;

— айрим бўлинма;

— айрим иш, айрим тадбир, айрим объект.

Таълим муассасасини молиялаштириш учун маблағ давлат тузилмаларидан (давлат бюджетидан), таълимнинг контракт-тўлов шартнома шаклидан, товарлар ишлаб чиқариш ва сотишдан (иш, хизматдан), корхона ва хусусий шахслардаги (бюджетдан ташқари) маблағдан келиши мумкин.

Бюджет таснифи даромад ва харажат моддаларини гуруҳлаш давлат тизими бўйича амалга оширилади. Таълим муассасаси бюджет тизими ҳуқуқ негизининг ягоналиги, таснифлашнинг ягона системасидан фойдаланиши, ҳужжатларнинг ягона ҳисоботлар ва режалар шакли ҳамда зарурий статистик ҳисобот тақдим этиши билан таъминланади.

**Таълим муассасаси даромадлари** — маъмурият ёки айрим бўлинма раҳбари тасарруфига келиб тушадиган пул маблағи. Таълим муассасаси харажатлари — таълим муассасаси бўлинмаларининг эҳтиёжларини қондиришга сарфланадиган пул маблағи.

Харажатнинг даромаддан ошиб кетиши таълим муассасаси бюджет тақчиллигини келтириб чиқаради, у кейинги ҳисобот йили бюджетига ўтади ва кейинги даврда қарз бўлиб қолади.

Даромаднинг харажатдан ошиши таълим муассасасининг фойдасини ташкил этади. Таълим муассасасининг фойдаси олиб қўйилиши мумкин эмас.

Бюджет маблағидан мақсадли фойдаланмаслик бу маблағни олиш шартлари ёки таълим муассасаси ички бюджет тузилиши қоидаларига мувофиқ бўлмаган мақсадлари қаратилиш ҳисобланади.

Давлат грантига мувофиқ ажратилган маблағ харажатлар алоҳида гуруҳи бўйича чекланади. Маблағни бюджет маблағи ва бюджетдан ташқари маблағга тақсимлашга йўл қўйилмайди. Бу стипендия фондига, иш ҳақи, таълим муассасасини ривожлантириш капитал қўйилмалари ва жорий харажатларга тааллуқдир.

Таълим муассасаси тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолиятдан ва ИТИдан олган (таълимнинг тўлов-контракт шаклидан келадиган маблағ бундан истисно) маблағлари таълим муассасаси харажат моддалари бўйича мустақил тарзда буюртмачи ва таълим муассасаси ўзаро келишуви асосида тақсимланади.

Товарлар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) дан таълим муассасаси оладиган маблағлар белгиланган толшириққа мувофиқ ва бинонинг жиҳозларни ижарага бериш, таълим муассасасида ташкил этилган тижорат корхонаси фойдасидан ажратмалардан олинган 50% маблағ таълим муассасасининг ўз ихтиёрига кўра фойдаланилади.

Корхона ва муассаса, шунингдек, жисмоний шахслар таълим муассасасига жиҳозлар ва материаллар, бино ва иншоотларни, транспорт ва техника воситаларини, молия ресурсларини бегараз бериши мумкин. Таълим муассасаси бу тур маблағ ва воситаларни мустақил тасарруф этади.

Таълим муассасаси оператив бошқариш шарти билан ер майдони, бинолар, жиҳозлар ва бошқа ўзига давлат бюджетдан ажратилган моддий ресурслардан, шунингдек, корхона ва фуқаролардан олинган ёки бошқа манбалар ҳисобидан сотиб олинганлардан фойдаланади.

Таълим муассасаси олган маблағи ҳисобидан ўзига зарур жиҳозларни исталган корхона ёки хусусий шахсдан сотиб олиши, ижарага олиши ҳамда буюртма қилиши мумкин, уларга нақд пулсиз ҳақ тўлайди.

Хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишларидан илмий фаолиятни амалга ошириш учун олинган бюджетдан ташқари маблағдан фойдаланиш тартибини таълим муассасаси мустақил белгилайди, ходимлар меҳнатиغا ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилладиган улушларни аниқлайди, шу билан бирга фойда таълим жараёнини ривожлантиришга, жумладан турли илмий-техникавий ва ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш ва бошқа жамғармалар тузиш орқали инвестиция қилиниши мумкин.

Бюджет ҳисоби ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан назорат қилинади ва белгиланган қоидалар бу маблағлардан мақсадли бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланишни таъқиқлайди.

Ректор кундалик фаолиятда бюджет маблағини тақсимловчи ҳисобланади, шунингдек, тақсимлаш ҳуқуқига эга раҳбарлар ҳам бўлинмалар ёки йўналишлар бўйича харажатларни тақсимлай олади. Таълим муассасаси банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга мансабдор шахслар, таркибий бўлинмаларнинг тўла молиявий мустақилликка эга раҳбарлари шундай шахслар ҳисобланади.

Таълим муассасасининг бюджети қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган давлат гранти бўйича қабул квотасига мувофиқ мутахассислар тайёрлови учун бериладиган давлат маблағи;

— малака оширишни молиялаштириш;

— мақсадли таълим дастурларини молиялаштириш;

— Тўлов-шартнома шаклдаги таълим ва иккинчи олий маълумот олиши учун тўланадиган ҳақ;

— корхоналар учун қўшимча кўрсатилган таълим хизмати учун келадиган маблағ;

— айрим фуқароларга қўшимча таълим хизмати кўрсатиш ва уларни ўқитиш учун олинadиган ҳақ;

— таълим муассасаси майдонлари ва ресурсларини ижарага бериш;

— мулкнинг барча шаклидаги корхона ва ташкилотлар, жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари;

— таълимий тавсифга эга бўлмаган илмий, консултация ва бошқа хизматларга тўловлар;

— номоддий активларни сотиш;

— бошқа ташкилотлар фаолиятида қатнашишдан келадиган даромад;

— маданий-оммавий тадбирлар ўтказишда келадиган даромад;

— ўзга ташкилотларнинг беғараз ёрдами ва бошқалар.

Таълим муассасалари оладиган қўшимча даромад ёки режадан ташқари тушумлар, биринчи галда, улар қўшимча даромаддан молиялаштириш лозим бўлган харажатларга йўналтирилади, иккинчидан, жорий қарзларни қоплашга, учинчидан, кўзда тутилмаган ишларга, ниҳоят, кредиторлик қарзларни қоплашга сарфланади. Қўшимча маблағлар сарфланадиган устувор йўналиш ва тадбирлар Кенгаш қарори ёки таълим муассасасининг ректори томонидан белгиланади. Бу устуворлик таълим муассасасининг навбатдаги йиллик лойиҳасини тайёрлашда қабул қилинади.

Агар аввал режалаштирилмаган янги харажатлар қилиш зарурати пайдо бўлса, уларни молиялаштириш таълим муассасаси бўйича буйруқда, уларни молиялаштириш тартиби кўрсатилган ҳолда белгиланади. Режада белгилангандан кўра қатга харажатни молиялаштириш зарурати туғилганда, таълим муассасаси бўйича буйруққа асосан молиявий текширув белгиланади, унинг натижаси бўйича қарор қабул қилинади.

Бухгалтерия хизмати янги йил бюджет харажатлари рўйхатида қайд этилмаган харажатларни молиялаштириш учун қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

**Молиявий маблағлар**, таълим муассасаси давлат идораларидан олган, бошқа юридик шахсларга берилиши мумкин эмас, чунки улар мақсадли ҳисобланади. Бу шартга амал қилиш устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат тафтиш бош бошқармаси амалга оширади. Таълим муассасаси ўз тадбиркорлик фаолиятидан келган даромадни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади.

Бироқ бу ҳақда бир қарорга келишда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим.

- маблағни йўқотиш rischi;
- қутилаётган даромад миқдори;
- қўллаб-қувватланаётган фаолият соҳаси вилоят, минтақа, таълим муассасаси ривожлантиришга мувофиқ эканлиги;
- маблағни таълим муассасасини ривожлантириш тадбирларидан олиш туфайли таълим муассасаси кўрадиган зарар;
- фойдани таълимни ривожлантиришга йўналтирилмаганлиги туфайли қўшимча солиқ тўловлари.

Инвестиция қарорининг масъулият даражаси юқори ва субъектив хато юз бериши мумкинлиги таълим муассасаси маблағини бошқа юридик шахсга бериш ёки бошқа ташкилот низом фондига капитал қўйишда таълим муассасаси кенгашининг, албатта, қарори булишини талаб қилади.

**Давлат грант тўловлари** тартибида мутахассислар тайёрлаш учун таълим муассасасига келиб тушадиган маблағ, таълим муассасаларига қўшимча ва бошқа хизматлар учун тўловлар умумтаълим муассасаси ва таркибий бўлинмалар бўйича тақсимланши лозим. Бюджет маблағлари тадрижий суратда бошқарув қарорлари орқали (бюджетни режалаштириш тартиби асосида) тақсимланади:

- давлат ва давлатга алоқадорсиз молиялаштиришни прогнозлаш;
- маблағнинг манбалар бўйича тушишини баҳолаш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ва стипендиялар беришга кетадиган харажатлар режавий эҳтиёжии белгилаш;
- ҳудудни ободонлаштириш, биноларни, тармоқ ва бошқа умумтаълим муассасаси аҳамиятига эга мулкни яроқли сақлаш бўйича ишларни режалаштириш;
- бошқарув ва ёрдамчи тузилмавий бўлинмалар стандарт хизмати мажмуи қийматини белгилаш.

Бу элементлар таълим муассасасининг режавий молия бюджетини тузиш учун етарлидир. Таълим муассасасининг марказлаштирилган субҳисоб рақамига тушадиган бюджетдан ташқари маблағ уч қисмга тақсимланиши лозим: *умумтаълим муассасаси тадбирларини қўллаб-қувватлашга, бошқарув ва таъминот хизматига, асосий ўқув таркибий бўлинмалар (факультет ва кафедралар)га.*

Таълим муассасасининг бюджет элементлари молия вазирлиги бюджет маблағи ҳисобига молиялаштириладиган ташкилотлар учун белгиланган тарзда шаклланади:

- режадаги ёки ҳисобот даври оралиғидаги вақт мобайнида ташкилот фаолиятини таъминловчи жорий харажатлар;
- ташкилот ривожини таъминловчи капитал харажатлар;
- бошқа ташкилотлар билан молиявий алоқани таъминловчи кредитлар бўйича тўловлар.

Жорий харажат унсурлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш, шу жумладан:
  - ходимлар асосий маоши;
  - иш ҳақиға устамалар;
  - меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш;
  - лавозимдан ташқари ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;
- ходимларга бошқа пул тўловлари;
  - иш ҳақи учун ажратмалар, шу жумладан:
  - пенсия фондига ажратмалар;
  - бандликка кўмаклашиш фондига ажратмалар;
  - касаба уюшмалар кенгаши фондига ажратмалар;
  - ходимларга давлат мажбурий сугуртасига ажратмалар;
- таъминот ва харажат материаллари сотиб олиш, шу жумладан:
  - девон ашёлари;
  - юмшоқ жиҳозлар;
  - бошқа харажат материаллари;
- хизмат сафари ва даромадлари;
- транспорт хизмати тўловлари;
- алоқа хизмат тўловлари;
- коммунал хизмат тўловлари;
- бошқа хизматларга тўловлар, шу жумладан:
  - бино ва хоналарни жорий таъмирлаш;
  - бошқа хўжалик ва эксплуатация харажатлари.
- ўқув-методик харажатлари, шу жумладан:
  - ишлаб чиқариш амалиёти харажатлари;
  - ўқитувчилар малакасини ошириш курслари;
  - кутубхона жамғармасини тўлдириш харажатлари;
  - ускуна ва жиҳозларни таъмирлаш харажатлари;
- аҳолига трансфертлар, шу жумладан:
  - нафақа тўлаш;
  - стипендия;
  - аҳоли бошқа трансфертлари.

Ташкилотнинг капитал харажатлари жиҳозлар олиш, капитал қурилиш ва капитал таъмирлашдан ҳосил бўлади. Қуйидагилар қис-мларга ажратилган капитал харажат элементлари ҳисобланади:

- жиҳозлар сотиб олиш, шу жумладан:
  - илмий-ўқув адабиётлари сотиб олиш;
  - аудитория учун ва бошқа жиҳозлар сотиб олиш;
- капитал қурилиш, шу жумладан:
  - турар жой қурилиши;
  - ишлаб чиқариш объектлари қуриш;
  - ижтимоий-маданий ва маиший объектлар қуриш;
  - маъмурий объектлар қуриш;
- капитал тамирлаш, шу жумладан:
  - турар жой фондини;
  - ўқув-лаборатория объектларини;
  - маъмурий объектларни.



Молиявий алоқалар кредитлар ва улар бўйича тўловларда ҳисобга олинади. Бу соҳа фаолиятини акс эттирувчи харажатлар элементи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кредитлар бериш;
- кредитларни қайтариш.

Молиявий таъминланишда таълим муассасаси **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан** молиялаштиришнинг бир неча вариантини тузиши мумкин.

**Биринчи вариант бўйича** таълим муассасасига лимитлар (харажатлар чегаравий миқдори) — маблағлар элементлар бўйича ёхуд элементлар гуруҳи бўйича давлат буюртмаси бериш билан бир вақтда берилади.

**Иккинчи вариант бўйича** бюджет моддалари бўйича бир талабага ҳисобан таълим муассасасига узоқ муддатли ажратмалар меъёри белгиланади. Жорий вақтда давлат буюртмасидаги талабалар сони ўзгарганда молиялаштириш миқдори ҳам ўзгаради,

**Учинчи вариант бўйича** молиялаштиришда таълим муассасасини қисман таъминлаш кўзда тутилади. У айрим харажатлар моддасини ёки барча элементлар бўйича харажатлар айрим улушини давлат маблағидан тўлов сифатида амалга оширилади. Таълим муассасаси фаолиятини молиялаштиришнинг бу вариантыда таълим муассасаси харажатларининг бир қисми онгли равишда бюджетдан ташқари манбага қолдирилади. Мамлакат бюджетида маблағ етишмаганда молиялаштиришнинг бу варианты ягона қўлланадиган бўлиб қолади. Молиявий жиҳатдан энг танг вазиятларда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги биринчи навбатдаги бюджет моддаларини молиялаштириштиради: иш ҳақи, иш ҳақига ажратмалар, талабалар стипендияси, шунингдек, таълим муассасаси иш фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

Пулли хизмат кўрсатишдан таълим муассасаси олган маблағларни бюджет маблағларига аралаштиришга йўл қўйилмайди. Мулкни ижарага қўйишдан келган даромад; ортиқча маблағни депозит ҳисобга қўйишдан келадиган даромад, бошқа ташаббус — корхона операциялардан келадиган даромадлар, пулли хизмат кўрсатишдан олинган махсус маблағлар шундай маблағлар ҳисобланади. Уларнинг келиши ва кетиши айрим-айрим ҳисобга олинади. Бюджетдан ташқари даромад манбаининг ҳар бир тури учун алоҳида ҳисобот тузилади.

Қуйидагилар бюджетдан ташқари маблағ харажат элементлари ҳисобланади:

- хизматлар меҳнатига ҳақ тўлаш;
- лавозимдан ташқари ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;
- меҳнат тўловлари солиғи;
- ўқув фаолияти учун таъминот ва сарфлов материаллари сотиб олиш;
- ўқув жиҳозлари сотиб олиш;

- давлат фондларига ажратмаларни чегаралаш;
- таълим муассасаси даромадига ажратмалар.

Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси республика бюджетга маблағидан мақсадли фойдаланмасликка йўл қўйган юридик шахсларга жарима чоралари қўллаш ҳуқуқига эга. Жарима чоралари миқдорини (ҳам жорий йил, ҳам ўтган йил учун) республика бюджетига ўтказиш лозим.

Таълим муассасаси бюджет маблағидан мақсадли фойдаланмаганда Молия вазирлиги мазкур миқдор маблағни кейинги молиялаштиришда чегириб қолади ва бу ҳақда, албатта, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини огоҳлантиради. Республика бюджетидан мақсадли фойдаланмасликка йўл қўйган таълим муассасасининг раҳбари фуқаровий-ҳуқуқий ва маъмурий тартибда моддий жавобгарликка тортилиши учун материаллар расмийлаштирилади.

Таълим муассасасида ҳисоб ишлари олиб бориш методикаси раҳбарнинг буйруғи билан тасдиқланади, унда ҳисоб-китоб методикасини амалга оширишга асос бўладиган йуриқнома ҳужжат кўрсатилади. Материалларни ҳисоб-китоб қилдириш, амалга ошириш сарфлари, тайёрлов курсларига тўловлар, ётоқхонада яшаганлик учун, спорт залидан фойдаланганлик ва бошқа тижорат хизматлар учун, шунингдек таълим муассасаси таркибий бўлинмалари ўртасидаги алоқалар учун ҳисоб-китоблар алоҳида таъкидланади.

#### 4.2. Бюджет бўлинмалари

Даромад ва харажатлар элементларининг мажмуи, унинг фаолиятини тавсифловчи бюджет бўлинмалари ҳисобланади.

Таълим муассасасининг қисми ҳисобланувчи бўлинма учун бюджетнинг бир неча турини ажратиш зарур:

- меъёрий тўлиқ бюджет;
- режавий бюджет;
- амалдаги ҳўжалик ҳисоби бюджети.

Меъёрий тўлиқ бюджет умумтаълим муассасаси молия оқими бир қисмини ҳам қўшган ҳолда даромад ва харажатларнинг барча элементларини акс эттиради. Бу бюджет бўлинма фаолият кўрсатиши қанчага тушиши ва унинг фаолияти қанча даромад келтиришини кўрсатган ҳолда таълим муассасаси доирасидаги бўлинманинг аҳамиятини иқтисодий баҳолаш ҳақида меъёрий тасаввурни ҳосил қилади. Бўлинма зарар келтирувчи бўлимларни сақлаш, ривожлантириш, фаолияти самарасини ошириш, тугатиш бўйича бошқарув қарори қабул қилишнинг миқдорий негизини барпо этишга имкон беради.

**Режавий бюджет** навбатдаги ўтиш давридаги бўлинма даромад ва харажат элементларининг мажмуи ҳисобланади, бу элементлар учун бўлинма раҳбари жавобгардир. Бўлинма режавий бюджети таълим муассасасининг мўлжалланаётган молиялаштириш, бўлинмага бюд-

жетдан ташқари маблағни ажратиш ва жалб этиш режаси асосида тузилади.

**Амалдаги хўжалик ҳисоби бюджети** бўлинма даромад ва харажатларининг элеменларини кўрсатади. Булар унинг фаолиятига боғланади. Унга биноан бевосита бўлинманинг ўзида ҳисоб-китоб ташкил этилади, бунинг учун бўлинма раҳбари масъулдир. Хўжалик ҳисобидаги бюджет тўлиқ бюджетнинг бир қисми ҳисобланади. Бўлинма мустақиллиги қанчалик юкори даражада, унинг молиявий таъминланганлиги тўлиқ бўлса хўжалик ҳисобидаги бюджет тўлиқ меъёрий бюджетга шунчалик яқин бўлади.

Бюджетнинг ҳар бир тури режавий ва ҳисоботга бўлинади. Режавий бюджет навбатдаги ўзгарувчи вақт бошланиши арафасида ресурслар сарфи меъёрига ва манбалар бўйича келиши кутилаётган даромадларга мўлжаллаб тузилади. Амалдаги бюджет вақт оралиғи охирида бўлинма фаолияти якунини акс эттиради ва аниқ даромад ва харажатларни кўрсатади.

Ўқув бўлинмаси харажатлари умумий миқдорини бир неча ташкил этувчиларга бўлиши мумкин. Аввало бевосита ва билвосита харажатлар фарқланади. Бевосита харажатлар муайян бўлинма учун бевосита ҳисоб-китобларга йўл қўяди, билвосита харажатлар аудиторлар ва ёрдамчи майдонларни сақлаш бўйича харажатлар, таълим муассасаси умумий сарфларини ҳисобга олади, тегишли бўлинмага тааллуқлилик махсус қоидабини талаб этади.

Ўқув бўлинмасининг **бевосита харажатларини** ходимлар иш ҳақи, талабаларга тўловлар, хоналар ва жиҳозларни сақлаш учун харажатлар, таълим муассасаси ҳудудидан четдаги ўқув жараёнини таъминлаш бўйича харажатларга бўлиши мумкин.

Ўқув тузилмаси бевосита харажатлари таркибига қуйидагилар киради:

- профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи;
- профессор-ўқитувчилар иш ҳақиға устама;
- ўқув-тарбия ходимларининг иш ҳақи;
- ўқув-тарбия ходимларининг иш ҳақиға устама;
- иш ҳақидан мажбурий ажратмалар;
- хоналарни сақлаш бўйича харажатлар;
- ёритиш, ускуналар ишлаши учун электр энергиясига ҳақ тўлаш;
- иситиш учун ҳақ тўлаш;
- ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарф бўладиган сув учун ҳақ тўлаш;
- телефон учун ҳақ тўлаш;
- девон харажатлари;
- китоблар ва даврий нашрларга харажатлар;
- ўқув материалларини тайёрлаш ва нашр қилиш харажатлари;
- хизмат ҳужжатлари бланкасини тайёрлаш учун харажатлар;
- талабалар ҳужжатларини тайёрлаш харажатлари;

— ўқув ва илмий ускуналарни сақлаш учун эҳтиёт қисмлар ва материаллар;

- амортизация ажратмалари;
- талабалар, аспирантлар ва докторантлар стипендиялари;
- ишлаб чиқариш амалиётини таъминлаш учун харажатлар;
- хизмат сафари харажатлари;
- шаҳарлараро телефонда сўзлашиш харажатлари.

Ўқув тузилмасига бевосита харажатларнинг элементларини ҳисоблаш талаба, ўқитувчи бирлигига бўлган харажатлар меъёри орқали амалга оширилади.

**Билвосита харажатлар** бошқарув аппаратини сақлаш ва таъминлаш, бино, ҳудуд ва хоналарга қараш, ўқув аудиторияларини ва ёрдамчи майдонларни сақлаш харажатларини ўз ичига олади.

Натижада ўқув бўлинимасининг жорий харажатлари умумий миқдори иккита кўрсаткичдан иборат бўлади:

- бевосита капитал харажатлар;
- билвосита харажатлар.

Бўлиниманинг бевосита капитал харажатларида қуйидагилар кўзда тутилади:

- жиҳозлар сотиб олиш;
- капитал қурилиш.

Ўқув бўлинимаси бюджетининг даромад қисми қуйидагилардан шаклланади:

— давлат буюртмаси бўйича мутахассислар тайёрлаш учун таълим муассасасига бериладиган бюджет тўловлари улуши;

— қўшимча таълим ва илмий хизматлар бажарганлик учун бўлима олган хўжалик ҳисобидаги воситалар;

— қўшимча таълим, илмий ва қўшимча хизматлар кўрсатилгани учун таълим муассасасининг бошқа бўлинималари томонидан таълим муассасаси ички пул ўтказишлари;

— хусусий шахслар ва корхоналар томонидан хайрия мақсадидаги пул ўтказишлар.

### 4.3. Таълим муассасасини молиялаштириш тартиби

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган тармоқлардаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадларида, молиялаштириш тартибини такомиллаштириш бюджет маблағидан самарали ва мақсадли фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янги тартиби жорий этилди.

Молиялаштиришнинг янги тартибида қуйидагилар кўзда тутилади:

— молиялаштиришнинг кўп вариантлилиги (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар);

– таълим муассасаси раҳбарларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш (бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш бўйича);

– таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини соддалаштириш ва максимал фойдаланиш мақсадида мавжуд маблағлар турлича татбиқи учун имконият яратиш;

– таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янги тартибни жорий этиш (меъёр бўйича ягона рўйхатдан молиялаштириш усули билан давлат бюджетидан, таълим муассасаси соҳасига боғлиқ ҳолда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга айрим ажратмаларни, меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратмалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаш);

– бюджетдан молиялаштириш таълим муассасаси соҳаси бўйича товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) фаолиятини кенгайтириш билан қўшиб олиб бориш;

– таълим муассасалари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш учун шароит яратиш, улар фаолияти маҳсулдорлигини кўтариш, кадрларни мустаҳкамлаш;

– таълим муассасаларига ўзларини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқини бериш.

Молиялаштиришнинг янги тартибида 2000 йил 1 январидан қуйидагилардан қўшимча даромад олувчи таълим муассасаларини солиқдан (беш йил муддатга) озод қилиш кўзда тутилган эди:

– фаолият соҳаси бўйича товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш);

– таълим муассасасининг вақтинча фойдаланилаётган хоналар ва бошқа давлат мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришдан (50% маблағ);

– юридик ва жисмоний шахсларнинг таълим муассасаларига ҳомийлик (беғараз) ёрдам кўрсатиши;

– давлат бюджетига олинадиган солиқ ва тўловларнинг барча турларидан, таълим муассасаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун бўшаган маблағдан мақсадли фойдаланиш шarti билан озод қилиш.

Давлат бюджетидан таълим муассасаларини молиялаштириш харажатларнинг қуйидаги гуруҳи бўйича амалга оширилади:

1. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (бодали оилаларга моддий ёрдам, стипендия ва б.)

2. Иш ҳақидан ажратмалар.

3. Капитал қўйилмалар (давлат инвестиция дастурида кўзда тутилган манзилли рўйхатга мувофиқ).

4. Бошқа харажатлар.

Молиялаштириш бажариш жараёнида харажатлар рўйхатига киритиладиган ўзгаришлар ҳисобга олинган чоракликлар бўйича тақсимлаб тасдиқланган йиллик харажатлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

Таълим муассасалари Молия вазирлиги тасдиқлаган бюджетдан молиялаштириш меъёри асосида смета лойиҳасини мустақил ишлаб чиқади ва қонунчиликда белгиланган тартибда лавозим жадвалини тасдиқлайди.

Смета харажатлар гуруҳи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган давлат бюджети даромад ва харажатларининг амалдаги таснифига мувофиқ харажатлар тўлиқ баён этилган илова билан бирга тузилади.

Илова сметанинг таркибий қисми ҳисобланади, смета прогноз ҳисоб-китобларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсади учун фойдаланилади.

Таълим муассасалари олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, қонунчиликда кўзда тутилган тартибда, тасдиқланган лавозим жадвали ва сметаларни Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади.

Тасдиқланган смета ва лавозим жадвалини рўйхатдан ўтказиш иловаларни келишиш Молия вазирлигида қонунчиликда кўзда тутилган тартибда тақдим этилган ҳужжатлари меъёри билан тасдиқланган таҳлили асосида амалга оширилади.

Таълим муассасасининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва лавозим жадвали, шунингдек, амалдаги смета ва лавозим жадвалига киритиладиган ўзгартишлар улар фақат Молия вазирлигида рўйхатга олингандан сўнггина жорий этилади.

Таълим муассасаларининг харажатлари 1- ва 2-гуруҳи бўйича харажатлари биринчи галда молиялаштирилади. Бунда харажатлар 2-гуруҳи бўйича тегишли ажратмаларсиз 1-гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланади. Капитал қўйилмаларга маблағ жорий бюджет йили учун республика инвестиция профаммасида тасдиқлашга мувофиқ, қурилишлар манзили рўйхати ва амалдаги қонунчиликка мос ҳолда ажратилади.

Республика бюджетидан 1- ва 2-гуруҳ бўйича харажатларни молиялаштириш ҳар ойда сметага, шунингдек, ўтган ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичлари бажарилишига мувофиқ амалга оширилади.

Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни молиялаштириш ойма-ой бюджетга маблағ тушишига кўра амалга оширилади.

Таълим муассасаси харажатларини молиялаштиришда режавий ажратмалар янги бюджет йилида дебитор қарздорлиги кредитор қарздорлигидан ошган миқдорга, ҳисобот йилидан кейинги йил 1 январига бўлган ҳолат бўйича товар-моддий қимматликлари меъёрдан ортиқ қолдигига камайд.

Бюджет маблағларини сарфлаш таълим муассасаси томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида, сметани бажариш жараёнида белгиланган тартибда уларга киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бунда 1- ва 2-гуруҳлар бўйича молиялаштириш биринчи галда амалга оширилади.

Таълим муассасаси 3-гуруҳ харажатларни молиялаштиришни республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида амалга оширади.

4-гуруҳ «Бошқа харажатлар» бўйича маблағ сарфлаш белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги тартиб (навбат) асосида амалга оширилади:

- дори-дармонлар;
- коммунал хизмат;
- бошқа харажатлар.

Таълим муассасалари Молия вазирлиги билан келишиб, 4-гуруҳ маблағи ҳисобидан мавсумий ва шошилинч тадбирлар (эпидемияга қарши, инфекцияга қарши ва бошқа тадбирлар)га маблағни тезликда сарфлаши мумкин.

4-гуруҳ ҳисобидан автомобиллар ва бошқа автомобил воситалари (махсус автотранспортдан бошқа), уяли телефонлар ва зеб-зийнат буюмлари, хона учун хорижий мебеллар, аудио, видеотехника (ўқув ва илмий жараёнда фойдаланиладиганларидан бошқа, хонани безаш учун гилам ва ҳ.к.)ларни сотиб олишга Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда руҳсат этилади.

**Кредиторлик қарзи**, харажатларнинг бирор гуруҳи юзасидан, ҳар бир гуруҳ бўйича унинг юзага келиш тартиби асосида жорий йил учун белгиланган лимитлар асосида тўланади.

Тежалган (фойдаланилмаган), ҳисобот йили охириги иш куни туғаш вақтида таълим муассасаси ҳисоб рақамида қолган бюджет маблағи (капитал қўйилмаларни молиялаштириш кўзда тутилган маблағ бундан истисно) олиб қўйилмайди, таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва белгиланган тартибда сарфланади. Ҳисобот йилида тежалган (фойдаланилмаган) бюджет маблағи миқдори таълим муассасасини кейинги йил молиялаштиришда камай-тирилмайди.

**Таълим муассасасининг қўшимча даромадлари** молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари ҳисобидан олиниши мумкин:

- таълим муассасаси соҳаси бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш);
- таълим муассасаларининг бошқа ташкилотларга вақтинча фойдаланишмаётган хоналарни ва бошқа давлат мулкни ижарага бериши;
- юридик ва жисмоний шахслар таълим муассасасига кўрсатадиган ҳомийлик (бегараз) ёрдами.

**Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси** қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- режадаги бюджетдан молиялаштириш ҳисобига тушган, ҳисобот йили охириги иш куни сўнггида таълим муассасаси ҳисоб рақамида қолган тежалган (фойдаланилмаган) маблағ (капитал қўйилмаларни молиялаштиришга мўлжалланган маблағ бундан истисно);
- таълим муассасаси соҳаси бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (иш бажариш, кўрсатиш)дан келган даромад;

— вақтинча фойдаланилмай турган хоналар ва бошқа давлат мулкларини ижарага қўйишдан келган маблағнинг 50%. Қолган 50% маблағни таълим муассасаси маҳаллий бюджет даромадига ўтказеди;

— юридик ва жисмоний шахслар бюджет ташкилотларига кўрсатдиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами.

Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси маблағи фақат қуйидагиларга сарфланади:

— кредиторлик қарзи бўлса, устувор тарзда уни қоплашга;

— таълим муассасаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирларга.

Таълим муассасасининг муддати ўтган кредиторлик қарзи бўлса, таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси тежалган бюджет маблағи чегарасида мазкур қарзни қоплашга сарфланади (товар ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиши бўйича сарфлар мажмуи бажарилгандан сўнг).

Агар кредиторлик қарзи таълим муассасаси харажатлар рўйхатига иловада кўзда тутилган тегишли харажатлар тўланмаганлиги ёки харажатлар ҳар бир гуруҳи бўйича белгиланган лимитлар ошиб кетганлиги туфайли ҳосил бўлган тақдирда, бюджетдан молиялаштиришни тўла ҳажмда амалга оширишда, таълим муассасаси жамғармаси (товарлар ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш бўйича сарфлар мажмуи бажарилгандан сўнг харажатларнинг қопланмаган қисми ва белгиланган лимитдан ошиб кетган миқдор доирасида кредиторлик қарзини устувор қоплашга йўналтирилади.

Таълим муассасасининг кредиторлик қарзи бўлмаганда, ёхуд мазкур тартибда белгиланган шартларда ҳамда чегарада қопланганда таълим муассасасини ривожлантириш фондининг қолган маблағи (ҳомийлик, беғараз ёрдам миқдори бундан истисно) сарфланади:

— товарлар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бўйича ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун барча сарфларни қоплашга тушган маблағларнинг 85% дан кам бўлмаган қисми;

— таълим муассасаси ходимларини моддий рағбатлантириш ижтимоий ҳимоя бўйича тадбирларга тушган барча маблағнинг 15% дан кам бўлмаган қисми.

Таълим муассасасининг ҳомийликдан (беғараз), юридик ва жисмоний шахслардан олган барча маблағи, агар ҳомий томонидан бошқа шартлар қўйилмаган бўлса, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарф қилинади.

Таълим муассасасида бухгалтерия ҳисоб-китоби ва ҳисоботи «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги низомга, давлат бюджетига турувчи муассаса ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби йуриқномаси, давлат бюджети даромад ва харажатларининг амалдаги таснифи, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Молия вазирлигининг бошқа ҳужжатлари асосида олиб борилади.



Таълим муассасаси соҳаси бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш)дан келган даромад таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасига тушади ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисобга олинади.

Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасининг шаклланиши ва фойдаланилиши билан боглиқ таълим муассасаси бухгалтерия ҳисоботи умумий қоидаларини қўллашнинг ўзига хос томонлари тармоқ ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолдаги даромад ва харажатлар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомда таъкидланади. Тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш учун тушган маблағ таълим муассасаси даромадига қўшилади.

Таълим муассасаси даромадидан Тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабаларнинг кундалик эҳтиёжлари, моддий-техника базасини мустақамлаш ва ўқув жараёнини жиҳозлаш, ускуналар сотиб олиш, ётоқхонани юмшоқ мебель билан таъминлаш, кутубхона жамғармасини тўлдириш, «Маънавият ва маърифат» тадбирларини ўтказиш, «Универсиада» спорт тадбири, «Ниҳол» ижодий фестивали, шунингдек, «Истеъдод» жамғармаси йўналиши бўйича чет эл таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш ва тажрибасини орттириш, ижтимоий муҳофаза ва моддий рағбатлантириш учун фойдаланилади. Шу билан бирга таълим муассасаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантиришга йўналтирилган маблағ даромад умумий миқдорининг 25% дан ошмаслиги керак.

Ҳар йили таълим муассасалари календар йил учун Тўлов-контракт шаклидаги таълим бўйича келадиган бюджетдан ташқари маблағ даромад ва харажат рўйхатини тузади ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Таълим муассасалари ҳар уч ойлик учун кейинги ойнинг биринчи ўн кунда, белгиланган тартибда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Тўлов-контракт асосида мутахассислар тайёрлаш учун тушган маблағ харажатларининг бажарилиши ҳақида ҳисобот топширади.

Тушган маблағ сарфланишининг тўғрилиги устидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат қилади.

**Бюджет маблағлари фойдаланиши устидан** назорат ҳам бюджетдан харажатларни молиялаштириш жараёнида (жорий назорат), ҳам таълим муассасалари тегишли харажатларни амалга оширгандан сўнг (кейинги назорат) ўтказилади.

Бюджет маблағидан фойдаланиш устидан назорат белгиланган меъёрлар ва бюджетдан молиялаштириш лимитлари, давлат бюджетининг амалдаги даромад ва харажатлари таснифи, тасдиқланган лавозим жадвали ва белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар рўйхати ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Таълим муассасаларининг сарф-харажатлари, жумладан, таълим муассасасини ривожлантириш жамгармаси маблағидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан қонунчилик йўли билан берилган ваколатга мувофиқ амалга оширилади.

Таълим муассасасининг тасдиқланган харажатлар рўйхати ва лавозим жадвалини тузиш ва қайд этириш тартибига амал қилиниши, уларнинг тасдиқланган тасниф, харажатлар меъёри ва лимитларига мувофиқлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлишида шахсий жавобгарлик таълим муассасасининг раҳбари ва бош бухгалтери зиммасига тушади.

Ҳам бюджет маблағидан, ҳам яна бошқа Низомда кўзда тутилган манбалардан молиялаштириш амалга ошириладиган таълим муассасаларининг раҳбарлари бюджет интизоми бузилиши учун амалдаги меҳнат, маъмурий, жиноий қонунчиликка мувофиқ, шу жумладан, қуйидагилар учун жавобгардирлар:

- бюджет ва бошқа пул маблағларидан мақсадли фойдаланмаганлик;
- муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзи мавжудлиги;
- харажатлар гуруҳи бўйича бюджетдан ажратмалар лимити ошиб кетганлиги;
- лавозим ва харажатлар рўйхати интизоми бузилганлиги;
- харажатлар рўйхатидан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботнинг ўз вақтида топширилмаганлиги.

#### 4.4. Таълим муассасасининг молия бўлимлари

Иқтисодий вазиятнинг мураккаблашуви ва таълим муассасасида молиявий мустақилликнинг ноқилиши молия соҳасига амалда барча бўлинма раҳбарларининг молия соҳасига жалб этилишини талаб қилади. Маблағларни жалб этиш, бошқариш ва тежаш ҳар бир факультет декани, кафедра мудири, бўлим, бошқарма раҳбарининг вазифасига айланди. Илгари фақат раҳбар ҳамда бухгалтернинг ташвиши бўлган вазифа эндиликда таълим муассасаси бугун жамоасини ўзига жалб этади. Бўлинмаларнинг раҳбарлари ўз қарорларини молиявий бошқарув орқали амалга ошириш имконига эга бўлдилар.

Таълим муассасасининг бюджети ректор ва тегишли ваколат берилган бўлинмаларнинг раҳбарлари фаолияти орқали сарфланади.

Таълим муассасасининг ректори шахсан жавобгарлик ва ҳуқуққа эга. Унинг буйруғи билан молиявий банк ҳужжатларига имзо қўйиш ва мустақил молиявий қарорлар қабул қилиш, битим тузиш, хизматлар учун ва бошқа ташкилотлар ишлари учун маблағ йўналтириш ҳуқуқига эга мансабдор шахслар гуруҳини белгилайди.

Таълим муассасасида молиявий функция қонунчилиги таълим муассасасининг ректори томонидан амалга оширилади.

Иқтисодий ва тadbиркорлик бўйича проректор, таркибий бўлинмаларнинг молиявий мустақилликка эга раҳбарлари молиявий фаолиятни амалга оширувчи раҳбарлар ҳисобланади.

Режа-молия бўлими, бош бухгалтерия, бўлинмалардаги бухгалтерия хизмати таълим муассасаси молиявий фаолиятини амалга оширувчилар бўлиб ҳисобланади.

Давлат ва бюджетдан ташқари маблағлар келишини таълим муассасасининг бухгалтерияси ва режа-молия бўлими назорат қилади.

Молиявий мустақил бўлинмалар даромад маблағидан ажратмаларни режа-молия бўлими назорат қилади.

Ректор ёки унинг топширигига мувофиқ иқтисодий ва тadbиркорлик бўйича проректор таълим муассасаси ягона бюджет сиёсати юритилишини таъминлайди ва таълим муассасасида молияни ташкил этишни таъминлайди.

Ректор таълим муассасаси молиявий қарорлари амалга оширилишида шахсий жавобгарликка эга.

Қуйидагилар ректорнинг мутлақ ҳуқуқлари ҳисобланади:

– иқтисодий ва тadbиркорлик фаолияти бўйича проректор ҳамда бўлинмалар раҳбарларининг молиявий ваколати чегарасини белгилаш;

– бўлинмаларнинг молиялаштириш лимитларини 10% чегарасида кўриб чиқиш;

– режадаги харажатлар рўйхати чегарасида тушаётган бюджетдан ташқари маблағнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш.

Таълим муассасасининг бюджетига ҳар йили профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларни моддий рағбатлантириш, ривожлантириш жамғармаси юзага келади. Унга барча бюджетдан ташқари тушаётган ҳамда даромаддан чекланган улуш ўтказилади.

Қуйидагилар режа-молия бўлимининг асосий вазифаси ҳисобланади:

– маъмурият ахборот-аналитик фаолиятини таъминлаш;

– маъмурият учун иқтисодий сиёсат масалалари бўйича ахборот ва таклифлар тайёрлаш.

Иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш, унинг ривожини прогнозлаш ва таълим муассасаси маъмурияти учун таклифлар ишлаб чиқиш бўлимининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бўлим бюджет маблағи сарфланишини назорат қилади, таълим муассасаси иқтисодий сиёсати соҳасидаги буйруқларни амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди. Таълим муассасаси раҳбарининг топширигига мувофиқ бўлим маблағларни сарфлаш бўйича қарор, фармойишларни экспертиза қилади ва айрим қарорлар натижасининг иқтисодий таҳлилини ўтказиши.

Режа-молия бўлими таълим муассасаси ва унинг бўлинмаси иқтисодий фаолият кўрсаткичларини режалаштиради, иқтисодий ва меҳнат меъёрларини ишлаб чиқади. Таълим муассасаси бюджет ўлчам-

лари прогнозини тузади, даромад ва харажатлар прогнозини ишлаб чиқади, харажат йўналишлари бўйича маблағни тақсимлаш учун тавсия тайёрлайди. Лавозим жадвалини тайёрлайди ва назорат қилади. Бу бўлинмада таълим муассасаси айрим бўлинмалари ва тадбирлари бўйича даромад ва харажатлар рўйхати тузилади.

Таълим муассасаси бухгалтерияси таълим муассасаси бюджет сиёсатини амалга оширувчи ижроия ҳокимиятининг органи ҳисобланади. У ягона касса тамойили асосида таълим муассасаси бюджети ижросини амалга оширади.

Таълим муассасаси бухгалтерияси:

- бюджет ижросини ташкил этади;
- таълим муассасаси бюджети ва бўлинмалар бюджетларини назорат қилади;
- бюджет ижроси ҳақида ҳисобот тайёрлайди;
- таълим муассасаси қарзлари жорий бошқарувини амалга оширади;
- молия маблағларининг тушиши ва сарфланши ҳақида тезкор ҳисобот тайёрлайди.

Таълим муассасасининг бош бухгалтери таълим муассасаси бўлимларидаги барча бухгалтерия хизмати фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Бош бухгалтер вазифасига ректор томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт Бош бошқармаси билан келишган ҳолда тайинланади.

Бош бухгалтер (бухгалтерия) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- таълим муассасасида бюджет қоидаларига амал қилинишининг текширувини ўтказиш;
- қоида бузилганда ёки маблағ танқислигида тасарруф этувчилар ҳисоб-китоб бўйича операцияларни тўхтатиш;
- бўлинмалар даромад ва харажат рўйхатини, молиялаштириш билан боғлиқ буйруқлар, бошқа ташкилотлар билан битимларни келишиб олиш.

Молиявий назорат бўлими қуйидагиларни назорат қилиш учун тузилади:

- таълим муассасаси бюджети ижросини;
- бўлинмалар ва умуман таълим муассасаси ички аудити ўтказишни;
- тушаётган маблағлардан самарали мақсадли фойдаланиш бўйича тафтиш ва текшириш ўтказиш;
- таълим муассасаси ички молия фаолияти ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатлардаги қоидаларга риоя этишни.

Молиявий назорат бўлими бўлинмалар молиявий баҳсларини, бўлинмаларнинг мақсадли ажратмалар тўлиқ берилмаганлиги ёки улардан ҳуқуқий фойдаланилмаганлиги хусусидаги имкониятларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Таълим муассасаси бўлинмалари ва бухгалтерия хизматининг фаолияти йўналишлари учун ҳисоб рақами очилади. Уларнинг юзага

келиши таълим муассасаси ички молия оқимини тубдан ўзгартиради. Ҳисоб рақамлари фақат бухгалтерия хизматини кўрсатибгина қолмайди, балки улар молия маблағидан фойдаланиш учун масъулиятни раҳбарлар бўйича тақсимлашни шакллантириш ва бошқарув қарорларини ҳар бир бошқарув даражасида пул маблағи билан таъминлаш имконини беради.

Ҳисоб рақами таълим муассасаси умумий молия оқимидаги муайян бўлинма ёки муайян иш даромад ва харажатларини ажратиш имконини беради. Хўжалик ҳисоби асосидаги ишлар ҳисоб рақами шундай ҳисоб рақамига яққол мисол бўлади.

Ҳисоб рақамига молиявий маблағларнинг тушиши уч хил усулда бўлиши мумкин:

– буюртмачи билан мақсадли битим асосида бевосита келиб тушиш (бу буюртма қилинган иш ёки муайян таркибий бўлинма фаолиятини молиялаштириш учун тушган бюджет маблағи ва бюджетдан ташқари маблағ бўлиши мумкин);

– бюджет маблағи бир қисмини ҳисобга киритиш (таълим муассасасига тушган ва таълим муассасаси ичида бўлинмалар ва ишларга хўжалик фаолияти режасига мувофиқ тақсимланади);

– бошқа бўлинмалардан ўтказилган (мажбуриятдан юқори ҳажмдаги ишлар бажариш учун қўшимча хизмат кўрсатганлик учун).

Фаолият соҳаси бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)дан ҳосил бўлган даромад ва харажатларни акс эттириш, бошқа ташкилотларга вақтинча фойдаланилмай турган бинолар ва давлат мулкларини ижарага беришдан, юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган ҳомийлик (беғараз) ёрдамдан келган маблағ 50% ни, шунингдек, режали-бюджетдан молиялаштириш натижасида тушган ва таълим муассасаси бюджет маблағи бўйича талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақамларида ҳисобот йили сўнгги иш куни охирида қолган тежалган (фойдаланилмаган) маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш кўзда тутилган маблағлар бундан истисно) қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилади:

114-«Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақами»;

134-«Молиявий қўйилмалар фонди»;

215-«Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан харажатлар»;

275-«Кредит қарздорлик устувор тўловлари захираси»;

400-«Махсус маблағлар бўйича даромадлар».

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган таълим муассасаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига харажатлар сметаси бажарилиши ҳақида ойлик, чораклик ва йиллик ҳисобот топширади ва Вазирлик белгиланган шакл ва муддатларда бюджет маблағи ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ягона баланс тузади.

Ойлик ҳисобот 1-оҳ шакли ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санада топширилади. Назорат ҳисоботи – №2 шакл ҳисобот чораги-

дан кейинги ой 10-санасидан кечикмай топширилади. Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармаси чораклик ҳисоботи — №2-рж шакл №2 шакл билан бирга у топшириладиган санада тақдим этилади. №1-оҳ, №2, №2-рж ҳар бир параграф бўйича ва ўз вақтида барча муассасалар томонидан топширилади. Тулов-контракт асосидаги таълимдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағ бўйича бухгалтерия ҳисоби Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган ҳужжат асосида олиб борилади.

#### 4.5. Бюджет жараёни

Бюджет параметрлари прогнозини тузиш таълим муассасасининг режа-молия бўлими қуйидаги ҳужжатлар асосида тузади:

- бўлинмалар лавозим жадвали;
- талабалар қабули гранти;
- коммунал туловлар режаси;
- таълим муассасасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнози;
- инвестиция дастури;
- таълим муассасаси қарзининг тузилиши;
- келгуси йил бюджети ижросини баҳолаш.

Таълим муассасаси бюджет кўрсаткичлари прогнозини тузиш олдинги йил 1 октябрдан бошланади. 15 октябргача инвестициялаш умумтаълим муассасаси дастурини прогнозлаш шакллантирилади, давлат ва нодавлат тушумларининг прогнози тузилади. Таълим муассасаси бюджет лойиҳаси 1 ноябрга таълим муассасаси кенгашида кўриш учун тақдим этилади.

1 декабргача бўлган муддатда бюджет параметрлари прогнози Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Бюджет лойиҳасини ўз вақтида ва сифатли тузиш мақсадида таълим муассасасининг режа-молия бўлими бўлинмалар ва таълим муассасаси раҳбарларидан режа билан боғлиқ зарур маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Таълим муассасасининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича про-ректору бюджет кўрсаткичлари прогнозини таълим муассасаси Илмий кенгаши кўриб чиқиши учун ўтган йил якуни, таълим муассасасини иқтисодий ривожлантириш прогнози, навбатдаги йил бюджет сийёсати асосий йўналишларини тақдим этиш билан бир вақтда топширади.

Таълим муассасаси Илмий кенгаши келгуси йил бюджети бажарилиши, маблағдан фойдаланиш самарасини баҳолайди.

Бюджетни баҳолашда қуйидагилар таҳлил қилинади:

- бўлинмалар ўзаро молиявий муносабатларининг тамойиллари;
- бюджет тақчиллиги (дефицити)ни молиялаштириш;

- харажатлар умумий ҳажми;
- бюджет харажатлари таснифи;
- айрим моддалар ва фаолият йўналишларини молиялаштириш бўйича чекловлар;

- вақт оралиғи бўйича бюджет маблағининг тақсимланиши,

Таълим муассасаси даромад ва харажатлар рўйхатини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлайди.

Барча бюджетлар ягона касса тамойили асосида бажарилади. Унга кўра барча даромадлар даромадлар ягона ҳисобига тушади, барча сарфлар бюджет ягона харажатлари ҳисобидан амалга оширилади. Бюджетларни бажариш тушаётган даромадлар чегарасида амалга оширилади.

Таълим муассасасининг ва бўлинмалар бюджетларининг ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш таълим муассасаси бўйича буйруқ асосида ваколатланган бухгалтериялар бўлинмалари амалга оширади. Бухгалтерия хизмати тўловлар рўйхати, ҳажми ва муддатини назорат қилади, маблағдан мақсадли фойдаланмаслик ёхуд тақчиллик юзага келишига йўл қўймайди.

Бюджет бажарилишининг бориши ҳақида ҳисобот ҳар чорақликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим қилиш учун, ички бошқарув органлари талаби бўйича тайёрланади.

Ҳар йилнинг якуни бўйича ректор таълим муассасаси йиллик бюджети бажарилиши ҳақида бухгалтерия ҳисоботи тайёрлаш тўғрисида буйруқ чиқаради. Мазкур буйруқ асосида таълим муассасасининг барча бўлинмалари даромад ва харажатлар ҳақида ҳисобот тайёрлайдилар. Уларда давлат бюджетидан молиялаштириш, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)дан келган даромадлар, таълим муассасаларини ижарага беришдан олинган маблағ ҳақидаги маълумотлар акс этади.

Таълим муассасасининг бухгалтерияси айрим бўлинмалар ва умуман таълим муассасаси ҳисоботини умумлаштиради.

Таълим муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағи таълим муассасасининг харажатлар рўйхати бўйича тақсимланади. Бу молиявий ҳужжат таълим муассасаси фаолият кўрсатишини таъминлаш учун бюджетдан ажратилган маблағнинг ҳажмини, мақсадли йўналишини ва чорақликлар бўйича тақсимланишини белгилайди.

Харажатлар рўйхати (смета)да кўзда тутилган харажатлар смета ҳар бир моддаси айрим турлари бўйича ҳисоб-китоблар билан асосланади.

Таълим муассасасининг харажатларини белгилаш ва уни таъминлаш учун бюджет ажратмаларини прогнозлаш қабул грантлари (талабалар грантлари ва битирувчи мутахассислар, тегишли малака ошириш факультетларига тингловчилар қабул қилиш ва битиртириш, инвестиция дастури) кўрсаткичларига таянади.

Сарфлар айрим турлари бўйича ҳисоб-китоблар профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларга иш ҳақи, талабаларга стипендия тўлаш

ҳақидаги амалдаги қонунчилик ҳамда бошқа мақсадларга сарфларнинг айрим турига харажатларнинг амалдаги меъёрлари бўйича тузилади.

Сметада айрим тур харажатларни белгилаш учун фаолият қўламини тавсифловчи (таълим муассасаси таркибидаги кафедралар, муассасалар, ўқув-материал базаси тўғрисидаги) ҳужжатлар мавжудлиги хусусида умумий маълумотлар келтирилади.

Харажатлар сметасини ҳисоб-китоб қилиш учун таълим муассасасига таълимнинг кундузги шаклида таълим олувчи талабалар, аспирантлар, таълим муассасаси малака ошириш факультети тингловчилари миқдорини тўғри белгилаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Шу билан бирга тайёрлашнинг қайд этилган турлари бўйича йиллик ўртача контингент режаси тузилаётган йил бошида мавжудлигини, шунингдек, йил давомида қабул, битирув, айрим талабаларнинг ўқув йили тугагунча ўқишдан кетиш (чиқарилиши) билан боғлиқ ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш зарур.

**Талабалар йиллик ўртача контингентини ҳисоблаш** қуйидаги тарзда амалга оширилади, Мисол тариқасида фараз қилайлик: таълим муассасасининг кундузги бўлимида курсдан курсга кўчувчи талабалар сони 1015 нафар, қабул гранти 300 нафар, битирувчилар – 200 нафар, кетиш – 40 нафар. Режалаштириладиган йил охиридаги контингент йил бошида курсдан курсга ўтувчи контингентга грант бўйича қабул қилинувчи талабалар қўшилади, битирувчи ва кетадиганлар айрилади (1015+300–200–40), демак у 1075 нафарни ташкил этади. Прогнозланаётган йил бошидаги жисмоний шахслар ўртача йилликка тенг деб олинади.

**Йиллик ўртача қабул контингенти** улар ўқийдиган йил давомийлигини ҳисобга олиб белгиланади. Агар битирув ўқув режасида 1 йил деб белгиланган бўлса, унда битирув йиллик ўртача контингенти шу йилда талабалар битиргандан кейин қолган ойлар миқдорига кўра ҳисобланади, яъни 6 ойга (200х6 ой/12 ой).

**Йиллик ўртача ўқишдан кетиш**, одатда амалдаги кетиш 60 фоизга тенг деб олинади. У аввал ўтган 2–3 йил ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланади.

Талабаларнинг йиллик ўртача миқдори кундузги таълим тури бўйича алоҳида белгиланади.

Смета ҳисоб қилинаётганда талабалар миқдори бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида белгиланади.

Талабалар ўртача йиллик миқдорини ҳисоблаш талабаларни, моддий таъминлаш учун сарфларни белгилашга, шунингдек, таълим муассасаси моддий-техникавий базасини ривожлантириш истиқболини белгилаш учун зарур.

Таълим муассасаси фаолият юритиши харажатларини ривожлантириш учун унинг фаолияти ва харажатлар меъёри кўрсаткичлари



тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак. Харажатларни меъёрлаштириш усули таълим муассасаси учун маблағ ажратишнинг асосий усули ҳисобланади. Харажатларнинг асосланган меъёрлари қуйидагиларга имкон беради:

- таълим муассасаси олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун зарур молия ресурслари ҳажмини тўғри белгилаш;

- амалиётчи молия ходимлари учун тушунарли усулда таълим муассасаси харажатларининг ҳисоб-китобини олиб борши;

- таълим муассасаси молия фаолияти устидан самарали назоратни таъминлаш ва тежаш тартиби сиёсатини мунтазам ўтказиш, яъни харажатларнинг белгиланган меъёрига мувофиқ молия ресурсларидан самарали фойдаланиш.

**Харажат меъёрларини белгилашда** амалдаги харажатларни акс эттирадиган, ҳисоботда мавжуд бўлган таълим муассасаси фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олувчи кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бунга қуйидагилар киради: кундузги таълим талабаларининг миқдори, таълим шакли ҳисобга олинган ҳолда аспирантлар миқдори, ётоқхоналардаги ўринлар сони, бино ва иншоотлар майдони, шунингдек, асосий фондлар баланс қиймати.

Келтирилган кўрсаткичлардан таълим муассасаси асосий тур фаолияти харажатлари меъёрини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Талабалар ва аспирантлар миқдори**, таълим шакли ҳисобга олинган ҳолда, профессор-ўқитувчилар, маъмурий-хўжалик ва ўқув-ёрдамчи ходимлар миқдорини аниқлаш учун асос ҳисобланади. Талабалар ва аспирантлар миқдори ҳақидаги маълумотлар асосида, яна, ишлаб чиқариш амалиёти, китоблар сотиб олиш, стипендия тўловлари харажатлари, шунингдек, ўқув, почта-телеграф, транспорт харажатлари, нашр ишларига сарфлар ва бошқа (шу жумладан, маданий-оммавий тадбирлар ва спорт ишлари) харажатлари белгиланади.

«**Бинолар ва иншоотлар майдони**» кўрсаткичидан иситиш, ёритиш, жорий ва капитал таъмирлаш, хўжалик ашёлари хариди харажатларини белгилаш учун фойдаланилади. «**Ётоқхоналардаги ўринлар сони**» кўрсаткичидан эса ётоқхоналар таъминоти ва юмшоқ мебель сотиб олишга маблағ ажратишни белгилаш учун фойдаланилади.

Таълим муассасасини молиялаштиришда меъёрлар ва харажатлар, меъёри ҳам натура, ҳам пул тарзида қўлланади.

Натура меъёри ва мезонларини ишлаб чиқиш пул меъёр ва мезонларини ишлаб чиқиш билан бирга тузилиши лозим, чунки натура меъёрлари таълим муассасасининг тегишли моддий ресурсларга эҳтиёжини объектив ҳисобга олади ва узоқ вақт муқим бўлиб туриши мумкин ҳамда харажатлар меъёри ортиши билан қайта кўриб чиқилади, пул меъёрлари эса фақат сарфларнинггина ўзгаришини эмас, балки қиймат ўзгаришини ҳам акс эттириши лозим. Натура меъёр ва мезонларидан ётоқхонадаги ўринни жиҳозлаш ва капитал таъмир харажатларини белгилашда фойдаланилади.

Натура ва қиймат кўрсаткичлари ўзаро алоқасини кучайтириш таълим муассасаси фаолияти асосий турларига харажатлар меъёрини ишлаб чиқишда, бир томондан, молиявий режалаштириш даражасини оширишга, иккинчи томондан, бюджет маблағини тежаб сарфла-нишини қаттиқ назорат қилиш имконини беради.

**Таълим муассасаси ўқитувчилари харажатларининг элементи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

1. Меҳнат ҳақи, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашга тенглаштирилган бошқа харажатлар базаси;

2. Ягона ижтимоий тўловга ажратмалар;

3. Малака ошириш харажатларига тўловлар (бир йилда ўртача бир ой), шу жумладан, алмаштириш меҳнатига ҳақ тўлаш, алмаштирганга иш ҳақи тўлаш учун ажратма, малака ошириш жойига бориш учун транспорт харажатлари, хизмат сафари харажатлари).

4. Ўқув-услубий материаллари нашри учун тўловлар.

5. Жамоа фойдаланадиган ўқув адабиётлари сотиб олиш (бир ўқитувчига ўртача бир йилда 5 та китоб).

6. Талабалик ҳужжатлари бланклари учун тўловлар (диплом, талабалик гувоҳномаси, рейтинг дафтарчаси, кутубхонага аъзолик гувоҳномаси, шахсий варақа бланкаси).

7. Ўқув тарқатма материаллари тайёрлаш (бир йилга битта талабага 100 варақ ксероксда чиқарилган нусха).

8. Лаборатория ишлари учун материаллар сотиб олиш (бир талабага 1 йилга ўртача 1 минимал иш ҳақи миқдориди).

9. Ўқув мебели сотиб олиш (бир йилда 20 талабага ўртача бир тўпلام).

**Хизмат ва ўқув хоналарини сақлаш учун харажатлар элементи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

1. Хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (1 м<sup>2</sup> ҳисобидан).

2. Хоналарни қуриқлаш учун ҳақ тўлаш.

3. Иш ҳақидан ажратмалар.

4. Коммунал тўловлар:

- электр энергияси учун тўловлар;
- сув учун тўловлар;
- иссиқлик энергияси учун тўловлар;
- канализация учун тўлов;
- телефон алоқаси тўлови;
- лифт жиҳозлари учун тўлов.

5. Хоналарни сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун материаллар сотиб олиш.

6. Хоналарнинг жорий таъмири.

7. Бино сирти ва томини жорий таъмирлаш.

8. Бинонинг иситиш тармоқларини жорий таъмирлаш.

9. Бино электр тармоқларини жорий таъмирлаш.

10. Бино канализация ва сув тармоқларини жорий таъмирлаш.

**Таълим муассасаси маъмурий харажатлари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ (таълим муассасаси ўқитувчилари, ўқув-ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш бўйича ходимлар меҳнат ҳақи 10% (миқдорида). Иш ҳақи учун ажратмалар. Девонхона товарлари сотиб олиш;

4. Хизмат мебели сотиб олиш (бир йилда, тахминан, 10 ходимга бир тўшам).

5. Почта харажатлари.

6. Шаҳарлараро телефонда сўзлашганлик тўлови.

7. Халқаро телефонда сўзлашганлик тўлови.

8. Хизмат, хизмат сафари билан боғлиқ сарфлар:

- транспорт харажати;
- хизмат сафари харажати;
- меҳмонхонада турганлик тўлови.

9. Хизмат автомобил транспортини сақлаш.

10. Давлат ва таълим муассасаси ички ҳужжатлари хизмат қоғозлари (бланкалари) сотиб олиш.

**Ҳудудни сақлаш харажатларининг элементи** бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. Хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ.

2. Ҳудудни қўриқлаш учун тўланадиган ҳақ.

3. Иш ҳақи учун ажратмалар.

4. Маиший чиқиндиларни ташиб кетиш учун тўланадиган ҳақ.

5. Электр техника учун тўлов.

6. Йўллари жорий тузатиш.

7. Иссиқлик тармоғини жорий таъмирлови.

8. Телефон тармоқларини жорий таъмирлаш.

9. Канализация тармоқлари жорий таъмирлаш.

10. Сув тармоқларини жорий таъмирлаш.

11. Электр тармоқларини жорий таъмирлаш.

12. Дов-дарахтлар ўтказиш.

13. Махсус транспорт сақлаш.

**Таълим муассасаси капитал сарфларининг элементи** бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Биноларни капитал таъмирлаш.

2. Ҳудуддаги тармоқни капитал таъмирлаш.

3. Ўқув техникаси сотиб олиш.

4. Бошқарув бўлинмалари учун оргтехника сотиб олиш.

5. Автомобил транспорти сотиб олиш.

6. Янги бинолар қуриш.

#### **4.6. Молиявий оқимларни бошқариш ва риск-менежмент**

Таълим муассасаси фаолиятини таъминловчи молиявий оқимлар умумий мажмуини беш қисмга бўлиш мумкин:

- давлат бюджетидан молиялаштириш;
- тўлов-контракт асосида мутахассисларни тайёрлаш;
- фаолият соҳаси бўйича товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш), тадбиркорлик фаолияти туфайли тушадиган бюджетдан ташқари маблағ;
- чет эллик фуқароларни контракт асосида тайёрлашдан олинган маблағлар;
- корхона ва ташкилотлар учун хўжалик шартномаси асосида илмий-тадқиқот ишлари бажаришдан тушадиган маблағ;
- юридик шахсларга ресурслар берганлик учун бюджетдан ташқари маблағ (ер, жиҳоз, хона, юридик манзил).

Бу оқимлар амалга ошириш қондаларининг ўзига хослиги, ҳужжатлар асосида расмийлаштирилиши, давлат идоралари томонидан назорат қилиниши билан фарқланади. Уларнинг бир-бирига алмаштирилишига йўл қўйилмайди ва шунинг учун энг мақсадга мувофиқи уларни бир-биридан ажратилган ҳисоблар тизими орқали ўтказишдир. Агар, масалан, таълим муассасаси бўлинмаси фаолиятнинг юқориди қайд этилган барча беш йўналишида амалга оширса, бунда унинг бешта шахсий ёки махсус ҳисоб рақами бўлиши керак. Бу, айниқса, бўлинмаларнинг бюджетдан ташқари фаолиятини ривожлантириш, фаолиятда устуворликларни аниқ тушуниш, бошқарув даражалари бўйича молиявий қарорларни тақсимлашда муҳимдир.

Таълим муассасасида молиявий фаолиятни ҳисобга олишда бўлинмалар субҳисоби ва айрим ишлар субҳисобидан фойдаланилади. Субҳисоб таълим муассасаси умумий молия оқимидан айрим бўлинма ёки айрим иш бўйича даромад ва харажатларни ажратишга имкон беради. Хўжалик ҳисоби асосидаги илмий-тадқиқот ишлар субҳисоби субҳисобга яққол мисол бўлади.

Субҳисобга маблағ учта усул билан тушиши мумкин:

- буюртмачи билан мақсадли битим асосида тўғридан-тўғри тушиши (бу бюджет маблағи ва бюджетдан ташқари буюртма иши учун ёки муайян таркибий бўлинма фаолиятини молиялаштириш учун тушадиган маблағ бўлиши мумкин);
- бюджет маблағининг бир қисмини ўтказиш, бу маблағ таълим муассасасига тушадиган ва таълим муассасаси ичида бўлинмалар ва ишлар бўйича таълим муассасаси кенгаши қабул қилган хўжалик фаолияти режаси ва методикаси асосида тақсимланган маблағдир;
- бошқа бўлинмалардан ўтказиш, бу маблағ белгиланган иш ҳажмидан ташқари кўрсатилган қўшимча хизмат кўрсатганлик учун ўтказилади.

Келаётган молия оқимини тавсифлаш учун марказлаштирилган субҳисоб ва бўлинмалар субҳисоби тушунчасини киритамиз. Марказлаштирилган субҳисоб умумтаълим муассасаси миқёсидаги маблағ.

Бўлинма субъектига мақсадли тартибда тушадиган маблағ унинг раҳбари қарорига мувофиқ фойдаланилади. Муайян иш учун мақсад-

ли тартибда тушадиган маблағ раҳбар қарорига мувофиқ ва икки томонлама келишилган битим асосида фойдаланилади. Бу маблағнинг бир қисми марказлаштирилган субҳисобга ўтказилади. Унинг миқдори «таълим муассасаси ички солиғи»га кўра ёки таълим муассасаси билан мустақил юридик шахс тарзида фаолият кўрсатувчи таркибий бўлинмаси ўртасидаги шартномада белгиланади.

«Таълим муассасаси ички солиғи»нинг миқдори бир йилдан кам бўлмаган муддатга ягона қилиб белгиланади, таълим муассасасининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ва кундалик фаолиятда ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Юридик шахс ҳуқуқига эга таркибий бўлинма маблағидан ажратилган маблағ битим шартларига боғлиқ. Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- бўлинма таълим муассасаси таркибидалиги туфайли бериладиган солиқ имтиёзлари;
- таълим муассасаси фойдаланадиган ресурслар (электр энергия, иссиқлик, майдонлар, ҳудуд, ходимлар, телефон);
- таълим муассасасига кўрсатиладиган хизматлар;
- бўлинмалар оладиган фойда миқдори;
- унинг фаолият соҳасининг таълим муассасаси мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги.

Ажратмалар миқдоридида фақат томонлардан бирининг харажатларини қоплашгагина эмас, балки олиннадиган фойдани жалб этилган куч-ғайрат ва ресурслар улушини ҳисобга олиб тақсимлаш ҳам эътиборда туриши лозим.

Таълим муассасасини хусусий қарорлар молиявий рискдан муҳофазаланиши асосий усулларидан бири бўлиб, бошқарув бўйича раҳбарлик молиявий ҳокимияти даражасини чеклаш ҳисобланади. Қуйидагилар бошқарувнинг шундай даражалари бўлиши мумкин:

1. Иқтисод ва молия ишлари бўйича проректор.
2. Биринчи проректор.
3. Ректор.
4. Учқола тасдиқ (Ректор, Биринчи проректор, Иқтисод ва молия бўйича проректор).

Назорат даражасининг тартиби қанчали юқори бўлса, қабул қилинаётган қарор шунчалик кўпроқ аҳамият касб этади.

Молиявий қарорлар қабул қилиш ваколатини чеклаш функция соҳаси ёки битим ҳажмига кўра амалга оширилиши мумкин. Бошқарувнинг ҳар бир даражаси учун битим ҳажми ва таълим муассасасининг сарф этиладиган ресурслари миқдори тасдиқланади.

Бошқарув қарори муайян соҳасини кўриб чиқишда қабул қилинаётган қарор соҳасини тавсифловчи қўшимча кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, таъмирлаш ва қурилиш ишларига тааллуқли шартномага қўл қўйиш ҳуқуқи ишлар учун тулунадиган маблағ ҳақиқатда мав-

жудлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Маблағ бор бўлган тақдирда шартнома иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор томонидан имзоланиши мумкин.

Иш ҳақиға устамани бошқариш соҳасида молиявий бошқариш даражаси ҳар бир қўшимча тўлаш, мукофот, устамаларнинг қўшимча белгиланиши ҳажми билан боғлиқ. Бу даража қуйидагича бўлиши мумкин:

— Ўқув ишлари бўйича проректор, иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор — бўлинма бўйича умумий маблағ лимитини сақлаган ҳолда устама ва қўшимчаларни қайта тақсимлаш;

— ректор — бўлинма лимитидан четга чиқилганда устама ва қўшимчаларни ҳамда 100% гача қўшимчани бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш негизи бўйича белгилаш.

Мазкур қисмнинг хулосасида юқорида раҳбарнинг молиявий масъулияти тўғрисида сўз борганлигига эътиборни қаратиш керак бўлади. Бу молиявий битим ҳужжатларида ҳамма вақт таълим муассасаси бош бухгалтерининг ва режа-молия бўлимининг келишганлик ҳақидаги имзоси бўлишини истисно қилмайди.

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш босқичида иқтисодий назоратни ошириш мақсадида ресурсларни баҳолаш қўлланади. Буйруқларнинг, фармойиш ёки кўрсатмаларнинг ҳар бири талаб қилинадиган ресурсларни интеграл баҳолаш билан яқунланади. Бу яқунловчи қисм ёки илова этилаётган аналитик ёзув бўлиши мумкин. Унда тегишли буйруқни бажаришда юзага келадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги қўшимча маблағ учун эҳтиёж ва манбалар, хоналар, ускуналар, молиявий қўйилмалар кўрсатилади.

Назорат мақсадидаги молиявий тадбирлар айрим раҳбарларнинг молиявий қароридаги субъективликдан, маблағ тақчиллиги шароитида турли раҳбарлар молиявий қароридаги келишмовчиликлардан таълим муассасасини муҳофаза қилишга, раҳбарларни эса мавжуд молиявий вазият ҳақидаги тасаввурни йўқотиб қўйишдан сақлайди.

Назорат тадбирларининг барчасини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин:

- муҳофаза тадбирлар;
- муайян қарорларни чеклаш тартиби;
- маълум вақт яқунлари бўйича таҳлил;
- тезкор текширув.

Гарчи амалда таълим муассасасининг раҳбарлари кўп вақтни кейинги тадбирларга ажратсаларда, юқоридаги рўйхатдаги олдинги иккита тадбир энг самарали ҳисобланади,

**Муҳофаза тадбирлари.** «Иккиламчи вазият» га йўл қўймаслик учун таълим муассасаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ишида таълим муассасаси маъмурий-бошқарув ходимлари даромад олишда ташкил этиш, раҳбарлик қилишларини тақиқлаш зарур. Бундай маблағ ҳар қандай ҳолатда ҳам таълим муассасаси ҳисоб

рақамига ўтказилиши ва ректор буйруғи асосида муайян раҳбарларга ўтланиши керак.

Ифодаланган шартларни чеклашга шароит яратиш учун бу қоидани ректорнинг маъмурий ходимлар билан меҳнат шартномасига киритилиши лозим. Бу талаб бузилган ҳолда турли маъмурий ва иқтисодий жазо, таълим муассасасидаги ишдан бўшатишгача чора кўрилиши мумкин.

Таълим муассасаси ҳудудида фаолият юритувчи юридик шахсларда режа-молия бўлими ва бухгалтерия хизмати таълим муассасаси мансабдор шахслари улар фаолияти шартларига алоқадор бўлган вазиятларни аниқлаш мақсадида текширув ўтказиши керак (бу таълим муассасасининг юридик шахслар билан шартномасида кўзда тутилиши лозим).

**Йил кўрсаткичлари бўйича таҳлил.** Фаолият айрим йўналишларини қаттиқ назорат қилиш таълим муассасасини тангликдан олиб чиқишдаги бошқарув усулларида бири ҳисобланади. У «иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор назорати жадвали» асосида амалга оширилади. Жадвалга анча танг аҳволдаги фаолият йўналиши киритилади. Масалан, томни тузатиш ( $m^2$ ), деворларга пардоз бериш (хоналар сони), янги ўқув мебеллари сотиб олиш (дона), ҳудуддан ахлатни олиб чиқиб кетиш ( $m^3$ ) ва ҳ.к.

Ҳар ойнинг биринчи санасига жадвал ҳар бир кўрсаткичи бўйича ўзгаришлар ҳисоби олиб борилади. Жадвалга кўрсаткичларни киритишнинг ўзи фаолият тегишли соҳаси аҳамияти ошганлиги ҳақида гувоҳлик беради, кўрсаткичлар ўзгаришининг йўқлиги раҳбар аралашуви учун асос бўлади.

**Лавозим жадвали устидан назорат.** Бошқарув муаммоларидан бири — бўлинмалардаги лавозим жадвали лимитига амал қилишнинг самарали назорати (ходимлар сонини доимий ўсишдан сақлаб туриш).

Таълим муассасаси лавозим жадвалини бошқаришда бўлинма лавозим жадвалидаги ўзгаришни лавозим таркиби ва миқдори бўйича ажратиш ва лавозим жадвалини ишловчилар билан тўлдириш зарур (қабул, ишдан бўшатиш, танлов бўйича саралаш). Бу икки вазифани турли бўлинмалар ҳал қилади. Режа-молия бўлими таълим муассасасининг раҳбарига тасдиқлаш учун таълим муассасаси бўлинмасининг лавозим жадвалини топширади, назорат қилади, тузатишларни киритади. Лавозим жадвалини ходимлар билан тўлдиришни ходимлар бўлими амалга оширади. Режа-молия бўлими билан ходимлар бўлими ўртасида чегараланган муносабат ўрнатилиши керак.

Майдонлардан фойдаланишни назорат қилиш. Таълим муассасасининг барча хоналари фойдаланиш йўналиши бўйича қатъий назорат қилиниши лозим. Таълим муассасасида қуйидагилар бўлиши шарт: ижарачилар рўйхати ва хоналар ҳақида электрон маълумотлар базаси. Ижарачилар рўйхати, юридик шахслар номи, шартномаларнинг нусхасини ўз ичига олиши керак. Ректор, иқтисод ва тадбир-

корлик бўйича проректор, юридик хизмат, режа-молия бўлими рўйхат билан таниша оладиган бўлиши керак. Агар таълим муассасаси ижарачиларни рўйхатга киритилмаган бўлса, ҳеч бир шартнома тузилган ҳисобланмайди.

Таълим муассасаси хоналари ҳақида маълумотлар базасига ўзгартиришлар киритилмаган бўлса, ҳеч бир хонанинг фойдаланиш соҳаси ўзгартирилиши мумкин эмас. Рўйхат ва маълумотлар базасига таълим муассасаси хоналари ҳақида қўшимча ва ўзгартиришлар кириштириш тартиби чегараланган бўлиши керак. Барча шартномалар, таълим муассасаси номидан банк ҳисоб рақамидан фойдаланиб тузилсаю, таълим муассасаси бухгалтерия хизмати ва ректор назорати остида бўлмаса, давлат мулкни онгли равишда талон-торој қилиш сифатида қаралиши керак.

Вақти-вақти билан (уч ойда бир марта) режа-молия бўлими янги тузилган шартномалар ва аҳамиятли тўловларни текшириб туриши керак:

- ижара;
- пулли таълим хизмати;
- халқаро шартномалар;
- илмий шартномалар;
- катта хўжалик ишларига ва б.га янги шартномалар.

Виждонли бўлмаган ижарачилар билан ўзаро алоқа қилиш учун икки хил чора бор: қонунчилик ва ташаббускорлик. Қонунчилик чораси ҳуқуқни сақлаш идоралари ва судга мурожаат қилиш билан боғлиқ. Бундай пайтда вақт талаб этилади ва қатъий қонун шартларига риоя этилади. Ташаббускорлик чораси виждонсиз ижарачига — фирма ишини оғирлаштирувчи шароит вужудга келтиришга муължаллангандир:

- электр энергиясини узиб қўйиш;
- ҳожатхоналарни ёпиб қўйиш;
- телефон тармоғини узиб қўйиш;
- сув беришни тўхтатиб қўйиш;
- чўзилиб кетган таъмирлашни ўтказиш;
- жамоатчилик бойкоти вазиятини вужудга келтириши.

Таълим муассасаси оператив бошқарувида давлат мулкига эгалик қилади, шунинг учун танг вазиятларда шу мулкни ҳимоя қилиш учун давлат қонунчилик идоралари жалб этилиши мумкин. Масалан, ижара шартлари пасайтирилганда (жумладан, шаҳардаги ўртачадан кам бўлганда) ижарачиларга жарима чорасини қўллаш билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига мурожаат қилишга йўл қўйилади. Ижарачи ижара ҳақи ва коммунал тўловларни камайтиришдан чўчиши лозим.

Ижарачидан олинмаган маблағни йўқотиш эҳтимолини бартараф қилиш учун ижара ҳақини таълим муассасаси ҳисоб рақамига йиғиб ўтказишда оралик хизматни истисно этишга интилиши лозим. Агар



шундай хизмат тузилган бўлса, бунда алоҳида эътибор ижара ҳақи ва коммунал тўловлар белгиланганлик қоидасига қаратилиши керак. Қоюнда бир маъноли, ҳаммага маълум ва содда бўлмоғи шарт. Турли талқинлар бўлмаслиги керак.

Ижара ҳақи ва коммунал тўловларни қайта ҳисоблаш нақд пули сиз ҳисоб-китоб орқали амалга оширилиши лозим. Тўловлар кечиктирилганда кечиккан муддатта фоиз тўлатиш билан бирга амалга оширилади.

Таълим муассасаси тегишли банк ва унинг муҳри устидан қатъий назорат молиявий шартномани назорат қилишнинг оддий усуллари билан бири ҳисобланади. Таълим муассасасида имзоси таълим муассасасининг муҳри билан тасдиқланиши мумкин бўлган тегишли ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга шахслар доираси қатъий чекланган бўлиши керак.

### Мустақил ишлар учун савол ва топшириқлар

1. Олий таълим муассасаси бюджети нима ва қандай асосларга қўриқ тузилади?
2. Олий таълим муассасасининг бюджет даромади қандай ташкил топади?
3. Олий таълим муассасасининг харажати қандай тузилишга эга?
4. Жорий, капитал, бевосита ва билвосита харажатлар нима?
5. Олий таълим муассасасини молиялаштиришнинг янги тартиби нима маладан иборат?
6. Олий таълим муассасасининг қандай даромадлари молиялаштиришнинг қўшимча манбаини ташкил этади ва улар қандай тақсимланади?
7. Олий таълим муассасасининг молия органлари ҳақида сўзлаб беринг.

## 1. ҚОВ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

### 3.1. ОҒМлари харажатларини «жон бошига молиялаштириш» услубиёти ва хорижий тажрибалари

Негизда йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалиётга ўтказилган ҳаётий ислоҳотлар туфайли янгича фикрлашга, ҳаракатларга эришдик. Бу бежиз эмас. Негаки, мамлакатимизда қўлга киритилган янгиланиш ва ўзгаришлар замирида инсон ва унинг қобилиятлари устувор саналгани боис ҳар бир ислоҳот аҳолининг диққат марказидан жой олмоқда. Бу борада бошқа соҳалардаги муваффақиятларни унутмаган ҳолда биргина таълим тизимини олайлик. Бугун таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни татбиқ этиш, рақобатбардошлик ва турмуш фаровонлиги сарафасини оширишнинг энг муҳим омилларидан бирига айланди. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бораётган Ўзбекистон учун бозорнинг ўзгарувчан талабларига тез мослаша олувчи олий таълим тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириб бориш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Зеро, ислоҳотларнинг ҳозирги баъкичида иқтисодиётнинг барча соҳалари қатори таълим тизими олдига ҳам улкан вазифалар қўйилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироби, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чора-тадбир» номли китобида таъкидланганидек, «...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун шидирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир».

Мизкур вазифаларнинг ижроси олий таълим тизимида ҳам маълум бир ўзгаришлар амалга оширилишини тақозо қилади. Инчунин, иқтисодиётнинг узвий қисми бўлган олий таълим тизимини модернизациялаш, инновацион технологияларни таълим тизимига ҳам жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Олий таълим тизимидаги ислоҳотларнинг мустаҳкам молиявий асосини таъминлаш тизимини молиялаштириш механизминини ҳам ислоҳ қилиш, янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Жаҳондаги иқтисоди ривожланган давлатлар таълим тизимини такомиллаштириш механизминини тадқиқ этиш натижасида уларда бир

нафар талабага таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш, яъни «жон бошига молиялаштириш» услуги кенг қўлланилаётганлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини беради.

Мамлакатимизда ҳам мактаб таълими ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бир нафар талабага таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларининг харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қароридан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2009 йилда бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартиби, ихчам мактабгача тарбия умумтаълим муассасаларини қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари муассасаларига татбиқ этилиши ҳамда бюджетни режалаштириш ва харажатларни молиялаштиришнинг янги тартиби билан қамраб олинadиган ҳар бир бюджет ташкилотига молиялаштириш меъёрлари етказилиши таъминлини белгиланган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Президент қароридан ҳам Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2010 йилдан бошлаб бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартибини республиканинг барча ҳудудларидаги мазкур муассасаларга татбиқ этилиши белгиланган.

Ушбу ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида «жон бошига молиялаштириш» тартиби аввало 2009 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг уч вилояти — Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари муассасаларига татбиқ этилган, 2010 йилдан бошлаб эса республикамизнинг барча ҳудудига жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул

тўғрисида»ги 2010 йил 28 майдаги қарориди жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб, бир нафар талабага таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаларининг харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш вазифаси белгиланган.

Кўриниб турибдики, Президентимизнинг юқоридаги қарори билан «жон бошига молиялаштириш» тартибини олий таълим муассасаларида ҳам жорий этишга тайёргарлик кўриш вазифаси қўйилмоқда. Норматив «жон бошига молиялаштириш» тартиби таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган муайян таълим хизматлари ҳақини конкурс асосида бюджет маблағлари ҳисобидан тўланишини англатади. Бунда давлат буюртмасига кўра таълим хизматларини кўрсатувчи муассасалар учун ажратилувчи бюджет маблағлари ҳажмини хизмат бirlиги учун белгиланган меъёрни кўрсатилган хизматлар ҳажмига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Хорижий экспертлар фикрича, давлат грантлари асосида таълим олувчи талабаларга қайси ОТМда ўқишни танлаш ҳуқуқининг берилиши, «пул талаба орқасидан боради» тамойилининг жорий этилиши, бундай талабалар учун ОТМлар ўртасида рақобат курашининг вужудга келиши, нормативлар талаб даражасида молиялаштириш манбалари билан тўлиқ таъминлангани ҳолда таълим сифатини яхшилашга ундовчи рағбат вазифасини ўтайтиди.

Мазкур ёндашувнинг назарий жиҳатдан афзалликлари шундаки, у ОТМларини бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга ундайди, натижада бюджет маблағлари энг кам ҳақ эвазига сифатли таълим хизматлари тақдим этувчи ОТМларга йўналтирилади.

*1. Натижага қараб молиялаштириш ёки «натижага йўналтирилган бюджетлаштириш» тартиби.* Бунда бюджет маблағларини ажратиш маълум бир мақсадли натижаларга эришишга қаратилган. Одатда, бюджет маблағлари талабалар ва аспирантлар сафидан тайёрланган битирувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда ажратилади. Мазкур ёндашув Дания, Финляндия, Исроил, Голландия ва бошқа баъзи бир давлатлар томонидан қўлланилади.

Давлат учун натижага йўналтирилган молиялаштириш тартибининг афзаллиги битирувчиларни тайёрлаш харажатларининг юқорилиги, баъзи ҳолларда ОТМлар фаолияти самарадорлиги ва таълим сифати талаб даражасида бўлмаслиги билан изоҳланади. Натижага йўналтирилган молиялаштириш самарадорликни оширишга ҳамда сарфланган ресурслар эвазига олинувчи натижаларни яхшилаб боришга ундайди. Режалаштирилаётган натижаларга эришиш ҳамда ОТМларининг барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланиб бориши учун етарли бўлган рағбатлантириш механизминини яратиш молиялаштиришнинг мазкур тартибиди энг асосий муаммодир.

Ҳозирги кунда аксарият мамлакатларда юқоридаги ёндашувларнинг муайян бир турини соф ҳолида эмас, балки аралаш тартибда ишлатиш амалиётда қўлланилмоқда, бунда давлат фуқароларнинг кенг қатламли учун олий таълим олиш имкониятларини тақдим этиш, ОТМлари таълим сифатини ҳамда талабалар билим олиши натижаларини назорат қилиш имкониятларига эга бўлади. Масалан, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тартиби норматив «жон бошига молиялаштириш» тартиби билан биргаликда қўлланилиши мумкин, бунда бир нафар талаба ҳисобига тўғри келувчи харажатлар эвазига олинувчи бюджет маблағлари билан мақсадли натижавий кўрсаткичларга эришилганлик эвазига олинувчи маблағлар ҳажми ўртасида тафовут бўлиши мумкин.

Қўплаб мамлакатларда норматив «жон бошига молиялаштириш» формуласи талабалар сони миқдорий кўрсаткичига асосланган ҳолда ҳисобланади ва ҳисоб-китоблар шаффофлиги таъминланади. Бироқ Европа мамлакатларида асос сифатида таълим олаётган талабалар сонини эмас, балки битирувчилар сонидан келиб чиқиб, ҳисоблаш таклиф этилмоқдаки, бу ўқишни якунига етказмай, талабалар сафидан чиқарилувчилар ёки белгиланган муддатда ўқишни якунлай олмайдиган талабалар мавжудлиги билан боғлиқдир.

Австралия, Германия, Янги Зеландия, Франция ва Буюк Британияда ОТМларини молиялаштириш ҳажмини ҳисоблашда талабалар сонидан асосий кўрсаткич сифатида фойдаланилади.

Голландия ва Швецияда олий таълим тизимига бюджет ресурсларининг асосий қисми ОТМ фаолияти натижаларининг мақсадли кўрсаткичлари тизими асосида тақсимланади.

Голландияда норматив «жон бошига молиялаштириш» ҳажми 50 фоизга берилган дипломлар сонидан келиб чиқиб ҳисобланади, биринчи курсга қабул қилинганларнинг ўртача 13 фоизигина ўқишни якунлаб, диплом олишга муваффақ бўлади.

Швецияда студентлар томонидан ўзлаштирилган фанлар ва профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилган дарс машғулотлари ҳажми кўрсаткичлари бюджет маблағларининг 50 фоизга яқин қисмини олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Данияда олинандиган маблағлар ҳажми 100 фоизга талабалар томонидан ўзлаштирилган фанлар ва олинган дипломлар миқдори кўрсаткичларига боғлиқ.

Таълим йўналиши (мутахассислиги)га боғлиқ равишда нормативларни белгилаш мақсадида қўплаб давлатларда (Дания, Голландия, Швеция, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия, Чили) тариф сеткаси қўлланилади. Тариф сеткалари миқдори 3 тадан (Буюк Британия) 25 тагача (Янги Зеландия) ўзгариши мумкин<sup>1</sup>.

Бундан ташқари бир қатор мамлакатларда таълим даражаси коэффициентлари ҳам қўлланилади, масалан, Австралияда бакалаврият, магистратура ва аспирантура коэффициентларидан фойдаланилади.

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари.

Молиялаштириш нормативини белгилашда таълим шакли — кундузги ёки сиртқи шаклида таълим хизматлари тақдим этилаётганлиги ҳам ҳисобга олинади.

Хорижий давлатларда норматив «жон бошига молиялаштириш» моделлари йиллар мобайнида такомиллаштирилиб, кўплаб мезонлар ва тариф сеткаларига асосланган мураккаб тизимга айланган, бу эса ОТМларни молиялаштириш жараёни шаффофлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

ОТМларига бюджетдан ажратилувчи маблағлар ҳажмини ҳисоблашда фойдаланилувчи формулаларга йиллар давомида фаолият самарадорлигини ва таълим сифатини ошириш мақсадида кўпдан-кўп ўзгартиришлар киритилган, бу эса норматив «жон бошига молиялаштириш» моделларида бир қатор қарама-қаршиликлар келиб чиқишига сабаб бўлган ва олий таълимни молиялаштириш тизими фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, Дания, Янги Зеландия, Швеция каби қатор давлатларда ҳозирги вақтда молиялаштириш ҳажмини аниқлаш формулаларини соддалаштириш, тариф сеткалари миқдорини камайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Норматив «жон бошига молиялаштириш» моделларини жорий қилишда энг асосий муаммоли масала — бу нормативларнинг таркибий тузилмаси ва уларни молиявий таъминлаш масаласидир. Нормативларни молиявий таъминлаш, энг аввало давлат бюджетининг молиявий имкониятлари билан белгиланади. Турли давлатларда нормативларни молиявий таъминлаш даражаси бир неча бераварга фарқ қилиши мумкин.

152-бетдаги графикда бир нафар талабага таълим бериш харажатларининг таркибий тузилиши бир қатор давлатлар кесимида берилган. График маълумотларидан кўриниб турибдики, фарқли жиҳатлари мавжудлигига қарамасдан, кўриб чиқилган давлатларда ОТМлари харажатлари таркиби нисбатан ўхшаш тузилмага эга.


Олий таълим тизимида молиявий бошқарув қуйидагиларга асосланади:

1. Инвестиция дастурлари асосида молиялаштириш.
2. Давлат бюджетидан молиялаштириш.
3. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштириш.
4. Васийлик кенгаши ҳамда бошқа ҳомийлар маблағлари ҳисобига молиялаштириш.

Таълим соҳасининг инвестиция дастурлари деганда давлат мақсадли дастурлари ижросини таъминлашга қаратилган давлат бюджети маблағлари эвазига молиялаштирилувчи давлат инвестициялари, иқтисодийнинг муайян соҳасига кадр тайёрлашга мўлжалланган тармоқ ОТМларининг инвестицион дастурлари, халқаро ташкилотлар инвестиция ресурсларини таълим тизимига жалб этиш қабилар тушунилади.

Инвестиция дастурлари асосан 5 йил, 10 йил ёки ундан ҳам кўп муддатни мўлжаллаб тузилади, улар асосида ОТМларига капитал қўйил-

Олий таълим муассасалари харажатларининг таркибий тузилиши



Манба: Интернет маълумотлари асосида ҳисоблаб тузилди.

малар киритилади, ўқув биноларини қуриш ёки капитал таъмирлаш, янги ўқув, илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, талабалар турар жойлари, маданият ва спорт иншоотлари, бошқа бино ва иншоотларни қуриш харажатлари молиялаштирилади.

Давлат бюджетидан молиялаштириш ОТМлар жорий фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан маблағ билан таъминладир. Амалиётда бу харажатлар асосан Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарорига асосан, I гуруҳ (талабалар стипендиялари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар), II гуруҳ (ягона ижтимоий тўлов ва иш ҳақидан бошқа ажратмалар) ва IV гуруҳ (бошқа жорий харажатлар)ни молиялаштириш учун ажратилмоқда.

Таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларнинг ўқиш учун тўловлари, вақтинча бўш турган бино ва иншоотларни, бошқа активларни ижарага бериш, хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини бажариш эвазига тушумлар, ноширлик фаолияти, бошқа шу каби тижорат фаолияти эвазига олинган даромадлардир.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида Васийлик кенгашлари тузилган ҳамда фаолият кўрсатмоқда. Талабаларнинг ота-оналари, кадрлар истеъмолчилари бўлган қорхоналар раҳбарияти, таълим муассасасининг битирувчилари ва бошқа ҳомийлар мазкур кенгаш аъзолари бўладилар. Васийлик кенгаши таълим муассасасига қўшимча маблағ жалб этишининг самарали воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизимида молиявий бошқарувнинг концептуал асослари ОТМлари бошқарувида, шу жум-

ладан, молиявий бошқарувида давлат устуворлиги билан белгиланади. Амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳам давлат таълим соҳасида ўзининг устувор ролини сақлаб қолган бўлиб, бу ўқув-услубий таъминот, аттестация ва аккредитациядан ўтказиш, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш кабиларда намоён бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида соҳа бошқарувида давлат устуворлиги янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу билан Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, ислохотларнинг «ўзбек модели» деб ном олган ва жаҳон эътироф этган моделининг 5 тамойилларидан бири — давлат устуворлиги тамойили яна бир бор ўз тасдигини топмоқда ва ўзгаришларга бой ҳозирги кунларда ҳам унинг долзарблиги янада ошиб бормоқда.

Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини бошқаришда энг асосий йўналиш таълим тизимига инновацияларни жорий этиш, янги техника ва технологиялардан фойдаланиш, иқтисодиётни модернизациялаш ва ислох этиш жараёнларида таълим муассасаларининг иштирокини фаоллаштиришдир.

Бунда илмий-тадқиқот ишларини замон талаби даражасида ташкил этиш, ишлаб чиқариш билан интеграциялашув даражасини ошириш, янги технологияларни, жумладан нано-технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тузиш ва амалиётга жорий этиш талаб қилинади, бунинг натижасида педагог кадрларни илмий-тадқиқот ишларида кенг иштирокини таъминлаш ҳисобига илмий салоҳиятни ошириб бориш билан биргаликда, қўшимча маблағлар ишлаб топиш, профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш имкониятлари кенгайди.

Мамлакатимизда мактаб таълими тизимида бир нафар ўқувчига таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасалари харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштиришни жорий этишда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Мазкур дастурни амалга оширишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

— капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг, авария ҳолатидаги мактаб биноларини бузиб ташлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ва мактаб биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиққан ҳолда умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

— мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш;

— таълим тизимида қўлланилаётган таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

— умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш,



улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизimini яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

— умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

Мазкур умуммиллий дастур ижроси доирасида мамлакатимизда мактаб таълими тизими тубдан ислоҳ этилди, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида мақсадли тадбирлар амалга оширилди ва бу фаолият давом эттирилмоқда. Мустаҳкам моддий-техника базаси яратилганидан сўнг, норматив «жон бошига молиялаштириш» тартиби босқичма-босқич жорий этилди.

Мактаб таълими соҳасидаги мазкур тажрибани олий таълим тизими га ҳам татбиқ этган ҳолда, мамлакатимиз ОТМлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича махсус Давлат дастури ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиб, амалиётга татбиқ этилиши соҳа тараққиётидаги муҳим тадбир ҳисобланади. Олий таълим тизимини замон талаби даражасида фаолият юритишнинг таъминлаш, модернизация қилиш, инновацияларни жорий этиш каби долзарб вазифалар ижроси га ҳам ушбу тадбирлар ижросини тақозо этмоқда.

Жаҳон амалиёти тажрибаларини умумлаштирган ҳолда, хулоса қилиш мумкинки, замонавий жиҳозланган, мустаҳкам моддий-техника базаси мавжуд бўлган олий таълим муассасаларида бир нафар талабага таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда харажатларни норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартибини жорий этилиши ижобий самара беради.

## **5.2. Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига ОТМларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 майдаги ПҚ 1345-сонли «2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 августдаги 178-сонли «Республиканинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ олий таълим муассасалари бюджетларини ҳисоблаш учун харажатларнинг ба-

завий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш йўли билан бюджет маблағлари ҳисобидан олий таълим муассасалари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш тартибини белги-ланди.

Харажатларнинг базавий нормативлари республика бюджети маб-лағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган олий таълим муассасалари учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмини ҳисоблаш мақса-дида қўлланилади. Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағларни режалаштириш (харажатлар сметасини тузиш) ва харажат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маб-лағларни тақсимлаш тартиби ҳақидаги низомга (рўйхат рақами 795, 1999 йил 6 август) асосан ҳамда қонунчиликка мувофиқ тегишли харажатларни молиялаштиришнинг кетма-кетлиги таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэф-фициентларини қўллаш йўли билан ОТМлар учун бюджет маблағла-ри ҳажмини аниқлаш тегишли йил учун тасдиқланадиган республи-ка бюджети параметрларининг «Ўрта махсус, олий таълим ва кадрлар малакасини ошириш» харажатлари доирасида амалга оширилади.

Молия йилига ОТМ учун бюджет маблағлар ҳажмини аниқлашда қуйидаги харажатларнинг базавий нормативлари қўлланилади:

а) қонунчилик билан белгиланган барча устама ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар таркиби, бошқарув, маъ-мурий-хўжалик ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, стипендия тўловлари, иш ҳақига тенглаштирилган тўлов-лар ҳамда ОТМни сақлаш билан боғлиқ бошқа жорий харажатларни (давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ коммунал хизматлар, фойдаланиш ва ўқитиш харажатлари, жорий таъмирлаш, чиқимга оид материаллар ва кам баҳоли инвентарлар ҳамда бошқа жорий харажатлар) ўз ичига олувчи бир талабани ўқитиш учун жорий харажатларнинг базавий нормативлари, мазкур Низом-нинг 2-иловасига мувофиқ;

б) асосий активларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми аниқланадиган ОТМнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш харажатлари; бўйича харажатларнинг базавий нормативлари;

в) тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаро-висиз қолган ОТМнинг битта талабасини овқат, кийим-бош, пойаб-зал ва шахсий гигиена буюмлари, шунингдек, битирув ва ишга жой-лаштириш учун бериладиган бир йўла нафақа билан таъминлаш бўйича харажатларнинг базавий нормативлари;

г) ОТМдаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативла-рига қўлланиладиган тузатиш коэффициентлари.

Бир талабани ўқитиш учун жорий харажатларнинг базавий нормативларини аниқлашда ОТМлар талабаларни тайёрлашнинг асосий йўналишидан келиб чиқиб гуруҳларга бўлинади.

Давлат университетлари ҳамда ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари билан бошқа ОТМлардан фарқландиган ОТМлар ҳам алоҳида гуруҳларга бирлаштирилади.

ОТМга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмининг ҳисоби куйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$БСВ = (БНЗ_1 \cdot K_1 + БНЗ_2 \cdot K_2 + БНЗ_3) \cdot N + (БНД_1 \cdot (N_{лс} - N_{лсв}) + БНД_2 \cdot N_{лсв}),$$

бунда:

БСВ — ОТМ учун бюджет маблағлари ҳажми;

БНЗ<sub>1</sub> — меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов, стипендия ва меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш харажатларини ҳамда моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан устамалар ва қонунчилик билан белгиланган бошқа устама ва қўшимчаларни ўз ичига олувчи ОТМнинг бир талабаси учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;

БНЗ<sub>2</sub> — 4-гуруҳ харажатлари бўйича ОТМнинг бир талабаси учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;

БНЗ<sub>3</sub> — асосий активларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми аниқланадиган ОТМнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш харажатлари бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

N — ҳамма таълим йўналишлари ва босқичлари бўйича ўртача йиллик талабалар сони (сиртқи таълим талабалари учун 0,1 коэффициенти қўлланилади).

Ўртача йиллик талабалар сони молия йилида режалаштириладиган талабалар сонининг курслар бўйича ўзгаришини инobatта олган ҳолда аниқланади (қабул, битирув, талабалар сафидан чиқариш) ва куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$N = U_n + U_n/3 - U_b/2 - U_o \cdot 0,6,$$

бунда:

N — ўртача йиллик талабалар сони;

U<sub>n</sub> — йил бошида талабалар сони;

U<sub>n</sub> — талабаларни қабул қилишнинг кутилаётган сони;

U<sub>b</sub> — битирувчи талабаларнинг кутилаётган сони;

U<sub>o</sub> — талабалар сафидан чиқаришнинг кутилаётган сони;

K<sub>1</sub> — ОТМдаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўлланиладиган ОТМнинг меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов ва стипендия харажатлари ҳажмини оширувчи тузатиш коэффициенти;

$K_2$  — ОТМдаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўлланиладиган ОТМнинг 4-гuruh харажатлари ҳажмини оширувчи тузатиш коэффициентлари;

$БНД_1$  — тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМнинг бир талабасининг таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

$БНД_2$  — тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМнинг бир битирувчи талабасининг таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

$N_{де}$  — тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМ талабаларининг йил бошига сони;

$N_{дсв}$  — жорий молия йилида тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМнинг битирувчи талабалари сони.

ОТМнинг харажатлар сметасини тузиш Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вилоят, шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларида турувчи ташкилотларнинг харажат сметаларини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 888, 2000 йил 3 февраль) асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблаг билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига, бюджетдан молиялаштиришнинг тасдиқланган харажатларнинг базавий нормативларига мувофиқ ОТМ мустақил равишда харажатлар сметасини ҳамда тасдиқланган намунавий штат бирликлари асосида штатлар жадвалини тузади ва тасдиқлайди.

Харажатлар сметаси, штатлар жадвали ва профессор-ўқитувчилар таркибининг штат формулярларини тузиш ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилган ҳолда ва харажатларнинг базавий нормативлари ва тузатиш коэффициентлари асосида ҳисобланган маблағлар ҳажми доирасида амалга оширилади.

Харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш асосида ҳисобланган ОТМ учун бюджет маблағлари ҳажми куйидаги қатъий тартибда тақсимланади:

- иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов;
- стипендиялар;
- тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМ талабаларини моддий таъминлаш;
- коммунал хизматлар учун харажатлар;
- қолган жорий харажатлар ва бошқа харажатлар.

Бунда:

- харажатлар сметасига иш ҳақи маблағлари базавий лавозим маошлари, Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар ва иш ҳақи ставкалари, уларга қонунчилик билан белгиланган устама ва қўшимчалардан келиб чиқиб ҳамда амалдаги намунавий штат бирликлари ва норма-

тивларга, профессор-ўқитувчилар таркибининг йиллик индивидуал иш режаларига ва бошқаларга амал қилган ҳолда киритилади;

- ягона ижтимоий тўлов миқдори харажатлар сметасига қонунчиликда ўрнатилган миқдорларда киритилади;

- талабалар, аспирантлар (ординаторлар) ва докторантлар (тажриба орттирувчи-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчи) учун стипендия харажатлари стипендиялар миқдорлари ва амалдаги стипендия билан таъминлаш тартибига мувофиқ ҳисобланади;

- тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМ талабаларининг моддий таъминоти бўйича харажатлар қонунчиликка мувофиқ ҳисобланади;

- энергия ресурслари, коммунал хизматлар харажатлари ва жорий харажатларни ҳисоблаш натурал кўрсаткичлар, энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг амалдаги нархлари ва тарифларига асосан амалга оширилади.

ОТМнинг айрим бюджет харажатлари бўйича дебитор қарздорлиги мавжуд бўлганда харажатларнинг базавий нормативлари асосида ҳисобланган бюджет харажатларининг ҳажми мазкур қарздорлик суммасига камайтирилади.

ОТМнинг кредитор қарздорлиги харажатларнинг базавий нормативлари асосида аниқланган бюджет харажатлар сметаси маблағлари доирасида, маблағ етишмаган тақдирда — мазкур ОТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

Иш ҳақи ва стипендиялар миқдорларининг, энергия ресурслар ва коммунал хизматлар нархлари ва тарифларининг ошиши муносабати билан ОТМларнинг бюджет харажатлар сметаси бўйича вужудга келадиган қўшимча маблағга эҳтиёжи асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда қопланади.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, уларга ўзгартиришлар киритиш ҳамда харажатлар сметаси ижроси бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

ОТМ харажатларини молиялаштириш (тўлаш) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) Тартиби ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

ОТМ харажатларини тўлаш ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан республика фазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

«Бошқа харажатлар» IV гуруҳи бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади:

- тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМ талабаларини моддий таъминлаш;

- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Харажатлар сметасининг тўғри тузилиши ва рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган харажатлар сметаси ҳисоб-китобларида кўрсатилган ОТМнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (майдони, кубату-раси, сарфланаётган коммунал хизматлар бўйича натурал кўрсаткич-лар ҳажми ва улар бўйича харажатларнинг тасдиқланган харажатлар сметасига ва паспорт маълумотига, шартномаларга ва ҳоказоларга мослиги)нинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун амалдаги қонунчи-ликка мувофиқ ОТМ раҳбари ва бош бухгалтери шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

Штаглар жадвалини ва профессор-ўқитувчилар таркибининг штат-лар формулярининг тўғри тузилиши ҳамда Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар, базавий лавозим маошлари, устама ва қўшимчаларнинг тўғри қўлланилиши бўйича жавобгарлик ОТМларининг молия ва бухгалтерия хизматларига юклатилади.

### 5.3. Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ис-лохотларнинг марказида инсон, унинг манфаатлари туради, яъни барча ўзгаришларнинг пировард мақсади аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган. Оқилона ва самарали эканлиги амалиётда ўз тасдиғини топаётган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган ис-лохотларнинг ўзбек модели тамойилларидан бири сифатида кучли ижтимоий ҳимоя белгиланганлиги катта аҳамиятга эга. Олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари давлатнинг ижтимоий ҳимоя тизимида муносиб ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасида 2009/2010 ўқув йилининг бошига келиб олий таълим тизимида 2008–2009 ўқув йилида фаолият кўрса-таётган 31642 нафар профессор-ўқитувчининг 22908 нафари (72,4%) асосий штатда фаолият кўрсатган. 2008–2009 ўқув йилида асосий штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг 9171 на-фари (40%) фан доктори, профессор, фан номзоди, доцентлардир. Юқоридаги профессор-ўқитувчилар таълим оловчи 290916 нафар та-лабаларга таълим бериб келмоқда. Республикада жами талабаларнинг 13431 нафари (4,8 %) магистратура талабаларини ташкил қилади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалалари деярли 32,0 минг на-фар юқори салоҳиятли педагог ходимлар манфаатларига бевосита дахлдор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом» олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлардан ҳисобланади.

Мазкур Низом давлат бюджетидан ёки аралаш тарзда маблағ билан таъминланадиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди.

Олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи базавий лавозим маошини, шунингдек, қонун ҳужжатларида ва юқорида таъкидланган Низомда назарда тутилган устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

Амалдаги тартибга кўра, ОТМ ходимларининг лавозим маошлари:

- *олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари;*

- *ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.*

Профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари:

- *штатдаги лавозимга;*

- *илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади.*

Олий таълим муассасалари раҳбарларининг базавий лавозим маошлари олий таълим муассасаси мансуб бўлган гуруҳдан келиб чиққан ҳолда белгиланади, бунда биринчи гуруҳга талабалар контингенти 2000 нафардан ортиқ бўлган олий таълим муассасалари, иккинчи гуруҳга эса талабалар контингенти 2000 нафардан кам бўлган олий таълим муассасаси киради.

Раҳбарлар таркибига олий таълим муассасасининг ректори, проректори, декани, декан ўринбосари, олий таълим муассасаси филиалининг директори, директор ўринбосари лавозимларидаги шахслар киради.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, тажриба ортирувчи ўқитувчи лавозимидагилар киритилади ва бу лавозимлар Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ эгалланади.

Олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи базавий лавозим маошлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

Амалдаги тартибга кўра, ОТМ ходимларининг лавозим маошлари:

- *олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари;*

- *ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.*

Профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари:

- *штатдаги лавозимга;*

- *илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади.*

Базавий лавозим маошлари схемаларида иккита маош назарда тутилган лавозимлар бўйича профессор-ўқитувчилар таркиби штат жадвалларини тасдиқлашда ушбу лавозимлар бўйича лавозим маошлари олий таълим муассасаси ректори томонидан ходимлар сони ва тегишли вазирлик (идора) томонидан ушбу олий таълим муассасаси учун мазкур ходимлар тоифаси бўйича ҳисобланган иш ҳақи фонди доирасида белгиланади. Бунда ўталган илмий мактаб, иш стажы, ўқув-тарбия жараёнига қўшилган фаол ҳисса ва олий таълим муассасаси раҳбари томонидан белгиланадиган бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошларини ўзгартириш:

- *Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда;*

- *ходим олий таълим муассасасида бошқа лавозимга ўтганда амалга оширилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги фармонлари муносабати билан базавий лавозим маошлари ўзгарган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг педагог ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қўшма буйруғи чиқарилади.

Юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳамда илмий тадқиқотларга аниқ ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар таркиби вакиллари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан белгиланган тартибда тўланадиган ҳар ойлик устамалар белгиланади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юқламаси лавозимлар (кафедра мудири,



профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр) бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда, баъзи бир муаммолар ҳам мавжуд эканлигини айтиб ўтмоқчимиз.

Жумладан, ОТМ маркетинг бўлими, деканат, илмий бўлим, ташқи алоқалар бўлими каби таркибий тузилмалар ходимлари иш ҳақини белгилашда тариф сеткаси бўйича 3–4 разрядга, бўлим бошлиқлари эса 5–6, айрим ҳолларда 12 разрядга тўғри келиши белгиланган, мазкур лавозимларда олий маълумотли, юқори малакали ходимлар ишлаши тақозо этилади, профессор-ўқитувчилар таркибида ҳатто ассистентнинг базавий маоши устамасиз 13 разрядга тўғри келади.

ОТМ фаолиятини ташкил этишда таркибий бўлинмалар ходимлари ва бошлиқлари ҳиссаси катта, уларнинг иш ҳақлари ҳам қилаётган меҳнатига мутаносиб ва муносиб миқдорда белгиланиши тақлиф этилади. ОТМ таркибий бўлинмалари раҳбарлари иш ҳақи доцент, ходимлари иш ҳақи эса катта ўқитувчи базавий маоши даражасида белгиланишини мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳолат ОТМ таркибий бўлинмаларига юқори малакали ходимларни жалб қилиш ва бошқарув самарадорлигини ошириш имконини беради.

Олий таълим муассасалари таркибий бўлинмалари ходимлари иш ҳақларини энг камида ассистент, бўлим бошлиқларини эса катта ўқитувчи лавозимидаги базавий маош даражасида ойлик иш ҳақи олишларини таъминлаш лозим. Бунинг учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2001 йил 5 апрелдаги 1, 34-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат бюджети ҳисобига таъминланувчи муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарда банд бўлган универсал касб мутахассислари ва хизматчиларининг лавозим разрядлари»га тегишлича ўзгартиришлар киритиш ёки олий таълим тизими учун махсус Низом ишлаб чиқиш тақозо этилмоқда.

Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши ўз ижобий самарасини бериши ва олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Ҳозирги кунда олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар илмий даража ва унвонларига мутаносиб равишда моддий рағбатлантирилмоқдалар, лекин иқтисодийнинг бошқа тармоқларида ва соҳаларида меҳнат қилаётган илмий даража ва илмий унвонларга эга бўлган кадрларни моддий рағбатлантириш йўлга қўйилмаган, ваҳоланки уларнинг илмий салоҳияти ижобий самара бериши шубҳасиз. Маса-

лан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам бир қанча фан докторлари, профессорлар фаолият кўрсатмоқда, лекин уларни илмий даража ва илмий унвонларига мутаносиб равишда рағбатлантириш йўлга қўйилмаган. Шунингдек, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида ва бошқа шу каби муассасаларда ҳам асосан илмий салоҳияти юқори бўлган ходимлар фаолият кўрсатадилар.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида ва соҳаларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қорхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган илмий даража ва илмий унвонларга эга бўлган ходимларга ойлик иш ҳақига устама тўлов жорий қилинишини таклиф этамиз. Масалан, фан доктори илмий даражасига эга бўлганларга 5, фан номзоди илмий даражасига эга бўлганларга эса 3 минимал иш ҳақи миқдорига устама тўлов жорий этилиши мумкин. Бу ҳолат илмий салоҳиятга эга бўлган ходимлар фаолиятини моддий рағбатлантириш имкониятини беради.

#### 5.4. Таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш тамойиллари

Таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, «Таълим тўғрисида»ги қонуни, ҳукуматининг қарорлари билан белгиланади.

Ходимлар меҳнатига тўлаш учун етарли маблағга эга таълим муассасаси қўшимча, устама ҳақларини, мукофот ва бошқа моддий рағбатлантириш чораларининг миқдорини мустақил равишда белгилайди. Таълим муассасаси фаолият юритишни таъминлаш учун йўналтирилаётган бюджет маблағи ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа манбалардан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини мустақил шакллантиради.

Иш ҳақи фонди таркибига, қонунчиликка мувофиқ иш бажарилган вақт учун пул шаклида меҳнатга ҳақ сифатида ажратилган миқдор, рағбатлантирувчи қўшимча ва устама, иш тартиби ва меҳнат шaroити билан боғлиқ товон тўловлари, мукофот ва бир йўла рағбатлантирув тўловлари киради.

Иш ҳақи фондига тааллуқли бўлмаган харажатлар ва ижтимоий товардаги тўловларга нафақа жамғармаси бандликка қўмаклашувчи, касаба уюшмалари кенгашининг фонди бадаллари, ходимларни давлат мажбурий суғуртасига ажратмалар киради.

Таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди турли манбалар ҳисобидан шаклланади. Қуйидагилар шуларнинг асосийларидан ҳисобланади: Тулов-контракт асосидаги таълим шакли; илмий-тадқиқот ишларини бажарганлик ўқитув ва консультация хизмати учун хўжалик ҳисобидан молиялаштириш; давлат гранти ва бошқа бюджетдан ташқари тушумлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш қондаси қуйидагилар асосида белгиланади:

— лавозим жадвали;

— бюджет маблағидан фойдаланиш тартиби;

- контрактлар тузиш тартиби;
  - бюджетдан ташқари маблағдан фойдаланиш;
  - ҳарбий кафедра ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш қоидалари.
- Профессор-ўқитувчилар меъёрий миқдорини ҳисоблашда унинг қуйидагича тақсимидан фойдаланилади (қавс ичидагиси меъёрнинг мумкин бўлган вариантларидан бири);
- таълимнинг кундузги шакли талабалари (ПЎТ меъёрий миқдори – 1:8);
  - хорижлик талабалар (меъёр 1:6);
  - таълимнинг кундузги шакли аспирантлари (1:12);
  - ўқитувчилар малакасини ошириш факультетининг тингловчилари (меъёр 1:6,7).

Ўқув-ёрдамчи ходимлар (ЎЁХ) иш ҳақи фонди ПЎТ меҳнат ҳақиға фоизларда белгиланади (24 %).

Хўжалик ходимларининг (ХХ) меҳнат ҳақи фонди майдон бирлигига меҳнат ҳақи меъёри орқали аниқланади.

Таълим муассасаси хоналари умумий майдонидан ижарага берилган, капитал таъмирланаётган майдонлар чегирилади.

ПУТ, ЎЁХ ва ХХ меҳнат ҳақи миқдоридан фоизларда маъмурий-бошқарув ходимлари (МБХ) меҳнат ҳақи белгиланади (10%). Раҳбарларнинг ҳар бирига алоҳида устамалар, қўшимча тўловлар махсус буйруқ бўйича ажратилади.

Ҳарбий кафедра ходимлари меҳнат ҳақининг миқдори алоҳида белгиланади.

Бўлимлар лавозим жадвали ва маошни белгилашни режа-молия бўлими ҳамда ўқув бўлими, шунингдек, ходимлар бўлими назорат қилади.

Ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорий негизи давлат бюджети ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф тури асосида белгиланади. Таълим муассасаси ходими лавозим маоши у бажарган лавозим мажбуриятига кўра тўланади, Таълим муассасасида меҳнатга ҳақ тўлаш бюджет соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф тури (ЯТТ) асосида амалга оширилади. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 мартдаги 103 рақамли «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф турини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш даражалари аттестация натижаларига кўра ЯТТга мувофиқ белгиланади.

Муайян ходим учун тариф даражаси ишга қабул қилишда ёки лавозимни ўзгартиришда таълим муассасаси бўйича буйруқ билан белгиланади.

Тариф даражасини белгилаш учун ходимлар малакаси асос ҳисобланади.

Ўқув ишлари олиб борганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш таълим муассасаси бўйича буйруқда белгиланадиган соатлардаги сарф

меъёри ва профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш ЯТТ бўйича тасдиқланган соатбай ҳақ тўлаш ставкаси асосида белгиланади.

Тижорат асосида таълим хизмати кўрсатаётган бўлинма таълим муассасаси ректорига тасдиқлаган ҳолда ўзларининг меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш (шартномавий) миқдорини белгилаши мумкин.

Ўқув жараёнида четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этганда улар билан соатбой ҳақ тўлашнинг якка тартибдаги миқдорини кўзда тутувчи меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилган.

**Устама** белгилашдан мақсад таълим муассасаси иш натижасига муайян ходим қўшган индивидуал хиссаси билан тавсифланадиган, фаолият сифати ва самарасини оширишга йўналтирилган ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ҳисобланади. Қўшимча ходимлар учун қўшимча мажбуриятлар бажарганлиги туфайли белгиланади.

**Устама ва қўшимчалар** иш ҳақи фонди доирасида моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан белгиланади (таълим муассасасини молиялаштиришнинг барча манбаларидан).

Муайян ходимга белгиланадиган устама ва қўшимча ходимни қўшимча ишга жалб қилишни чекламайди ва фақат унинг розилиги билангина бунга йўл қўйилиши мумкин, шунда ҳам, агар бу асосий фаолият бўйича иш ҳажмининг камайиши ёки сифати ёмонлашишга олиб келмаса.

Ходимларни бошқариш масалаларини ҳал қилишда кафедра ва бўлинмалар мустақиллигини ошириш мақсадида ҳар бир бўлинма (кафедра) учун лавозим жадвали ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори негизи белгиланади.

**Меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш** таълим муассасаси ходимларига қўшимча мажбурият бажарганликлари учун белгиланиши мумкин:

- узоқ муддат ишда бўлмайдиган ходим вазифасини бажарганда;
- даволанишда бўлган ходим вазифасини бажарганда;
- таълим муассасаси кенгаши ва унинг фаолият кўрсатувчи комиссияси ишида қатнашганда;
- чет тилини билганлик ва уни ишда қўллаганлик учун;
- махфий ҳужжатлар билан ишлаганда;
- зарарли ва алоҳида зарарли шароитларда ишлаганда;
- меҳнатда юқори натижаларга эришганда;
- факультет ва таълим муассасаси илмий котиби вазифасини бажарганда;
- таълим муассасаси Илмий кенгаши ва унинг доимий фаолият кўрсатувчи комиссиясида ишлаганда.

Ўқув-ёрдамчи ходимлар таълим муассасаси ичида бўлинма иш ҳақи фондининг 50% чегарасида ўриндошликни амалга оширишлари мумкин.

Маъмурий-бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимларга қуйидаги тур устама, қўшимчалар белгиланиши мумкин:

- ҳисоблаш техникасини ўзлаштирганлик ва фойдаланганлик;

**2010 йил 1 августдан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдори**

Лавозим номи	Юқори	Қуйи
<b>1. Кафедра мудир</b>		
Фан доктори илмий даражасига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	688 308	657 514
Фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	657 514	632 327
Илмий даражага эга бўлмаган	632 327	607 004
<b>2. Профессор:</b>		
Фан доктори илмий даражасига эга бўлган	657 514	632 327
Фан номзоди илмий даражасига эга бўлган	632 327	607 004
Илмий даражага эга бўлмаган	607 004	577 046
<b>3. Доцент:</b>		
Илмий даражага эга бўлган	607 004	577 046
Илмий даражага эга бўлмаган	577 046	547 430
<b>4. Катта ўқитувчи:</b>		
Илмий даражага эга бўлган	577 046	547 430
Илмий даражага эга бўлмаган	547 430	518 473
<b>5. Ассистент, ўқитувчи</b>		
Илмий даражага эга бўлган	518 473	489 758
Илмий даражага эга бўлмаган	489 758	461 477
<b>6. Ўқитувчи-стажер</b>		
432 120	432 120	
<b>7. Декан</b>		
Илмий даражага эга бўлган	657 514	657 514
Илмий даражага эга бўлмаган	632 327	632 327
<b>8. Декан муовини</b>		
Илмий даражага эга бўлган	632 327	632 327
Илмий даражага эга бўлмаган	607 004	607 004
Фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор билан фан номзоди илмий даражасига эга бўлган доцент базавий лавозим маошлари ўртасидаги фарқ	50 510	55 281
Фан номзоди илмий даражасига эга бўлган доцент билан илмий даражага эга бўлмаган катта ўқитувчи базавий лавозим маошлари ўртасидаги фарқ	59 574	58 573
Фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор билан илмий даражага эга бўлмаган катта ўқитувчи базавий лавозим маошлари ўртасидаги фарқ	110 084	113 854

Изоҳ: ОТМ профессор-ўқитувчилари базавий лавозим маошларининг янги тахрири 6-иловада берилган.

– лавозим йуриқномасида қайд этилмаган иш турини қўшимча бажарганлик учун;

– ўқув жараёнининг икки даврала тартиби жорий этилиши ҳисобига иш ҳажми ошганлиги учун;

– меҳнат таътилига кетувчи ходимнинг ўрнида ишлаганлик учун;

– тариф-малака тавсифида кўзда тутилгандан кўра юқори билим даражасини талаб этувчи иш бажарилган шароитларда юқори малака учун;

– меҳнатда юқори даражага эришганлик учун.

Устама ва қўшимчалар 12 ойдан кўп бўлмаган ва 1 ойдан кам бўлмаган муддатга белгиланади.

**Ўриндошлик асосида вазифа бажариши** деганда ходимнинг контракт билан шартлашилган асосий иши билан бир қаторда; бошқа лавозим (касб) бўйича қўшимча иш бажариши тушунилади. Бўш лавозимлар бўйича қўшимча тўловлар қилишга тежалган миқдорнинг барчаси ёки унинг бир қисми йўналтирилади.

**Вақтинча бўлмайдиган ходим вазифасини бажариш** деганда асосий ишдан ажралмаган ҳолда касаллик, хизмат сафари, меҳнат тиними билан боғлиқ ҳолда ишда бўлмайдиган, тўла кун (ҳафта) ишлаймайдиган ва бошқа сабаб билан бўлмайдиган, қонунчиликка мувофиқ иш ўрни (лавозими) сақланадиган ходимни алмаштириш тушунилади. Бундай ҳолатда қўшимча лавозим маошидан ёки вақтинча бўлмайдиган ходим тариф ставкасидан у бўлмайдиган муддатдан ортиқ бўлмаган вақтга фойз тарзида белгиланади.

Таркибий бўлинма раҳбарлари ва уларнинг мансабдор ўринбосарлари бир-бирини алмаштиргани учун қўшимча қилинмайди.

Барча устама ва қўшимчалар миқдорини таълим муассасаси мустақил белгиладиган тарзда миқдорий ажратилади ёки ходим меҳнатига ҳақ тўлаш негизидан фойзларда белгиланади (лавозим маошига ягона тариф тури даражасига мувофиқ, ўриндошлар учун контрактда кўрсатилган маошга). Устаманинг миқдори ва белгилаш қоидаси таълим муассасаси кенгаши қарори билан белгиланади, уни муайян ходимга тайинланиши эса таълим муассасаси бўйича буйруқ асосида амалга оширилади.

Қўшимча вазифа бажаргани учун муайян ходимга устама белгилаш учун тавсия берилади:

– кафедра бўйича (ажратилган лимит умумий миқдори чегарасида) – кафедра мудири томонидан;

– факультет деканати бўйича (ажратилган лимит умумий миқдори чегарасида) – ўқув ишлари бўйича проректор томонидан;

– ёрдамчи хизмат бўлинмалари бўйича – бўлим бошлиқлари томонидан;

– таълим муассасаси кенгаши бўйича – ректор томонидан.

Устама ёки қўшимча белгиладиган ходимлар тайинланаётган устаманинг муддати ва миқдори ҳақида ўз вақтида огоҳлантириладилар.

Ўриндошлик асосида таълим муассасасининг ташкилот ёки алоҳида фуқаро билан хўжалик ҳисоби асосидаги шартномаси бўйича асосий вазифасидан ташқари шунинг бажарувчи ходимларга тўлов ажратилиши мумкин. Бундай пайтда тўлов миқдори шартнома шартлари ва уни бажаришда ходим қатнашишининг даражаси асосида белгиланади. Хўжалик ҳисобидаги маблағдан фойдаланиш қоидаси таълим муассасасида унинг кенгаши томонидан белгиланади.

Иш ҳақиға устама ва қўшимчалар қўйидаги ҳолларда олиб қўйилади:

- асосий хизмат мажбуриятлари бажарилмаганда;
- тугатиш муддатига риоя қилинмаганда ёки топширилган иш сифати қониқарсиз бўлганда;
- таълим муассасаси фаолиятининг тамойиллари бузилганда;
- таълим муассасаси ҳудудида маст (спиртли ичимлик ичган) ҳолда юрганда;
- таълим муассасаси обрўсига ва мулкига зарар етказганда;
- меҳнат хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганда.

Агар кафедра ёки бўлинма юкламанинг ҳажмини Илмий кенгаш қарори билан белгиланган даражадан камайтирган бўлса, қўшимча қилишда фойдаланиладиган лавозим жадвали лимити камайтирилиши мумкин. Кафедра ўқитувчилари учун бу кўрсаткич бўлиб, ўртача бир ўқитувчига тўғри келадиган юклама ҳисобланади. Ўқув юкламасини камайтирган кафедраликлар рўйхати ҳар бир ўқув йилининг тугашида ўқув-услубий бошқарма томонидан тузилади.

Меҳнатда эришган натижалари учун ходимларни рағбатлантириш мақсадида уларга мукофот берилиши мумкин. Мукофотлаш тўғрисидаги низом шартлари таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланади. Низом қўйидаги ҳолларда мукофот берилишини ўз ичига олади:

- ёш бўйича юбилей санасига етганлик;
- давлат мукофотига тақдим этилганлик;
- «Таълим муассасасининг хизмат кўрсатган профессори» унвони берилганлик;
- эълон этилган ишлар таълим муассасаси ички танловида ғолиб чиққанлик;
- ўқув-услубий адабиётлари тайёрлаганлик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги грифи билан нашр эттирганлик;
- лаборатория янги ускунасини лойиҳалаш, йиғиш ва ишга туширганлик;
- аспирант ва докторантларга раҳбарлик бўйича муваффақиятли иш олиб борганлик;
- таълим муассасаси учун унинг раҳбарияти топшириғи бўйича бир йўла алоҳида муҳим вазифани бажаришлик;
- меҳнатда юқори натижага эришганлик.

**Давлат бюджети ҳисобига таъминланувчи муассасалар,  
ташкилотлар ва корхоналарда банд бўлган универсал касб  
мутахассислари ва хизматчиларининг  
лавозим разрядлари**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг  
2001 йил 5 апрелдаги 1, 34-сонли қарори  
билан тасдиқланган

№	Мутахассислар ва хизматчилар лавозими	Тариф разряди	Иш ҳақи	
			1 став-када	0,5 став-када
1	Муассаса таркибий бўлинмалари бошлиқлари	8	209 798	104 899
2	Етакчи мутахассислар, иқтисодчилар ва бошқа мутахассислар	7	193 701	96 851
3	Барча ихтисосликдаги муҳандислар, иқтисодчи, бухгалтер, тафтишчи бухгалтер, юридик маслаҳатчи, социолог, таржимон ва бошқ.	4	149 074	74 537
	Юқоридагиларнинг II тоифаси	5	163 317	81658
	Юқоридагиларнинг I тоифаси	6	178 192	89 096
4	Механиклар	4	149 074	74 537
5	Барча ихтисосликдаги техниклар	2	123 211	61 605
	Юқоридагиларнинг II тоифаси	3	135 555	67 777
	Юқоридагиларнинг I тоифаси	4	149 074	74 537
6	Канцелярия, марказлашган оғбор мудирлари, 1-тоифали маъмур	3-4	135 555- 149 074	67 777- 74537
	Ўзув бюроси, паспорт хизмати, талабалар турар жойлари мудирлари	3-4	135 555- 149 074	67 777- 74537
	Катта кассир, инкассатор, инспектор, товаршунос, 2-тоифали маъмур, комендант, 2-тоифали стенографистка	3-4	135 555- 149 074	67 777- 74537
8	Кассир, инкассатор, кадрлар бўйича инспектор, маъмур, 2-тоифали стенографистка, 1-тоифали машинистка	2-3	123 211- 135 555	61 605- 67 777
	Архив, оғбор, хўжалик мудирлари, кўпайтириш-нуска олиш бюроси бошлиғи	2-3	123 211- 135 555	61 605- 67 777
9	2-тоифали машинистка, секретарь-стенографистка, экспедитор, таксировкачи, катта табелчи, паспортист	2-3	123 211- 135 555	61 605- 67 777
	Диспетчер хизмати оператори	2-3	123 211- 135 555	61 605- 67 777
	Талабалар турар жойлари, бинолар қаватлари бўйича навбатчилар, статистик	2-3	123 211- 135 555	61 605- 67 777
10	Секретарь-машинистка, чизмачи, иш юритувчи, архивариус, калькулятор, нарядчи, табелчи, техник ҳужжатлардан нуска кўчирувчи, экспедитор, таъминотчи	2-3	123 211- 135 555	61 605- 67 777



Ходимни мукофотлаш таълим муассасасида ишлаш давлатдаги меҳнат стажи «муҳим» саналарида таълим муассасасидаги иш натижаларидаги қўшган улушини ҳисобга олиб амалга оширилади. Шундай сана бўлиб, 30, 40 ва 50 йиллик стажлар ҳисобланади 50 дан сўнг ҳар беш йил шундай сана ҳисобланади.

Ёш бўйича муҳим санада мукофотлаш ёш бўйича энг яқин юбилейга мўлжалланади.

Факультетлар, бўлинмалар ва таълим муассасаси юбилей санасида тегишли жамоа учун умумий мукофот ажратилиши мумкин. Айрим ходимлар ва тасарруфдаги бўлинмалар ўртасида уни тақсимлашни тегишли босқич раҳбари амалга оширади.

Ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва ёрдамчи фаолиятда алоҳида натижаларга эришганлик учун таълим муассасаси раҳбарияти номидан ташаккур эълон қилинади ва мукофот берилади. Бу ҳар йилги таълим муассасаси ички танлови доирасида амалга оширилади:

- йилнинг энг яхши талабасига;
- факультетнинг энг яхши ўқитувчисига;
- факультетнинг энг яхши ходимиغا.

Мукофот бир марталик ҳисобланади ва таълим муассасаси кенгаши қабул қилган низомга мувофиқ амалга оширилади. Мукофотнинг миқдори лавозим маошининг 0,5 қисмидан кам бўлмаслиги керак. Пул мукофоти таълим муассасаси номидан ходимга бериладиган қимматбаҳо совға билан алмаштирилиши мумкин.

Ўқишда юқори натижага эришганлик учун талабани рағбатлантириш мақсадида таълим муассасаси кенгаши томонидан машҳур шахслар номидаги стипендия қўлланиши мумкин. Таълим муассасаси ва бўлинма (факультет) раҳбарияти давлат ҳокимияти идоралари, шаҳар ҳокимияти, жамоатчилик жамғармалари, тижорат банклари, корхоналар, хусусий шахслар белгилайдиган номдаги стипендияларни таълим муассасасига жалб этишга кўмаклашадилар. Номдор стипендия талабага I семестрдан ортиқ бўлмаган муддатта берилади, унинг миқдори одатдаги стипендиянинг миқдори икки бараваридан кам бўлмаслиги керак.

Ходимлар ва талабаларни мукофотлаш бўлинма раҳбарининг тавсияси ёки танлов комиссиясининг қарори бўйича амалга оширилади.

Мукофот бериш ва моддий рағбатлантириш манбаи бўлиб, моддий рағбатлантириш жамғармаси, стипендия фонди тежалмаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобланади.

**Моддий ёрдам** ходим ва талабаларга таълим муассасаси ва касаба уюшма қўмитаси томонидан кўрсатилади:

- яқин қариндошлари вафот этганда;
- талабалар ва ходимлар даволаниши учун ёки ходим болалари даволаниши учун бир марталик сарф тарзида.

Моддий ёрдам миқдори яқка тартибда таълим муассасаси ва таълим муассасаси касаба уюшмасининг молиявий имкониятини ҳисобга

олиб белгиланади. Касаба уюшма қўмитаси моддий ёрдам масаласини фақат касаба уюшма аъзолари учун кўриб чиқади.

Таълим муассасасининг тегишли хизматлари ишловчилар ижтимоий суғурга фондига тўловлар ўтказилади.

Шу фонд ҳисобидан қуйидаги тур моддий ёрдамлари амалга оширилади:

- маъросим учун;
- даволаниш, дам олиш йўлланмаси;
- даволаниш, дам олиш жойигача йўл кира ҳақи;
- парҳез таомлар олиш;
- соғломлаштириш масканларини таъмирлаш.

Ҳисобот топшириш шарти билан пул маблағи харажатлар касса ордери бўйича берилади ва аниқ мақсадли сарфланади. Улар бўлажак хизмат сафари харажатлари, шунингдек, хўжалик харажатлари, чакана савдодан кичик улгуржи бўйича материаллар сотиб олиш билан боғлиқ харажатларга тўлаш учун берилади. Олинган воситалар бўйича ҳисобдор шахслар қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ҳисобот тузишлари лозим. Сарфланмай қолган пул маблағи таълим муассасасининг кассасига қайтарилади.

Хизмат сафарини расмийлаштириш тартиби ва хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар меъёри Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Хизмат сафарига юборилган ходимга хизмат сафари вақтидаги хизмат сафари жойига бориши ва қайтиши йўл (транспорт, харажати, бронь қилиш билан боғлиқ хизмат ҳақини ҳам қўшган ҳолда) ва кўрпа-тўшакдан фойдаланганлик ҳақи, меъёр бўйича бир кеча-кундуз маблағи, турар жойдан фойдаланиш харажатлари тўланади. Ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ хизмат сафари сарфларига чет визасини олиш ва бошқа бориш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш харажатлари ҳам қўшилади.

Таълим муассасасининг тегишли хизматлари иш ҳақини ҳисоблаш тамойиллари ошкоралигини таъминлашга, шахсан мурожаат қилган ҳар бир ходимга иш ҳақи ёзиш қондасини тушунтиришга, шунингдек, ходимнинг шахсан мурожаатига кўра белгиланган тартибда календар йил якуни бўйича иш ҳақи тўғрисида маълумотнома беришга мажбур. Иш ҳақини ёзишдаги барча хатоликлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ тузатилиши лозим.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича барча ҳисоб-китобларни олий таълим муассасасининг тегишли бўлимлари бажаради. Шулар календар давр бошидан ходим даромадлари умумий миқдоридан ҳар бир ўтган ой учун солиқларни ҳисоблайди ва ушлаб қолади. Бунда ойлик иш ҳақининг қонун билан белгиланган минимал миқдори (амалда иш бажарилган тўлиқ ойлар сони ва қарамоғидагилар миқдори) ва пенсия фондига ажратма миқдори камайтирилади. Ушлаб қолишда хо-

димнинг солиқ бўйича имтиёзи, шунингдек, илгари ушлаб қолинган маблағи ҳисобга олинади.

Ходим иш ҳақидан бухгалтерия орқали қуйидаги ушлаб қолишлар амалга оширилади:

- даромад солиғи тулаш учун;
- ягона ижтимоий туловлар учун;
- нотариус ва суд ижрочиларининг ижро варақалари бўйича туловлар учун;
- таълим муассасасига етказилган моддий зарарни қоплаш;
- берилган бунак ва ортиқча туланган миқдор бўйича қарзларни қоплаш учун;
- олий таълим муассасаси касаба уюшмаси бадалларини тулаш ёзма топшириғи бўйича.

Олий таълим муассасасининг бухгалтерияси ҳар бир ой ўтгандан сўнг ҳисобланган ва ходимлардан ўтган ой учун ушлаб қолинган даромад солиғини бюджетга ўтказади. Солиқ идоралари ушлаб қолинмаганлиги, тўлиқ ушланмаганлиги ёки тулов манбаидан олинини лозим бўлган жисмоний шахслар даромадидан даромад солиғи ўтказилмаганини аниқлаганларида, олий таълим муассасасига жарима солиб, солиқлар тўлиқ ҳолда ундирилади.

Иш ҳақи ва стипендия тулаш жадвали олий таълим муассасаси бўйича буйруқ ва жамоа шартномасига кўра белгиланади. Ходим ўз ихтиёри билан бунак олишдан воз кечишга, шунингдек, иш ҳақини ходимнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказишга йўл қўйилади.

Лавозим жадвали ва иш ҳақи лимитини режа-молия бўлими тайёрлайди ва ректор тасдиқлагандан сўнг олий таълим муассасаси кадрлар бўлимига топширилади.

Олий таълим муассасаси ходимига устама, қўшимча ва мукофот таркибий бўлинма раҳбарларининг тавсияси (хизмат ёзилмаси)га асосан ректор буйруғи билан белгиланади. Мавжуд лимит доирасида устама ва қўшимчани белгилаш (бекор қилиш, ўзгартириш)га тавсия этиш ректор номига тегишли 1 йўналишдаги таркибий бўлинма раҳбари томонидан амалга оширилади, шунингдек, ходимлар бўлимига ҳам берилади. Тавсияда қуйидагилар кўрсатилади:

- устама белгиланаётган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- ходим лавозими;
- асосий лавозим бўйича маош;
- устама, қўшимча, мукофот учун асос;
- устама, қўшимча, мукофотни белгилаш муддати;
- устама, қўшимча, мукофот молиялаштириладиган манба.

Ходимлар бўлими таълим муассасаси бўйича йиғма буйруқ тайёрлайди, у шу мақсадларга мўлжалланган маблағ республика бюджетидан тушганда ва бюджетдан ташқари маблағ ўтганда имзоланади.

Таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига устама, қўшимча ва мукофот юқори даражадаги раҳбар тавсиясига кўра белгиланади.

Олий таълим муассасаси хўжалик ҳисоби маблағи даромад ва харажати устидан оператив назоратни олий таълим муассасасида унинг тегишли бўлимлари шартнома бўйича ишларни бажарувчи ва ташкил қилувчи бўлинмаларнинг раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Меҳнатга ҳақ тўлашга олинган маблағ миқдори ва уни сарфлаш йўналиши ҳақида олий таълим муассасасининг маъмурияти олий таълим муассасаси Илмий кенгаши ва олий таълим муассасаси касабаси уюшмасининг қўмитаси йиғилишидаги якуний ҳисоботида жамоани хабардор қилади.

## 5.5. Олий таълим муассасаси харажатларини режалаштириш

### 5.5.1. Умумий қоидалар

Олий таълим муассасасининг харажатлар сметаси унинг фаолиятини таъминлаш учун бюджетдан бериладиган маблағнинг умумий миқдори, мақсадли йўналиши ва чоракликлар бўйича тақсимланишини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. У Молия вазирлиги белгиланган намунавий шаклда тузилади.

Рўйхатда олий таълим муассасасининг кундузги факультетлари, аспирантураси, шохобчалар, бўлинмалар, ўқув-консултация бўлимларининг фаолият кўрсатишини таъминлаш, врачлар малакасини ошириш, чет тиллар ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари, олий таълим муассасаси ўқитувчилари малакасини ошириш факультетлари, ёшларни олий таълим муассасасига кириши учун тайёрлов бўлимлари харажати акс эттирилади.

Олий таълим муассасаси балансидаги оромгоҳлар, болалар боғчаси ва яслилар, илмий-тадқиқот муассасалари, муаммолар лабораториялари, ахборот муассасалари, тиббиёт институтларидаги клиникаларнинг фаолиятини таъминлаш бўйича лаборантлар бу рўйхатга киритилмаслиги керак. Бу харажатларни, шунингдек, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва савдо ходимлари ҳамда мутахассислари малакасини ошириш бўйича факультет ва курслар, ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқитувчилари малакасини ошириш факультетларининг сарфлари бюджет таснифининг бошқа бандлари бўйича амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган факультет ва курсларнинг харажатлари белгиланган тартибда олий таълим муассасасига тайёрлов ва малака оширишга маблағ ажратиладиган вазирлик (муассасаси) молиявий режаларида кўзда тутилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилади. Олий таълим муассасаси кўрсатилган мақсадлар учун харажатларни махсус (бюджетдан ташқари) маблағдан режалаштиради.

Рўйхат бўйича харажатлар миқдори ва моддалар бўйича тақсимлаш аниқланган режага ўтган муддат ҳисоботи бўйича таққослаб кел-

тирилади. Агар рўйхат 9 ойлик ҳисобот олингунга қадар тузилса, бунда рўйхат бажарилиши ҳақидаги маълумотлар биринчи ярим йил учун келтирилади.

Рўйхатда кўзда тутилган харажатлар рўйхат ҳар бир молдаси сарфлар алоҳида тури бўйича ҳисоб-китоблар билан асосланган бўлиши керак.

Рўйхат ҳисоб-китоблари олий таълим муассасаси тегишли вазирлик ва муассасалардан олган талабалар қабули ва мутахассислар етиштириш режаси, тегишли малака ошириш факультетига тингловчилар қабул қилиш ва битиртириш режаси асосида, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларга иш ҳақи, талабаларга стипендиялар бериш, бепул овқатланиш, кийим-кечак учун ва бошқа мақсадларга алоҳида сарфлар турига харажатларнинг мавжуд меъёрлари бўйича маблағ сарфлаш тартиби ҳақидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузилади.

Харажатларнинг айрим турларини режалаштириш учун рўйхатда таълим муассасаси фаолияти ҳажмининг қўламини тавсифловчи умумий (факультетлар, кафедралар, олий таълим муассасаси таркибидagi бўлинмалар, ўқув-моддий негиз ҳақида) келтирилади.

Рўйхат юқори ташкилот (вазирлик, муассаса) томонидан тасдиқланади ва уч нусхада Молия вазирлигида қайд этилади, улардан бири олий таълим муассасасига қайтарилади, иккинчиси рўйхатни тасдиқлаган юқори ташкилотда қилади.

Рўйхат таълим муассасалари бўйича бош бошқарма (бошқарма)га эга бўлмаган вазирликнинг вазири ёки унинг ўринбосари, шундай бошқармага эга вазирлик (муассаса)нинг тегишли бошқармасининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Рўйхатнинг олди томонида харажатлар умумий миқдори лавозимдаги ва лавозимдан ташқари ходимлари иш ҳақи фонди ҳамда рўйхат тасдиқланган сана кўрсатилади. Сметани тасдиқлаган шахснинг имзоси муҳр билан тасдиқланади.

Смета ва лавозим жадвали Молия вазирлигига қайд этиш учун тақдим этилади.

Олий таълим муассасалари махсус (бюджетдан ташқари) маблағ бўйича даромад ва харажатлар рўйхатига эга бўлиши мумкин. Бу маблағни олий таълим муассасаси даромад ва харажат бўйича ўтказмай махсус мақсадларга сарфлайди.

Махсус маблағ рўйхати тегишли йўриқномага мувофиқ бюджет бўйича рўйхат билан бир вақтда тузилади.

### 5.5.2. Талабалар контингентини аниқлаш

Олий таълим муассасасининг фаолиятини таъминлашга бюджетдан ажратиладиган харажатларини белгилаш ҳисоб-китоби қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таълимнинг кундузги шаклида ўқийдиган талабалар;
- ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олувчи аспирантлар (тиббийёт олий таълим муассасаларида – ординаторлар);
- олий таълим муассасасидаги малака ошириш факультетлари ва врачларни қайта тайёрлаш факультетларининг тингловчилари.

Булар учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига кўра ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш лавозим-маош тизими белгиланган, унинг миқдори кафедра ходимлари умумий сонига қўшилади.

Харажатларнинг айрим турлари тайёрловнинг айтиб ўтилган барча кўриниши бўйича айрим-айрим ўртача йиллик контингенти режалаштирилаётган давр бошида мавжуд бўлганини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, қабул ва битирув, айрим талабаларнинг таълим юртини тугатмай кетиб қолиши (талабалар сафидан чиқарилиши)ни назарда тутиб белгиланади.

Бу кўрсаткичлар жисмоний шахсларда аниқланади. Йил давомида талабалар контингенти ўзгариши муддатига боғлиқ тарзда у ўртача йиллик миқдорга келтирилади. Талабалар контингенти ҳисоб-китоби махсус жадвалда, намунавий рўйхатда берилади.

Режалаштирилаётган йил бошида курсдан-курсга кўчувчи талабалар контингенти қуйидагича аниқланади:

Агар рўйхат (смета) режалаштирилаётган йил 1 январидан сўнг тузилса, бунда талабаларнинг бу контингенти ана шу санада амалда мавжудлиги бўйича қабул қилинади. Бироқ ҳисоб-китобга талабаларни биринчи курсга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган режада кўзда тутилганидан кўп бўлмаган миқдордаги қабули олинади.

Рўйхат режалаштирилаётган йилнинг 1 январигача тузилганда юқорида айтилган тартибда белгиланган қабулни, кутилаётган битирув ва талабаларнинг ўқишдан кетиши (чиқарилиши) ҳисобга олиб, сўнгги ҳисобот санасидаги талабаларнинг ҳақиқатдаги миқдоридан келиб чиқиб режалаштирилаётган йил бошида кутилаётган контингенти белгиланган лозим бўлади.

Режалаштирилаётган йилга битирувчи талабалар таълим муассасаси учун юқори ташкилот томонидан Вазирлар Маҳкамаси тасдиқланган қабул гранти кўрсаткичларига асосан белгиланади.

Режалаштирилаётган йилда таълим муассасасидан талабаларнинг кетиши (чиқарилиш) эҳтимоли, ўтган йили содир бўлган кетиш (чиқарилиш) асосида белгиланади.

Йил давомида талабалар контингенти ҳаракатига таъсир этувчи барча омиллар ҳисобга олингандан сўнг режалаштирилаётган йил охиридаги талабалар контингенти белгиланади. Уни ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Йил бошида курсдан-курсга ўтувчи контингентга режа бўйича қабул қилинадиган талабалар сони қўшилади ва битирувчилар, кетган (чиқарилган)лар миқдори айрилади.

1-мисол (олий таълим муассасаси кундузги бўлими бўйича). Курсдан курсга кўчувчи контингент йил бошида 1015 нафар.

Қабул режаси + 300 нафар.

Битирув режаси – 200 нафар.

Кетиш (чиқариш) – 40 нафар.

Режалаштирилаётган йил охиридаги контингент 1075 нафар. Тайёрловнинг бошқа турлари бўйича талабалар контингентини белгилаш ҳам шу тарзда бўлади,

Талабалар контингенти йил ўртача миқдори қуйидагича белгиланади:

режалаштирилаётган йил бошидаги курсдан курсга ўтувчи талабалар контингент жисмоний шахсларда ўртача йиллик миқдор деб қабул қилинади, чунки йил давомидаги ҳам ошиш ҳам камайиш томон ўзгаришлар ана шунга қиёсланади.

Шундай қилиб, агар талабалар контингенти жисмоний шахсларда юқорида келтирилган мисолда йил бошига 1015 нафар миқдорда белгиланган, бунда ўртача йиллик ҳам 1015 нафарга тенг бўлган. Ўртача йиллик қабул контингенти ўқув йили қайси ойдан бошланишига боғлиқ бўлади.

Ўқув йилининг бошланиши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

Агар ўқув йили 1 сентябрдан бошланса, талабалар мазкур йилда 4 ой ўқийди, ўртача йиллик контингент қабул жисмоний контингенти 300 нафарда 100 кишини ташкил этади.

$$\frac{300 \text{ киши} \times 4 \text{ ой}}{12 \text{ ой}} = 100 \text{ киши}$$

Ўқув йили 1 апрелдан бошланганда ва янги қабул контингенти 300 киши бўлганда (талабалар йил охиригача 9 ой ўқитилади) ўртача йиллик контингент қуйидагича бўлади:

$$\frac{300 \text{ киши} \times 9 \text{ ой}}{12 \text{ ой}} = 225 \text{ киши}$$

Битирувчи талабалар ўртача йиллик контингентини белгилаш болалар ўқимайдиган йил муддати вақт давомийлигига асосланиб амалга оширилади.

Агар талабалар битирув муддати ўқув режасига кўра 1 апрелдан белгиланган бўлса, бунда битирув ўртача йиллик контингент талабалар битирганидан кейин мазкур йилда қоладиган ойлار миқдорига, яъни 9 ойга ҳисобланади:

$$\frac{200 \text{ киши} \times 9 \text{ ой}}{12 \text{ ой}} = 100 \text{ киши}$$

Битирув муддати 1 октябрга бўлганда ўртача йиллик ифода куйидагича бўлади:

$$\frac{200 \text{ киши} \times 3 \text{ ой}}{12 \text{ ой}} = 50 \text{ киши}$$

Саралаш ўртача йиллик контингенти, қоидага кўра жисмоний тарзда 60 % миқдорда ҳисоблаб олинади. Уни яна ўтган 2–3 йил ҳисобот маълумотлари асосида ҳисоблаш ҳам мумкин.

Ўртача йиллик ўқиётганлар контингентини белгилаш учун йил бошидаги талабаларнинг ҳақиқий контингенти ўртача йиллик қабулга оширилади ва шундан сўнг ўртача йиллик битирув ва кетув айирилади.

Шундай қилиб, 1-мисолдаги талабаларнинг ўртача йиллик контингенти куйидагича бўлади:

- йил бошидаги талабалар сони – 1015 киши;
- 1 сентябрдан қабул + 100 киши;
- 1 апрелдан битирув – 150 киши;
- кетув (жисмонийнинг 60% и) – 24 киши;
- талабалар ўртача йиллик контингенти 941 киши.

Талабалар ўртача йиллик миқдори кундузги таълим шакли бўйича алоҳида белгиланади.

Ўқув муддати бир йилдан кам бўлган ўқитувчилар малакасини ошириш факультети тингловчиларининг ўртача йиллик миқдори айрим йўналишлар киши-ой таълимидан келиб чиқиб ва уларни 12 га бўлиб белгиланади.

4-жадвал

#### Талабаларнинг ўртача йиллик контингентини аниқлаш

Кўрсаткичлар	Жисмоний шахслар	Ўртача йиллик миқдор
Йил бошидаги талабалар миқдори	2500	2500
1 апрелда 1-курсга қабул	+ 300	+ 225
1 сентябрь 1-курсга	+ 300	+ 100
Юқори курсга қабул (1 сентябрдан)	+ 50	+ 17
Битирув, 1 июлдан	– 200	– 100
1 декабрь	– 200	– 17
Кетув, 60 %	– 100	– 60
Йил охирига талабалар сони	2650	–
Талабаларнинг ўртача йиллик контингенти	–	2665



**2-мисол.** Олий таълим муассасалари ўқитувчилари малакасини ошириш факультетида таълим муддати — 4 ой. Режалаштирилган йилдан олдинги йилда, 1 октябрдан 200 киши қабул қилинган, режалаштирилган йилда 1 майдан 300 киши қабул қилиш мўлжалланган ва 1 ноябрдан 250 киши.

Бунда режалаштирилган йилда ўртача йиллик контингент 160 кишини ташкил этади, қуйидаги ҳисоб-китоблардан келиб чиқилса:

200 киши · 1 ой (январ) = 200 киши-ой.

300 киши · 4 ой (май, июн, июл, август) = 200 киши-ой.

260 киши · 2 ой (ноябр, декабр) = 520 киши-ой.

Жами 1920 киши-ой.

$$\frac{1920 \text{ киши}}{12 \text{ ой}} = 160 \text{ киши.}$$

### 5.5.3. Иш ҳақи ва стипендиялар

Бу модда бўйича кундузги таълим муассасаси, бўлинмалар, факультетлар, ўқув-маслаҳатхоналар, аспирантура, мансабдор профессор-ўқитувчилар таркиби (ўриндош ўқитувчилар ҳам қўшилган), соатбай ҳақ тўлаш шарти билан педагогика ишига жалб этилган шахсларга иш ҳақи тўлаш, шунингдек, маъмурият-хизмат кўрсатиш, ўқув-тарбия соҳаси ва бошқа ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар режалаштирилади.

Лавозимлар бўйича профессор-ўқитувчилар эгаллайдиган ўринлар олий таълим муассасасининг мазкур тоифа ходимлар учун вазирлик (муассаса) белгиланган миқдор ва иш ҳақи фонди чегарасида ректори томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Маъмурий-хизмат кўрсатиш, ўқув-ёрдамчи соҳа ва бошқа ходимлар лавозими олий таълим муассасасининг ректори томонидан қайд этилган ходимлар тоифаси бўйича юқори ташкилот тасдиқланган ходимлар умумий ҳисоби ва иш ҳақи фонди чегарасида мазкур олий таълим муассасаси учун белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий лавозимлар ва лавозимлар номига мувофиқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, бошқарув соҳасига тааллуқли ходимлар миқдори уларни таъминлаш учун белгиланган тартибда кўзда тутилган маблағ ва иш ҳақи умумий фонди чегарасида белгиланади.

Олий таълим муассасаси намунавий лавозимлардан фойдаланмаган ҳолларда, кўрсатилган ходимлар лавозими мазкур таълим муассасаси учун тасдиқланган лавозимлар тури, миқдор ва иш ҳақи фондига амал қилинган ҳолда ректор томонидан тасдиқланади.

Олий таълим муассасасининг ректорлари профессор-ўқитувчилар таркиби лавозим жадвалини тасдиқ этишда ўқув машғулоти (маъруза, амалий машғулот ва бошқ.) бўйича соат миқдори асосида профессорлар, доцентлар ва катта ўқитувчилар лавозими сонини аниқлаши

лозим, бунда улар мазкур лавозимлар асоссиз оширилишига, шунингдек, маъмурий-хизмат кўрсатиш, ўқув-ёрдамчи соҳа ва бошқа ходимлар таркибида раҳбар ходимлар ва катта мутахассислар сони ошиб кетишига йўл қўймаслиги керак.

Маошларни тасдиқлашда лавозим маоши тархида минимал ва максимал миқдорлар белгилашда ёки бир неча қатъий маошларни белгилашда шу лавозимлар бўйича лавозим маоши олий таълим муассасасининг ректори томонидан мазкур таълим муассасаси лавозим жадвали бўйича умуман лавозим маоши тархи ўртача маоши бўйича ҳисобланган иш ҳақи тулаш фонди чегарасада белгиланади.

Олий таълим муассасасини талабалар ва аспирантлар контингентига боғлиқ ҳолда намунавий лавозим бўйича бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтказиш юқори ташкилот белгилаган тартибда амалга оширилади.

Лавозимлар якка тартибда белгиладиган олий таълим муассасасини ректорлари лавозим жадвалига фақат белгиланган тартибда тасдиқланган лавозимлар тури бўйича ўзгартиш киритиш ва уни тасдиқлаши мумкин.

Таълим муассасаси лавозимларини тасдиқлаш ва лавозим маошини белгилашда вазирлик (муассаса) тасдиқлаган тузилмага амал қилинади.

Олий таълим муассасаси бўлинмалари янги тузилмасини жорий этиш фақат олий таълим муассасаси қайси вазирлик (муассаса) тасарруфида бўлса, шунинг рухсати билан амалга оширилади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби иш ҳақи фонди лавозимлар миқдори ва мазкур ходимлар иш ҳақи ўртача ставкаси ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчилар умумий миқдори битта ўқитувчига тўғри келадиган талаба ва аспирантлар сонига асосан белгиланади.

Профессор-ўқитувчилар таркибининг миқдорини ҳисоблаш меъёри юқори ташкилот томонидан кундузги бўлим, кундузги аспирантура бўйича алоҳида-алоҳида белгиланади.

Айрим олий таълим муассасасининг кундузги факультети (бўлимаси) бўйича профессор-ўқитувчилар таркибини ҳисоблаш ўртача меъёри вазирлик (муассаса) томонидан ўқув ва илмий ишлар ҳажми ва олий таълим муассасаси соҳасига боғлиқ ҳолда табақалаштирилиши мумкин.

Кундузги бўлим профессор-ўқитувчилар таркиби ўртача йиллик миқдорини ҳисоблаш белгиланган тартибда аниқладиган битта ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони ва талабалар ҳисоб-китоб қилинувчи миқдор ўртача меъёридан келиб чиқиб амалга оширилади.

Таълимнинг ҳар бир шакли бўйича талабалар ҳисоб-китоб миқдори режалаштириладиган йил бошидаги талабалар сонини 8,5 ойга, йил охиридаги талабаларнинг режадаги сонини 3,5 ойга кўпайтириш

йўли билан белгиланади. Ҳосил бўлган киши-ой миқдори қўйилади ва 12 га тақсимланади.

Масалан, режалаштирилаётган йил бошида кундузги таълим талабаларининг сони 2500 нафар бўлганда, йил охирида – 2650 нафар, талабалар ҳисоб-китоб сони қуйидагини ташкил этади:

$$\frac{2500 \text{ киши} \times 8,5 \text{ ой} + 2650 \text{ киши} \times 3,5 \text{ ой}}{12 \text{ ой}} = 160 \text{ киши}$$

Ўқув йили бошида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркиби лавозими шундай муължал билан тасдиқланадими, талабалар битирувчи ва қабули муддатидан қатъий назар режалаштирилаётган йил 31 декабрига белгиланган ҳисоб-китоб меъёрига амал қилишни таъминлайди.

Шундай тарзда белгиланган профессор-ўқитувчилар таркиби умумий ўртача йиллик миқдорига иш ҳақи фонди шу миқдорга ўртача ставкани кўпайтириб ажратилади.

Иш ҳақи ўртача ставкаси лавозим жадвали бўйича шаклланган профессор-ўқитувчилар таркиби ўртача тариф ставкасидан келиб чиқиб қабул қилинади. Бу ставка олий таълим муассасаси лавозим жадвали маълумотларидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилаётган йил учун илмий унвон ва даражага эга шахслар миқдори ҳамда улар илмий-педагогик иш стажи ўзгаришини ҳисобга олиб туғриланиши мумкин.

Айрим йирик ўқув муассасаларида юқорида кўрсатилган ходимлар тоифаси учун режалаштирилаётган йилдаги иш ҳақи ставкаси ўтган ҳисобот йилида амалда шаклланган ставкага асосан, унинг ўзгариш динамикасини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши мумкин.

Олий таълим муассасасида ўқув ишларини ўтказиш учун, профессор-ўқитувчилар лавозим тартибидан ташқари соатбай ҳақ тўлаш асосида юқори малакали мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

Соатбай маблағ фонди тўлаш учун белгиланган тартибда кўзда тутилиши мумкин:

- тақлиф этиладиган юқори малакали мутахассислар – диплом лойиҳаси раҳбарлари, давлат имтиҳон комиссиясининг раиси ва аъзолари;

- тест синовидаги назоратчилар, диплом, курс ва назорат ишларига (асосан ўқув-маслаҳатхоналарида) жалб қилинган ўқитувчилар;

- талабалар педагогик амалиётига раҳбарлик учун жалб этилган умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ва бошқа ходимлари;

- лавозимни эгаллаб турган профессор-ўқитувчилар таркиби бажариши мумкин бўлган бошқа тур ўқув машғулотлар ўтказиш учун жалб этилган ходимлар.

Соатбай иш ҳақи фондидан лавозимдаги профессор-ўқитувчилар таркибига ўқув машғулотлари ўтказгани учун вақтинча (касаллик,

хизмат сафари ва б.учун) ишда бўлмаган ўқитувчилар ўрнига ишлагани учун, олий таълим муассасаси давлат имтиҳон комиссиясининг раиси ёки аъзоси сифатида ишлагани учун, шунингдек, техника тўғраги, бадий тўғраққа раҳбарлиги учун, жисмоний тарбия иши ва бошқа ўқув жараёнига тааллуқли бўлмаган бошқа тадбирлар ўтказгани учун сарфланиши мумкин эмас.

Профессор-ўқитувчилар таркибидан фойдаланишнинг яхшиланиши муносабати билан ходимлар соатбай иш ҳақи фонди, қоидага кўра, режага қараганда аввалги йилдагидан кўра ошмаслиги керак.

Маъмурият-хизмат кўрсатиш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар иш ҳақи фондини белгилаш учун, биринчи галда, лавозим жадвали асосида сметага қўшиладими йўқми, иш ҳақи олий таълим муассасаси сметаси бўйича бюджет маблағи ҳисобига иш ҳақи тўланмайдиган лавозимдаги ходимлар миқдори ҳисоботда акс этганми йўқлиги текширилиши зарур.

Хусусан, бюджет ҳисобидан олий таълим муассасаси сметасида бюджет таснифи бошқа параграфидан молиялаштириладиган тасаруфидаги бюджет ташкилот (болалар боғчаси, клублар, соғломлаштириш оромгоҳлари, клиника, илмий муассаса)лар лавозимлари бўлиши мумкин эмас.

Олий таълим муассасаси сметасида ҳўжалик ҳисобидаги ёки маҳсус маблағ сметаси бўйича молиялаштириладиган таркибий бўлинмалар (бўлимлар, илмий-тадқиқот ишлари шўъбаси, турар жой, томорқа ҳўжалиги, корхоналар, ўрга маҳсус таълим муассасаси ўқитувчилари малакасини ошириш факультети, қурилиш, транспорт, алоқа ва савдо) лавозимларининг сарфлари кўзда тутилмайди. Шунингдек, тиббиёт хоналари, бўлинмаларининг лавозимлари ҳам олий таълим муассасаси сметасида кўзда тутилмайди, чунки таълим муассасаларига тиббий хизмат кўрсатиш соғлиқни сақлаш идоралари зиммасига юклатилган.

Шу билан бирга, ёдда тутиш лозимки, олий таълим муассасаси сметаси ҳисобидан (01100 модда бўйича) талабалар ётоқхонаси мансабдор ходимлари, ёпиқ шаклдаги ўқув муассасасидаги ошхона ва тиббиёт бўлими ходимлари таъминланади.

Баён этилганларни ҳисобга олиб, йиллик ҳисобот маълумотларига асосланиб, аниқлаш лозимки, режалаштириладиган давр бошида амалда қанча миқдорда ўқув муассасаси ходими олиш керак, агар сметани тасдиқлаш йил бошлангунга қадар амалга оширилса, ходимларнинг қутиладиган миқдорини йил бошида белгилаш лозим. Режалаштириладигандан олдинги йил охирида ўқув муассасаси учун тасдиқланган миқдордан ошмаслиги керак. Кўрсатилган ходимлар тоифасининг миқдорини белгилашда, режалаштириладиган иш охирида, йил бошига нисбатан миқдорнинг ошиши мумкинлигини баҳолашга тўғри келади.

Агар йил бошида белгиланган ходимлар миқдори лавозим жадвалида белгиланганидан кам чиқиб қолса, унда режалаштирилган йил охирига у тасдиқланган миқдорга етказилиши мумкин, яъни олий таълим муассасасининг лавозимларини тўлдириш кўзда тутилади, айрим ҳолларда, режалаштириладиган йил давомида олий ўқув муассасаси моддий-техника базасининг ўзгариши ёки талабалар контингенти кенгайиши кутиладиган бўлса, олий таълим муассасаси лавозими жадвалига қўшимча ўринлар киритилиши мумкин.

**Мисол.** Олий ўқув муассасасининг лавозим сметасини кўриб чиқиш вақтида 150 киши миқдорига тасдиқланган, йил бошида амалда 120 киши мавжуд. Агар йил давомида олий ўқув муассасасининг фаолияти кенгайиши тахмин қилинаётган бўлса, унда йил охирига 150 киши режалаштирилиши мумкин. Ўртача йиллик миқдор тўлдириш муддатига боғлиқ тарзда белгиланади.

Агар йил давомида лавозимни бир маромда тўлатиш амалга оширилса, унда ходимлар ўртача йиллик миқдори куйидагича бўлади:

$$\frac{120 + 150}{2} = 135 \text{ киши}$$

ёки  $30 \text{ киши} \cdot 6 \text{ ой} = 180$ ;  $120 \text{ киши} \cdot 12 \text{ ой} = 1440 \text{ киши-ой}$ .

Жами  $1620 \text{ киши-ой} : 12 \text{ ой} = 135 \text{ киши}$ .

Агар ўқув муассасасининг фаолияти кенгайса — лаборатория биноси ишга туширилса, унга 20 нафар ходим талаб этилса, бунда тўлдириш 30 киши эмас, балки 50 кишини ташкил этади. Лавозим бирлиги ўргача йиллик миқдори куйидаги ҳисоб-китоб (бир маромда тўлдирилганда) асосида 145 га тенг бўлади:

$$\frac{120+150+20}{2} = 145 \text{ киши}$$

Ўртача йиллик миқдор белгилангандан сўнг иш ҳақи ўртача режавий ставкаси аниқланади. У, асосан, ўқув муассасаси лавозим жадвалидаги (бюджетдан таъминлаш ҳисобига) тегишли ўринлар бўйича иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотлар бўйича аниқланади.

Лавозимлар тури ва лавозим маошлари таркиби маъмурий-хизмат кўрсатиш ва ўқув-ёрдамчи хизмат ходимлари учун «Бюджет ташкилотлари меҳнатига ҳақ тўлаш ягона тариф тўри»да белгиланган.

Иш ҳақи ўртача ставкаси смета бўйича лавозим жадвалида кўзда тутилган даражада лавозимлар бўлганда белгиланади, лавозим тўлиқ бўлмаганда мавжуд таркиб учун ҳисобот маълумотлари асосида бўш лавозимлар бўйича лавозим жадвали бўйича белгиланади.

Агар смета бўйича режа ставкаси қабул қилинса, бунда ойлик ставкани 12 ойга ва сметада қабул қилинган ходимлар ўртача йиллик миқдорига кўпайтириш натижасида олинган иш ҳақи фонди

2%дан кам бўлмаган миқдорга қисқартирилади. Қисқартиришга давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ходимларга тўлаш сабаб бўлади. Агар иш ҳақи фондини белгилашга ҳисобот ставкаси асос қилиб олинган бўлса, унда юқорида айтилган қисқартириш амалга оширилшмайди.

Ўтёқар ва гардеробчилар бутун йил мобайнида сақлаб турилмаслиги туфайли иш ҳақи тўлаш фондини 2% гача қисқартиришни белгилашда унга тузатиш киритиш лозим. Ўтёқарлар иситиш мавсумидагина ишлайдилар, гардеробчилар миқдори баҳорги-ёзги даврда қисқартирилади.

Иш ҳақи тўлаш фондини шу муносабат билан қисқартиришни амалга ошириш усули қуйидагича: агар олий таълим муассасасида 12 нафар ўтёқар бўлса, уларнинг ҳар бири ойига 70 сўм олса, бунда иш ҳақи тўлаш умумий фонди иситиш мавсуми шартли 7 ой давом этишига кўра 4200 сўмга қисқаради (12 киши · 5 ой · 70 сўм = 4200 сўм).

Фондни шундай қисқартириш гардеробчиларнинг иши ҳам мавсумийлиги муносабати билан кўзда тутилади.

Дам олиш билан боғлиқ тўловга маблағ ажратиш ва профессор-ўқитувчилар, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хизмат кўрсатиш ходимларига фойдаланилмаган тиним учун товон тўлаш ўқув муассасаси сметасида кўзда тутилмаган. Бу харажатлар, зарур ҳолларда иш ҳақи фондини тежаш ҳисобига амалга оширилади.

Юқорида айтилган харажатлардан ташқари саноат олий ўқув муассасалари сметасининг 1-моддаси бўйича иш ҳақи тўлаш фондига натурачиларга тўлаш харажатлари қўшилади.

Мансабдор шахслар ва лавозимдан ташқари ходимларга иш ҳақи тўлаш давлат меҳнат бўйича режада режалаштирилаётган йилга юқори ташкилот томонидан тасдиқланган иш ҳақи тўлаш фонди лимитига мос келиши керак.

Иш ҳақига маблағ ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тариф бўйича амалга оширилади.

Давлат ижтимоий суғуртасига ажратма талабаларни ҳарбий тайёрликдан ўтказиш учун йўналтирилган офицерларга ўқув муассасаси тўланадиган иш ҳақи маблағидан амалга оширилмайди.

Стипендия. Мазкур модда бўйича харажатлар олий ўқув муассасаси сметасида талабаларга стипендия тўлаш алоҳида кўзда тутилади.

Стипендия фонди бўйича ажратмалар стипендия оладиган талаба (ўқувчи, тингловчилар)лар йиллик ўртача миқдоридан келиб чиқиб ва стипендияларнинг белгиланган ҳажмида амалга оширилади.

Олий ўқув муассасасининг стипендияга кетадиган харажатлари, қоидага кўра, стипендия олувчилар йиллик ўртача миқдори ва битта стипендия олувчига бир йилга тўғри келадиган стипендия бўйича ўртача харажатларга асосланиб белгиланади.

Бюджет ҳисобидан талабаларга тўланадиган стипендиялар бўйича ўртача йиллик харажат қуйидагича белгиланади. Ўтган йил учун сти-

пендия фондидан бюджет ажратмалари ҳисобидан амалда сарфланган умумий маблағ миқдоридан аспирантлар, ординаторларга туланадиган стипендиялар ва стипендияларнинг бошқа гуруҳларига сарфлар айирилади.

Шундай тарзда олинган талабалар стипендия фонди амалдаги харажатлар миқдори (номдор стипендиялар бериш ҳам шу ҳисобда) бюджет ҳисобидаги талабаларнинг амалдаги йиллик миқдорига бўлинади.

Режалаштирилаётган йилда талабаларга стипендиялар бериш учун бюджетдан маблағ режалаштирилаётган йилдаги талабалар ўртача йиллик миқдори ва талабалар стипендиясининг амалдаги ўртача харажатдан юқори белгилашга асосланиб ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларни моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш фонди мавжуд. Фонднинг мақсад ва вазифаси.

#### 5.5.4. Канцелярия ва хўжалик харажатлари

Мазкур модда бўйича кўзда тутилган сарфларнинг рўйхати бюджет харажатлари таснифида келтирилган. Сметадаги ҳисоб-китобларни соддалаштириш мақсадида бу сарфлар ўз тавсифига кўра айрим тур сарфлар ҳажмини белгилаш учун асос қилиб олиш мумкин бўлган кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда гуруҳланади.

Хўжалик сарфларининг сезиларли қисми, хусусан, иситиш ва ёритиш харажатлари, клубларга ёки ўқув муассасаси эгаллаган бино майдонига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Шунинг учун мазкур таълим муассасасининг сметаси бўйича бюджет маблағидан таъминланиши лозим бўлган хоналарнинг ҳажми ва майдонини аниқ белгилаш лозим.

Амалда олий таълим муассасаси эмас, балки унинг тасарруфидаги хўжалик ташкилотлари ёки таркибий бўлинмалари эгаллаган махсус ҳисобдан таъминланадиган хоналар (устахоналар, илмий-тадқиқот шўъбаси, турар-жойлар ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш факультетлари, саноат мутахассислари малакасини ошириш факультет ва курслари, транспорт, алоқа ва ҳ.к.) ҳажми ва майдони бюджет бўйича хўжалик харажатларини ҳисоб-китоб қилишда эътиборга олинмайди. Олий таълим муассасаси ётоқхоналарининг ҳажми ва майдони умумий ҳажм ва майдон миқдоридан чегирилади. Ётоқхоналар ҳажми жорий таъмирлаш харажатларини белгилашдагина ҳисобга олинади.

Молиялаштириш бюджет таснифи бошқа параграфидан молиялаштириш амалга ошириладиган олий таълим муассасаси тасарруфидаги муассасалар (болалар боғчаси, соғломлаштириш оромгоҳлари, клиникалар, илмий муассасалар ва ҳ.к.) хоналарининг ҳажм ва майдонлари ҳам ҳисобга олинмайди.

Олий таълим муассасалари ўз ходимлари ва талабаларига хизмат кўрсатувчи III тоифа умумий овқатланиш давлат ва кооператив корхоналари, хоналари (ёритиш ва иситиш) учун иссиқ ҳамда совуқ сувни пул олмай беради, шунингдек, ўз ҳисобидан кўзда тутилган смета маблағи чегарасида ўз ҳисобидан ҳам капитал, ҳам жорий таъмирлашни амалга оширади. Шунинг учун талабалар ошхонаси эгаллаган хоналар ҳажми ва майдони таълим муассасаси хўжалик харажатларини белгилашда ҳисобга олинади.

Овқатлар тайёрлаш ва транспорт учун ёқилғи таълим муассасаси томонидан амалдаги нархларда, лекин мазкур жой учун белгиланган тарифлардаги нархдан ошмаган ҳолда, ҳақ олинади. Таълим муассасаси сарфларида бу мақсадлар кўзда тутилмаган.

Таълим муассасаси эгаллаган бино ҳажми ташқи ўлчов бўйича юқоридаги талабларни ҳисобга олиб белгиланади. Агар режалаштирилаётган даврда бино ҳажми ўзгариши кутилаётган бўлса, бунда ўртача йиллик ҳажм у ошиши кутилаётган вақтдан бошлаб, шунга боғлиқ ҳолда белгиланади.

**Иситиш харажатлари**, юқорида кўрсатилганидек, ўтган ҳисобот даври учун амалдаги сарфларга асосланиб аниқланган бино ҳажми  $1 \text{ м}^3$  га ҳисобланади. Талабаларга ўз ошхонасида тайёрланган овқат бепул бериладиган олий таълим муассасаларида (умумий овқатланиш тармоғи ошхоналари бундан истисно) иситиш учун харажатлар таркибига овқат тайёрлаш учун ёнилғи сотиб олиш учун кетадиган сарфлар махсус ҳисобдан қопланган ҳолда киритилади.

Агар олий таълим муассасаси марказий иситиш тармоғига уланган бўлса, бунда сметада олий таълим муассасаси иситиш маркази билан тузган шартномада кўрсатилган миқдор ҳисобга олинади, таълим муассасаси сметасида қабул қилинган хоналар ҳажмида акс этади.

Ўқув қурилмалари ва илмий ишларни олиб бориш ҳаракатга келтириш учун кетадиган ёнилғи ва газ сарфлари 01440-моддага киритилмайди. Бу сарфлар харажатлар сметасининг 01765 моддасида акс этади.

**Ёритиш харажатлари** таълим муассасаси эгаллаган ўқув биноси умумий майдонига ҳисобланади. Бу майдон метр квадратларда юқорида айтилган шартларга амал қилган ҳолда белгиланади. Харажатлар  $1 \text{ м}^2$  майдонга амалдаги сарфларга асосан режалаштирилади.

Бунда илмий ва лаборатория ишларини бажариш учун кетадиган электрэнергиясига сарфларни эътиборга олиш лозим, ёритиш харажатлари кўзда тутилмайди, балки сметанинг 01765-моддаси бўйича режалаштирилади.

**Биноларни жорий таъмирлаш учун харажатларга** фақат таълим муассасасининггина эмас, балки ётоқхоналар ҳажмига боғлиқ ҳолда қаралади. Бинолар жорий таъмирланиш харажатларини белгилашда таълим муассасаси штатидаги таъмирловчи ишчилар — чилангар-сантехник, дурадгор, сувоқчи ва б.ни ҳисобга олиш керак.



Девонхона харажатлари (алоқа ва маълумотнома, расмий ва даврий адабиётлар олиш учун харажатлар ҳам шу жумладан), одатда, ўтган йил режаси даражасида режалаштирилади.

Енгил автотранспорт хариди ёки ижарага олиниши билан боғлиқ харажатлар юқори ташкилот томонидан унинг шу мақсадга харажати лимити чегарасида ўз тасарруфидаги муассасалар бўйича режалаштирилади. Мазкур фаолият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги «Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортдан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори асосида ташкил этилади.

Ускуна ва ашёларни таъмирлаш харажатлари (юмшоқ мебель ҳам шу жумладан) аввал, бутун таълим муассасаси учун белгиланади, бунга болалар боғчаси, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа муассасалар, ётоқхоналардаги ашёлар ва ўрин чойшаблар қиймати ҳам қўшилади, уларнинг фаолияти таълим муассасаси балансида асосий воситалар баланс қийматининг 2%и миқдориди ҳисобга олинади, сўнг таълим муассасаси бюджет сметаси, махсус маблағ сметаси ва таълим муассасаси тасарруфидаги ташкилотлар сметаси бўйича тақсимланади. Бунда ашёлар, ускуналар ва ётоқхона чойшабларини таъмирлаш харажатлари таълим муассасаси асосий сметасида кўзда тутилади.

Хоналарнинг ижараси билан боғлиқ харажатлар ижара шартномасига асосан таълим муассасаси сметаси бўйича кўзда тутилади.

Ўқув ва девон хоналари ижарасига харажатларгина режалаштирилади. Таълим муассасаси сметаси бўйича бюджет ҳисобидан таълим муассасасининг махсус маблағ сметасида турувчи таркибий бўлинмалари, таълим муассасаси тасарруфидаги, бошқа параграфдан молиялаштириладиган ташкилотлар (болалар боғчаси, муаммолар лабораторияси ва ҳ.к.) учун хоналар ижара харажатлари кўзда тутилмайди.

Хўжалик хизмати (сув таъминоти, хоналарни тоза сақлаш билан боғлиқ ва ҳ.к.) билан алоқадор бошқа барча харажатлар сметанинг IV гуруҳ харажатлари бўйича режалаштирилади. Агар бундай харажатлар айрим тадбирлар бўйича анча кўп маблағни ташкил этса, бунда олий таълим муассасасидан мазкур тадбирлар ҳисоб-китоби талаб қилиниши мумкин, булар (масалан қоровуллар учун ва ҳ.к. харажатлар) сметага илова қилинади.

### 5.5.5. Хизмат сафари харажатлари

Мазкур мақсадларга маблағ ажратиш, одатда, таълим муассасаси ўтган йил учун режалаштирган миқдордан ортиқ бўлган ҳолда белгиланади. Хизмат сафари ва хизмат билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлашни белгилашда хизмат сафарини самарали ташкил этиш, уларнинг сони ва муддатини қисқартириш, хизмат билан алоқадор қатновларга кетадиган харажатларни камайтириш билан

боғлиқ ҳолда кейинчалик буларнинг қисқариши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур.

Сметанинг 01.300 моддасида жойни ўзгартирганда муайян миқдорда бериладиган маблағ ва муваққат турар жой билан боғлиқ бошқа туловлар кўзда тутилади. Бунда ёш мутахассисларни ишга тақсимлашни, шунингдек, мазкур таълим муассасасини тугатган мутахассисларни бошқа шаҳарга ишга юбориш бўйича харажатлар улар борадиган ташкилот ва корхоналар томонидан қопланишини ҳисобга олиш зарур.

### **5.5.6. Ўқув, талабалар малакавий амалиётини ташкил этиш, илмий-тадқиқот ишларини бажариш ва ахборот-ресурс марказлари китоб фондини бойитиш харажатлари**

Келтирилган мақсадлар харажатларининг рўйхати бюджет харажатлари таснифида мавжуд. Сметанинг 01765 моддаси бўйича харажатлар ҳам девон ҳамда хўжалик харажатлари сингари сметада алоҳида моддаларда ва нимага мўлжалланганига кўра сарф тури бўйича гуруҳланади.

Таълим харажатлари талабаларни, тегишли факультетлар тингловчиларини бевосита ўқитиш билан боғлиқ сарфларни ўз ичига олади. Бу харажатлар юқори ташкилот ишлаб чиққан меъёрлар асосида олий таълим муассасасининг йўналиши ва ҳосил бўлган сарфлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Меъёр ҳар бир талаба (факультет тингловчиси, тайёрлов бўлими ўқувчиси)га кундузги таълим бўйича алоҳида-алоҳида белгиланади. Бунда улар айрим факультетлар бўйича табақалаштирилган бўлиши мумкин.

Шу қисмда ЎМО ва институт шохобчасига машғулотлар ўтказиш учун ўқитувчиларни хизмат сафарига юбориш бўйича харажатлар ҳам режалаштирилади.

Ўқув мақсадларига харажатларнинг умумий миқдори белгиланган меъёрни талабаларнинг (ўқитувчилар, тингловчилар) кўпайтириш йўли билан ҳар бир таълим тури бўйича алоҳида белгиланади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, талабалар миқдори ошганда айрим ўқув харажатлари ўзгаришсиз қолади ёки кам миқдорда ошади. Бундай ҳолда сарфлар меъёри пасайиши мумкин.

**Институтлар кафедраларининг илмий-тадқиқот ишлари харажатлари** қуйидагиларга ажратмаларни ўз ичига олади: машиналар, лаборатория стендлари тажриба намунасини тайёрлаш учун кетадиган маблағ; институт кафедралари олиб борадиган илмий-тадқиқотлар учун материаллар ва ашёлар (реактивлар, металллар, айрим деталлар, уруғлар, дори-дармонлар ва ҳ.к.лар); илмий фаолият учун тажриба ўтказиладиган жониворларни сақлаш; илмий экспедиция; илмий сессиялар, съездлар ва конференциялар; илмий хизмат сафарлари; диссертациялар ҳимояси ва бошқалар.

Хўжалик шартномаси бўйича ишлар ва муаммоли лаборатория ишларига олинадиган материаллар ҳамда ашёлар учун харажатлар кўзда тутилмайди, ускуналар ва илмий мақсадлар учун асбоб-ускуналар сотиб олиш харажати 04100 модда бўйича кўзда тутилади.

Бу харажатлар IV гуруҳ бўйича режалаштирилади: а) бевосита кафедраларнинг харажатлари; б) илмий хизмат сафарлари харажатлари; в) диссертациялар ҳимояси харажатлари.

Кафедралар харажатларини белгилаш учун кафедралар таркиби, тури, уларнинг илмий ишлари бюджет бўйича режаси ва битта кафедрага ёки битта ходимга ўртача тўғри келадиган сарфни ҳисобга олиш зарур.

Илмий экспедициялар ўтказиш билан боғлиқ харажатлар алоҳида белгиланади ва бу мақсадлар ҳисоб-китоблари сметага илова қилинади.

Илмий хизмат сафари учун харажатлар юқори ташкилот бюджет мавзуи бўйича тасдиқлаган, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий конференциялар, симпозиумлар ва б.да иштирок этиш режасига кўра белгиланади. Лекин, бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, илмий конференция ва симпозиумларга илмий хизмат сафари бўйича харажатларни тўлиқ қоплаш, одатда, фақат расмий маърузачилар ҳамда вазирлик (муассаса) раҳбарияти кўрсатмасига мувофиқ хизмат сафарига юборилаётган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

Шу қисмдан, агар индивидуал иш режасида кўзда тутилган бўлса, аспирантлар илмий хизмат сафарига маблағ ажратилади.

**Кутубхона учун китоблар сотиб олиш харажатлари** юқори ташкилот битта талаба учун белгилаган меъёр асосида аниқланади. Кутубхона учун китоблар олишга кетадиган харажатларнинг меъёрини аниқлашда шуни эътиборга олиш керакки, шаҳарларда, туман ва қишлоқ кутубхоналари ҳам ҳисобга олинади. Бундан ташқари, яна шуни назарда тутиш лозимки, таълим муассасаси сметаси ҳисобидан газета ва журналларга обуна бўлишда фақат ижтимоий сиёсий ва ўқув муассасасининг соҳасига мос махсус нашрларга обуна бўлиш даркор. Буларнинг миқдори қатъий чегараланган бўлади.

Бу мақсадларга маблағ ажратишда мавжуд китоб жамғармасини ҳисобга олиш керак.

**Малакавий амалиёт харажатлари** «Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида»ги низомда кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти ўтказишга ажратилган маблағ таркиби, агар бу амалиёт таълим муассасаси жойлашган ҳудуддан ташқарида амалга оширилса, ўқув амалиёти бўйича харажатларни ҳам ўз ичига олади.

Харажатларни ҳисоблашда, аввало ишлаб чиқариш ва ўқув амалиёти, шунингдек, таълим муассасаси жойлашган ҳудуддан ташқари

рида ўтадиган амалиётни, талабалар умумий сонини, шунингдек, тегишли ихтисосликлар бўйича ўқув режасига асосланиб амалиётнинг давомийлигини белгилаш зарур. Ушбу кўрсаткичлар бўйича амалиётга жўнаб кетаётган барча талабаларнинг амалиёт ўтказиш кунлари умумий сони белгиланади.

Ишлаб чиқариш амалиёти сарфлари умумий миқдорига талабаларнинг амалиёт ўтказиладиган жойга етиб бориш ва қайтиб келиш бўйича, шунингдек, ётоқхонада яшаганлик учун харажатлари қўшилади.

Ишлаб чиқариш амалиётига ажратиладиган маблағларни белгилашда шунинг назарда тутиш керакки, талабалар ва ўқитувчиларнинг амалиёт ўтказиладиган жойга бориш харажатларини қисқартириш мақсадларида таълим муассасалари амалиёт ўтказиш негизи сифатида, қоидага кўра таълим муассасасига яқин жойлашган ишлаб чиқариш бирлашмалари (комбинатлари), муассаса ва ташкилотларни танлашлари лозим. Анча олис жойга амалиёт учун юбориш айрим ҳоллардагина мумкин.

Ишлаб чиқариш амалиёти харажатлари бўйича амалиётга раҳбарлик қилувчи профессор-ўқитувчилар билан боғлиқ сарфлар ҳам қўшилган ҳолда режалаштирилади. Хусусан, педагогнинг бориб келиш йўл харажати, педагогнинг йўлда бўлган ва амалиёт ўтказиладиган жойда турганлиги, шунингдек, хона ижара ҳақи, кеча-кундузлик тўловлар кўзда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига мувофиқ паст курсларнинг талабаларини ишлаб чиқариш амалиётига юбориш, қоидага кўра 15–30 кишилик гуруҳлардан иборат қилиб ташкил этилади, битирувчи курс талабалари эса 3–10 кишидан иборат қилиб юборилиши мумкин. Педагогика таълим муассасалари талабаларини ишлаб чиқариш амалиётига юбориш билан боғлиқ харажатларни режалаштиришда педагогика институтлари талабаларини педагогик амалиёт ўтказиши ва уни ташкил қилиниши бўйича намунавий йўриқнома асосида амалга оширилади.

01765 харажатлар моддасининг тегишли турлари таркибига лавозимдан ташқари тажриба участкаларига мавсумий ишлаш учун таклиф этиладиган ходимлар, ўқув ва илмий ҳамда бошқа мақсадлар учун материалларни етказиб бериш ва тушириш бўйича иш ҳақи ва сарфлар ҳам қўшилади.

Лавозимдан ташқари таркибга туланадиган иш ҳақи бўйича харажатлар 01765 рақамли модда якунидан сўнг «шу жумладан лавозимдан ташқари (руйхатсиз) таркиб иш ҳақи ҳисобидан» алоҳида сатри бўйича кўрсатилади.

Зарур ҳолларда айрим таълим муассасалари учун катта аҳамиятга эга харажатлар сметага махсус ҳисоб-китоб асосида киритилиши мумкин (масалан жисмоний тарбия институтларидаги лагерларга йиғилиш учун бориш тўловлари ва ҳ.к.).

### 5.5.7. Моддий техник база харажатлари ва бошқа харажатлар

**Ускуналар ва жиҳозлар сотиб олиш.** Мазкур модда бўйича бюджет ҳисобидан фаолият юритаётган таълим муассасаларида ўқув ва хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун жиҳозлар ва ускуналар сотиб олиш, ўқув биноси ва ётоқхоналар учун мебеллар, ўқув жараёнида фойдаланиш учун машина ҳамда механизмлар ва ҳ.к. сотиб олишга харажатлар режалаштирилади.

Мазкур ашёларни ташиш учун сарфлар харажатларнинг ушбу моддасида кўзда тутилади.

Янги қурилган биноларда ташкил этиладиган таълим муассасаларини бошланғич жиҳозлаш ҳамда фаолият кўрсатаётган таълим муассасаси учун янги қурилган бинони жиҳозлаш, тегишли биноларнинг капитал қурилиши бўйича харажатлар сметаси ҳисобидан амалга оширилади.

Ашёлар ва ускуналар сотиб олиш учун сарфларнинг миқдори юқори ташкилот томонидан шу мақсадлар учун вазирлик (муассаса) сметаси бўйича кўзда тутилган ажратмалар чегарасида белгиланади, бунда мавжуд жиҳоз ва ускуналар ҳамда ушбу ускуналарнинг асосий, режалаштирилаётган йилда сотиб олиш белгиланган предметлари рўйхати ҳисобга олинади.

**Юмшоқ мебеллар ва уст-бош сотиб олиш.** Бу моддада тиббиёт таълим муассасалари кафедралари профессор-ўқитувчилари, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар учун махсус уст-бош сотиб олиш, жисмоний тарбия таълим муассасалари ва олий педагогика ўқув муассасаларининг жисмоний тарбия факультетлари талабалари учун спорт кийимлари сотиб олиш, муҳофаза кийимлари, таълим муассасалари ётоқхоналари учун кўрпа-тўшаклар учун белгиланган тартибдаги харажатлар кўзда тутилади.

Жисмоний тарбия институтлари ва факультетлар сметалари бўйича юмшоқ жиҳозлар олиш харажатларини режалаштиришда биринчи курсда ўқувчи талабаларни таъминлаш учун мўлжалланган спорт кийимлари тўлиқ мажмуининг қийматини кўзда тутиш лозим, шунингдек, бунда эркак талабалар ва аёл талабалар учун таъминот алоҳида белгиланган. Тиббиёт таълим муассасалари кафедраларининг профессор-ўқитувчилари ва ўқув ёрдамчи қисм ходимлари учун юмшоқ жиҳозлар сотиб олиш харажатларини режалаштириш ходимлар ўртача йиллик миқдори ва юмшоқ жиҳозлар мажмуи қийматидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади, буни ҳар бир ходимга бериш кўзда тутилади.

Жисмоний тарбия таълим муассасалари ва олий педагогика таълим муассасалари физкультура факультетларининг янги қабул қилинган ҳар бир талабасига сметада спорт кийимлари тўлиқ мажмуини сотиб олиш учун маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Иккинчи ва ундан кейинги йилларда таълим олаётган талабалар учун сметаларда спорт кийимлари айримларининг кийилиш бўйича

белгиланган муддатларига боғлиқ ҳолда маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Юмшоқ жиҳозлар сотиб олиш учун маблағ ажратиш фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган ётоқхоналардаги Уринлар ва уларни жиҳозлар билан таъминлаш бўйича кўрсатилган пул меъёрларидан келиб чиқиб белгиланади.

Юмшоқ жиҳозлар сотиб олиш учун олий ўқув муассасаси сметалари бўйича маблағ ажратишни белгилашда шундай жиҳозлар мавжудлигини ҳисобга олиб тузатишлар киритилиши лозим. Спорт-соғломлаштириш лагерлари, тунги профилакторийлар ва бошқаларни ташкил қилиш учун чойнаб-адёллар сотиб олиш кўзда тутилмайди.

Бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш учун маблағ ажратиш юқори ташкилот томонидан мазкур таълим муассасаси учун ишлар рўйхати асосида кўзда тутилади. Бу ишлар камчиликлар мавжуд бўлган муассасаларга тааллуқли равишда биринчи гада бажарилишни талаб қилиши эътиборга олинади. 04500 модда бўйича ўқув муассасасининг сметасига таълим муассасасининг балансидagi ётоқхона ва ошхоналарни капитал таъмирлаш бўйича ажратиладиган маблағлар киритилади. Бироқ ёрдамчи хўжалик, тажриба ва бюджет ҳисобидан таъминланадиган бошқа ташкилот (болалар боғчаси, муаммолар лабораторияси, яъни ажратилган хоналарга эга бўлса)ни капитал таъмирлаш учун маблағлар харажатлар таснифининг бошқа параграфлари ёки махсус маблағ ҳисобига таъминланадиган бошқа параграфлар бўйича кўзда тутилади, таълим муассасаси сметаси бўйича бюджет ҳисобидан таъминлаш режалаштирилмайди.

Молиялаштириш манбаи сифатида таълим муассасаси асосий сметаси бўйича капитал таъмирлашни амалга ошириш учун буюртмачилар билан шартнома бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишларидан келадиган маблағнинг бир қисми йўналтирилади.

Шунинг учун олий таълим муассасаси сметаси бўйича капитал таъмирлашга маблағ ажратишда буюртмачи билан шартнома бўйича илмий-тадқиқот ишлари бажаришга махсус маблағ сметасига қўшилган капитал таъмирлаш қийматини чегириш кўзда тутилади.

Яна шуни назарда тутиш керакки, агар олий ўқув муассасаси биносининг бир қисми ижара асосида бошқа ташкилотга берилган бўлса, бунда ижарачи ёки субижарачидан келадиган ижара тўловига ижарага берилган бинони капитал таъмирлашни амалга ошириш учун зарур бўлган харажатлар қўшилади. Бу харажатлар, шунингдек, капитал таъмирлашга оид таълим муассасаси сметаси бўйича умумий харажатларни қоплаш манбаи сифатида ҳам ҳисобга олинishi лозим.

Ўқув муассасаси ижарага олган бинони капитал таъмирлаш таълим муассасаси ҳисобидан ижара шартномасида кўзда тутилган ҳоллардагина ўтказилиши мумкин.

Бошқа харажатлар. 01900 модда бўйича маданий-маърифий ва жисмоний тарбия ишларига қаратилган харажатлар режалаштирилади, булар фақат кундузги бўлим битта талабаси меъёрлари бўйича

(уртача йиллик) белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси календари бўйича спорт мусобақаларини ўтказишда оммавий спорт ишларига ажратилган маблағ ҳисобига ўқувчиларнинг мусобақа ўтказилдиган жойга бориши ва қайтиб келиши бўйича харажатларгина кiritилиши мумкин. Қолган харажатлар, яъни мусобақани ўтказиш билан (овқатланиш, ҳакамларга ҳақ тўлаш, тураржойни ижарага олиш) боғлиқ харажатлар юқорида қайд этилган қўмиталар маблағи ҳисобига тааллуқлидир.

Мазкур модда бўйича ётоқхоналарни ижарага олиш ва махсус маблағ сметаси бўйича ётоқхоналарни сақлаш харажатлари ва тушум ўртасидаги фарқни қоплашга қаратилган сарфлар бўйича харажатлар режалаштирилади, лекин у дотацияда белгиланган меъёрдан ортиб кетмаслиги керак.

### 5.6. Таълим харажатлари ҳисоби

Олий таълим муассасаларида харажатлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг газна ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона счёлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги 26-сонли буйруғи ҳамда 2008 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги 91-сонли буйруғи асосида ташкил этилади.

Таълим харажатлари таъсир этувчи кўпгина омилларга боғлиқдир. Бир ихтисослик бўйича жуда қиммат турадиган ўқув ускуналар талаб қилинади, бошқаси бўйича компьютер тармоқларида узоқ ишлашни, учинчи бирида эса чет тилини яқка тартибда кўп соат мобайнида ўрганишни ва ҳ.к.ларни талаб қилади. Таълимга таъсир этувчи қийматнинг асосий белгиларидан бири сифатида ўқув соатлари умумий миқдори, машғулот тартиби, жалб этилаётган ўқитувчилар малякаси, фойдаланиладиган ускуналар таркиби, машғулот ўтказилдиган жой ва ўқувчилар миқдорини алоҳида ажратиш мумкин.

Ўқув хизмати кўрсатиш бўйича шартнома тузишда ҳисобга олиниши зарур бўлган харажатларни ҳисоблаш элементлари ва тамойилларини кўриб чиқамиз. Харажат элементларини ҳисоб-китоб қилишда икки усулдан фойдаланиш мумкин:

– йириклаштирилган усул (интегралланган меъёр ва асосий ўлчамлар орқали ҳисоб-китоб);

– қисмларга ажратилган усул (ташкил этувчиларни қисмларга ажратган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш).

Муайян ҳолларда ҳисоб-китоб қилиш усулини танлаш ҳисоб-китобнинг талаб этилаётган аниқлиги, бошланғич маълумотлар таркибининг мавжудлигига боғлиқдир.

**Меҳнатга ҳақ тўлаш.** Меҳнатга ҳақ тўлаш иккига — асосий ва қўшимчага бўлинади, шунингдек, ишлаётганлар тоифасига кўра фарқланади. Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари сарфланаётган соатлар миқдори ва меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш ставкасига кўра белгиланади. Таълим вақтининг узоқ интервалида келгусидаги меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш ставкасини тўғрилашни кўзда тутиш лозим. Меҳнатга ҳақ тўлаш негизида малака ёки ўқитиш шароитлари мураккаблашганлиги учун қўшимчани кўзда тутиш мумкин.

Ўқув ёрдамчи ишлар бўйича ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларида иш вақти сарфлари орқали ўқитувчилар учун ва бир соат учун тўлов ставкаси нормативи (шартномавий) ҳам ҳисобга олинади.

Иш ҳақига қўшимча кечки вақт, дам олиш кунларидаги ишлар туфайли меҳнат шароити мураккаблашганлиги, юқори малакали аудитория, мактаб ўқувчилари ва бошқа сабаблар билан мураккаблашганликни ҳам ҳисобга олиб белгиланиши мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг ажратилиши давлат фондига ажратилган меъёрий миқдорлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағ орқали ҳисоб-китоб қилинади.

Ускуналардан фойдаланганлик бўйича харажатлар қуйидаги тўловларни ўз ичига олиши керак:

- электр-энергияга;
- фойдаланилган материалларга;
- ускуналар амортизациясига;
- интеллектуал активлар қиймати амортизациясига.

Электр-энергияга тўловлар истеъмол этилган қувватлар, ишлар вақти ва 1 кВт/с га тўловлар орқали ҳисобланади. Фойдаланилган материалларга кетган харажатлар уларнинг нархи ва истеъмол этилган миқдори орқали ҳисобланади.

Фойдаланилган материалларнинг таркиби жуда ҳам ўзига хос бўлиши ва фойдаланилаётган материаллар бажарган иш алоҳидалигини акс эттириши мумкин. Булар қорғозлар, кимёвий реактивлар, синовдан ўтказилаётган материалларнинг намуналари, эскираётган ускуналар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бино ва ускуналарнинг амортизацияси фойдаланиш вақти оралиғига нисбатан берилган унинг қиймат улушлари сифатида ҳисобланади. Харажатлар калькуляцияси учун ускуналар амортизацияси қийматини ҳисоблаш унинг нархини фойдаланиш меъёрий муддати (кўпгина ўқув ускуналари учун бу 8–10 йил) ва йиллик иш вақтига бўлиб, баҳоланаётган ўқув жараёни вақтига кўпайтириб ҳисобланади. Агар бино ва ускуналарнинг амортизацияси бир ўқувчи харажатларига қўшиш учун ҳисобланса, буида гуруҳнинг миқдорини ҳисобга олиш керак бўлади. Гуруҳда талабалар қанча кўп бўлса бир ўқувчи харажатига нисбат бериладиган амортизация ажратмаларининг улуши шунча кам бўлади.



Интеллектуал активлар (муаллифлик ўқув дастури, ўқув ишлари махсус технологияси, қўшимча ўқув ишлари, ўқув, услубий қўлланмалар) амортизациясининг қиймати ҳам ускуналар амортизациясиники сингари ҳисобланади. Интеллектуал активлардан фойдаланиш меъёрий муддати одатда 5—7 йил ҳажмида қабул қилинади. Интеллектуал маҳсулотнинг қиймати ўхшашлари (ўхшаш ишланмалар, бошқа ташкилотларга сотилаётган шундай ишланмалар) асосида ёки экспертлар баҳолаши орқали белгиланади.

**Ўқув хоналарини таъминлаш.** Ўқув ва ёрдамчи хоналарни сақлаш бўйича харажатлар бир неча элементни ўз ичига олади: сақлаш ва йиғиштириш, ёригиш учун электр энергия, иситиш, кўриклаш, ўқув мебеллари амортизацияси. Бу кўрсаткичларни таълим муассасасида ёки шундай ташкилотларда қабул қилинган ижара тўловлари нархи орқали йириклаштирилган умумий миқдорларда белгилаш мумкин. Аниқ қийматлар хонанинг тавсифи, унинг жойлашиши, ёрдамчи хоналар билан таъминланганлигига боғлиқ. Хонанинг йиллик фаолиятда бўлишлик имконияти ва ўқув жараёни давомийлигини билган ҳолда 1 м<sup>2</sup> ўқув майдонига тўловни, шундан кейин ўқув хонасидан тўлиқ фойдаланганлик учун тўловни белгилаш мумкин.

**Мақсадли харажатлар.** Мақсадли харажатлар муайян ўқув туркумларини ўтказиш бўйича куйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқув адабиётлари сотиб олиш;
- тингловчилар учун қўшимча материалларни сотиб олиш;
- услубий материалларни тайёрлаш;
- шахсий ҳужжатлар бланкларини сотиб олиш;
- тингловчилар (талабалар)ни тайёрлаш ва саралашдаги шахарлар-аро сўзлашувлар;
- бошқа ташкилотларда айрим машғулотларни ўтказиш учун ижара тўлови.

**Ётоқхона тўловлари.** Талабалар яшashi учун тўловлар алоҳида харажатларни ташкил қилади. Агар яшашлик меҳмонхонада амалга ошириладиган бўлса, бунда харажатлар бир жой ва яшаш муддати бўйича тўловлар асосида ҳисобланади. Талабалар ётоқхонасида яшаганда харажатлар таълим муассасасининг харажатлари ва яшаш шароитини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда кўзда тутилиши лозим.

**Стипендиялар.** Таълим вақти учун стипендиялар таълим муассасаси томонидан тўланса, бунда харажатлар қийматига ойлик стипендияни (эҳтимоли бор қўшимчаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ўқув муддатига ёки ҳисоб-китоб даврига кўпайтирилган миқдорни қўшиш керак.

**Бирйўла тўланадиган харажатлар.** Таълим жараёнини ўтказиш бўйича харажатлар тўловларига кетадиган бевосита сарфлар ривожлантиришга қаратилган капитал харажатлар ва ўқув техникаси, ўқув мебеллари, ўқув хоналари ускуналарини бирйўла сотиб олиш харажатлари билан тўлдирилади. Капитал харажатлар агар битим ишти-

рокчилари томонидан келишилган бўлса исталган ҳажмда қабул қилиниши мумкин, лекин улар таълим муассасасида шаклланган жорий ва капитал харажатлар ўртасидаги нисбатдан паст бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, капитал харажатларнинг минимал миқдори капитал харажатларга нисбатан жорий харажатларнинг меъёри ҳосиласи сифатида ҳисобланади. Бирйўла харажатлар амортизацияга жорий ажратмалар орқали меҳнатга ҳақ тўлаш киритилади.

**Таълим муассасаси умумий харажатлари.** Таълим муассасаси эҳтиёжи учун харажатлар (тегишли бўлинмаларга тўловлар) уларнинг ўқув жараёнига факультетларнинг жорий харажатлари нисбати орқали ҳисобланади. Бу нисбат қиймати аввало 1,2 дан 2 гача интервалда бўлади.

**Қўшимча харажатлар.** Таълим муассасаси ҳудудидан ташқарида ёки бошқа шаҳарда машғулотларни ўтказиш харажатларнинг элементлари таркибига ўқитувчилар учун кетадиган транспорт харажатларини, хизмат сафари харажатларини, меҳмонхонада яшаш учун тўловларни ёки ижарага олинган хоналар харажатларини киритишни талаб этади.

**Калькуляция.** Шундай қилиб, таълим учун харажатлар калькуляциясидаги харажатлар моддаси қуйидагича бўлади:

- 1) ўқитувчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ;
  - 2) ўқув-ёрдамчи ишлар бўйича ходимлар меҳнатига тўловлар;
  - 3) иш ҳақиға устамалар;
  - 4) иш ҳақидан ажратмалар;
  - 5) ускуналардан фойдаланганлик бўйича харажатлар:
    - электр-энергиясига;
    - фойдаланилган материалларга;
    - ускуналар амортизацияси;
  - 6) интеллектуал мулк амортизацияси;
  - 7) ўқув хоналарини сақлаш бўйича харажат тўловлари;
  - 8) мақсадли харажатлар;
  - 9) яшаш бўйича харажат тўловлари;
  - 10) стипендиялар;
  - 11) капитал харажатлар;
  - 12) таълим муассасаси харажатлари, шу жумладан, қисмларга ажратилгандаги харажатлар:
    - ҳамкорликдаги бўлинмалар ходимлари учун қўшимча тўловлар;
    - иш ҳақидан ажратмалар;
    - хўжалик харажатлари;
    - таълим муассасаси умумий ривожланиш фондига ажратмалар.
- Харажатлар ушбу элементларининг ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун сарфларнинг қуйидаги меъёрлари зарур:
- ишловчилар тоифаси бўйича бир соатлик иш ҳақи ставкаси;
  - меҳнатнинг мураккаблашган шароити учун қўшимча қилиш меъёрлари;

- иш ҳақиға ажратмаларнинг меъёрлари;
- 1 кВт/с учун тариф;
- ускуналар гуруҳи бўйича ишлаш муддатининг меъёрлари;
- ўқув хонаси 1 м<sup>2</sup> майдонини сақлаш бўйича харажатлар меъёри;
- бир ойлик стипендия;
- капитал ва жорий харажатларнинг нисбати;
- умумтаълим муассаси ва ўқув тузилмаси (кафедралар, факультетлар) жорий харажатлар нисбати.

Харажатларнинг аниқланган миқдори пулли шартнома асосида бир йилда битта студентни ўқитиш учун кетадиган минимал тарзда йўл қўйилган қиймат ҳисобланади. Шу билан бирга, бу қиймат, агар муайян тижорат ўқув хизматиға бўлган талаб кучайган тақдирда оширилиши мумкин.

### 5.7. ОТМларида ҳужалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш

Қуйидагилар илмий-техникавий маҳсулот ҳисобланади:

- илмий-техникавий, конструкторлик, технологик ва лойиҳавий ишлар ҳамда уларнинг бошқичлари;
- янги техникавий материалларнинг тажриба намунаси ва туркуми;
- кўп илм талаб маҳсулотларнинг кичик туркуми;
- дастурий воситалари;
- нодир аппаратлар ва технологиядан фойдаланиб илмий-ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш;
- патент-лицензия хизмати;
- экспертиза ва консултация;
- маркетинг ва иқтисодий таҳлил.

Илмий-техникавий маҳсулотни олиш ва сотишда буюртмачи билан бажарувчининг ўзаро алоқаси шартнома асосида амалга оширилади, бу ҳуқуқий ва молиявий ҳужжат ҳисобланади. Шартнома томонлар муносабати, ўзаро иқтисодий масъулият, муаллифлик ҳуқуқини тартибга солади.

Шартнома тузилишида қуйидаги таянч қисмлар фарқланади:

- томонларнинг тавсифи;
- шартнома асоси;
- ишнинг қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби;
- ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби;
- томонларнинг мажбуриятлари;
- алоҳида шартлар;
- битимнинг амал қилиш муддати.
- томонларнинг тавсифида расмий номланиши, юридик манзил ва томонларнинг банк ҳисоб рақамлари, шунингдек шартнома тузиш вақтида ўз ташкилотлари номидан иш кўрувчи раҳбарларнинг лавозими ва фамилияси бўлиши керак.

Шартноманинг мазмуни ишнинг қисмлари, натижага бўлган таълаблар, топшириш босқичи муддатлари ва умуман ишни тугатиш муддати, натижани қабул қилиш ва баҳолаш шартлари, буюртмачининг натижадан фойдаланиш вариантларини ўз ичига олиши керак. Шартноманинг мазмуни ишнинг календар режаси ва томонларнинг ўзаро ҳаракати, ишга бўлган техникавий топшириқнинг тафсилоти билан тўлдирилади.

Натижа учун иш қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби шартнома баъҳоси, тўлов шакли, тўлов жадвали билан тавсифланади. Инфляция жаъраёнини ҳисобга олиш шартлари, зарур ҳолларда шартнома қийматининг элементлари қўшимча тарзда келишиб олинган бўлиши лозим.

Гарчи буюртмачи шартнома қийматлари элементлари ҳисоб-китобини талаб қилмаса-да, бажарувчи тегишли иқтисодий ҳисоб-китобларни тақдим этиши ва унинг харажатлари шартнома қийматидан юқори бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. Бу харажатлар таркибида меҳнатга ҳақ тўлаш, иш ҳақидан ажратмалар, хона ва усқуналарни сақлаш бўйича харажатлар, моддий харажатлар, шериклар хизматига ҳақ тўлаш, солиқ ва бошқа тўловлар ҳисобга олинган бўлиши лозим. Харажатлар сметасини тузишда таълим муассасасининг бўлинмалари учун давлат таълим муассасаси ҳисобланувчи бўлинма бажарган иш учун буюртмачининг иқтисодий ютуғини ва таълим муассасаси сарфлайдиган билвосита харажатларни ишончли тарзда баҳолаш муҳимдир.

Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби ўз ичига ижрочи томонидан расмийлаштириладиган ва ишларнинг айрим босқичлари ҳамда унинг тугалланганида буюртмачига берадиган илмий-техникавий ва бошқа ҳужжатлар рўйхати, қабул қилиш синовини ўтказиш тартиби, шартнома бўйича иш тугаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тавсифи, натижаларни маромига етказиш зарурлигида томонларнинг фаолияти қоидалари, натижаларни баҳолаш мунозарали бўлганда учинчи томонни жалб этиш имкониятини ўз ичига олади, томонларнинг масъулияти шартномани унинг иштирокчилари учун иқтисодий оқибатлари тавсифидан иборат бўлади. Бу жарима санкцияси бўлиши мумкин (битим шартлари бажарилмаган тақдирда), шартнома асосида вақтинча фойдаланиш учун бериладиган мулкнинг тўлиқ сақланиш мажбурияти, шартномани муддатдан олдин бажарганлик учун бажарувчини рағбатлантиришни ўз ичига олади.

Битимнинг алоҳида шартлари интеллектуал мулк ва ишлаб чиқувчининг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишни, материалларни эълон қилишни, маҳсулот етказиб бериш шартларини ўз ичига олиши мумкин. Усқуналар намунасини ва янги материалларни тайёрлашда шуни назарда тутиш муҳимки, муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулк ва техникавий намунага алоҳида-алоҳида ажратилиши мумкин.

Кўзда тутилмаган ҳоллардаги томонларнинг хатти-ҳаракати қоидаларини, шунингдек, шартномани бажариш тўхтатилиши ёки тугати-

лиши билан боғлиқ вазиятларни алоҳида шартлар ўз ичига олиши мумкин.

Буюртмачининг учинчи шахсга шартнома натижаларини беришда олинадиган фойдадан фойдаланиш шартлари келишиб олинаши зарур.

Шартнома, албатта, шартномада қатнашувчи ташкилотларнинг сони қанча бўлса шунча нусхада тузилиши керак.

Иқтисодий бошқариш амалиётида қарорлар қабул қилишнинг икки тур модели ишлаб чиқилган. Биринчиси — оптималлаштирилган модел. Булар вазиятни майда-чуйдасигача тавсифлаш ва ҳаракат энг яхши вариантини танлаш учун махсус алгоритмлардан фойдаланишга таянади. Иккинчиси — «сатисфакция» (Г. Саймн тарифи бўйича) модели. Бунда энг яхши вариант мўлжалланмайди, балки қандайдир қониқарли даражадан юқори бўлган натижага эришиш кўзланади. Вазият анча мавҳум бўлганда ва тахминан бир-бирига тенг ҳаракат қилиш вариантлари анча кўп бўлганда бундай ёндашиш амалда анча самарали ҳисобланади.

Тезкор молиявий қарорлар қабул қилиш одатда вақт етишмаганда ва бошланғич иқтисодий таҳлиллар ўтказиш мумкин бўлмаганда юз беради. Бундай ҳолларда аввалдан келишилган бошқарув тартибларидан фойдаланиш анча маъбул ҳисобланади.

**Устувор молиялаштириш.** Бундай усул маблағ етишмаганда ва келаётган даромад миқдорида молиялаштиришга бўлган талаб ошиб кетганда қўлланилади. Барча келаётган ва сарфланаётган маблағлар битта мансабдор шахс томонидан назорат қилинади. Навбатдаги молиявий маблағ қисми тушганда раҳбар харажатлар йўналишини танламайди, балки мавжуд рўйхатдан биринчисини белгилайди. Тўловга бўлган ҳар бир янги талабнома унинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда мавжуд бўлган навбатга қўйилади.

**Хусусий балансларни чеклаш.** Келаётган маблағлар ва харажатлар йўналишининг манбалари миқдори кўп бўлганда молия оқими билан бошқариш вазифасини соддалаштириш хусусий балансларни ажратиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Бу хусусий баланс оддий молиявий топшириқни ҳосил қилиб умумий муаммодан ажратилади.

Масалан, битта хонанинг ижарасидан келаётган даромадни ажратиб уни телефон нуқталари учун тўловга бириктириб қўйиш мумкин.

Агар даромад ошиб борса, телефон аппаратларини янгилаш мумкин, даромад пасайганда эса фойдаланаётган телефонларни қисқартириш талаб этилади. Даромад ва харажат баланси айни мана шу молия оқими жуфтлигида амалга оширилади.

**Молиявий даромаддан фойдаланишнинг тузилишини чеклаш.** Ҳар қандай тушаётган маблағ, манбаидан қатъий назар, олдиндан белгиланган қоида бўйича харажатларнинг йўналишлари ўртасида тақсимланади. Бундай ҳолда тушаётган маблағ миқдорини тақсимлаш раҳбар шахснинг аралашувисиз бухгалтерия томонидан амалга ошири-

лади. Маблағларни сарфлаш айрим топшириқлар йиғиндиси сифатида амалга оширилади ва мансабдор шахс томонидан бажарилиши мумкин, мансабдор шахс эса функционал йўналишларни бошқариши лозим. Харажат йўналишларининг ҳар бири учун ички шахсий ҳисоб рақами ажратилади, унда маблағнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинади.

Молия оқими тақсимланишининг тузилишини чеклаш. Ҳар қандай келаётган даромад миқдори аввал белгиланган қоида бўйича таълим муассасасининг тузилмавий бўлинмалари ўртасида тақсимланади. Маблағ сарфи ҳар бир таркибий бўлинма раҳбари томонидан жорий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда мустақил белгиланади.

**Молиявий мустақил бўлинмаларнинг ажрალიши.** Ташкилот ичида бўлинмалар (академик лицей, бизнес-мактаб, малака ошириш маркази ва б.) ажратилали, булар учун келаётган ва сарфланаётган маблағ оқими мақсадди тарзда тақсимланади. Бу бўлинмалар билан боғлиқ барча даромадлар фақат унинг эҳтиёжларигагина сарфланиши мумкин. Бухгалтерия хизмати бундай ҳолларда бўлинманинг шахсий ҳисоб рақамини шакллантиради ва унинг фаолияти барча турларидан келаётган даромадлар ана шу ҳисоб рақамига тушади, ундан кейинчалик харажатлар молиялаштириштирилади.

Молиявий жавобгарлик бўлинмаларининг мавжудлиги молиявий ва маъмурий масъулиятни бирлаштириш, раҳбарларга аниқ маблағлар ва улардан фойдаланиш қоидаларини бериш, даромаднинг қўшимча манбаини жалб этиш учун раҳбарга асос бунёд этиш имконини беради.

### **Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Таълим муассасаларининг тижорат фаолияти асосий мақсадини тавсифланг.

2. Шартнома бўйича таълим муассасаси мутахассис тайёрлаши учун тўловни ҳисоблашда эътиборга олинувчи асосий элементларни айтиб беринг.

3. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишнинг қандай шакллари биласиз? Сизнинг назарингизда нима эътиборни ўзига кўпроқ жалб этади: а) таълим муассасаси учун; б) талаба учун; в) давлат учун? Хулосангизни далилланг.

4. Бюджетдан ташқари молиялаштиришда тижорат тузилмаларининг аҳамияти қандай?

5. Бюджетдан ташқари маблағни жалб этишда таълим муассасаси талабаси сифатида сиз ўз ўрнингизни нимада деб биласиз? Тўловнинг қандай ҳажми сиз учун энг мақбул кўринади? Нега? Ишончли далиллар келтиринг.

6. Таълим муассасангиз аҳолига пулли юридик хизмат кўрсатиш имконига эгами? Реклама тадбирини сиз қандай ташкил этишингизни сўзлаб беринг. Сизнинг хизматингиздан фойдаланишни истовчилар энг кўп миқдорини жалб этиш учун нималарга эътиборни қаратасиз? Инвесторларни нима билан жалб этасиз?

## **VI БОБ. БЮДЖЕТНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**

### **6.1. Бюджетнинг ғазна ижроси: моҳияти, тамойиллари, мақсад ва вазифари**

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги ислохотлар нафақат давлат бюджети тизимини, балки давлат бюджетининг Ғазна ижросини ҳам таъминлашга қаратилган.

Ғазначиликни жорий этиш даромадларнинг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида жалб этилишини ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ва пул оқимларини самарали бошқариш имконини беради.

Мазкур тизимни жорий этиш билан бюджет ижроси шаффофлигини ошириш, бошқарув қарорларини қабул қилишда қулайлик яратиш, бюджет маблағларини мақсадли сарфланишидан четга чиқишларнинг олдини олиш, бюджетни ривожлантириш ва прогнозлаш сифатини ошириш мумкин.

**Ғазначилик — Молия Вазирлигининг давлат бюджетининг касса ижроси, давлат даромадлари ва харажатлари ҳисобини олиб бориш, давлат харажатларига молиявий ресурсларнинг етарли бўлишини таъминлаш учун масъул бўлган таркибий бўлиמידир.**

Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тизимининг жорий этилиши куйидаги ижобий натижаларга эришишга имконият беради:

- давлат молиявий ресурсларининг реал ҳажмини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини доимий назорат қилиш;
- давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ва мунтазам равишда ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш;
- давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмлари касса ижросини ҳар кунги аниқлаштирилган мониторингини ўтказиш;
- тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларининг товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятларини қабул қилиш босқичида дастлабки назоратни амалга ошириш;
- молия органлари томонидан бюджет харажатларини ўз вақтида ва адресли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тақсимловчилари томонидан суистеъмол қилиш ва нотўғри ишлатишнинг олдини олиш мақсадида жорий назорат олиб бориш;

- бюджет ташкилотлари мажбуриятларни олгандан кейин пул маблағларини Ҳазначилик ҳисоб рақамидан тўғридан-тўғри товар етказиб берувчилар ҳисоб рақамига ўтказиш орқали пул оқимлари ҳаракатини тезлаштириш ва ўз вақтида тўловни амалга ошириш орқали таъминотчиларнинг молиявий имкониятларини яхшилаш;

- бюджет маблағларининг тезкор айланишини таъминлаш.

Республикада давлат молиясини ислоҳ қилиш дастури ҳаражатларни самарали бошқариш, пул-кредит интизомини мустаҳкамлаш ва ажратмаларни олдинги вазифаларни назарда тутган ҳолда тақсимлаш, бюджет ижроси ва бюджет назоратини самарали таъминлаш, унинг шаффофлигини ошириш ва давлат маблағларининг ишлатилиши тўғрисидаги ҳисоботларни такомиллаштиришга йўналтирилган.

Мазкур мақсадларга эришиш учун бюджет ижроси ва уни тайёрлашни такомиллаштириш, шу жумладан, Ҳазначилик тизимини жорий қилиш ва уни барча зарурий жихозлар, ахборот технологиялари билан таъминлаш ишлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш тегишли институционал ислоҳотлар ёки бошқача қилиб айтганда бюджет тизимида ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади.

Ҳазначилик тизими жорий қилиниши давлат бюджетини режалаштириш, ҳаражатларни амалга ошириш ва уларни бошқаришга, молиявий ҳисобот, назорат вазифаларига ёндашиши ва бажариш ишларига жиддий таъсир қилади ҳамда бу функцияларни ҳозирги кунда амалга оширувчи субъектлар фаолиятига тегишли ўзгартиришлар киритиш заруриятини юзага келтиради.

Ҳазначилик тизимини жорий қилиш қуйидагиларни талаб этади: давлатнинг молиявий ресурсларини Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банкадаги Ҳазначиликнинг ягона ҳисобрақамида жамлаш, Ҳазначиликнинг Бош китобидан фойдаланган ҳолда, давлат маблағлари билан амалга ошириладиган операциялар ҳисоб-китобини юритишни такомиллаштириш, кассавий бошқариш ва режалаштириш тартибини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикасида ахборот технологиясига асосланган Ҳазначилик тизимини яратиш билан боғлиқ бўлган ислоҳотларни Давлат бюджети ижроси жараёнидаги тубдан ўзгариш деб баҳоласа бўлади.

Республикада Ҳазначилик тизимини қўллашни жорий этиш масалалари бўйича бугунги кунда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 24 августда қабул қилинган «Давлат бюджетининг Ҳазна ижроси тўғрисида»ги № 664-П Қонунининг ишлаб чиқиши давлат маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи навбатдаги қадам бўлди. Ҳазначиликни жорий этиш бюджетнинг даро-



мад қисмида тушумларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини ва харажатлар қисмида бюджет маблағларини мақсадли сарфланиши назоратини кучайтириш ва пул оқимларини самарали бошқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг Қарорига кўра Ўзбекистон Республикасида Фазначиликнинг марказлашган тизими ташкил этилди ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Молия вазирлиги Фазначилиги;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Фазначилик бошқармалари (юридик шахс мақомига эга);
- Туман ва шаҳарлар Фазначилик бўлиmlари.

Республикада Фазначилик тизимига босқичма-босқич ўтишнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқий-меъёрий база яратиш;
- Фазначиликнинг моддий-техник базасини яратиш;
- Фазначилик тизими учун кадрларни тайёрлаш;
- ахборот-дастурий таъминот ва шунингдек,
- Фазна ижроси элементларини босқичма-босқич жорий этиш.

Фазначилик органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш жараёнида давлат бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Белгиланган тартибга кўра мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда Фазначиликка кўмаклашишлари лозим.

Фазначилик органлари ўз иш фаолиятида давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар олиши назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек, бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг Фазна ижросига тегишли маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Молия вазирлиги Фазначилиги ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Давлат қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўрсатма ва йўриқномалари ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширди.

Давлат бюджетининг Фазначилик ижросини татбиқ этишни босқичма-босқич амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг Фазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2006 йилда Давлат бюджетининг Фазна ижросининг айрим механизмлари Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жорий қилинди. 2007 йилдан бошлаб ушбу механизм республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам жорий этилиб, тўлиқ қамраб олинди.

Маълумки, давлат бюджетининг Фазначилик ижросига ўтишнинг асосий мақсадлари:

- Давлат бюджети маблағларини самарали бошқариш;
- Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни янада кучайтириш;
- Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар сифатини ошириш ва уларни тайёрлаш муддатларини қисқартириш бўлиб ҳисобланади.

## 6.2. Бюджетнинг газна ижроси шароитида олий таълим муассасаларида молиявий назорат

Молиявий назорат куйидаги уч босқичда амалга оширилади:


- дастлабки назорат;
- жорий назорат;
- кейинги назорат.

Давлат бюджети ижросининг Фазначилик тизими жорий этилиши билан дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш бюджетдан маблағ олувчилар билан биргаликда Фазначилик органларига ҳам юклатилади. Кейинги назорат Молия вазирлигининг Назорат-гафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари ҳамда бошқа ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш бюджет маблағлари олувчилари мажбуриятларини ҳисобга олинишини тақозо этади.

Мажбурият — бу одатда ёзма равишда расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Иқтисодий мазмунига кўра мажбурият фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни: мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқа шу кабиларнинг амалга оширилишини аниқлатади.

## Мажбуриятларни ҳисобга олиш тизимидаги омиллар



*Манба:* Фуқаролик Кодекси ва 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида ишлаб чиқилди.

Фазначилик тизимида бюджет ташкилотларининг мажбуриятлари юридик мажбурият ҳамда молиявий мажбурият сифатида таснифланади. Юридик мажбурият бюджет маблағлари олувчилари билан уларга товар-моддий бойликларини етказиб берувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) билан тузилган шартномалар тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади.

Юридик мажбуриятларни ҳисобга олишнинг асосий мақсади бюджет назоратининг самарадорлигини янада орттириш, яъни харажатларнинг тасдиқланган режадан ошиб кетишига йўл қўймаслик.

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади.

Шартномаларнинг тузилиши ва бажарилиши жараёни бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, Фуқаролик Кодекси ва 1998 йил 29 августдаги № 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу жараённи тартибга солувчи энг асосий қонун ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади.

Қонунга кўра, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;
- тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
- шартнома интизомига риоя этиш;
- тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги.

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада, қоида тариқасида қўйидагилар кўрсатилади:

- хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;
- хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;
- тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

6-чизма

### Бюджет маблағлари олувчиларининг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиб олиш учун бюджет маблағларидан мақсадли фойдалданиш устидан назоратни кучайтиришнинг  
УЧ БОСҚИЧЛИ ТИЗИМИ

Оферта (таклиф)ни қабул қилиб олиш

Шартномани акцептлаш (имзолаш)

Шартномани фазначиликда рўйхатдан ўтказиш

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 21 майдаги 1475-рақами билан рўйхатта олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 5 майдаги 63-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик Низом» асосида тузилди.

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди жарима тўлайди, бироқ бунда жариманинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан охиб кетмаслиги лозим. Жаримани тўлаш шартнома мажбуриятлариңи бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Бюджет ташкилотлари билан товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи)лар ўртасида тузилган шартномаларни бошқаришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 21майда 1475-рақами билан рўйхатта олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 5 майдаги 63-сонли Буйруғи билан тасдиқланган «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик Низом» бўлиб ҳисобланади.

Низомга кўра, бюджетдан маблағ олувчилар етказиб берувчилар билан шартномалар гузадилар, шунингдек, шартномаларга бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари доирасидагина қўшимча ва ўзгартиришлар киритадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли Фазначилик органларида мажбурий рўйхатдан ўтказилиб, уларга тегишли рақамлар берилиши ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилиши керак.

Шартномани ҳисобга олиш молия органи томонидан бюджетдан маблағ олувчи ва етказиб берувчининг номи ҳамда реквизитлари, шунингдек, шартнома суммаси, унинг рақамлари ва тузиш санаси, молия органи томонидан Вақтинчалик низомга, 1-сон иловага кўра бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобида рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш учун бюджетдан маблағ олувчи молия органига шартноманинг битта асл нусхаси ва битта кўчирма нусхасини тақдим этади. Шартномаларга Вақтинчалик низомнинг

2-сон иловасида кўрсатилган шаклда тўловлар жадвали илова қилинади.

Молия органи бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартнома тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари мавжудлиги масаласида шартномада кўрсатилган суммани текширади.

Агар тузилган шартномага кўра тўланадиган пул маблағлари суммаси бюджетдан маблағ олувчининг харажатлари сметасида назарда тутилган режали бюджет маблағлари суммасидан ошиб кетса, мазкур шартнома бюджетдан маблағ олувчига рўйхатдан ўтказмасдан қайтариллади.

Газначиликнинг жавобгар ходими шартномани рўйхатдан ўтказиш тўғрисида сўровнома қабул қилгандан кейин қуйидагиларни текшириши керак:

- бюджет таснифи тўғри қўлланилганлигини, яъни товар-моддий қийматликлари ва хизматларнинг (шартномалар бўйича) бюджет харажатлари таснифи моддаларига тўғри келишини;
- шартномаларга асосан қабул қилинган мажбуриятлар бўйича харажатлар сметасида маблағларнинг мавжудлигини;
- бюджет ташкилоти муҳри ва масъул шахслар имзоларининг мавжудлиги назорати.

Ўтказиб берувчининг мазкур турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариши ёки сотиши (ишлар бажариши, хизматлар кўрсатиши) учун тегишли рухсатномалари мавжудлиги ва сифати талаб даражасида эканлигини текширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунда тегишли рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензиялар ёки патентлар, шунингдек, товарнинг мувофиқлик сертификати, сифат сертификати ва бошқа шу каби талаб қилинувчи ҳужжатлар мавжудлиги текширилади ва уларнинг нусхалари илова қилинади. Товарлар хориждан келтирилганда, боғхона юк баённомалари нусхаси ҳам талаб қилинади.

### **6.3. Олий таълим муассасаларининг юридик ва молиявий мажбуриятларини рўйхатдан ўтказиш**

Юқорида айтиб ўтилганидек, юридик мажбурият бюджет ташкилоти билан контрагент ўртасида маълум бир муддатдан сўнг маълум бир товарни ўтказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида шартнома имзоланганидан ва бу шартнома тегишли тартибда Газначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади.

Молиявий мажбурият эса ана шу шартномага мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ўтказиб берилгандан кейин вужудга келади. Молиявий мажбуриятнинг юзага келиши тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши талаб этилади. Масалан, счет фактуралар, ишлар бажа-

рилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи қабул қилиб олиш-топшириш далолатномалари, иш ҳақи қайдномалари ва бошқа шу каби ҳужжатлар.

Мазкур ҳужжатлар тегишли ваколатга эга бўлган масъул шахслар томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши шарт. Бюджет ташкилотлари амалдаги қонунчилик талабига кўра энг камида олдиндан 15 фоиз тўлов амалга оширилишини таъминланишига алоҳида эътибор қаратишлари талаб қилинади.

Молиявий мажбурият Ҳазначиликнинг Бош китобида қайд қилинади. Молиявий мажбурият шартнома ёки бошқа келишувларнинг муддати ўтгунга қадар қопланиши лозим.

7-чизма

### Юридик ва молиявий мажбуриятлар

#### ЮРИДИК МАЖБУРИЯТ

Шартнома рўйхатдан ўтгандан кейин вужудга келади:  
шартномани имзолашдан олдин бюджет маблағлари мавжудлиги текширилиши лозим;  
шартнома тўлиқ юридик кучга эга бўлиши учун ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтиши

#### МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТ

Товар ва хизмат етказиб берилгандан кейин счет-фактура ёки бюджет ташкилотининг кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган шароитда вужудга келади:  
молиявий мажбурият ғазначиликнинг бош китобида қайд қилинади;  
молиявий мажбурият шартнома

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 21 майдаги 1475-рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 5 майдаги 63-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик Низом» асосида тузилди.

Молиявий мажбуриятларни ҳисобга олишнинг асосий мақсади қабул қилинган юридик мажбуриятлар, тасдиқланган бюджет режаси меъёрида харажатларни амалга оширишни таъминлаш ҳамда бюджет ташкилотлари кредиторлик қарзларини назорат қилиш.

Бюджет ташкилоти тасарруфида бўлувчи пул маблағлари миқдори молия органи томонидан тасдиқланган смета билан чекланган. Юридик мажбуриятлари ҳам сметада кўрсатилган харажат моддалари доирасидан четга чиқмаслиги назорат қилинади. Бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари лимити уларнинг тасарруфида бўлган пул маблағлари билан белгиланади.

Бюджет ташкилоти йил давомида қўллаб контрагентлар билан шартномалар тузади. Уларни бажарилишини таъминлаш учун пул тўлов-

ларини амалга оширади. Молиявий мажбуриятлар лимитини баҳолашда 1- ва 2-модда харажатлари ўз вақтида молиялаштирилишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз вақтида, кечиктирмасдан берилиши, иш ҳақи фондидан ажратмалар тўланиши шарт.

Бошқа харажатларнинг амалга оширилишида ҳам бюджет ташкилоти тежамлилик, оқилоналик тамойилларига амал қилиши талаб этилади. Харажатлар тегишли рухсат асосида амалга оширилиши ҳамда уларнинг ҳажми йиллик ажратмалар ва харажатларни амалга ошириш рухсати миқдоридан ортиб кетмаслиги шарт.

8-чизма

### Бюджет маблағлари шартномаларини рўйхатдан ўтказишга талаблар

Фазначиликнинг масъул ходими шартномани рўйхатдан ўтказиш тўғрисида сўровнома қабул қилгандан кейин қуйидагиларни текшириш керак:

Бюджет таснифи тўғри қўлланилганлигини, яъни ТМЗ ва хизматларнинг (шартнома бўйича) бюджет харажатлари таснифи моддаларига тўғри келиши

Шартномаларга асосан қабул қилинган мажбуриятлар бўйича харажатлар сметасида маблағларнинг мавжудлиги

Бюджет ташкилотининг муҳри қўйилганлиги ва масъул шахслар имзолари мавжудлиги

*Мабна:* Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат бюджетининг газна ижроси Қоидалари» асосида ишлаб чиқилди.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан пул маблағлари ўтказилиши қуйидаги талабларга асосланган тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади:

– молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида ва бюджет маблағлари бўйича бюджетдан маблағ олувчиларнинг банк ҳисобрақамларида мавжуд бўлган, харажатларнинг тегишли гуруҳлари бўйича бюджет маблағлари қолдиқларининг суммалари доирасида;

– агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма молия органида рўйхатдан ўтказилган шартномага кўра тўланадиган пул маблағлари сўммасидан ошмаса;



— товар (ишлар, хизматлар) етказиб берилишини ва бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчидан қарзи мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатлар бўлганида;

— етказиб берувчининг тўлов топшириқномасида кўрсатилган номи ва реквизитлари етказиб берувчининг шартномада кўрсатилган номи ва реквизитларига мувофиқ бўлса;

— тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари тўғри кўрсатилган бўлса.

Етказиб бериладиган товар (ишлар, хизматлар) учун харажатларни тўлаш бўйича тўловларни, шу жумладан, бўнак тўловларини амалга ошириш учун бюджетдан маблағ олувчилар молия органига белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномаларини қуйидаги тарзда тақдим этадилар:

а) бюджетдан маблағ олувчи ва етказиб берувчига битта банк муассасасида хизмат кўрсатилса, тўрт нусхада. Тўлов топшириқномаларининг биринчи ва тўртинчи нусхалари бюджетдан маблағ олувчининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланади ва бюджетдан маблағ олувчининг муҳри изи билан тасдиқланади;

б) бюджетдан маблағ олувчи ва етказиб берувчига турли банк муассасаларида хизмат кўрсатилса, уч нусхада. Тўлов топшириқномаларининг биринчи ва учинчи нусхалари бюджетдан маблағ олувчининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланади ва бюджетдан маблағ олувчининг муҳри изи билан тасдиқланади.

Бюджетдан маблағ олувчилар ўз харажатларини тўлаш учун молия органига маблағларни ўз банк ҳисобрақамларидан ўтказиш учун тўлов топшириқномалари, ҳисобварақ-фактуралар ёки товар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлигини ва бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчидан қарзи мавжудлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатларни тақдим этадилар. Бўнак тўлови ҳисобига маблағларни тўлаш учун бюджетдан маблағ олувчи бюджетдан маблағ олувчи зиммасига етказиб берувчига бўнак тўловини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжатларга биноан тўлов топшириқномасини тақдим этади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатлари ва уларга илова қилинган ҳужжатларни текшириш, шунингдек, тўлов топшириқномаларини ижро учун хизмат кўрсатувчи банкка топширишни молия органлари, қоидада кўра улар тақдим этилган кунда амалга оширадилар.

Молия органлари бюджетдан маблағ олувчи тақдим этган, Вақтинчалик низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларни уларнинг Вақтинчалик низом 9-бандининг талабларига мувофиқлиги масаласида текширадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар тақдим этган ҳужжатлар Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ келса, молия органи тўлов топшириқномасининг биринчи ва тўртинчи (агар тўлов топшириқномалари мазкур Вақтинчалик низом 10-бандининг «б» кичик бандига мувофиқ тақдим этилса, учинчи) нусхаларининг орқа томонига «Текширилди» ёзувини қўйиш йўли билан тўлов топшириқномаларига тегишли белгиларни қайд этади, уларни молия органининг мансабдор шахси ўз имзоси ва молия органи муҳри изи билан тасдиқлайди.

Бюджетдан маблағ олувчилар тақдим этган тўлов ва бошқа ҳужжатлар Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ келмаса, молия органи уларни бюджетдан маблағ олувчига қайтариб, тўлов топшириқномаларининг орқа томонига уларга белги қўймасдан, мувофиқ эмаслик сабабларини кўрсатади.

Бюджет маблағларини олувчиларнинг харажатларини Ҳазначилик бўлимлари томонидан тўлаш бўйича электрон тўлов ҳужжатлари бюджет маблағларини олувчиларнинг икки нусхада тақдим этилувчи тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги аризаси ва тўлов топшириқномаси асосида шакллантирилади.

Тегишли тартибда тўлдирилган тўлов топшириқномаси бюджет маблағларини олувчилари томонидан Ҳазначилик бўлимларига тақдим этилади. Бунда тўлов топшириқномасининг суммаси тегишли харажат гуруҳлари ва харажатларни амалга оширишга рухсатномалар доирасида бўлиши таъминланади. Тўлов топшириқномасининг «Тўловчи» графасида Ҳазначилик бўлими, «Тўловчи смети» графасида Ҳазначилик смети, «Тўлов тафсилотлари» графасида бюджет маблағини олувчининг Ҳазначилиқдаги шахсий смети ҳамда тўлов мақсади, тўловни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланувчи юридик ҳужжат, бюджет таснифи бўйича мос кодлар кўрсатилади.

Аризада ва тўлов топшириқномасида кўрсатилган маълумотлар Ҳазначилик бўлимларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлими масъул ходимлари томонидан электрон тўлов топшириқномасини шакллантириш ва тизимли назоратни амалга ошириш учун «Ҳазначилик» Дастурига киритилади.

Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг ваколатли масъул ходими аризадаги маълумотларнинг тўлов топшириқномасидаги маълумотларга мос эканлигини текширади, аризага «текширилди» деб ёзиб, текшириш санасини кўрсатган ҳолда имзо қўяди.

Шундан сўнг, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг масъул ходими тўлов топшириқномаси ва аризани молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлими бошлиғига тақдим этади, у эса бу ҳужжатлари текшириб, «Ҳазначилик» Дастурида шакллантирилган электрон тўлов топшириқномасини ўзининг электрон имзоси билан тасдиқлайди ва Ҳазначилик бўлими бошлиғига тақдим этади.

Ҳазначилик бўлими бошлиғи ҳам ўз навбатида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, тўлов топшириқномаси ва аризанинг электрон тўлов топшириқномаси билан мослигини текширади, хато ва камчиликлар аниқланмаган ҳолда, электрон тўлов топшириқномасини ўзининг электрон имзоси билан тасдиқлайди ва ижро учун хизмат кўрсатувчи банкка жўнатади.

Ваколатли банк бўлимидан тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни қабул қилиб олганидан сўнг, «Ҳазначилик» Дастури автоматик равишда электрон тўлов топшириқномасини «тўланди» деб белгилайди. Бундан сўнг, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг масъул ходими тўлов топшириқномаси ва аризани тегишли ёзувларни киритиб, санани кўрсатган ҳолда ўз имзоси билан тасдиқлаб бюджет маблағларини олувчисига топширади.

Молия органи белгилар қайд этилган тўлов топшириқномалари асосида икки нусхада бюджетдан маблағ олувчилар тўлов топшириқномаларининг реестрини (бундан кейин — Реестр) тузиб, унда Вақтинчалик низомга, 3-сон иловага биноан бюджетдан маблағ олувчиларнинг номлари, улар банк ҳисобрақамларининг рақамлари, шунингдек, тўланадиган тўлов топшириқномалари рақамлари, сана ва суммаларини кўрсатади.

Бунда реестрларни молия органи бюджетдан маблағ олувчиларга хизмат кўрсатадиган ҳар бир банк бўйича алоҳида тузади.

Бюджетдан маблағ олувчилар тўлов топшириқномаларининг барча нусхалари ва реестрнинг икки нусхасини молия органи бюджетдан маблағ олувчиларга хизмат кўрсатадиган тегишли банкка топширади.

Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов топшириқномалари реестрлар маълумотлари билан солиштирилганидан ва молия органининг бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномаларида белгиси мавжудлигини текширганидан сўнг, реестрнинг биринчи нусхаси тегишли тўлов топшириқномалари билан бирга банкда қолади, реестрнинг банк штампи ва банк масъул ходимининг имзоси қўйилган иккинчи нусхаси эса молия органига қайтарилади.

Тўлов топшириқномаси ижросидан кейин хизмат кўрсатувчи банк тўлов топшириқномаларининг ҳамма нусхаларига ва Реестрнинг тегишли сатрларида ижро этилган тўлов топшириқномалари қаршисида тўлов тўғрисида штамп қўяди.

Тўловдан сўнг:

а) хизмат кўрсатувчи банкка тўлов топшириқномаларининг тўрт нусхаси тақдим этилган тақдирда:

— биринчи нусхаси реестр билан бирга банкнинг кун ҳужжатларига тикилади;

— иккинчи нусхаси етказиб берувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади;

– учинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисоб-варағидан кўчирмага илова қилинади ва кейин бюджетдан маблағ олувчига топшириш учун молия органига топширилади;

– тўртинчи нусхаси молия органига топширилади.

Бюджетдан маблағ олувчининг банк ҳисобрақамидан банк кўчирмаси, шунингдек, тўлов топшириқномасининг учинчи ва тўртинчи нусхалари олинганидан кейин молия органи бюджетдан маблағ олувчига унга тўлов топшириқномасининг учинчи нусхасини илова қилган ҳолда банк кўчирмасини топширади. Банк кўчирмаси нусхаси ва тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси молия органида қолади;

б) хизмат кўрсатувчи банкка тўлов топшириқномасининг уч нусхаси тақдим этилган тақдирда:

– биринчи нусхаси реестр билан бирга банкнинг кун ҳужжатларига тикилади;

– иккинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисоб-рақамидан кўчирмага илова қилинади ва кейин бюджетдан маблағ олувчига топшириш учун молия органига топширилади;

– топшириқноманинг учинчи нусхаси молия органига топширилади.

Бюджетдан маблағ олувчининг банк ҳисобрақамидан банк кўчирмаси, шунингдек, тўлов топшириқномасининг иккинчи ва учинчи нусхалари олинганидан кейин молия органи бюджетдан маблағ олувчига унга тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхасини илова қилган ҳолда банк кўчирмасини топширади. Банк кўчирмаси нусхаси ва тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси молия органида қолади.

Бюджетдан маблағ олувчилар хизмат кўрсатувчи банклардан иш ҳақи ва уларга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар, хизмат сафари харажатлари ва донорларга тўловларни тўлашга нақд пулларни олгандан сўнг кейинги кунда молия органига Вақтинчалик низомга 4-сон иловага биноан шаклда ана шу мақсадларга ва харажатларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳлари бўйича амалга оширилган бошқа харажатларга олинган нақд пул маблағларининг суммалари тўғрисида ахборот тақдим этадилар.

#### **6.4. Бюджетнинг газна ижроси шароитида олий таълим муассасаларида нархлар мониторинги**

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш уч босқичли назоратни тўлиқ жорий қилишни тақозо этади. Яъни, бюджет ташкилоти контрагентдан товарлар сотиб олиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида офертани (таклифни) қабул қилиб олганидан сўнг, шартномани ақцептлайди (имзолайди) ва Газначиликка рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади.


Юридик мажбурият вужудга келиши учун бу шартноманинг рўйхатдан ўтказилиши талаб қилинади. Ҳазначиликда юридик мажбурият вужудга келишидан аввал дастлабки назоратни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиб, бу нархлар мониторинги орқали таъминланади.

Бунда бюджет ташкилоти сотиб олмоқчи бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усуллари мавжуд. Масалан, товар хомашё биржалари, бозорлардан маълумотномалар, рақобатчи ташкилотлардан тижорат таклифлари олиш, оммавий ахборот воситалари ва ихтисослаштирилган реклама нашрларидаги маълумотларни умумлаштириш мумкин.

Муайян мисол билан исботлайдиган бўлсак, бюджет ташкилоти шифер сотиб олмоқчи бўлса, Республика товар хомашё биржасидаги шифернинг улгуржа нархи тўғрисидаги маълумотномани ёки шифер ишлаб чиқарувчи ташкилот («Қувасойцемент», «Оҳангаронцемент» каби)нинг тижорат таклифини ёки шартномасини тақдим этиши талаб этилади.


9-чизма

**Бюджет маблағи олувчилари харидлари учун тендерларни ўтказиш мақсади**



*Манба:* Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом» асосида ишлаб чиқилди.

## Тендерларни ташкил этиш тамойиллари



*Манба:* Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом» асосида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилувчи товарлар воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчининг ўзидан сотиб олиниши, четдан келтирилувчи товарлар эса бевосита импортёрдан сотиб олиниши нархларнинг орттириб юборилишининг олдини олади.

Ҳозирги кунда молия органларида нархлар мониторингини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом» нархлар мониторингини амалга оширишда асосий қонун ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Мазкур Низом давлат бюджети, давлат бюджетида консолидациялашувчи давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлари маблағлари, Ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кредитлар, Жаҳон банки гуруҳи, ЕТҒБ, ОТБ, Халқаро ҳамкорлик Япон банки, «KfW» банки каби халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан тақдим этилган хорижий грантлар маблағлари эвазига импорт қилинган ёки Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган хомашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича тендер савдоларини ташкил қилиш механизмини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларида бошқача тартиб белгиланган бўлса ёки хорижий грантлар ва кредитлар тақдим этилишида бошқача шартлар белгиланган бўлса, бундай ҳолларда мазкур Низом тартиби қўлланилмайди.

Тендер савдоларини ўтказиш мақсади:

– хомашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олишга йўналтирилган давлат бюджети, давлат бюджетида консолидациялашувчи давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлари маблағлари, Ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кре-

дитлар, хорижий грантлар маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини орттириш;

— сотиб олинаётган хомашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларнинг сифат даражасини орттириш.

Битта контракт бўйича 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўпроқ суммага товар етказиб берилиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши) режалаштирилганда тендер савдолари ўтказилади. Бундан кам сўммадаги контрактлар энг яхши таклифларни конкурс асосида танлаб олиш йўли билан тузилади.

Республикамиздаги корхоналар билан ҳисоб-китоблар фақат миллий валютада амалга оширилади.

Тендер савдоларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари ошкоралик, қарорларни қабул қилишнинг объективлиги, тендер қатнашчиларига тенг шароит яратиш, шу билан бирга маҳаллий корхоналарга устуворлик бериш бўлиб ҳисобланади.

Тендер савдолари харажатларни амалга ошириш рухсат берилган сумма (тасдиқланган сметалар, молия органлари ёки бюджетдан ташқари фондлар маблағларини тасарруф этувчилар кўрсатмалари ёки ҳукумат кафолати остида олинувчи кредитлар бўйича кредит шартномаси, хорижий грантлар бўйича шартномалар) доирасида амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан сотиб олинганда, Молия Вазирлигининг 2007 йил 9 апрелдаги 798-сонли буйруғи асосида нархлар мониторинги амалга оширилади.

Бунда Ҳазначилик ҳудудий бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари мониторинги Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинадиган асосий истеъмол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумот асосида олиб борилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида Молия Вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумотда кўрсатилган нархлардан ортиқ бўлган нархларда тузилган шартномалар Ҳазначилик ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди.

Келгусида Ҳазначиликда бюджет ташкилотлари томонидан сотиб олинувчи товарлар нархлари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уни тузиш ва янгилаб боришда Республика товар хомашё биржасидаги нархлар котировкасини, Давлат Божхона қўмитаси маълумотлар базасини, республикадаги юқори мавқега эга бўлган ишлаб чиқарувчилар ва ихтисослаштирилган реклама нашрлари маълумотларини ҳисобга олиш тавсия этилади.

Ҳазначиликда, шунингдек, кассавий режалаштириш тизими ишлаши керак, бунда бюджет ижросини режалаштириш қўллаб-қувватланади. Ҳазначиликда, шунингдек, Халқаро Валюта Фондининг дав-

лат молияси статистикаси кўрсатмалари аналитик мезонига мувофиқ, касса ва ҳисоблаб қўшиш усулида ҳисобот ҳамда бюджет маблағларидан капитал қўйилмаларни молиялаштириш ҳақида ҳисобот тайёрланади. Мазкур ҳисоботлар Ҳазначиликнинг ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Ҳазначилик органлари бюджетдан маблағ олувчилардан бошқариш функцияларини тортиб олмайди. Молия вазирлиги Ҳазначилиги бюджетнинг бажарилиш жараёнини яхшилаш учун уларни янада кенг-роқ ахборотлар билан таъминлайди. Бюджет таснифи бўйича берилган харажатлар тўғрисидаги ахборотлар бутун йил бўйи харажатлар тенденциясини ва харажатларни амалга ошириш учун қўшимча керак бўладиган эҳтиёжларни аниқлашга ёрдам беради. Ҳазначиликнинг фаолият кўрсатиши нақд пулларни тўғри ва самарали бошқариш йўли билан бюджетга ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Даромадлар режаси бажарилмаган ҳолатда, боқимандалик муаммосини ечишга ҳаракат қилади.

Ҳазначилик тизимини келгусида такомиллаштириш йўналишлари асосан ахборот тизимининг ривожланиши, режалаштириш ва пул маблағларини бошқариш усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлади. Яъни ушбу соҳадаги фан-техника тараққиёти ҳамда ижтимоий ғоялар ривожланиши билан биргаликда юқалиб бораверади. Бундан ташқари, Ҳазначилик тизимида бошланғич поғоналарда ҳисоб-китоб касса усули билан амалга оширилса, келгусида Ҳазначилик тизимида ҳисоб-китоб ишлари ҳисоблаш усулига ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Барча бюджетдан маблағ олувчилар каби олий таълим муассасаларининг ҳам тижорат банкларидаги бюджет ҳисоб рақамлари ёпилиб, Ҳазначилик органларида махсус ҳисобрақамлар очилди. Ҳозирги кунда республикамиздаги барча ОТМларига юқорида кўрсатилган тартибда хизмат кўрсатилмоқда.

Ҳазначилик тизимига ўтилиши муносабати билан олий таълим муассасаларида товар-моддий бойликларни харид қилиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)да нархлар мониторингини ўтказиш учун махсус комиссиялар тузилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Ҳазначилик тизимининг ижобий томонлари сифатида бюджет ижроси устидан, жумладан, ОТМлари харажатлари тўлови устидан дастлабки ва жорий назоратнинг кучайтирилганлиги, шартномаларни тузиш ва улар ижросини таъминлаш жараёни қатъий тартибга солинганлиги, нархлар мониторингининг самарали ташкил этилиши натижасида ОТМлар томонидан сотиб олинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари сунъий равишда ошириб юборилишининг олдини олиш имконияти кенгайганлиги шартномаларни тузиш, контрагентларни танлашда коллегиял қарор қабул қилиш механизми яратилганлиги ва бошқа шу қабиларни кўрсатиш мумкин.



Фазначилик тизими фаолиятини йўлга қўйишда илк қадам Фазначилик тизими ходимларини тайёрлашдан бошланди. Бунда Молия вазирлиги таркибида Фазначилик тизими услубиёти бошқармаси тузилди ва кейинчалик Молия вазирлиги Фазначилиги молия вазирлиги таркибидаги алоҳида тузилма сифатида ташкил этилди ва унинг раҳбари Молия вазири ўринбосари сифатида эътироф этилди.

Молия вазирлигининг ўқув маркази ташкил этилди, унинг фаолияти вазирлик ва унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари ходимларини, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишга масъул бўлган ходимларни фазначилик шароитида иш юритишга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилди. Мазкур ўқув марказига Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва бошқа ОТМларидан малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилди, шунингдек, Молия вазирлиги Фазначилигининг етук мутахассисларини, хорижий ОТМлари ва амалиётчи мутахассисларини ҳам машғулотларни ўтказишга жалб этиш кенг йўлга қўйилди.

Фазначилик тизими учун кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида илк бора 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб Тошкент молия институтида 5341700 — «Фазначилик иши» бакалаврият йўналишига талабалар қабул қилиниши бошланди, шунингдек, магистратуранинг 5А341701- «Бюджетнинг Фазначилик ижроси» мутахассислигига ҳам талабалар қабул қилиниши йўлга қўйилди.

Бу тadbирлар Фазначилик тизимини малакали кадрлар билан тайёрлаш йўлидаги илк қадамлар бўлиб ҳисобланади. Келгусида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва амалиётчи мутахассислар томонидан Фазначилик тизими муаммоларини илмий-тадқиқот ишлари доирасида ўрганилиши республикамизда Фазначилик тизими фаолият юритиши ва ривожланишининг назарий асослари яратилишига ва амалиётдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

1-илова

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА

(Кўчирма)

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 21-сон, 148-модда; 51-сон, 374-модда; 52-сон, 385-модда; 2007 й., 17–18-сон, 173-модда; 39-сон, 399-модда; 50-51-сон, 509-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2010 й., 35–36-сон, 300-модда)

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонун:

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) тузиш принциплари ва унинг тузилмасини; Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;

Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш принципларини;

Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни;

Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

#### 2-модда. Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

айланма касса маблағи меъёри — молия йилида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисоб-варақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори;

*(3-модданинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 декабрдаги УРҚ-130-сонли Қонуни тахририда — 2007 й., 50-51-сон, 509-модда)*

**бюджет жараёни** — Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни;

**бюджет дотацияси** — ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари;

**бюджетдан маблағ ажратиш** — қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари;

**бюджет профицити** — муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси;

**бюджет ссудаси** — юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юримдик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ;

**бюджет субвенцияси** — қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари;

**бюджет сўрови** — бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров;

**бюджет ташкилоти** — зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти;

**бюджет тақчиллиги** — муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси;

**бюджет трансферти** — бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевожута ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари;

**Давлат бюджети** — давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

**давлат ички қарзлари** — давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

**давлат мақсадли жамғармалари** — Давлат бюджети таркибида жамлан-тириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар ман

балари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек, шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

давлат ташқи қарзи — давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш — активларни ички манбалардан (резидент-юримдик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши;

давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш — активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юримдик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши;

давлат қарзи — давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

маҳаллий бюджет — Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

молия йили — биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр;

республика бюджети — Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тadbирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети — Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 453-модда; 2007 й., 50-51-сон, 509-модда; 2009 й., 15-сон, 174-модда)*

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларининг) ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси (бундан буён матнда Давлат бюджетининг ғазна ижроси деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### **2-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари**

Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат.

### **4-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси**

Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тулашдан иборат.

### **5-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси муддатлари**

Давлат бюджетининг ғазна ижроси молия йили мобайнида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган қўшимча вақт даврида амалга оширилади.

### **6-модда. Ғазначилик**

Давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари (бундан буён матнда Ғазначилик деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

**7-модда. Фазначиликнинг асосий вазифалари**

Фазначиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Давлат бюджетининг касса ижроси;

Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

**8-модда. Фазначиликнинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари**

Фазначилик ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат бошқаруви-нинг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда Фазначиликка кўмаклашишлари шарт.

Фазначилик билан давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетидида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг фазна ижроси соҳасидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетидида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Фазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослиги учун жавобгар бўладилар.

**9-модда. Фазначиликнинг банк ҳисобварақлари**

Ягона фазна ҳисобварағи Фазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона фазна ҳисобварағидан Давлат бюджетидида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ягона фазна ҳисобварағи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Фазначилик томонидан очилади.

Фазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва ўзга банкларда бошқа банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга.

Фазначиликнинг банк ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

**10-модда. Давлат бюджети даромадларини ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини ҳисобга киритиш**

Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона фазна ҳисобварағига киритилиб, улар тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади.

ди. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Ҳазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади.

#### **11-модда. Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш**

Ҳазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ҳазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан қайтарилишини амалга оширади.

#### **12-модда. Давлат бюджетининг харажатларини амалга ошириш**

Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки Ҳазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

#### **13-модда. Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш**

Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ҳазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан Давлат бюджетига маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларига ғазначилик томонидан ўтказилади.

#### **14-модда. Давлат бюджети маблағларини бошқариш**

Ҳазначилик ягона ғазна ҳисобварағидаги ва Ҳазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги Давлат бюджети маблағларини уларни Давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек Давлат бюджети бўш маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқариб боради.

#### **15-модда. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби**

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ҳазначилик томонидан, шунингдек давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, бюд-

жет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади.

Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

**16-модда. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот**

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ҳазначилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ҳазначилик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар молия органларига тақдим этилади.

**17-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Давлат бюджетининг газна ижроси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**18-модда. Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 26 август,  
664-П-сон



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**  
**«ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК**  
**БАЗАСИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ**  
**МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ**  
**ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»**

2011 йил 20 май. № 1533

Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳқамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501 сонли фармойишига биноан ташкил этилган Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган, 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олган Дастур маъқуллансин:

- 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳқамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи 1-иловага мувофиқ;

- юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи 2-иловага мувофиқ;

- 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган ҳажмлари кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

- ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритиладиган олий таълим муассасаларининг рўйхати 4-иловага мувофиқ;

- олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий-тадқиқот лабораторияларининг рўйхати 5-иловага мувофиқ.

2. 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан

ижшиллаш бўйича Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш учун Махсус комиссия таркиби б-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Махсус комиссия (Р.Азимов):

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тақлифларига биноан ҳар йили, молиявий харажатларнинг умумий тасдиқланган курсаткичлари доирасида олий таълим муассасаларининг амалдаги техник ҳолати, шунингдек, ҳар бир олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб, уларнинг бинolari ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатларини тасдиқласин;

- 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва ҳар ярим йиллик ҳамда йил якунлари бўйича унинг ижроси натижаларини Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан келишилган ихтисослашувини ўзгартириш ва қайта ташкил этиш тўғрисидаги қуйидаги тақлифлари қабул қилинсин:

- Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти — Андижон машина-созлик институтига;

- Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти — Наманган муҳандислик-технологик институтига;

- Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти — Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган ҳар бир институт бўйича 2016 йилгача бўлган даврда ўқув жараёнини ташкил этиш, тегишли профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш ва зарур моддий-техник базани яратиш билан боғлиқ талабларни эътиборга олган ҳолда, уларни қайта ташкил этиш бўйича алоҳида қарорлар қабул қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

- Давлат бюджети маблағлари;

- замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари;

- халқаро донорлар грантлари, васийлар ва мамлакатимиздаги ҳомийлар маблағлари;

• Жамғарманинг вақтинча буш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инвестициялар бошқармаси таркибида 5 та штат бирлигидан иборат Жамғарма маблағларини бошқариш бўйича бўлим ташкил этилиб, вазирликнинг чекланган ходимлари сони тегишли равишда кўпайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни бажариш учун чет эл кредитлари ва грантларини жалб қилиш юзасидан тизимли ишларни амалга оширсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилишини молиялаштириш учун ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан 2011-2016 йиллар мобайнида ҳомийлик ёрдами шаклида йўналтирилган маблағлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқарилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда, илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин. Уларда қуйидагилар кўзда тутилсин:

• ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш ва уларга қўйиладиган лавозим талабларини қайта кўриб чиқиш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби тарификациясининг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

• «доцент» ва «профессор» илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш, мазкур тизимнинг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг мунтазам равишда ўз малака ва педагогик маҳоратини оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтириш;

• юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган аниқ ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизимини жорий этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига олий

ўқув юртлири ва илмий муассасалар негизида ўқув жараёнининг ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан интеграциялашувини янада чуқурлаштиришни назарда тутадиган ўқув-илмий комплекслар ва марказларни ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсин.

9. 2016 йилнинг 31 декабригача 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатлар бўйича республикага олиб кириладиган ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари, илмий-услубий алабиётлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) озод этилсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарорига  
1-илова

**2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури**

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манба лари*	Тақдим этилувчи ҳужжат шакли, чора-тадбирларни амалга ошириш механизми	Масъул ижрочилар
1	2	3	4	5	6
<b>I. Олий таълим муассасаларининг замонавий ўқув-лаборатория базасини модернизация қилиш ва яратиш</b>					
1.	Мазкур қарорнинг 3-илоvasида келтирилган 19 та олий таълим муассасаси ўқув-лаборатория биноларини боsqич-ма-боsqич қурилиши, реконструкцияси ва капитал таъмирлашнинг манзиль рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш	Ҳар йили 1 сентябргача	-	Ўқув-лаборатория биноларини қурилиши, реконструкцияси ва капитал таъмирлашнинг манзиль рўйхати	Махсус комиссия, ОЎМТВ, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, тасарруфида ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
2.	Олий таълим муассасалари ўқув-лаборатория биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши ва танлов (тендер) савдоларини ўтказиши-ни таъминлаш	Ҳар йили 1 октябргача	ОТМ маблағлари, ОТМлар моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ва давлат бюджети маблағлари	Ўқув-лаборатория корпуслари қурилиши, реконструкцияси ва капитал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг манзиль рўйхати	Даврархитектура қурилиш, ОЎМТВ, тасарруфида ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар

1	2	3	4	5	6
3.	Харид қилинадиган ўқув, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва мебелларга бўлган техник талабларни тасдиқлаш	2011 йил июль	-	ОУМТВ, Иқтисодиёт вазирлиги, тасарруфида ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар ва «Ўзстандарт» агентлигининг қўшма қарори	ОУМТВ, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, тасарруфида ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар
4.	19 та олий таълим муассасаси ўқув-лаборатория бинолари ва корпусларини мебель, ўқув, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши, шу жумладан 296 та ўқув-лабораториясини тўлиқ янгиланиши инobatта олиниб, қурилиш-таъмирлаш ишлари муддатлари ва молиялаштириш манбалари билан боғланган ҳолда манзилый рўйхатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда босқичма-босқич жиҳозлаш	2011-2016 йилларда, ҳар йили 1 декабр-гача тасдиқлаш	ОТМларининг маблаглари, имтиёзли хорижий кредитлар ОТМлар моддий-техник базасини ривожлантириш фонди маблаглари, Давлат бюджети маблаглари	Олий таълим муассасалари ўқув ва лаборатория биноларини жиҳозлашнинг манзилый рўйхати	ОУМТВ, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, тасарруфида ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар
5.	Ташкил этилаётган 15 та ҳамкорликда фойдаланилувчи ОТМлар аро замонавий лаборатория комплексларига бўлган техник талабларни тасдиқлаш ҳамда уларни харид қилиш буйича танлов (тендер) савдоларини ўтказилишнинг таъминлаш	2011 йил июлда тасдиқлаш, 2011-2015 йилларда жиҳозлаш	ОТМларининг маблаглари, имтиёзли хорижий кредитлар ОТМлар моддий-техник базасини ривожлантириш фонди маблаглари	ОУМТВ, Иқтисодиёт вазирлиги ва ФТРМБКнинг қўшма қарори	ОУМТВ, Иқтисодиёт вазирлиги, ФТРМБК, тасарруфида ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар

1	2	3	4	5	6
6.	ОТМ АРМларини замонавий дарсликлар, ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув-курғазмалар қўлланмалар, маълумот-ахборот нашрлар ва бошқа ўқув-илмий адабиётлари билан таъминлаш	Доимо	ОТМларнинг маблаглари, ОТМлари моддий-техник базасини ривожлантириш фонди маблаглари, Давлат бюджети маблаглари	АРМлари таъминоти дастурини тасдиқлаш бўйича тасарруфидани ОТМ бўлган вазирлик ва идораларнинг буйруқлари	ОУМТВ, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, тасарруфидани ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар
<b>II. ОТМларини замонавий жиҳозлар, компьютер техникалари ва коммуникация тизимлари билан таъминлаш ва ОТМлариаро ягона компьютер тармоғини яратиш орқали ўқув жараёнига компьютер технологияларини жорий этиш</b>					
7.	Барча ОТМлари ва уларнинг филиалларида мавжуд корпоратив тармоқни модернизация қилиш орқали ОТМлариаро ягона компьютер тармоғини яратиш, ОТМларни халқаро таълим ресурслари билан интеграциялаштирувчи оптик толали алоқа каналлари ёрдамида ва VPN технологияси асосида бирлаштириш	2011 йил сентябрда тасдиқлаш, 2011-2012 йилларда бирлаштириш	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маблаглари	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	ОУМТВ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, тасарруфидани ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар
8.	ОТМ ахборот-ресурс базасини босқичма-босқич мақсадли мустаҳкамлаш, уларни замонавий компьютер жиҳозлари, коммуникацион тизимлар билан таъминлаш, масофавий таълим элементларини ўқув жараёнига жорий этиш	2011-2016 йиллар	ОТМларнинг маблаглари, ОТМлари моддий-техник базасини ривожлантириш фонди маблаглари, йирик корхоналар, ҳомийлар ва грантлар маблаглари	ОТМлар ахборот ресурс базаларини мақсадли мустаҳкамлаш чора-тадбирлар режаси	ОУМТВ, тасарруфидани ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар

1	2	3	4	5	6
9.	Хар бир ОТМда ягона тармоққа бирлаштирилган ва тизимли равишда электрон дарсликлар, услубий қўлланмалар, мультимедиа дарсликлари ва ҳ.к. билан тўлдириб бориладиган электрон кутубхоналар яратилиши ҳисобидан ОТМлари умумий ахборот-ресурс базасини шакллантириш	Доимо	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маблағлари, ОТМларининг маблағлари, ОТМлари моддий-техник базасини ривожлантириш фонди маблағлари	ОТМларида электрон кутубхоналар яратиш чоратадбирлари режаси	ОУМТВ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, тасарруфидан ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар
<b>III. ОТМларида талабаларнинг яшashi ва спорт билан шуғулланиши, шунингдек, ўқитувчилар фаолияти учун шарт-шароитларни яхшилаш</b>					
10.	ОТМлари спорт иншоотлари, талабалар турар жойларини боққичмабоққич қурилиши, реконструкцияси ва капитал таъмирлашнинг манзиллий рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш	Ҳар йили 1 сентябрга қадар	-	ОТМлари спорт иншоотлари, талабалар турар жойлари қурилиши, реконструкцияси ва капитал таъмирлаш бўйича лойиҳа смета ҳужжатларининг манзиллий рўйхати	Махсус комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари
11.	ОТМлари спорт иншоотлари, талабалар турар жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқилиши ва танлов (тендер) савдоларини ўтказилиши таъминлаш	Ҳар йили 1 октябргача	ОТМларининг маблағлари, ОТМлари моддий-техник базасини ривожлантириш фонди маблағлари, Давлат бюджети маблағлари	Спорт иншоотлари, талабалар турар жойлари қурилиши, реконструкцияси ва капитал таъмирлаш бўйича лойиҳа смета ҳужжатларининг манзиллий рўйхати	Давархитектура қурилиш, ОУМТВ, тасарруфидан ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар



1	2	3	4	5	6
12.	ОТМлари спорт иншоотлари, талабалар турар жойларида бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари муддатлари ва молиялаштириш манбалари билан боғлаган ҳолда босқичма-босқич жиҳозлаш манзилий рўйхатни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш	Ҳар йили 1 декабр-гача	-	ОТМлари спорт иншоотлари, талабалар турар жойларини жиҳозлаш бўйича манзилий рўйхат	ОУМТВ, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, тасарруфида ОТМ булган вазирлик ва идоралар
13.	Талабаларни дарсдан бўш вақтлари ҳамда ёзги ва қишки дам олиш даврларини ахборот-ресурс марказларидан тулақонли фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда самарали ташкил этиш учун етарли шарт-шароит яратиш, улар учун тарбиявий аҳамиятга эга булган махсус радио ва телекурслар яратиш ҳамда спорт секциялари ишларини фаоллаштириш	Доимо	ОТМларининг маблағлари	Талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси	ОУМТВ, тасарруфида ОТМ булган вазирлик ва идоралар
<b>IV. Чора-тадбирлар мажмуининг молиялаштирилишини ва амалга ошириш мониторингини таъминлаш</b>					
14.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурда «ОТМлари моддий техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тарғиби тўғрисида Низом» лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш	2011 йил июнь	-	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ОУМТВ

Давоми

1	2	3	4	5	6
15.	ОТМлари бино ва иншоотларини куриш ва ўқув-лаборатория шунингдек, илмий-тадқиқот ускуналари билан жиҳозлаш учун ҳомийлик маблағлари, халқаро молия институтларининг грантлари ва кредит маблағларини жалб этишни кўзда тутувчи таклифлар лойиҳаларини тайёрлаш	2011-2016 йиллар	-	Чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш учун ҳомийлик маблағлари, халқаро молия институтларининг грантлари ва кредит маблағларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар режаси	Иқтисодиёт вазирлиги, ТИАИСВ, ОЎМТВ, Молия вазирлиги, тасарруфида ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар
16.	Муҳандислик ва техника мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган ОТМлари қошида ҳомийлар маблағларини жалб қилиш ҳисобига ОТМлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, талабаларни ишлаб чиқариш амалиёти базаси ҳамда уларни келгусида ўз ихтисосликлари бўйича иш билан таъминлаш вазифасини қўйган ҳолда тармоқ хўжалик бирлашмалари раҳбарлари бошчилик қиладиган («Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзбекэнерго» ДАК ва бошқ.) Васийлик кенгашларини ташкил этиш	2011 йил июнь	-	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	Иқтисодиёт вазирлиги, ОЎМТВ, Молия вазирлиги,

1	2	3	4	5	6
17.	Тасдиқланган комплекс тадбирларни тасдиқланган мақсадли кўрсаткичлари рўйхатининг самарали бажарилиши мониторингини олиб бориш	2011-2016 йиллар	-	Чора-тадбирлар комплекси ижроси бўйича ахборотлар	Иқтисодиёт вазирлиги, ОЎМТВ, Молия вазирлиги, тасарруфида ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар
18.	Чора-тадбирлар комплекси асосида олиб борилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари, Интернет-портал ва таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларида кенг ёритилишини таъминлаш	доимо	-	Чора-тадбирлар комплексини ёритиш бўйича ахборот ишлари режаси	ОЎМТВ, ЎзААА, ЎзМТРК, ЎзМАА

Изоҳ: \*) Чора-тадбирлар қиймати лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ва танлов (тендер) савдолари ўтказилиши натижалари бўйича аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарорига  
2-илова

**2011–2016 йилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини оптимallasштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури**

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари*	Асосий кўрсаткичлари	Масъул ижрочилар
1	2	3	4	5	6
<b>I. Талаб қилинадиган мутахассисларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, ўқув жараёнини тубдан яхшилаш, давлат таълим стандартларини такомиллаштири</b>					
1.	Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»ни ишлаб чиқиш	2011 йил, июнь	-	Мазмунан яқин бўлган мутахассисликларни бирлаштириш ва иқтисодёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда талаб бўлмаганларини ёпиш йўли билан бакалаврият таълим йўналишлари сонини 228 дан 165 га, магистратура мутахассисликлари сонини 1200 дан 500 гача камайтириш	Иқтисодиёт вазирлиги, ОЎМТВ, ДТМ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар
2.	Олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичларини «Инжиниринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари» билим соҳасидаги йўналишлар бўйича қабул квоталарини кўпайтириш, «Таълим», «Иқтисод ва	2011-2015 йиллар	-	ОТМлар талабалар қабул квоталарини шакллантиришда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда «Инжиниринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари» билим соҳасидаги йўналишлар бўйича таълим олаётган талабалар салмогини 2010–2011 ўқув йилидаги бакалаврлар қабулининг умумий квотасидаги 23% дан 2015-	Иқтисодиёт вазирлиги, ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар

Давоми

1	2	3	4	5	6
	бизнес», «Хуқуқ» ва бошқа ижтимоий-гуманитар соҳаларни ўз ичига олган бошқа йўналишлар бўйича қабул квоталарни камайтириш ҳисобига оптималлаштириш			2016 ўқув йилида 36% гача қуйидаги соҳалар бўйича: «Таълим»ни 31,1 % дан 24,6% гача, «Иқтисод ва бизнес»ни 8,7 %дан 5,7% гача, «Хуқуқ»ни 1,3% дан 0,9% гача ва бошқа йўналишлар бўйича 35,5 % дан 32,7% гача қабул кўрсаткичларини камайтириш ҳисобига босқичма-босқич ошириб бориш	
3.	Талабалар қабулнинг умумий квотасини сақлаб қолган ҳолда таълимнинг барча йўналишлари бўйича давлат гранти ўринларини солиштирма улушини оптималлаштириш	2011-2015 йиллар	-	ОТМларга талабалар қабул квоталарини шакллантиришда талабалар қабулнинг умумий квотасини сақлаб қолган ҳолда 2010-2011 ўқув йилидаги барча йўналишлар бўйича давлат гранти ўринларининг солиштирма улушини 35%дан 2015-2016 ўқув йилида 33% гача камайтириш, «Инжиниринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари», шунингдек, илмий ва табиий-илмий мутахассисликлар бўйича давлат гранти ўринлари салмоғини 2011-2011 ўқув йилидаги 35% дан 2015-2016 ўқув йилида ўртача 40-45% гача «Иқтисод, бизнес ва ҳуқуқ» йўналишлари бўйича давлат гранти ўринларининг солиштирма улушини 31,5% дан ўртача 15-20% гача камайтириш ҳисобига босқичма-босқич ошириб бориш	Иқтисодиёт вазирлиги, ОЎМТВ, тасарруфда ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар

1	2	3	4	5	6
4.	Республика олий таълим муассасаларига талабалар қабули кўрсаткичларини ҳудудлар кесимида босқичма-босқич оптималлаштириш	2011-2015 йиллар	-	<p>ОТМлар талабалар қабул квоталарини шакллантиришда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда: ҳар бир аниқ ҳудудда талаб қилинган мутахассисликлар тайёрлаш йўналишлари бўйича ҳудудлардаги олий таълим муассасаларига қабул квоталарини Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари талабалари сонини 2010-2011 ўқув йилидаги 38,9% дан 2015-2016 ўқув йилида 36,3% га камайтириш ҳисобига босқичма-босқич ошириб бориш ҳисобини юритиш, кейинги ўқув йилларига Тошкент шаҳри ОТМлари қабул квоталарини шакллантиришда бир қанча олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш йўналишларининг такрорланишини чиқариб ташлаган ҳолда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларига қабул квоталарини оптималлаштириш таклифларини киритиб бориш, кейинги ўқув йилига қабул квоталарини шакллантиришда олий таълим муассасаларининг ихтисослашуви доирасида соҳага мос бўлмаган мувофиқ келмайдиган йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлашни тўхтатиш</p>	Иқтисодиёт вазирлиги, ОУМТВ, тасарруфда ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар

Давоми

1	2	3	4	5	6
5.	Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш	2011-2015 йиллар	-	Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартларини (665), ўқув режалари (665) ва дастурларини (6000) босқичма-босқич такомиллаштириб бориш	Иқтисодиёт вазирлиги, ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар
6.	Олий таълим муассасаларини замонавий ўқув ва ўқув-услубий адабиётлари билан таъминланишини яхшилаш	2011-2013 йиллар	Давлат бюджети маблағлари, ОТМлар маблағлари	Фан ва технологиялар соҳасидаги энг янги ютуқларни ҳисобга олган ҳолда ОТМлар учун 400 янги дарсликлар (жумладан, 180 инженерлик мутахассислиги бўйича) ва 800 ўқув-услубий қўлланмалар (жумладан, 360 инженерлик мутахассислиги бўйича) тайёрлаш	Иқтисодиёт вазирлиги, ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар
7.	Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўллаш орқали таълим сифатини яхшилаш	2011-2015 йиллар	Давлат бюджети маблағлари, ОТМлар маблағлари	Мультимедиа воситалари ва масофадан ўқитиш шакллариغا асосланган ҳолда 6000 замонавий ўқув-услубий мажмуаларини яратиш, илгор педагогик технологияларни ўқув жараёнига қўллаш йўли билан информатика ва информацион технологияларни ўқитиш услубиётини такомиллаштириш	Иқтисодиёт вазирлиги, ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар

1	2	3	4	5	6
8.	Олий таълим муассасалари битирувчиларнинг чет тили, айниқса инглиз тили ҳамда интернет тармоғи ва компьютер технологияларининг илгор кўникмаларига эга бўлиши комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш	2011 йилдан бошлаб доимо	-	Таълим йўналишлари ва мутахассислари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, фанларнинг ўқув соатларини қайта кўриб чиқиш, ўқув-услубий қўлланмаларни янгилаш, чет тилларини ўрганишда ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш	Иқтисодиёт вазирлиги, ОўМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар
<p><b>II. Профессор-ўқитувчи кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларини такомиллаштириш, уларни моддий рағбатлантириш, илгор хорижий илмий ва таълим муассасаларида ёш истиқболли кадрлар стажировкасини ташкил қилиш</b></p>					
9.	Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакасини ошириш дастурларини такомиллаштириш	Доимо	Ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар доирасида	Ўқитишнинг техник воситалари ва лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланиш ҳамда сақлаш кўникмалари бўйича малака ошириш дастурларини янгилаш, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда ўқув-ёрдамчи ходимларни ўқитишнинг техник воситалари ва лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланиш ҳамда сақлаш кўникмалари бўйича малакасини ошириш	ОўМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар

1	2	3	4	5	6
10.	Педагогик кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасалари сонини оптималлаштириш	2011 йил август	Ушбу мақсадларга ажратилган бюджет маблағлар доирасида	Янгидан ташкил этиладиган 5 та ҳудудий ва 10 та тармоқ малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказларини аниқлаш ва уларнинг йўналишларини белгилаш, мавжуд 45 та муассаса ўрнига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бош илмий методик марказ ва 5 та ҳудудий, 10 та тармоқ малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказларини ташкил этиш	ОУМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар
11.	Олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва тегишли тармоқлар муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида ўқув жараёнининг сифатини яхшилаш	2011-2016 йиллар	ОТМлар маблағлари, ОТМлар моддий техник базасини ривожлантириш фонди маблағлари	Таълимнинг компьютер ва мультимедиа воситалари, шунингдек, масофавий ўқитишга асосланган замонавий педагогик технологияларни жорий этиш	ОУМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар
12.	Ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш ва тегишли категориялари бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ўртасидаги табақалашувни кучайтириш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби тарификацияси тизимини такомиллаштириш	2011 йил август	-	Профессор-ўқитувчиларга илмий даражаларини инобатга олган ҳолда амалдаги 9 даражали базавий лавозим маошини белгилаш тизими ўрнига 6 даражали базавий лавозим маошини белгилаш тизimini жорий қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, илмий даража бериш аҳамиятини кучайтириш мақсадида профессор-ўқитувчиларга категориялари бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ўртасидаги тафовутни ўртача 70,0 минг сўмгача кўтариш	Молия вазирлиги, ОУМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар



## Давоми

1	2	3	4	5	6
13.	Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини лавозим классификаторини такомиллаштириш	2011 йил июль	Давлат бюджети маблаглари, ОТМлар маблаглари	Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини лавозимлари янги классификаторини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бунда ассистент лавозими ўрнига ўқитувчи лавозими жорий этилади	ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар
14.	Профессор-ўқитувчиларнинг лавозим категориялари бўйича базавий лавозим маошларини белгилаш тартибини такомиллаштириш	2011 йил август	-	Базавий лавозим маошларини белгилаш учун профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув-услубий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлардаги ва илмий-педагогик фаолиятдаги реал ҳиссасини баҳолашнинг объектив мезонларини ишлаб чиқиш, профессорлар маошини ўртача 28%га, доцентлар маошини ўртача 11-13%га оширишни кўзда тутувчи профессор-ўқитувчилар базавий лавозим маошларини белгилаш	ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар
15.	Номзодларнинг илмий унвон олишларида малакавий талабларни халқаро стандартларга мувофиқ кучайтириш	2011 йил август	-	Илмий даражаларни бериш тўғрисидаги низомнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларига нисбатан қўшимча талабларни жорий этилишини таъминловчи янги таҳририни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	ОАК, ФТРМК, ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар
16.	Ректор жамғармаси маблаглари ҳисобидан ҳар ойлик маоши қўшимча ҳақ тўлаш йўли билан олий таълим муассасаларининг ўрناق	2011 йил август	-	Ректор жамғармаси тўғрисида Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда ўрناق кўрсатган ўқитувчиларни рағбатлангирувчи ва факультетлар орасида тақсимланувчи, ОТМларнинг моддий рағбатлантириш жамғармаси маблаглари доирасида	Молия вазирлиги, ОЎМТВ, тасарруфида ОТМлари бўлган вазирлик ва идоралар

Давоми

1	2	3	4	5	6
	кўрсатган ўқитувчиларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш			ректор жамгармасини ташкил этиш, юқори ма-лакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхши-лашга қўшган аниқ ҳис-саси, юқори самарадор-лик, таълим сифати ва са-марали тарбиявий ин-учун умумий ўқитувчилар контингентининг 35%ни қамраб олган ҳолда 30% миқдоригача ойлик уста-ма ҳақ тўлаш, ўрناق кўр-сатган ўқитувчиларни рағбатлантиришда кафедралар тақдимнома-си, факультет илмий кенгаши қарори ва ректор тасдиғи асосида ректор жамгармаси маблағлари-дан фойдаланиш тартиби-ни жорий этиш	
17.	Олий таълим муассасаларига педагогик хо-димларни ишга қабул қилиш тизимини тако-миллаштириш	2011 йил август	-	Профессор-ўқитувчилар-ни янги квалификациян категорияларини кири-тилишини инобатга олиб, олий таълим муассасала-рига педагог кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	ОАК, ФТРМҚ, ОЎМТВ, тасарруфида ОЎМлари бўлган вазирлик ва идоралар
18.	Ёш, келажаги бор кадрларни чет элдаги олий таълим муассасаларига ва илмий мар-казларига ста-жировкага юборишни кенг йўлга қўйиш	2011-2016 йиллар	Давлат бюджети маблағлари, ОЎМлар ва ҳомийлар маблағлари	2011-2016 йилларда хо-рижга юбориладиган стажер-тадқиқотчи-изланувчилар сонини 20 дан 30 гача ёки, 1,5 баробар, магистрлар сонини 35 дан 60 гача ёки, 1,7 баробар, ўқитувчилар сонини 120 дан 210 гача ёки, 1,7 баробарга мақсадли оширилишига эришиш	Молия вазирлиги, ОЎМТВ, тасарруфида ОЎМлари бўлган ва-зирлик ва идоралар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2011 йил 20 майдаги 1533-сонли қарорига  
3-илова

**2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган ҳажмлари кўрсаткичлари**

№	Тадбирлар	Жами	Жумладан, йиллар кесимида:					
			2011	2012	2013	2014	2015	2016
	Жами харажатлар: Жумладан:	277098,8	38853,4	42944,6	56559,7	46255,8	48239,5	44245,8
1	ОЎМлар ўқув-лабо-ратория биноларини, спорт ин-шоотлари ва ТТЖларини қуриш, реконструк-ция қилиш ва капитал таъмирлаш	192328,6	27178,6	25828,2	41277,2	28950,0	37553,1	31541,5
2	ОЎМлар ўқув-лабо-ратория биноларини, спорт ин-шоотлари ва ТТЖларини жиҳозлаш	84770,2	11647,8	17116,4	15282,5	17305,8	10686,4	12704,3
	Жумладан, ОЎМлари-ро бирга-ликда фой-даланилувчи лаборатория комплекс-ларини яратиш	16546,4	3366,0	6055,7	3187,7	3937,0		

**Изоҳ.** Чора-тадбирлар қиймати лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ва танлов (тендер) савдолари ўтказилиши натижалари бўйича аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2011 йил 20 майдаги 1533-сонли қарорига  
4-илова

**2011-2016 йилларда қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлаш бўйича ҳар йиллик манзилий дастурларга киритиладиган олий таълим муассасаларининг РЎЙХАТИ**

1. Қорақалпоқ давлат университети.
2. Андижон давлат университети.
3. Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти (Андижон машина-созлик институтига қайта ташкил этилиши билан).
4. Бухоро давлат университети.
5. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти (Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига қайта ташкил этилиши билан).
6. Қарши давлат университети.
7. Навоий давлат кончилик институти.
8. Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти (Наманган муҳандислик-технологик институтига қайта ташкил этилиши билан).
9. Самарқанд давлат университети.
10. Термиз давлат университети.
11. Фарғона политехника институти.
12. Урганч давлат университети.
13. Ўзбекистон миллий университети.
14. Тошкент давлат техника университети.
15. Тошкент архитектура-қурилиш институти.
16. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.
17. Тошкент кимё-технология институти.
18. Тошкент тиббиёт академияси.
19. Тошкент давлат аграр университети.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2011 йил 20 майдаги 1533-сонли қарорига  
5-илова

**Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий-тадқиқот лабораториялари РЎЙХАТИ**

№	Лабораториялар номлари	Олий таълим муассасалари номлари
1	Энергия тежамкор ва қайта тикланувчан энергия манбалари лабораторияси	Тошкент давлат техника университети
2	Хужайра технологияси, ўсимликлар протеомикаси, метобонимикаси ва функционал геномикаси лабораторияси	Ўзбекистон миллий университети
3	Тадқиқотларнинг физикавий-кимёвий усуллари лабораторияси	
4	Кимёвий технологиялар ва нефть-газни қайта ишлаш лабораторияси	Тошкент кимё-технология институти
5	Энергия тежамкор қурилиш материаллари лабораторияси	Тошкент архитектура-қурилиш институти
6	Тўқимачилик материаллари ва технологиялари лабораторияси	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
7	Селекция ва уруғчилик лабораторияси	Тошкент давлат аграр университети
8	Тиббий-генетик, молекуляр-тўқима, фармакологик ва биологик тадқиқотлар лабораторияси	Тошкент тиббиёт академияси
9	Оролбўйи биопотенциалини экофизиологик тадқиқ қилиш лабораторияси	Қорақалпоқ давлат университети
10	Экспериментал биология ва экология лабораторияси	Андижон давлат университети
11	Микроэлектроника материалларини синтезлаш лабораторияси	Самарқанд давлат университети
12	Табийий бирикмалар ва полимерларни спектроскопик тадқиқ қилиш лабораторияси	Қарши давлат университети
13	Минерал хом-ашёларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва ишлов бериш лабораторияси	Навоий давлат кончилик институти
14	Ресурс тежамкор қишлоқ хўжалик технологиялари лабораторияси	Урганч давлат университети
15	Асбобсозлик ва назорат-ўлчов асбоблари лабораторияси	Фарғона политехника институти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2011 йил 20 майдаги 1533-сонли қарорига  
6-илова

**2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш учун  
Махсус комиссия таркиби**

- |                 |  |
|-----------------|--|
| Азимов Р.С.     | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Комиссия раиси  |
| Арипов А.Н.     | – Бош вазир ўринбосари, Комиссия раиси   |
| Хужаев Б.А.     | – Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси раиси, Комиссия раиси ўринбосари                  |
| Ҳодиев Б.Ю.     | – Олий ва ўрта махсус таълим вазири  |
| Фуломов Р.А.    | – Иқтисодиёт вазири  |
| Саидов Г.К.     | – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири  |
| Гуськова Т.Н.   | – Молия вазирининг биринчи ўринбосари  |
| Марахимов А.Р.  | – Халқ таълими вазири  |
| Хайтов А.А.     | – Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири  |
| Рўзиев З.Ш.     | – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири  |
| Икромов А.И.    | – Соғлиқни сақлаш вазири   |
| Мухитдинов Х.А. | – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори  |
| Кўчкарров Ж.А.  | – Молия вазири ўринбосари  |
| Мустафаев У.М.  | – Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари   |
| Шодиев М.И.     | – Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари  |
| Ҳамдамов Р.Ҳ.   | – Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича Ахборот-таҳлил департаменти мудири, Комиссия котиби |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ****РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ  
МЕХНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ВА УНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини жорий этиш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ҳамда соҳаларида эҳтиёж сезилаётган юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашда профессор-ўқитувчилар таркиби қўшаётган ҳиссаси муносиб баҳо-ланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларига амалдаги доимий устама ва қўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармониغا мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар оширилиши билан бир қаторда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларига жорий этилаётган базавий лавозим маошларини ўртача 25 фоиз миқдорда, жами эса 1,5 баробарга оширишни назарда тутсин.

3. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг лавозим маошларига алоҳида иш шароитлари, хорижий тилларни билиши, муайян хизмат муддатини адо этганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қўшимча ҳақ тўлашнинг амалдаги турлари ва миқдорлари сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боглиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда: олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари-

ни; Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 24 июль, ПҚ-926-сон

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг  
«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим  
муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш  
жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги  
2011 йил 13 июндаги 172-сонли қарори**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маъкамаси **Қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Буюртмачи функцияси:

олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича – ушбу мақсадлар учун ташкил этиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизматига, шунингдек тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга;

олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини, шу жумладан биргаликда фойдаланиладиган олий таълим муассасалариаро илмий-лаборатория комплексларини жиҳозлаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган тегишли вазирликлар ва идоралар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда ҳар йили 1 октябргача навбатдаги йил учун назарда тутилган олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқирилишини ҳамда тендер (танлов) савдолари ўтказилишини таъминласинлар;

ҳар йили 1 декабргача олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини ҳамда биргаликда фойдаланиладиган олий таълим муассасалариаро илмий-лаборатория комплексларини жиҳозлаш учун замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва илмий жиҳозлар, ахборот-коммуникация техникаси, мебель ва спорт

анжомлари харид қилиш юзасидан тендер (танлов) савдоларини амалга ошириладиган қурилиш ва таъмирлаш ишлари муддатлари билан боғлиқ ҳолда ўтказсинлар;

ҳар чоракда ишларнинг лойиҳалаштириш билан айнан бир вақтда амалга оширилишига йўл қўйиб бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, лойиҳалаш, қуриш ва таъмирлаш ишлари сифати мониторинги натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тегишли вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда олий таълим муассасаларининг қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қатъиян мувофиқ ҳолда қабул қилишни таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н. Арипов ва Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 13 июндаги  
172-сон қарорига илова

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида

## Н И З О М

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, шунингдек Жамғарма маблағларини бошқариш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сон қарори билан тасдиқланган 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастурини амалга ошириш учун ташкил этилган.

3. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди.

### II. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари

4. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;  
замонавий технология ускуналари билан жиҳозлаш учун жалб этиладиган халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари;  
халқаро донорлар грантлари, васийлар ва мамлакатимиздаги ҳомийлар маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар Жамғармага ҳар ойда, олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини, шу жумладан биргаликда фойдаланиладиган олий таълим муассасалариаро илмий-лаборатория комплексларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш учун маблағларга бўлган эҳтиёжга қараб ажратилади.

6. Халқаро молия ташкилотлари ҳамда донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари, ҳомийларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари маблағлари Жамғарманинг газначилик ҳисоб рақамларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тушади.

7. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса марказида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги томонидан очиладиган газначилик ҳисоб рақамларида жамланади.

### III. Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

8. 2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастурини амалга ошириш доирасида Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини ҳамда бошқа инфратузилма объектиларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини молиялаштириш;

олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини ҳамда биргаликда фойдаланиладиган олий таълим муассасалари оро илмий-лаборатория комплексларини мебеллар, замонавий ўқув-лаборатория ва илмий ускуналар, ахборот-коммуникация техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлашни (кейинги ўринларда жиҳозлаш деб аталади) молиялаштириш.

### IV. Жамғарма маблағларини бошқариш

9. Жамғарма маблағларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бошқармасининг Жамғарма маблағларини бошқариш бўлими томонидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бошқармасининг Жамғарма маблағларини бошқариш бўлими:

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастурини амалга ошириш бўйича Махсус комиссияга (кейинги ўринларда Махсус комиссия деб аталади) тақдим этиш учун Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини ҳамда чораклар ва ойлар бўйича тақсимлаган ҳолда унинг бир йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлайди;

Махсус комиссияга, молиялаштириш манбалари билан боғлаган ҳолда, асосий йўналишлар (қуриш, реконструкция қилиш мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш) бўйича Жамғарма маблағларидан фойдаланишга доир таклифлар киритади;

олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ манзилли рўйхатлари бажарилишини таҳлил қилади ва унинг мониторингини олиб боради ҳамда тегишли материалларни Махсус комиссияга киритади;

зарурият бўлганда, жойларга борган ҳолда, олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги дастурларини шакллантиришда қатнашади;

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ойлар бўйича рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига тасдиқлаш учун киритади;

Жамғарманинг олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун назарда тутилган маблағлари ҳисоби юритилишини таъминлайди.

#### **V. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**

11. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ушбу Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури ва Давлат бюджети лойиҳаларини тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда ҳар йили келгуси йил учун — Давлат бюджетидан ва бошқа манбалардан, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг грантлари ва кредитлари, ҳомийлар ва мамлакатимиз хайр-саховат қилувчилари маблағлари жалб этилишидан тушумлар прогнозларини тайёрлайди.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 1 июлгача Молия вазирлигига келгуси йил учун Жамғарманинг барча йўналишлар бўйича харажатлари прогнозини ҳамда олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ манзилли рўйхатлари лойиҳаларини тақдим этади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғармага тушадиган прогнозлаштириладиган маблағлар доирасида, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда келгуси йил учун олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ манзилли рўйхатларининг узил-кесил параметрларини шакллантиради ва 1 августгача уни Махсус комиссияга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади.

15. Жамғарма даромадлари ва харажатларининг йиллик параметрлари тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарма маблағларини олувчиларга (Ўзбекистон Республикаси Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлигига, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга) келгуси йил учун уларга белгиланган харажатлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни 5 кун мобайнида етказди.

## VI. Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби

16. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан очиладиган Молия вазирлигининг фазначилиги шахсий ҳисоб рақамлари орқали Жамғарманинг фазначилик ҳисоб рақамидан сарфланади.

17. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган тегишли харажатлар сметалари асосида:

олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича тендер (танлов) савдолари натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати, шунингдек тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан;

олий таълим муассасалари объектларини жиҳозлаш бўйича — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган танлов савдолари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг фазначилиги олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича шартномаларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказди ҳамда улар бўйича қатъий харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида ва олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қурилишларнинг тасдиқланган аниқ манзилли рўйхатларига мувофиқ харажатларни тўлайди.

19. Олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича харажатларни тўлаш олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг аниқ манзилли рўйхатлари бўйича белгиланган лимитлар доирасида ҳамда тендер (танлов) савдолари натижалари ҳисобга олинган ҳолда тузилган шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизматининг, шунингдек тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг тўлов топшириқномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг фазначилиги томонидан амалга оширилади. Шартномаларда қуйидагилар назарда тутилади:

қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг дастлабки икки ойи мобайнида қуришнинг прогноллаштирилаётган йили учун тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича аниқланган ишлар қийматининг 30 фоизгача миқдоридан аванс тўловларини тенг улушларда амалга ошириш;

ажратилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдоридан ҳар ойда жорий молиялаштириш;

қолган 5 фоизни пудратчига шартномада қайд этилган кафолат муддати тамом бўлгандан кейин тўлаш.

20. Олий таълим муассасаларини жиҳозлаш бўйича харажатларни тўлаш назарда тутилган маблағлар доирасида ва Молия вазирлигининг газначилигида рўйхатдан ўтказилган тузилган шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг тўлов топшириқномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг газначилиги томонидан амалга оширилади. Шартномаларда қуйидагилар назарда тутилади:

шартнома умумий суммасининг 30 фоизи миқдоридан аванс тўлаш;

ажратилган аванс тўловларини ушлаб қолган ҳолда, етказиб беришнинг амалдаги ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар ойда жорий молиялаштириш.

21. Маблағларни (шу жумладан товарларни етказиб берувчилар, ишларни бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун жарима санкцияларини қўллашдан олинган маблағларни) харажатлар сметасисиз, шунингдек Жамғарма харажатлари прогнозида назарда тутилмаган тадбирларга сарфлаш тақиқланади.

22. Қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ манзилли рўйхатларида назарда тутилган тўлиқ молиялаштирилмаган маблағлар жорий молиявий йил якунлари бўйича, Жамғарма даромадлари ва харажатлари мувозанатлилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда навбатдаги молиявий йилда тўланади.

23. Жамғарма ҳисоб рақамларидан маблағларни ушбу Низомда назарда тутилмаган мақсадлар учун ўтказиш ва вақтинча олиб қўйиш тақиқланади.

## **VII. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш ҳисобини юритиш, ҳисобот бериш ва назорат**

24. Жамғарма маблағлари тушуми ва сарфи бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек ҳисобот тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, шунингдек жиҳозлаш учун ажратилган Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

26. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар ва тўланган маблағлар, амалда етказиб берилган мебеллар, ўқув-лаборатория ва илмий асбоб-ускуналар, ахборот-коммуникация техникаси ва спорт анжомлари, шу жумладан тўланган маблағлар, шунингдек уларнинг бошланғич ҳужжатларга (счёт-фактураларга) ва амалда бажарилган ишларга (хизматларга) мувофиқлиги тўғрисида тақдим этилган ҳисобот маълумотлари асосида Жамғарма маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиши юзасидан доимий мониторинг олиб боради.

28. Жамғарма маблағларидан тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ қатъиян мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан жавобгарлик Жамғарма маблағларини олувчиларга - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар раҳбарларига юкланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ  
03.09.1999 й.  
№ 414**

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ  
ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Мазкур Қарорга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

ЎзР ВМ 31.12.2001 й. 490-сон Қарори,

ЎзР ВМ 30.12.2002 й. 455-сон Қарори,

ЎзР ВМ 28.12.2004 й. 610-сон Қарори,

ЎзР Президентининг 18.12.2006 й. ПҚ-532-сон Қарори,

ЎзР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон Қарори,

ЎзР Президентининг 12.12.2007 й. ПҚ-744-сон Қарори,

ЎзР ВМ 05.06.2009 й. 153-сон Қарори,

ЎзР Президентининг 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон Қарори,

ЎзР ВМ 31.12.2009 й. 343-сон Қарори

Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқлар-  
да иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини  
маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маб-  
лағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкама-  
си **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 1 январ-  
дан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъмин-  
лашнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик бе-  
рилсин. У қуйидагиларни назарда тутади:

бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда  
бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбар-  
ларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш  
механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда  
юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақ-  
симлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар  
фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун  
шарт-шароитлар яратиш.

2. Белгилансинки, янги тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларини  
маблағ билан таъминлаш нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) ха-  
ражатларнинг қуйидаги гуруҳларини бир сатрда маблағ билан таъминлаш  
усулида амалга оширилади:

1. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга на-  
фақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва  
бошқалар);

II. Иш ҳақиға қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар.

Ғазна ижросига ўтган бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона ғазна ҳисоб рақамидан, шунингдек юқорида кўрсатилган харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади. (ЎЗР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

ЎЗР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон Қарорига мувофиқ олтинчи хат боши еттинчи хат боши деб ҳисоблансин

Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ЎЗР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш манбаларини:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан;

бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришдан;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (беғараз) ёрдами берилишидан қўшимча даромадлар олиш ҳисобига кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган манбалардан қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан бошлаб 2015 йил 1 январгача Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинсин, бўшаб қолган маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, шунингдек уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилсин. (ЎЗР Президентининг 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон Қарори таҳриридаги хат-боши) (Олдинги таҳририга қаранг)

Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар тўлашга ҳам жорий этилиши маълумот учун қабул қилинсин. (ЎЗР Президентининг 12.12.2007 й. ПҚ-744-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

5. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларига Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилсин, жамғарма:

ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бўйича — режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чоррагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмаларни молия-



лаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно); (ЎзР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон Қарори таҳриридаги хат боши), (Олдинги таҳририга қаранг)

газна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича — бюджет ташкилотларининг Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида ҳисобот чолагининг охириги иш куни охирида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар харажатларига ҳақ тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно); (ЎзР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон Қарори таҳриридаги хат боши).

ЎзР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон Қарорига мувофиқ учинчи-бешинчи хат боши тегишли равишда тўртинчи-олтинчи хат боши деб ҳисоблансин;

бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлаб, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

бюджет ташкилоти балансида бўлган давлат мулкани ижарага беришдан қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган маблағларнинг бир қисми; (ЎзР ВМ 05.06.2009 й. 153-сон Қарори таҳриридаги хат боши), (Олдинги таҳририга қаранг).

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.

6. Белгилансинки, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари:

аввало вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга; (ЎзР Президентининг 18.12.2006 й. ПҚ-532-сон Қарори таҳриридаги хат боши), (Олдинги таҳририга қаранг)

бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тadbирларига;

ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш тadbирларига сарфланади.

6-1. Йилнинг январь ойи молия йилига қўшимча вақт даври этиб белгилансин, ушбу давр мобайнида Давлат бюджетининг ўтган йилги газна ижроси амалга оширилади.

Қўшимча вақт даврида молия органлари, Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот йили Давлат бюджетини ижро этиш операциялари амалга оширилади, шу жумладан:

бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар тартибга солинади;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўтган йилги кредиторлик қарзлари тўланади;

тежаб қолинган маблағлар Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади;

Давлат бюджетини ижро этиш юзасидан бошқа операциялар амалга оширилади. (ЎзР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон Қарори таҳриридаги банд)

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

тижорат банкларида жорий ҳисобварақлар очган ҳолда юридик шахс бюджет ташкилотларини 2000 йил 1 январдан бошлаб маблағ билан таъ-

минлашнинг янги шартларига ўтказишга тайёрлаш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда:

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда — Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартибини, Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда - Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мол-мулкни бошқа қорхоналар ва ташкилотларга ижарага бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет интизомига риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратни таъминласин, бунда:

бюджет маблағларидан, шу жумладан, Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан ноўрин фойдаланилиши;

бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар гуруҳлари ва моддалари бўйича тасдиқланган лимитлардан ошиб кетиши; (ЎЗР ВМ 19.07.2007 й. 148-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

штат-смета интизоми бузилиши;

харажатларни маблағ билан таъминлашнинг белгиланган навбатига, уларни тўлаш муддатлари ва тўлиқлигига риоя қилмаслик ҳолларининг олдини олсин.

Молия органлари, бюджет ташкилотлари раҳбарлари бюджет интизомига риоя қилиниши учун меҳнат, маъмурий ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган тартибда шахсан жавоб беришлари тўғрисида огоҳлантирилсин. Бунда бюджет ташкилотларининг қўшимча даромадлар олиш бўйича фаолияти бюджет маблағлари ҳисобига бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатига зарар етказмаслиги керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни икки ҳафта муддатда киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.С.Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами», 1999 й., № 9, 51-молда.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ****Қ А Р О Р**

2011 йил 15 июль

№ 299/45

Тошкент ш.

**Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва  
раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим  
маошлари миқдорини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сонли «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизimini тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 4-илова 11 бандини бажариш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМИЗ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори ошиши муносабати билан олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан қайта ишлаб чиқилганлиги инobatга олинсин.

2. 2011 йил 1 августдан олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари миқдори 1-иловага, раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдори 2-иловага ҳамда бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллар директорларига:

— олий таълим муассасаси раҳбар, профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимлари иш ҳақларни иловадаги базавий лавозим маошлари миқдорлари бўйича ўз вақтида қайта ҳисоб-китоб қилиш;

– 2011 йил 1 августдан эътиборан олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорини ўзгариши муносабати билан қўшимча талаб этиладиган маблағлар билан ўз вақтида таъминласинлар.

4. 2011 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2010 йил 24 ноябрдаги 455/183-қ/қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарор ижросини назорати Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари А.Фулумҳўжаев, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимухамедовлар зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**Б. ХОДИЕВ**

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири**

**А. ХАЙТОВ**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2011 йил 15 июлдаги 299-сон қарорига 2011 йил 15 июлдаги 45-сон қарорига 1-Илова

**Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби  
меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари  
МИҚДОРИ**

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори (сўм)	
<b>1. Кафедра мудир:</b>		
фан доктори илмий даражасига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	870710	831755
фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	831755	799894
илмий даражага эга бўлмаган	799894	767860
<b>2. Профессор:</b>		
фан доктори илмий даражасига эга бўлган	831755	799894
фан номзоди илмий даражасига эга бўлган	799894	767860
илмий даражага эга бўлмаган	767860	729964
<b>3. Доцент:</b>		
илмий даражага эга бўлган	767860	729964
илмий даражага эга бўлмаган	729964	692499
<b>4. Катта ўқитувчи:</b>		
илмий даражага эга бўлган	729964	692499
илмий даражага эга бўлмаган	692499	655868
<b>5. Ассистент, ўқитувчи:</b>		
илмий даражага эга бўлган	655868	619544
илмий даражага эга бўлмаган	619544	583769
<b>6. Ўқитувчи-стажер</b>	546632	

**Изоҳ:**

1. Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтлар, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Профессорлар ва доцентларнинг базавий лавозим маошлари тегишли равишда профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга (катта илмий ходимга) белгиланади.

3. Профессор ёки доцент лавозимига тайинланган, бирор тегишли илмий унвонга эга бўлмаган профессор-ўқитувчилар таркибидан бўлган шахсларга икки йилгача бўлган муддатга базавий лавозим маошлари куйидаги миқдорларда белгиланади:

профессор — 767860 сўм  
доцент — 729964 сўм

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2011 йил 15 июлдаги 299-сон қарорига 2011 йил 15 июлдаги 45-сон қарорига 2-Илова

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари меҳнатига  
ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари  
М И Қ Д О Р И**

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори (сўм)	
	I гуруҳ	II гуруҳ
<b>1. Ректор:</b>		
академик бўлган	982386	942478
профессор ёки фан доктори бўлган	942478	902783
доцент ёки фан номзоди бўлган	902783	870710
<b>2. Уқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор:</b>		
профессор ёки фан доктори бўлган	902783	870710
доцент ёки фан номзоди бўлган	870710	831755
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	831755	799894
<b>3. Халқаро алоқалар, капитал қурилиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ва молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор:</b>		
профессор ёки фан доктори бўлган	850272	818162
доцент ёки фан номзоди бўлган	818162	785905
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	785905	753601
<b>4. Филиал директори:</b>		
академик бўлган	942478	942478
профессор ёки фан доктори бўлганда	902783	902783
доцент ёки фан номзоди бўлган	870710	870710
<b>5. Филиал директорининг ўринбосари:</b>		
профессор ёки фан доктори бўлган	870710	870710
доцент ёки фан номзоди бўлган	831755	831755
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	799894	799894
<b>6. Декан:</b>		
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлган	831755	831755
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	799894	799894
<b>7. Декан ўринбосари:</b>		
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлган	799894	799894
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	767860	767860
<b>8. Ҳисоблаш маркази бошлиғи</b>	319291	298826

**Изоҳ.** Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтларда, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш  
вазирлигининг 2011 йил 15 июлдаги 299-сон  
қарорига 2011 йил 15 июлдаги 45-сон қарорига  
3-Илова

**Олий таълим муассасаларининг бошқа ходимлари меҳнатига  
ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари  
МИҚДОРИ**

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори (сўм)
<b>1. Ҳисоблаш марказлари муҳандислари:</b>	
1-тоифали	258867
2-тоифали	240025
тоифасиз	221941
<b>2. Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари концертмейстерлари:</b>	
етакчи концертмейстер	635050
концертмейстер	565237
<b>3. Илмий котиб</b>	<b>298826</b>
<b>4. Ишлаб чиқариш таълими устаси</b>	<b>240025</b>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ  
МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН  
ТИЗИМИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2008 й., 31–32-сон, 302-модда; 2010 й., 24–25-сон, 196-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг 1–3-иловаларга мувофиқ базавий лавозим маошлари 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2008 йил 1 сентябрдан олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизimini жорий этиш бўйича зарур тушунтириш ишларини ва ташкилий ишларни амалга оширсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 9 оyi яқунлари бўйича мажлисида ахборот берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг кундузги ўқиш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини:

2009/2010 ўқув йилидан бошлаб — 1:10,5;

2014/2015 ўқув йилидан бошлаб — 1:12,5 нисбатида белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

*(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 119-сонли қарори таҳририда — УР ҚХТ, 2010 й., 24-25-сон, 196-модда)*

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;



идоровий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.  
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2008 йил 1 август, 164-сон

## Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими-ни такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Давлат бюджетидан ёки аралаш тарзда маблағ билан таъминланадиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шар-тларини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши бюджет ташкилотлари учун қўлланадиган Ягона тариф сеткаси асосида амалга ошириладиган олий таълим муассасаларининг ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга таъбиқ этилмайди.

3. Олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи базавий лавозим маошини, шунингдек қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

### II. Олий таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошлари

4. Олий таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошлари: олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари; ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

5. Профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари: штатдаги лавозимга;

илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади.

6. Олий таълим муассасалари раҳбарларининг базавий лавозим маошлари олий таълим муассасаси мансуб бўлган гуруҳдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Биринчи гуруҳга талабалар контингенти 2000 нафардан ортиқ бўлган олий таълим муассасаси киради.

Иккинчи гуруҳга талабалар контингенти 2000 нафардан кам бўлган олий таълим муассасаси қиради.

7. Раҳбарлар таркибига олий таълим муассасасининг ректори, проректори, декани, декан ўринбосари, олий таълим муассасаси филиалининг директори, директор ўринбосари лавозимларидаги шахслар қиради.

8. Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, тажриба орттирувчи ўқитувчи лавозимидагилар киритилади.

Олий таълим муассасасининг кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, тажриба орттирувчи ўқитувчи лавозимлари Базиранлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ эғалланади.

9. Базавий лавозим маошлари схемаларида иккита маош назарда тутилган лавозимлар бўйича профессор-ўқитувчилар таркиби штат жадвалларини тасдиқлашда ушбу лавозимлар бўйича лавозим маошлари олий таълим муассасаси ректори томонидан ходимлар сони ва тегшли вазирлик (идора) томонидан ушбу олий таълим муассасаси учун мазкур ходимлар тоифаси бўйича ҳисобланган иш ҳақи фонди доирасида белгиланади. Бунда ўталган илмий мактаб, иш стажи, ўқув-тарбия жараёнига қўшилган фаол ҳисса ва олий таълим муассасаси раҳбари томонидан белгиланадиган бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

10. Олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошларини ўзгартириш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда;

ходим олий таълим муассасасида бошқа лавозимга ўтганда амалга оширилади.

Базавий лавозим маошини ўзгартириш олий таълим муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги фармонлари муносабати билан базавий лавозим маошлари ўзгарган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг педагог ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қўшма буйруғи чиқарилади.

12. Ходим олий таълимнинг битта муассасасида бошқа лавозимга ўтган тақдирда ва шу муносабат билан базавий лавозим маоши ўзгарганда меҳнат шартномаси ўзгартириш тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қоидалари қўлланилади (VI боб, 3-§).

### III. Устамалар ва қўшимча тўловлар

13. Юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳамда илмий тадқиқотларга аниқ ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар таркиби вакиллари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун бюджет муассасалари ва ташкилотла-

ри ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан белгиланган тартибда тўланадиган ҳар ойлик устамалар белгиланади.

14. Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан белгиланган ва тариф бўйича лавозим маошига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган қўшимча тўлов ва устамаларнинг бошқа турлари миқдори ушбу Низом кучга кирган вақтдан бошлаб базавий лавозим маошига нисбатан фоизларда ҳисобланади.

#### IV. Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари

15. Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш:

штардаги ўқитувчилар томонидан ушбу тоифадаги ходимларга соатбай ҳақ тўлаш шартлари тўғрисида амалдаги низомларга музофиқ бажарилган ўқув ишлари учун;

белгиланган нормативларга мувофиқ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаган ҳолда ўқув ишларини бажаришга жалб этиладиган ректорлар, проректорлар ва бошқа раҳбар ходимларга;

бошқа ташкилотлардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг ўқув ишлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

16. Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ставкалари миқдори белгиланган тартибда аниқланади.

#### V. Олий таълим муассасаларида меҳнатни нормалаштиришни ташкил этиш

17. Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини нормалаштириш ҳар йили келгуси ўқув йили учун тузиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган шахсий иш режаларига асосланган.

Йиллик шахсий иш режаси ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий тусдаги асосий тadbирлар рўйхатини, тadbирлардан ҳар бири бўйича соатлар миқдорини кўрсатган ҳолда, ўз ичига олади.

Йиллик шахсий иш режаси 1540 соат миқдоридagi иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юклагаси лавозимлар (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр) бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
QARORI**

**VAZIRLAR MAҲKAMASINING «RESPUBLIKA OLIY TAЪLIM  
MUASSASALARI XODIMLARI MEХNATIGA HAQ TУLASHNING  
TAKOMILLASHTIRILGAN TIZIMINI TASDIQLASH  
TУGRISIDA» 2008 YIL 1 AVGUSTDAGI 164-SON QARORIGA  
УZGARTIRISH KIRITISH HAQIDA**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2010 й., 24–25-сон, 196-модда)*

Олий таълим даражаси ва сифатини янада ошириш, иқтисодиётда талаб қилинаётган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун замонавий шарт-шароитлар яратиш, олий таълим муассасаларида инновация фаолиятини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 40-модда) 4-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг кундузги ўқиш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини:

2009/2010 ўқув йилидан бошлаб — 1:10,5;

2014/2015 ўқув йилидан бошлаб — 1:12,5 нисбатида белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин».

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, 2014/2015 ўқув йилидан бошлаб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини 1:12,5 нисбатида белгилаш учун республика олий таълим муассасаларида ташкилий-методик ва тушунтириш ишлари олиб борсинлар ҳамда зарур шарт-шароитлар яратишни таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 18 июнь, 119-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

ИЛМИЙ ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон,  
370-модда, 43-сон, 459-модда)

Илмий ходимларнинг илмий тадқиқотларни ишлаб чиқишга ва олинган натижаларни амалиётга жорий этишга қўшган илмий ва меҳнат ҳиссасига қараб уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси ҳамда илмий-техника дастурларини бажарувчи бошқа вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, ташкилотлар:

ўзларига илмий-тадқиқот ишланмаларини бажариш учун ажратиладиган бюджет маблағларини ҳисоблаш ва тақсимлашда илмий ва раҳбар ходимлар базавий лавозим маошларининг ушбу қарор билан тасдиқланган миқдорларига қатъий амал қилсинлар;

илмий ходимларни моддий рағбатлантиришни, шу жумладан иқтисодиёт тармоқларида илмий-тадқиқот ишлари натижаларини жорий этиш самарадорлигини ошириш, бюджет маблағларини тежаш ва ҳўжалик ҳисобидеги фаолиятни амалга оширишдан олинадиган бюджетдан ташқари даромадларни кўпайтириш ҳисобига янада кучайтириш бўйича тизимли асосда чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда илмий-техника дастурларини бажарувчи ташкилотлар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 5 фоизи миқдориде илмий ходимларни моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ТАСДИҚЛАШ  
ТЎҒРИСИДА» 2008 ЙИЛ 1 АВГУСТДАГИ 164-СОН ҚАРОРИГА  
ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2010 й., 24–25-сон, 196-модда)*

Олий таълим даражаси ва сифатини янада ошириш, иқтисодиётда талаб қилинаётган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун замонавий шарт-шароитлар яратиш, олий таълим муассасаларида инновация фаолиятини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 40-модда) 4-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг кундузги ўқиш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини:

2009/2010 ўқув йилидан бошлаб — 1:10,5;

2014/2015 ўқув йилидан бошлаб — 1:12,5 нисбатида белгилаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин».

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, 2014/2015 ўқув йилидан бошлаб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини 1:12,5 нисбатида белгилаш учун республика олий таълим муассасаларида ташкилий-методик ва тушунтириш ишлари олиб борсинлар ҳамда зарур шарт-шароитлар яратишни таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига оқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 18 июнь, 119-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****ИЛМИЙ ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон,  
370-модда, 43-сон, 459-модда)*

Илмий ходимларнинг илмий тадқиқотларни ишлаб чиқишга ва олинган натижаларни амалиётга жорий этишга қўшган илмий ва меҳнат ҳиссасига қараб уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси ҳамда илмий-техника дастурларини бажарувчи бошқа вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, ташкилотлар:

ўзларига илмий-тадқиқот ишланмаларини бажариш учун ажратиладиган бюджет маблағларини ҳисоблаш ва тақсимлашда илмий ва раҳбар ходимлар базавий лавозим маошларининг ушбу қарор билан тасдиқланган миқдорларига қатъий амал қилсинлар;

илмий ходимларни моддий рағбатлантиришни, шу жумладан иқтисодий тармоқларида илмий-тадқиқот ишлари натижаларини жорий этиш самарадорлигини ошириш, бюджет маблағларини тежаш ва ҳужалик ҳисобидаги фаолиятни амалга оширишдан олинadиган бюджетдан ташқари даромадларни кўпайтириш ҳисобига янада кучайтириш бўйича тизимли асосда чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда илмий-техника дастурларини бажарувчи ташкилотлар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 5 фоизи миқдоридида илмий ходимларни моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

ташкил этилаётган жамғармалар маблағлари ҳисобига алоҳида ўрناق кўрсатган, илмий-техника дастурларини амалга оширишга аниқ меҳнат ва илмий ҳисса қўшган илмий ходимлар моддий рағбатлантирилади;

илмий ходимларни моддий рағбатлантириш улар учун йилига 2 тадан 5 тагача базавий лавозим маошлари миқдорига бирйўла туланадиган мукофотлар белгилаш йўли билан Илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ҳузуридаги илмий кенгаш қарорларига биноан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги икки ҳафта муддатда Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқласинлар, унда илмий ходимларни мукофотлашнинг илмий-техника дастурларини ишлаб чиқишга, шунингдек тадқиқотлар натижаларидан иқтисодий тармоқларида фойдаланишга улар қўшган аниқ ҳисса даражасини ҳисобга оладиган асосий мезонлар белгиланишини назарда тутсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш., 2009 йил 18 август, 233-сон



Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарорига  
ИЛОВА

**Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва  
инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда  
қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва  
раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари  
МИҚДОРЛАРИ**

#### Изоҳлар:

Институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг илмий даражага эга бўлмаган директорига базавий лавозим маоши фан номзоди даражасида белгиланади.

Профессор илмий унвони бўлган фан номзоди илмий даражасига эга бўлган бош ва етакчи илмий ходимларга маош катта илмий ходим унвонига эга бўлган фан докторининг базавий лавозим маоши даражасида белгиланади.

Профессор илмий унвонига эга бўлган бош ва етакчи илмий ходимларга маош катта илмий ходим унвонига эга бўлмаган фан докторининг базавий лавозим маоши даражасида белгиланади.

Илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлимлари) мудирлари ўринбосарларига базавий лавозим маоши уларга берилган илмий даражаларга ва унвонларга мувофиқ илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлимлари) мудирлари маошига нисбатан 5 фоизга камайтирилган миқдорда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида лойиҳалар раҳбарлари лавозимлари ёки шунга ўхшаш лавозимлар назарда тутилган ҳолларда ушбу лавозимларга бўлимлар мудирларининг базавий лавозим маошлари белгиланади.

Илмий-тадқиқот ишланмаларини амалга оширишга харажатлар қиймати калькуляциясини шакллантиришда илмий ва раҳбар ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарорига мувофиқ 2009 йил 1 январдан бошлаб базавий лавозим маошларининг тасдиқланадиган миқдорлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисидаги Фармонлари қабул қилиниши муносабати билан базавий лавозим маошлари ўзгарган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қарори чиқарилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****РЕСПУБЛИКАНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2010 й., 33-сон, 276-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2010 йил 28 майдаги ПҚ-1345-сон қарорини бажариш юзасидан, республиканинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш, бюджет маблағларидан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 1 сентябрдан бошлаб:

бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативидан келиб чиқиб ҳар бир олий таълим муассасаси учун бюджетдан молиялаштириш ҳажмини белгилашни;

бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативларига олий таълим муассасалари таъминоти харажатларини, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга ва унга тенглаштирилган тўловларга харажатларни, иш ҳақига, стипендияларга ҳисобланган, таълим муассасаларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасини шакллантиришга, шунингдек бошқа харажатларга, шу жумладан олий таълим муассасаларини ривожлантиришга ва уларнинг моддий-техника базасини яхшилашга харажатларни киритишни;

олий таълим муассасаларини харажатларнинг базавий нормативларини белгилашда талабалар тайёрлашнинг асосий йўналишларига, таълим муассасаларининг моддий-техника базаси таъминоти бўйича шаклланаётган харажатларга қараб гуруҳларга бўлишни, шунингдек айрим таълим муассасаларида барча таълим муассасаларини ишончли молиявий таъминлашга қўмаклашадиган харажатларнинг базавий нормативларига тузатиш коэффициентларини қўллашни;

олий таълим муассасаларига ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишдан уларнинг манфаатдорлигини оширишни, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун масъулиятини кучайтиришни ва бюджет интизомини мустаҳкамлашни назарда тутадиган бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасалари харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив-режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда тасдиқласин;

бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган республика олий таълим муассасалари бўйича бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини ҳар йили тасдиқласин, зарурият бўлганда, унга ўзгартиришлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда олий таълим муассасаларининг такомиллаштирилган намунавий штатларини тасдиқласин ва 2010 йил 1 ноябрдан бошлаб амалга киритсин, бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган олий таълим муассасаларининг маъмурий-бошқарув ва ёрдамчи ходимлари сонини мақбуллаштиришни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган олий таълим муассасаларининг барча мавжуд майдонларининг бандлигини ва улардан самарали фойдаланилишини бир ой муддатда япни хатловдан ўтказсин;

хатлов яқунлари бўйича олий таълим муассасаларининг ортиқча ва фойдаланилмаётган қўчмас мулкани сотиш ёхуд ундан бошқа самарали фойдаланишнинг усуллари бўйича таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси олий таълим муассасаларида бюджет интизомига риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин, зарурият бўлганда, харажатларнинг базавий нормативлари ҳисоб-китобида тақдим этилган кўрсаткичларнинг ишончлилигини текширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 16 август, 178-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДА ТУРУВЧИ  
ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ВА ШТАТЛАР  
ЖАДВАЛИНИ ТУЗИШ, КЎРИБ ЧИҚИШ, ТАСДИҚЛАШ ВА  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2010 й., 47-сон, 440-модда)*

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2010 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2157]**

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда), «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 453-модда) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 июлдаги 358-сон «Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги, 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда), 2003 йил 19 ноябрдаги 520-сон «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 22-сон, 223-модда), 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 52-сон, 523-модда) қарорларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

## 2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 9 декабрда 93-сон (рўйхат рақами 849, 1999 йил 13 декабрь) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини Молия вазирлиги ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш Тартиби;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 28 декабрда 101-сон (рўйхат рақами 888, 2000 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 йил, 3-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетида, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларида турувчи ташкилотларнинг харажат сметаларини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 18 февралда 24-сон (рўйхат рақами 849-1, 2000 йил 7 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 йил, 5-сон) билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 декабрда 849-сон билан рўйхатга олинган Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини Молия вазирлиги ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш Тартибига 1-сон қўшимча ва ўзгартиришлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 13 ноябрда 123-сон (рўйхат рақами 849-2, 2000 йил 18 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 йил, 22-сон) билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 декабрда 849-сон билан рўйхатга олинган, Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини Молия вазирлиги ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш Тартибига 2-сон қўшимча ва ўзгартиришлар.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,  
2010 йил 29 октябрь, 92-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирининг 2010 йил 29 октябрдаги 92-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг  
харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқ-  
лаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда), «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 453-модда) қонунилари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 июлдаги 358-сон «Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги, 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда), 2003 йил 19 ноябрдаги 520-сон «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 22-сон, 223-модда), 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 52-сон, 523-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг (кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) бюджетдан ажратилган маблағлар бўйича харажатлар сметасини ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек штатлар жадвалини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Давлат бюджетидан харажатлар тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида ва ташкилотларнинг харажатлар сметасида кўрсатилган мақсадлар учун амалга оширилади.

2. Юридик шахс мақомига эга бўлган ва харажатларни қоплаш учун бюджетдан ажратилган маблағлардан ташқари бошқа даромад манбала-

ри мавжуд бўлган ташкилотлар ҳам бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузадилар.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**харажатлар сметаси** — ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкилотлари учун харажатлар моддалари бўйича кўзда тутилган бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс эттирилади;

**бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета** — ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкил бўлиш манбалари ва ушбу маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс эттирилади;

**харажатлар моддаси** — бюджет таснифининг қисми бўлиб, Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий тайинланиши ва туловларни аниқ турларини ифодалайди;

**вақтинчалик харажатлар сметаси** — ташкилотларнинг харажатлар сметаси тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтказилгунга қадар амал қилувчи ҳужжат бўлиб, унда бюджет ташкилотлари учун кўзда тутилган, қонунчиликка ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда аввалги молия йилининг охириги чолагиди бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорлардаги бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс эттирилади;

**бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари** — қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ташкилотлар ихтиёрига келиб тушадиган маблағлар.

4. Давлат бюджетидан маблағ оладиган ташкилотда тасдиқланган харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблағлар мавжуд бўлганда эса, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета бўлиши шарт.

5. Ташкилотлар, агарда қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мустақил равишда харажатлар сметасини, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметани, шунингдек, штатлар жадвалини тасдиқланган ташкилий тузилма, штат бирликлари, намунавий штатлар ва бюджетдан молиялаштириш меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

6. Харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятлар уларга берилган тегишли ҳуқуқ ва ваколатлар доирасидаги қарорлари ва фармойишларида кўзда тутилган харажатлар киритилади.

7. Харажатлар сметаси ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета бир йиллик муддатга — 1 январдан 31 декабрни ҳам қўшган ҳолда, мавсумий ёки жорий йилда ишга тушириладиган ташкилотлар бўйича

эса, уларнинг мазкур молия йилидаги фаолият кўрсатиш муддатига тузилади ва амал қилади.

Агар келгуси молия йили учун Давлат бюджети йил бошлангунга қадар қабул қилинмаган бўлса, у ҳолда Давлат бюджети қабул қилингунга қадар бўлган даврда харажатлар ташкилотлар томонидан вақтинчалик харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

8. Харажатлар сметасини, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметани тузишда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари, товарлар (ишлар, хизматлар) нархи ва тарифлари қуйидагича ҳисобга олинади:

мавсумий ташкилотлар ёки жорий йилда ишга туширилган ташкилотлар бўйича — ушбу ташкилотнинг фаолият кўрсатиши бошланган ойнинг биринчи санаси ҳолатига;

қолган ташкилотлар бўйича — мазкур сметалар тузилаётган тегишли йилнинг 1 январига бўлган амалдаги шартларда.

9. Бюджет ижроси жараёнида юзага келадиган барча қўшимча харажатларга ташкилотларнинг харажатлар сметаларига қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиб борилади.

10. Ташкилотларнинг тасдиқланган йил ёки чорақларга (ойларга\*) белгиланган харажатлар сметаси маблағлари миқдорига йил давомида киритиладиган ўзгартиришлар бўйича юқори ташкилотлар ўзига бўйсунувчи ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилишлари лозим.

Бу ўзгартиришлар ташкилотлар томонидан тасдиқланган сметаларга тузатишлар киритмай, касса ва ҳақиқий харажатлар китобида (294-сон шакл) ҳисобга олиб борилади.

11. Ташкилотларнинг харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, шунингдек штатлар жадвали, қоида тариқасида, минг сўмда тузилади.

## **II. Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**

### **1-§. Харажатлар сметасини тузиш**

12. Харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ харажатлар гуруҳлари бўйича, 4 гуруҳ харажатларининг тўлиқ ёйилмасини ва ҳисоб-китобларни ўз ичига олган ҳолдаги илова билан биргаликда, шунингдек мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тузилади.

Илова харажатлар сметасининг ажралмас қисми бўлиб, сметасининг прогноз ҳисоб-китобларини асослайди ва ҳисобот тузиш мақсадида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бўйича харажатлар сметаси эркин алмаштириладиган валюта ва сўмда харажатлар гуруҳлари бўйича, бошқа харажатларнинг



тулик ёйилмаси ва ҳисоб-китобларни ўз ичига олган ҳолдаги илова билан биргаликда мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тузилади.

13. Харажатлар сметасини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига бўйсунувчи ташкилотларга тегишли халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг бюджетни тузиш тартиби ва муддати тўғрисидаги қароридан ва молия органининг ушбу масала бўйича кўрсатмаларидан келиб чиқиб, келгуси йил учун сметаларни тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида кўрсатмалар берадилар.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига қарашли ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда тегишли ходимлари кенгашини чақирадилар ва харажатлар сметасини тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатадилар, уларга ташкилотларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига ва уларга харажатлар сметасини тузиш масалалари бўйича қонунчилик талабларини тушунтирадилар, бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси ҳисоб-китобларини албатта қонунчиликка мувофиқ келиши, харажат қилишда молия интизомига, иқтисод қилиш тартибига риоя қилиш ҳақида кўрсатмалар берадилар, шунингдек, харажатлар сметасини тузиш ҳамда бланкаларни тўлдириш техникаси масалалари бўйича йўл-йўриқлар кўрсатадилар.

Бир вақтнинг ўзида ўзларига қарашли ташкилотларга ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида (синфлар, ўқувчилар, болалар, шифохоналарда жой-кунлар, бола-кунлар сони ва бошқалар) келгуси йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёзма равишда хабар қиладилар.

14. Харажатлар сметаси бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иқтисод қилишнинг қатъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши шарт.

15. Харажатларни ҳисоблаб чиқишда қуйидагиларга амал қилиш керак: Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятларнинг уларга берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида қабул қилинган қарор ва фармойишларига;

бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар меъёрларига;

товар ва хизматларни давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига.

Жумладан:

харажатлар сметасига иш ҳақи учун маблағлар қонунчилик билан белгиланган маошлари ва иш ҳақи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва меъёрларга риоя қилишдан келиб чиқиб киритилади. Ишбай усул билан бажариладиган ишлар учун иш ҳақи харажатлар сметасига бюджет йилига харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;

педагог ходимлар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, қонунчиликда белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ва ўқув режасига мувофиқ дафтар текшириш, синф раҳбарлиги ва бошқалар учун қўшимча ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда тузилган тарификациялардан келиб чиқилиши лозим;

тиббиёт ходимлари иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, иш ҳақи ставкалари ва қонунчиликка мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда тузилган тиббиёт ходимлари тарификацияларидан келиб чиқилиши лозим;

олий ўқув юртидан кейинги таълимда таълим олувчиларни стипендия харажатлари белгиланган стипендиялар миқдори ва стипендия таъминоти тартибидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади;

меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш харажатлари харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ белгиланган ставкаларда, қонунчиликка мувофиқ ягона ижтимоий тўлов тўланадиган барча тўлов суммаларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотини тўлаш харажатлари харажатлар сметасига қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчининг барча ходимларининг ўтган йилги иш ҳақининг ҳақиқий харажатларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

хўжалик харажатлари, жумладан, коммунал хизматлар учун харажатлар лимитлар доирасида коммунал хизматлар учун баҳо ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;

телефон ва бошқа телекоммуникация хизматлари харажатлари абонент рақамлари сони ва хизматлар учун тасдиқланган тарифларидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда, лимитдан ошиқ фойдаланилган шахарлараро (давлатлараро) сўзлашувлар учун алоқа хизматлари, интернет бўйича хизматлар ва бошқа алоқа хизматлари харажатлари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда ўзларининг фаолият хусусиятларидан ва ушбу хизматларга бўлган талабдан келиб чиқиб кўзда тутилади;

даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларида овқатланишга кетадиган харажатлар ташкилотларнинг ҳар бир тури учун тасдиқланган овқатланиш кунининг ўртача йиллик сонидан ва натурал меъёрларидан келиб чиқиб ҳисобланади;

дори-дармонларга кетадиган харажатлар қонунчиликда белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб: стационарларда — ҳар бир жой-кунга, шифохоналарда — шифокорга ҳар бир киришга белгиланади;

ижтимоий-маданий ташкилотларни айрим гуруҳи учун кийим-кечак, пойабзал, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг меъёрлари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади;

сув, ўрмон ҳўжалиги ва бошқа ташкилотларни сақлаш харажатлари уларнинг бажараётган иш меъёри ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

инспекция ва қўриқлаш фаолияти билан боғлиқ хизматлар тўлови харажатлари ташкилотлар ва ушбу хизматларни стказиб берувчилар ўртасидаги шартномага мувофиқ аниқланади;

ташкилотларнинг бинолар, иншоотлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш, бинолар ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа давлат мулклари ижараси билан боғлиқ харажатлари белгиланган лимитлар ва натурал кўрсаткичлардан келиб чиқиб аниқланади;

хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифаларидан, шунингдек қонунчиликда белгиланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар ва қишлоқ ҳўжалиги зараркунандаларига (чигирткалар, тут парвонаси ва бошқалар) қарши курашиш билан боғлиқ харажатлар прогноз иш ҳажмлари ва кимёвий препаратларга бўлган эҳтиёжлар, шунингдек бажариладиган иш турларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Юқорида кўрсатилган харажатлар, шунингдек Давлат бюджетси харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича бошқа харажатларни аниқлашда бошқа кўрсаткичлар ва услублар қўлланиши мумкин, уларнинг асосланганлиги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказувчи тегишли молия органлари томонидан текширилади.

16. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ва тегишли давлат бошқарув органлари (бош бўлинма сифатидаги бюджет ташкилоти) ҳузуридаги марказлаштирилган бухгалтериялар ва тегишли ҳокимиятларнинг бухгалтериялари томонидан хизмат кўрсатилаётган ташкилотлар бўйича қуйидаги алоҳида ҳолларда жамланма харажатлар сметаси тузилиши мумкин:

бир турдаги кичик ташкилотлар бўйича — ветеринар участкалар ва пунктлар ҳамда бошқа ташкилотлар бўйича;

бир турдаги йирик ташкилотлар бўйича, қачонки уларга ҳўжалик хизматларини кўрсатиш ҳўжалик хизматларни кўрсатувчи махсус гуруҳлар орқали марказлаштирилган ҳолда амалга оширилса;

фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича;

озодликдан маҳрум этилган жойлардан қайтган шахсларга ижтимоий мослашув марказлари ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари бўйича.

17. Марказлаштирилган бухгалтериялар ташкил этилган тегишли давлат бошқарув органлари (бош ташкилотлар) раҳбарлари ва тегишли ҳудуд ҳокимлари (улар ваколат берган мансабдор шахслар) жамланма харажатлар сметаси бўйича бюджетдан ажратилган маблағларни тақсим қилувчилар бўлиб ҳисобланадилар.

18. Жамланма харажатлар сметаси, хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг раҳбарларидан олинган буюртмалар асосида ҳамда марказлаштирилган бухгалтерияда мавжуд бўлган ҳисоб ва ҳисобот, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларига мувофиқ марказлаштирилган бухгалтерия томонидан тузилади

Жамланма харажатлар сметасини тузиш учун буюртмалар ҳокимиятларнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари томонидан белгиланган шакллар ёки кўрсаткичлар рўйхати бўйича харажатларнинг гуруҳлари бўйича ва иловаларни ҳамда сметаларга қилинган ҳисоб-китобларни илова қилган ҳолда ташкилотлар томонидан тақдим қилинади.

Буюртмаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

иситиш, ёритиш, сув таъминоти харажатларини ҳисоблаш учун зарур натурал кўрсаткичлар;

сотиб олиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар рўйхати;

капитал ва жорий таъмирлаш бўйича асосий ишлар рўйхати;  
ўрмон хўжалиги ташкилотларининг бажарадиган ишлари ҳажми;  
қонунчиликка мувофиқ белгиланган кадастр юритиш бўйича ишлар ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар ҳисоби;

бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатга киритиш учун ҳисоб-китобларнинг асосланганлиги;

бюджетдан маблағлар ажратишни асослаш учун бошқа керакли ҳисоб-китоблар.

Ташкилотлар томонидан берилган буюртмалар марказлаштирилган бухгалтериялар томонидан тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирокида олдиндан кўриб чиқилади ҳамда жамланма харажатлар сметасини тузишда ҳисобга олинади.

19. Марказлаштирилган бухгалтерия томонидан тузилган жамланма харажатлар сметасининг лойиҳалари тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

20. Ташкилотларнинг харажатлар сметаси уч нусхада тузилиб, ташкилотнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо ҳуқуқига эга шахс), ташкилот бош ҳисобчиси ёки унинг ўринбосари (иккинчи имзо ҳуқуқига эга шахс), шунингдек молия-иқтисод бўлими бошлиғи (штатлар жадвалига мувофиқ молия-иқтисод масалалари бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда молия органида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг:

биринчи нусхаси — ташкилотда қолади;

иккинчи нусхаси — тегишли молия органига тақдим қилинади;

учинчи нусхаси — юқори ташкилотга тақдим қилинади (зарур ҳолларда).

21. Тегишли молия органлари харажатлар сметасини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ташкилотларнинг харажатлар сметасини тузиш ва ижро этишининг исталган босқичида уларнинг қўшимча ҳисоб-китобларини талаб қилишга ҳақли.

Марказлаштирилган бухгалтериялар томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг харажатлар сметаси ташкилотлар билан марказлаштирилган бухгалтериялар бош (катта) ҳисобчилари ёки иқтисодчилари иштироҳида тузилади.

22. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари марказлаштирилган ҳолда амалга ошириладиган харажатлар бўйича уларнинг ўзини сақлаш учун харажатлар сметасидан ташқари ташкилотларнинг марказлаштирилган тадбирлари учун харажатлар сметасини туздиладилар. Бунда, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан марказлаштирилган ҳолда бир неча тадбирлар (тизимдаги барча ташкилотлар бўйича қўриқлаш хизматини тўлаш, хизмат кийимини сотиб олиш, ягона ахборот-компьютер тизимига хизмат кўрсатиш, семинарлар ўтказиш ва бошқалар) бўйича харажатлар амалга ошириладиганда, харажатлар сметасига ҳар бир тўланадиган марказлаштирилган тадбирлар бўйича ҳисоб-китоблар илова қилинади.

23. Келгуси йилга очилиши керак бўлган ташкилотларни ташкил этиш, сақлаш бўйича харажатлар сметаси тегишли вазирликлар, идоралар ҳамда тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари, бўлимлари томонидан ҳар бир ташкилотга алоҳида, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва фаолият кўрсатаётган шунга ўхшаш ташкилотларда мавжуд бўлган харажатларининг ўртача меъёрларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Бунда, янги ташкилотларни сақлаш харажатлари ушбу ташкилотлар фаолиятининг бошланиши мўлжалланаётган муддатлардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

## 2-§. Харажатлар сметасини кўриб чиқиш

24. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари, бўлимлари ва харажатлар сметаларини тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ уларга етказилган ажратилган маблағлар ҳажмлари, белгиланган тартибда режалаштирилган йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрлари доирасида ўз қарамоғидаги ташкилотларнинг келиб тушган харажатлар сметаларини синчиклаб кўриб чиқишни таъминлайдилар.

25. Ташкилотлар томонидан тақдим этилган харажатлар сметалари зарур ҳолларда тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилади. Бунда, харажатлар сметаларини кўриб чикувчи ташкилотлар куйидагиларга мажбур:

қонунчилик талабларига, шунингдек келгуси йил сметаларини тузиш бўйича кўрсатмаларга қатъий амал қилишни таъминлаш;

иқтисод қилиш тартибига амал қилган ҳолда харажатлар сметаларида талаб этилмайдиган тадбирлар учун маблағлар ажратишга йўл қўймаслик;

алоҳида тадбирларни ўтказиш муддатлари ва уларни молиялаштириш имконини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда харажатлар сметаси бўйича ажратилган маблағларни чорак (ой)ларга тақсимлашни таъминлаш;

ҳисоб-китоблар ва асослантиришлар билан тасдиқланмаган суммаларни харажатлар сметаларида қабул қилишга йўл қўймаслик.

26. Агар ташкилотларнинг харажатлар сметаларини кўриб чиқиш натижасида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирлиги, идораси бўйича, ҳокимиятнинг бошқарма, бўлими бўйича жами харажатлар суммаси ёки иш ҳақи, иш ҳақиға ажратмалар, капитал қўйилмалар ва харажатларнинг бошқа турлари бўйича харажатлар суммаси қабул қилинган бюджет ва тегишли молия органлари томонидан уларга етказилганига нисбатан ортиқ бўлса, вазирлик, идора, ҳокимиятнинг бошқарма ва бўлими раҳбари алоҳида ташкилотларнинг харажатлар сметалари бўйича харажатларини тегишинча қисқартириши лозим.

27. Ўз қарамоғидаги ташкилотларнинг харажатлар сметаларини, марказлаштирилган харажатлар учун харажатлар сметалари ва вазирликлар, идоралар, ҳокимиятнинг бошқарма ва бўлимини сақлаш учун харажатлар сметаларини кўриб чиққандан кейин Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари жисмоний кўрсаткичлар (синфлар, койкалар миқдори, ходимлар сони ва шу кабилар) бўйича жамланма ҳисоб-китобларнинг иловаси билан бирга Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ бўлим, кичик бўлим, боб ва моддалар кесимида жамланма харажатлар сметаларини тузадилар.

28. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари ташкилотларнинг сметалари бўйича ишларни якунлаши билан Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирликларига ва тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимиятлар томонидан белгиланган муддатларга келгуси йил бюджети бўйича қуйидаги материалларни тақдим этадилар:

барча сметалар бўйича харажатлар йиғиндисини бюджет таснифининг бўлимлари, кичик бўлимлари, боблари ва харажат моддалари ҳамда йилнинг чораклари (ойлари) бўйича бўлинган ҳолатда;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклга мувофиқ ташкилотлар кесимида селлар, штатлар ва контингентлар бўйича умумлаштирилган кўрсаткичлар.

Бир вақтни ўзида, молия органининг талабига асосан алоҳида ташкилотлар бўйича текшириш ва танишиб чиқиш учун, кейинчалик молия органи қайтариб берадиган харажатлар сметасига иловалар ва ҳисоб-китоблар тақдим этилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари тақдим этилган материалларни жамланган харажатлар сметаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тасдиқланаётганда белгиланмаган умумий харажатлар ҳажмига, белгиланган иш ҳақи, иш берувчининг ажратмалари, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар турлари бўйича амал қилинганлигини, шунингдек Давлат бюджетини тузиш бўйича қонунчилик талабларининг бажарилиши нуқтаи назаридан текширадилар.

Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда молия органлари вазирликлар, идоралар, ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимларига, тасаруфларидаги муассасаларнинг сметалари бўйича харажатларини қисқартиришни таклиф қиладилар.

Вазирликлар, идоралар, ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари томонидан норозилик юзага келса, умумлаштирилган сметаларга аниқлик киритиш масаласи бўйсунувига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки тегишли ҳокимиятлар томонидан ҳал этилади.

30. Умумлаштирилган сметалар текширилганидан ва зарур бўлган ҳолларда уларга ўзгартиришлар киритилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари ташкилотларга умумлаштирилган сметаларнинг тегишли бюджетга киритилгани ҳақида хабар берадилар ва айрим ташкилотлар бўйича текширишга олинган харажатлар сметаларини қайтариб берадилар.

31. Туманлар, шаҳарлар (шаҳарга бўйсунадиган туманлар) тегишли ҳокимиятларининг бошқармалари ва бўлимлари шу бюджетларда турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаларини мазкур Низомда кўрсатилган тартибда кўриб чиқадиладар ва маблағларни туман, шаҳар бюджетига тақсимлангандан сўнг туман ва шаҳар молия бўлими хабар қилган суммалар доирасида харажатларни қабул қиладилар.

### 3-§. Харажатлар сметасини тасдиқлаш

32. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тасдиқланганидан кейин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари ташкилотларга уларнинг умумлаштирилган сметалари бўйича чораклар

кесимидаги тақсимотини, шунингдек иш ҳақиға, иш берувчиларнинг ажратмаларига, капитал қўйилмаларга ва бошқа харажатлар суммасига бюджетда белгиланган энг юқори миқдорларини ажратиб кўрсатган ҳолда хабар берадилар.

Шаҳар молия бўлимлари бундан ташқари шаҳарга бўйсунадиган туман ҳокимиятларининг бўлимларига, юқорида кўрсатилган харажатларни Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияси томонидан тасдиқланган уларнинг бюджетлари ҳажмлари доирасида ажратиб кўрсатиб, хабар қиладилар.

33. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тасдиқлангандан сўнг унга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари ўз тасарруфларида бўлган ташкилотлар харажатлар сметаларига керакли тузатишлар киритадилар.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари улар томонидан илгари белгиланган ташкилотлар сметалари бўйича йиллик маблағлар миқдорларини бюджет бўйича барча сметалар харажатлари умумий суммаларига мос келадиган қилиб аниқлик киритадилар.

Бунда, тегишли тузатишлар ўзларида қоладиган нусхаларга киритилади.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимлари белгиланган йиллик бюджетнинг чораклар (ойлар) бўйича тақсимотига амал қилган ҳолда, ҳажмлари бюджет билан ҳар бир чоракка (ойга) алоҳида белгиланган харажатларнинг умумий суммаси, шунингдек иш ҳақи, иш берувчиларнинг ажратмалари, капитал қўйилмалар ва бошқа турдаги харажатлар суммаси бюджетнинг тасдиқланган чораклар (ойлар) бўйича тақсимотига тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда ташкилотларнинг харажатлар сметаси бўйича қабул қилинган йиллик харажатлар суммасини чораклар (ойлар) бўйича бўлишлари керак.

Ташкилотларнинг харажатлар сметаларида тасдиқланган харажатларнинг йиллик ва чораклик (ойлик) суммалари ташкилотлар томонидан тақдим этилган харажатлар сметаларининг иккинчи нусхасига ўтказилади.

34. Харажатлар сметасини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки тегишли вилоятлар, шаҳарлар, туманлар Халқ депутатлари кенгашилари сессияларининг бюджет ҳақидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафта муддат ичида (агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса) ва тегишли бюджетларда турувчи ташкилотлар учун харажатлар таснифи моддалари бўйича бўлинган ҳолда амалга оширилади ҳамда сметаларни тасдиқлаган ташкилот раҳбари (ёки раҳбар ўринбосари) имзоси билан, тасдиқланган кун кўрсатилган ҳолда, шунингдек ушбу ташкилотнинг муҳри сметанинг барча нусхаларига босилиб, бир пайтнинг ўзида хара-

жатлар сметаси бўйича умумий суммасини юқори ўнг бурчагида штатдаги ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг умумий суммасини ажратиб кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади.

Харажатлар сметаларида бюджет маблағларини йил чораклари (ойлар) бўйича тақсимоти тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари чораклар (ойлар) бўйича тақсимотини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

35. Ташкилотларнинг харажатлар сметалари, шунингдек марказлашган харажатлар сметалари тасдиқлангандан сўнг чораклар (ойлар) кесимидаги харажатларни йиллик умумлашмаси бюджет таснифининг бўлимлари, кичик бўлимлари, боблари ва иқтисодий таснифи бўйича чоракларга (ойларга) бўлинган ҳолда аниқланади ва тегишли молия органига тақдим этилади.

Шу билан бир вақтда сетлар, контингентлар ва штатлар бўйича умумлаштирилган кўрсаткичлар тақдим этилади.

36. Умумий сметалар тасдиқлангандан сўнг марказлашган бухгалтериялар бу сметалар бўйича молиялаштириладиган ташкилотларга қуйидагиларни хабар қиладилар:

штатлар ва ташкилот ходимлари иш ҳақи ставкалари ҳақидаги маълумотлар;

ташкилотларнинг ҳўжалик эҳтиёжларига режалаштириладиган йилда ажратиладиган ёқилғи миқдори, электроэнергия ва сув бўйича натурал кўрсаткичлар;

бюджет маблағлари доирасида сотиб олишга мўлжалланган инвентарлар ва асбоб-ускуналар рўйхати;

капитал ва жорий таъмирлаш бўйича асосий ишлар рўйхати; ҳокимиятларнинг тегишли молия бошқармалари ва бўлимлари томонидан, юқори молия органлари билан келишилган ҳолда белгиланган ташкилотларга хабар бериладиган кўрсаткичлар ва шакллари рўйхати.

37. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари томонидан умумлаштирилган харажатларни ва алоҳида харажатлар сметаларини тасдиқланган бюджетга, шунингдек бюджетни тузиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши текшириб кўрилади.

Эътирозлар бўлмаган тақдирда, молия органи харажатлар умумлашмасининг биринчи бетида «Келишилган» деган белги қўяди ва муҳр билан тасдиқлаган ҳолда харажатлар умумлашмасининг бир нусхасини тегишли вазирлик, идора, ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимларига қайтаради.

Агарда харажатлар умумлашмаси бўйича эътирозлар бўлмаганда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари раҳбарларидан харажатлар умумлашмаси ва тегишинча алоҳида ташки-

лотларнинг харажатлар сметаларига тегишли тузатишлар киритишни ёзма талаб қиладилар.

38. Алоҳида ва умумий харажатлар сметаларининг бир нусхаси вазирликлар, идоралар, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимларида қатъий ҳисоб ҳужжатлари тариқасида сақланади.

39. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари текширилган умумлаштирилган харажатлар сметалари асосида, бюджетда кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун асос бўлиб ҳисобланадиган чоракларга (ойларга) бўлинган тегишли бюджет харажатлари йиллик ёйилмасини тузадилар.

#### 4-§. Штатлар жадвалини тузиш

40. Штатлар жадвали режалаштирилаётган йилнинг 1 январь ҳолатига ҳар бир ташкилот бўйича алоҳида ҳолда, уларнинг тузилмавий бўлинмалари кесимида мазкур ташкилот учун ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ равишда, ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

Штатлар жадвалига киритиладиган лавозимлар номлари ва маъмурий-бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва ёрдамчи (хизмат кўрсатувчи ва техник) ходимларининг сони, ходимлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича уларнинг разрядлари (базавий ставкалари) қуйидагиларга мувофиқ бўлиши шарт:

белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар жадвалида ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядларда (базавий ставкаларда) назарда тутилган лавозимларга;

ходимларнинг умумий бирликлари доирасига ва бошқарув хизматчиларининг ходимлар бирликларига;

ташкилотлар турлари бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар жадвалларига;

давлат бошқарув органларида ходимлар тоифаларининг меъёрий нисбатларини Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимларининг номенклатураси (рўйхат рақами 1288, 2003 йил 9 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон) билан мувофиқлигига.

41. Тарификация рўйхатига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўланиши ҳисоб-китоб қилинадиган лавозимлар штатлар жадвалига ставкалар сони, лавозимларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича (ўқитувчилар, тарбиячилар, врачлар, ўрта тиббий ходимлар ва бошқалар), тўловларнинг турлари бўйича (педагогларга дафтар текширишга, синф раҳбарлигига, махсус унвон учун ва бошқалар) ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасини кўрсатган ҳолда ва тарификация рўйхатини штатлар жадвалига илова қилган ҳолда киритилади.

42. Штатлар жадвалида, шунингдек, яқун бўйича алоҳида қаторда меҳнатга ҳақ тўлаш шартларида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ва йил бўйича ҳисоб-китоблар натижасида устамалар тўлашга, қўшимчалар ва ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилладиган маблағлар кўрсатилади, масалан:

меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига нисбатан 15 фоиз миқдорда шаклландиган Бюджет ташкилотлари ва муассасаларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси (тиббийёт муассасалари ва барча тилдаги умумтаълим мактаблари бундан мустасно);

узоқ йиллик меҳнати учун бир марталик рағбатлантиришни тўлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, мукофотлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси;

меҳнат таъгилидаги шахсларнинг ўрнини босувчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси;

умумтаълим муассасалари, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг директор жамғармаси ва бошқалар.

#### III. Вақтинчалик харажатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

43. Ташкилотлар вақтинчалик харажатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ойлари кесимида биринчи чоракдан ошмаган давр учун амалга оширилади. Бунда, ҳар ойлик харажатлар, қоида тариқасида, молия йилининг бошланишида амалга оширилиши режалаштирилмайдиган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда, ўтган молия йилининг охириги чораги бюджет маблағларининг учдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги шарт.

44. Вақтинчалик харажатлар сметасида ўтган молия йилида амалга оширилмаган бюджет харажатлари кўзда тутилмайди.

45. Вақтинчалик харажатлар сметаси харажатлар сметаси тасдиқлангунга қадар амалда бўлади, бунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасидаги биринчи чорак учун харажатлар суммаси ташкилотларнинг вақтинчалик харажатлар сметасида кўзда тутилган харажатлар суммасидан кам бўлиши мумкин эмас.

#### IV. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

46. Ташкилотлар ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметани ҳар йили тузадилар ва тасдиқлайдилар. Бунда, ташкилотлар бюджетдан ташқари маблағлар тушумларини ва харажатларини режалаштиришни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширадилар.



47. Ташкилотлар қуйидаги бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузадилар:

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси;

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси;

таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар;

қонунчиликда белгиланган бошқа барча бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича, Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси ва Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бундан мустасно, сметалар тегишли молия органларида харажатлар сметаси учун белгиланган муддатларда ва тартибда рўйхатдан ўтказилади.

48. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузиш, куриб чиқиш ва тасдиқлаш ташкилотларнинг харажатлар сметаси учун мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметада бюджетдан ташқари маблағлар тушумларининг ҳажми ва ушбу маблағлардан фойдаланиш йўналишлари қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларнинг даромад қисмига бюджетдан ташқари маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ барча шаклланиш манбалари бўйича кутилаётган маблағлар тушуми ва молия йилининг бошига маблағлар қолдиғи киритилади.

Қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар ҳисобидан ходимлар бирликлари сақланган ҳолларда, сметага мазкур Низомнинг III бобида кўрсатилган тартибда тузилган штатлар жадвали илова қилинади. Бунда, рўйхатдан ўтказиладиган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета билан бирга штатлар жадвали ҳам рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинади.

## **V. Ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ва ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказиш**

### **1-§. Умумий қоидалар**

49. Ташкилотларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвали, шунингдек амалдаги харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар улар молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

50. Ташкилотларнинг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур ташкилотни молиялаштириш амалга ошириладиган тегишли бюджетнинг параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб қирқ кундан кечиктирмай (аммо, молия йилининг 10 февралидан кечикмаган ҳолда) тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Молия органларининг раҳбарлари, қарамоғида қуйи ташкилотлари бор бўлган юқори ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда, ҳар бир ташкилотни рўйхатдан ўтказиш муддатларини белгиланган муддатда рўйхатга олишни бутунлай тугатишни ҳисобга олган ҳолда белгилайдилар.

51. Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета ва вақтинчалик харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиш қуйидагича амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети тасарруфидаги ташкилотлар — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети тасарруфидаги ташкилотлар — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларида;

шаҳарлар ва туманлар бюджети тасарруфидаги ташкилотлар — шаҳарлар ва туманлар молия бўлимларида.

Молия органлари смета ва штатлар жадвали рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган ташкилотлар ҳисобини юритишлари шарт.

## **2-§. Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш**

52. Ташкилотларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметалари ва штатлар жадвали рўйхатдан ўтказиш учун юқори ташкилот томонидан тегишли молия органига тақдим этилади.

53. Харажатлар сметаси умумий тарзда тасдиқланган харажатлар бўйича қуйидаги харажатлар гуруҳига ажратган ҳолда рўйхатдан ўтказилади:

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган гуловлар;

иш берувчиларнинг ажратмалари;

бошқа харажатлар.

Тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) ва қурилишларнинг титул рўйхати асосида тузилган капитал қурилиш объектлари бўйича харажатлар сметаси мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича капитал қурилишининг буюртмачилари раҳбарлари ва бош ҳисобчилари томонидан тасдиқланган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади. Манзилли ва титул рўйхатига киритилган аниқликлар асосида капитал қурилиш объектлари бўйича харажатлар сметасига мазкур Низомга асосан ўзгартиришлар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари захира жамғармалари, шунингдек, молия йили бошидаги мавжуд

эркин қолдиқлар ва тегишли бюджетлар ижроси бўйича қўшимча олинган даромадлар ҳисобидан ташкилотлар харажатларини молиялаштириш (тўлаш) мазкур Низом талабларига мувофиқ тузилган ва тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

54. Ташкилотларнинг штатлар жадвали штатларни тасдиқлаш ҳуқуқи берилган раҳбар томонидан тасдиқланиб, мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилдиган мудофаа ва хавфсизлик вазирликлари ва идоралари штатлар жадвали ҳар бир тузилмавий бўлинмалари бўйича мазкур мудофаа ва хавфсизлик вазирликлари ва идораларининг ўзлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган умумий штат бирликлари доирасида рўйхатдан ўтказилади.

55. Намунавий штатлар жадвали белгиланган ташкилотларнинг штатлар жадвали намунавий штатлар жадвалига мувофиқ ҳамда харажатлар сметасида кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади.

Агарда, ташкилотлардаги иш ҳажмига кўра намунавий штатлар жадвали қўлланилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, ўзлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида штатлар жадвалини тасдиқлаш ҳуқуқи берилган раҳбарлар томонидан тасдиқланган штатлар жадвали рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади.

56. Ташкилотлар ходимларининг лавозим бўйича маошлари ва тариф ставкалари қонунчиликка мувофиқ белгиланади ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметасида кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида қабул қилинади.

57. Ташкилотлар ходимларининг лавозим бўйича маошлари ва тариф ставкаларида олдинги рўйхатдан ўтказилганларига нисбатан ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш ҳақидаги фармонларига мувофиқ, шунингдек белгиланган тартибда ходимларнинг навбатдаги аттестациясини ўтказиш вақтида бюджет ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида киритилиши мумкин. Мазкур ҳолларда штатлар жадвали рўйхатдан ўтказилмайди. Бошқа барча ҳолларда штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритилиши тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

58. Иш ҳақи миқдори тарификация бўйича белгиланадиган, яъни, аттестация натижалари бўйича берилдиган тегишли малака тоифаси мавжудлигига, иш вақтининг ҳақиқий ҳажмига ва бошқаларга кўра белгиланадиган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси штатлар жадвалида кўрсатилади ва у раҳбар, бош ҳисобчи (ҳисобчи) томонидан имзоланадиган тарификация рўйхатидаги меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига мувофиқ бўлиши лозим.

59. Ташкилотларнинг штатлар жадвали йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 15 фоизи миқдоридаги Бюджет ташкилотлари ва муас-

сасалари ходимларининг моддий рағбатлантириш махсус жамғармасини қўшган ҳолда, агарда қонунчиликда алоҳида ташкилотларга бошқача миқдорлар белгиланмаган бўлса, рўйхатга олиш учун қабул қилинади.

60. Харажатлар сметаси ушбу харажатлар сметасида тасдиқланган барча гуруҳлар бўйича харажатларни харажатлар ёйилмасига ва уларнинг ҳисоб-китобларига тўлиқ мос келишини текширган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади.

### **3-§. Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалининг тасдиқланиши ҳамда рўйхатдан ўтказишнинг расмийлаштирилишини тўғрилигини текшириш**

61. Юқори ташкилот молия органига харажатлар гуруҳлари бўйича харажатлар йиғма сметасини, харажатларнинг тўлиқ ёйилмасини ва харажатлар сметасига ҳисоб-китобларни илова қилган ҳолда, шунингдек қарамоғидаги барча ташкилотлар бўйича эса, рўйхатдан ўтказиш учун куйидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этади:

Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг таснифига мувофиқ харажатлар гуруҳлари бўйича харажатлар ёйилмасини илова қилган ҳолда харажатлар сметасини;

харажатлар сметасининг барча моддалари бўйича ҳисоб-китобларни; бюджет ҳисобидан сақланувчи лавозим ва тариф ставкалари бўйича штатлар жадвалини.

Ўзининг таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмаларга эга бўлган ташкилотлар уларнинг рўйхатини жойлашган жойи, ходимлар сонини тасдиқланган штат ходимлари миқдоридан чиқмаган ҳолда тақдим этади.

62. Юқори ташкилот томонидан тақдим этилган харажатлар сметаларини ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш пайтида молия органлари куйидагиларни текшириши лозим:

бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлови учун харажатлар сметаси бўйича тасдиқланган суммаларининг штатлар жадвали (бунда, харажатлар сметасидаги иш ҳақи жамғармаси, ходимлар тўлиқ тўлдирилмаганлиги туфайли меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси бўйича тежаб қолинган маблағлар суммасига штатлар жадвалидагидан кам миқдорда тасдиқланиши мумкинлигини кўзда тутиш лозим) бўйича тасдиқланган иш ҳақи суммаларига мувофиқлиги;

рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган штатлар жадвалини белгиланган намунавий штатлар жадвали ва штатлар нормативларига мувофиқлиги;

штатлар жадвалида белгиланган лавозимлар бўйича маошлар ҳамда уларга қўшимчаларнинг тўғри белгиланганлиги;

Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасининг тўғри ташкил қилиниши;

умумтаълим, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг Директор жамғармаси тўғри ташкил қилиниши;

харажатлар сметаси бўйича тасдиқланган стипендиялар учун харажатлар суммасини харажатлар сметаси бўйича ҳисоб-китобларга мувофиқлиги; «Бошқа харажатлар» гуруҳи харажатлари суммасининг харажатлар сметасида тасдиқланган суммасига мувофиқлиги.

63. Ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш пайтида молия органлари ўз ваколатлари доирасида ортиқча штатларни йўқотишлари лозим. Аниқланган камчиликлар бартаф этилганидан кейингина рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш лозим.

64. Янгидан ташкил қилинаётган (жумладан, қайта ташкил этиш натижасида) ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш ушбу ташкилотларни белгиланган тартибда ташкил қилиниши тўғрисидаги тегишли қарор кўрсатилганидан сўнг амалга оширилади.

Янгидан ташкил қилинаётган маҳаллий тасарруфдаги ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур ташкилотларни белгиланган тартибда ташкил қилиниши тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилганидан сўнг амалга оширилади.

65. Ташкилотлар харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатга олиш мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Рўйхатдан ўтказиш карточкаси юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотларга берилди.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, бошқа ташкилотнинг тузилмавий бўлинмаси бўлган тузилмалар ўзлари қарашли бўлган ташкилотлар билан бирга битта рўйхатдан ўтказиш карточкаси бўйича рўйхатдан ўтказилади. Бунда, зарур ҳолларда рўйхатдан ўтказиш карточкасида штатлар бўйича кўрсаткичлар ташкилотлар ва уларнинг тузилмалари бўйича алоҳида берилди.

Ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвали рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳисобининг журналига киритилади.

Компьютер техникаси мавжуд бўлганда Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳисобининг журнали автоматлаштирилган тарзда юритилиши мумкин.

66. Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (рўйхатдан ўтказиш карточкалари, сметалар ва штатлар жадвали) қуйидаги тарзда: сметалар ва штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказиладиган ташкилотлар бўйича — молия вазирининг ўринбосари, соҳаларни молиялаштирувчи бошқарма ва бўлим бошлиқлари томонидан, ҳудудий молия органларида — молия органлари бошлиқлари (мудирлари) ёки уларнинг ўринбосарлари ҳамда молия органлари бюджет бўлимлари бошлиқлари томонидан имзоланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида турувчи халқ таълими муассасалари (ташкilotлари) бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ҳужжатлар молия органи бошлигининг (му-дирининг) уринбосари — халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи ва молия органи бюджет бўлимининг тегишли мутахас-сиси томонидан имзоланади.

67. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг чет элда-ги муассасаларини сақлаш бўйича тасдиқланган умумий харажатлар сме-таси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг соҳаларни молия-лаштирувчи тармоқ бошқармалари томонидан мазкур Низомнинг V боби 2-параграфига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ҳар бир чет элдаги муассасалари бўйича харажатлар сметаси чет элдаги муас-сасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига шаклланадиган консуллик йиғимларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ва молия вазири томонидан тасдиқланади.

68. Рўйхатдан ўтказиш карточкаси юқори ташкilot вакилига берилади.

69. Рўйхатдан ўтказилганлигини билдирувчи штамп қўйилган смета ва штатлар жадвали ҳар бир вазирлик ва идора учун қарамоғидаги қуйи таш-кilotлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг соҳа-ларни молиялаштирувчи тегишли бошқармаларида, худудий молия органларида алоҳида папкаларда сақланади.

70. Жорий йил учун рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига ва штатлар жадвалига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишни амалга оши-риш учун юқори ташкilot томонидан молия органларига мазкур Ни-зомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда, харажатлар сметасидаги ўзгари-ришлар рўйхати тақдим этилади.

Харажатлар сметасига киритилаётган ўзгартиришлар ташкilotларни сақлашга белгиланган маблағлар доирасида рўйхатдан ўтказишга қабул қилинади.

71. Ишлатилмай қолган жорий йилнинг ўтган ой (чорак) режадаги ажратилган маблағлар қолдиғи жорий йилнинг кейинги оyi (чорағи)га харажатлар сметасига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказилмасдан амалга оширилади.

Тасдиқланган харажатлар сметасида конвертация учун қўзда тутилган маблағлардан фойдаланиш тегишли молия органи рухсати билан мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда амалга оширилади. Бунда, олинган руҳеатнинг бир нусхаси юқори ташкilotга йўланади, иккинчи нусхаси эса, тегишли молия органида қолади.

72. Ташкilotлар бошқа шаҳар ёки тумандан белгиланган тартибда ўтказилган ҳолда юқори ташкilotлар раҳбарлари ўн кунлик муддатда янги жойлашган жойдаги молия органига аввал рўйхатдан ўтказилган смета, штатлар жадвали ва рўйхатдан ўтказиш карточкасини тақдим этиш-лари лозим.

Бир вақтнинг ўзида молия органи ташкилотларни сақлаш харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш бўйича маълумотларни олдинги рўйхатдан ўтказиш жойидаги молия органидан талаб қилади ҳамда мазкур маълумотлар олинганидан сўнг Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳисобининг журнаliga «ҳисобга қабул қилинди» деб ёзади. Бунда, рўйхатдан ўтказиш карточкаси тегишли ўзгартиришлар билан янгисига алмаштирилади.

Ташкилот бошқа жойга ўтказилганлиги тўғрисида ҳам молия органи Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳисобининг журнаliga тегишли ёзувни ёзади.

73. Ташкилотлар раҳбарларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича аризалари мазкур ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилган ҳудудий молия органининг раҳбари томонидан ўн кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказган ҳудудий молия органининг қарори бўйича норозилик тўғрисидаги аризалар юқори молия органида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари қарори бўйича норозилик тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.

#### **4-§. Ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича сметаларини рўйхатдан ўтказиш**

74. Ташкилотларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган бюджетдан ташқари маблағлар (Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси ва Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бундан мустасно) бўйича сметалари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақланадиган ходимларнинг штат бирликлари бўйича штатлар жадвали тегишли молия органларига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинади.

Ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича сметаларини рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш тартиби мазкур Низомда харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

75. Ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалари алоҳида рўйхатдан ўтказиш карточкаларини бериш йўли билан расмийлаштирилади. Ҳаётдан ўтказиш карточкаси юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотларга берилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, бошқа ташкилотнинг тузилмавий бўлинмаси бўлган тузилмалар шу ташкилот билан бирга битта рўйхатдан ўтказиш карточкаси бўйича рўйхатдан ўтказилади.

## VI. Назорат ва жавобгарлик

76. Бюджет интизомига риоя қилинишини назорат этилишини таъминлаш мақсадида, харажатлар сметаси ва штатлар жадвали рўйхатдан ўтказилгандан сўнг бир ҳафталик муддатда бюджетдан молиялаштириладиган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари томонидан вазирликлар ва идораларда, шунингдек уларга бўйсунувчи ташкилотларда бюджет интизомига риоя этилишини таъминловчи буйруқлар чиқарилади. Буйруқларда қуйидагилар тартибга солинади:

бюджет интизомига риоя қилиш, харажатларни тасдиқланган маблағлар доирасида амалга ошириш;

бўйсунувчи ташкилотлар раҳбарларининг қуйидагилар бўйича мажбуриятлари:

бюджет интизомига риоя қилиниши назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

бюджетга келтирилган зарарни қоплаш бўйича чораларни қўллаш;

бюджет интизоimini бузган шахсларни жавобгарликка тортиш.

77. Коммунал хизматлари (иссиқлик ва электр энергияси, газ, иссиқ ва совуқ сув, канализация) бўйича ташкилотлар учун белгиланган пул ва натурадаги лимитларга риоя қилишни таъминлаш мақсадида буйруқларда, шунингдек қуйидагиларга жавобгар бўлган мансабдор шахслар кўрсатилади:

коммунал хизматлар истеъмол қилиш лимитларини тасарруфларидаги ташкилотларга етказиш;

белгиланган лимитлар доирасида коммунал хизматлар таъминотчилари билан шартномалар тузишни таъминлаш;

коммунал хизматлар истеъмоли ҳисобини ўлчагич асбобларини ўрнатиш ва уларнинг ишлаши устидан назорат ўрнатиш;

белгиланган лимитлардан оргиқча харажатга йўл қўйган қуйи ташкилотларнинг бош ҳисобчилари ва раҳбарларини жавобгарликка тортиш юзасидан чоралар кўриш;

коммунал хизматлар таъминотчиларини, шартномаларда кўрсатилган ҳажмлардан ва маблағлардан ортиқча хизмат кўрсатаётган хизматлар учун ҳақ тўланмаслиги тўғрисида огоҳлантириш;

кўрсатилган буйруқларни бажариш.

78. Буйруқ чиқарилгандан сўнг уч кун муддат ичида унинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

79. Буйруқлар билан қуйидагилар бир ҳафталик муддат ичида имзо қўйдириб таништириладилар:

бюджетдан молиялаштириладиган вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ўринбосарлари;

ушбу вазирликлар ва идораларнинг режа-иқтисод хизматлари ходимлари;

бюджет маблағларининг сарфланишига масъул бўлган бошқа ходимлар; қуйи ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари.



80. Ҳар йили биринчи чорақда молия органлари барча ташкилотларининг харажатлар сметаси (бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета ва вақтинчалик харажатлар сметаси)ни тузилиши, тасдиқланишининг тўғрилигини ва ўз вақтида етказилишини текширишдан ўтказиши, ҳудудий молия органлари томонидан мазкур ишларни ўз вақтида ва сифатли олиб борилганлигини тизимли назорат қилиши, текширувларни ташкиллаштиришда ва ўтказишда уларга зарур ёрдамларни кўрсатиши лозим. Текшириш тасдиқланган дастурга мувофиқ амалга оширилади.

81. Кўрсатилган текширишларни ўтказишда қуйидагилар зарур:

смета-молия ҳужжатларини, бунда бюджет маблағларидан қонунчиликка ва бюджет маблағларини тежамли йўналтирилишига қатъий риоя этилишига эришган ҳолда, чуқур таҳлил қилишни ва ҳар томонлама ўрганишни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимиятларнинг тегишли бошқармалари ва бўлимларида харажатлар сметасини кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ўз вақтида ташкилотларга етказиш бўйича ишларни тўғри ташкиллаштиришга эришиш;

даромадларнинг тўлиқ ҳисоби, пул маблағларининг ўтувчи қолдиқлари, бу маблағлардан тежамли ва самарали фойдаланишни инобатга олган ҳолда, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасининг тузилишининг қонунийлиги ва режалаштиришнинг асосланганлигини эътиборга олиш;

сметани режалаштиришда аниқланган камчиликларни бартараф этишда тезкор ҳолда чора-тадбирларни қўллаш, смета харажатлари бўйича аниқланган ортиқча ажратилган маблағлар суммасини бу ҳақда ташкилот раҳбарига хабар берган ҳолда ўз вақтида бюджетдан молиялаштириш миқдорини қисқартириш.

82. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, ҳокимиятнинг бошқармалари ва бўлимларида сметани режалаштириш ҳолатини текшириш натижалари бўйича зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, тегишли ҳокимиятларга ахборот берилиши, қойда бузилишларни йўқотиш бўйича таклифлар берилиши ва аниқланган ортиқча ажратилган маблағлар суммасини харажатлар сметаси бўйича тайинлашни камайтирилиши мумкин.

Ташкилотларнинг смета харажатларининг тўғри тузилиши, тасдиқланиши ва ўз вақтида етказилиши бўйича текшириш натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органларида мунтазам умумлаштиради ва кўриб чиқилади ҳамда ушбу ишларни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинади.

83. Ташкилотларнинг смета ижроси бевосита ушбу ташкилот раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Бюджет маблағларидан тасдиқланмаган харажатлар сметаси, харажатлар сметасида кўзда тутилмаган тадбирлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметада ёки умум-

лашган смета ва алоҳида харажатлар сметасида тайинланганидан ортиқ суммаларда харажат қилиш тақиқланади.

84. Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, улар тасарруфидаги ташкилотлар бюджет маблағлари харажатлари ҳисоби ва ҳисоботи-ни юртишининг белгиланган тартиби, бюджет интизомига риоя этилишига шахсан жавобгардирлар.

Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган харажатлар сметасига ҳисоб-китобларда кўрсатилган ташкилотларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (майдони, ҳажми, сарфланаётган коммунал хизматлари бўйича табиий кўрсаткичлар ҳажми ҳамда улар бўйича харажатларнинг тасдиқланган харажатлар сметасига ва паспорт маълумотига, шартномалар ва бошқаларга мослиги)нинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари, молия-иқтисод бўлими бошлиги (штатлар жадвалига мувофиқ молия-иқтисод масалалари бўйича мутахассис) шахсан жавоб берадилар.

Молия органларининг жавобгар ходимлари ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвали рўйхатдан тўғри ўтказилганлиги учун жавобгар бўладилар.

85. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси  
ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
I-ИЛОВА

М.Х. Саидов

Олий таълим тизимида молиявий бошқарув

Олий таълим тизимида молиявий бошқарув

М.Х. Саидов

\_\_\_\_\_ йил учун рўйхатдан ўтказилди  
\_\_\_\_\_ да  
\_\_\_\_\_ -сон рўйхатдан ўтказиш карточкаси  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_  
Йилдан \_\_\_\_\_  
(нмзо)  
\_\_\_\_\_  
(нмзо)

\_\_\_\_\_ минг сўм миқдорига  
(сумма ёзув ва рақам билан)  
тасдиқланган;  
жумладан иш ҳақи \_\_\_\_\_ минг сўм.  
(сумма ёзув ва рақам билан)  
Бюджет маблағларини бош тақсимловчи  
(нмзо)  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йил

304

\_\_\_\_\_ ЙИЛ УЧУН ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

Ташкилотнинг тўлиқ номи \_\_\_\_\_  
Тўлиқ манзили \_\_\_\_\_  
Индивидуал (умумий) \_\_\_\_\_  
Бюджет даражаси \_\_\_\_\_  
Бўлим \_\_\_\_\_  
Кичик бўлим \_\_\_\_\_  
Боб \_\_\_\_\_  
Ўлчов бирлиги \_\_\_\_\_

Илова давоми

Моддалар номи	Тоифа	Модда ва қичик модда	Элемент	йил		йил											
				қириндиган ўзгаришлар билан таъинланган	таъинланган бўлган ҳисобланган	тасдиқланган											
						ҳақимия	шу жумладан, чораклар бўйича										
I чорак бўйича жами	жумладан, ойлар бўйича			II чорак бўйича жами	жумладан, ойлар бўйича			III чорак бўйича жами	жумладан, ойлар бўйича			IV чорак бўйича жами	жумладан, ойлар бўйича				
	январь	февраль	март		апрель	май	июнь		июль	август	сентябрь		октябрь	ноябрь	декабрь		
I гуруҳ харажатлар – иш ҳақи ва ушб. ташкилотнинг ўлчовлар																	
II гуруҳ харажатлари бўйича жами																	
III гуруҳ харажатлари – иш берувчининг ажратмалари																	
IV гуруҳ харажатлари – бошқа харажатлар																	
Бошқа харажатлар																	
Жами:																	
Харажатлар қолдонили:																	
бюджет маблағлари ҳисобидан																	
ота-оналар (МТМ учун) маблағлари ҳисобидан																	
Бундан ташқари харажатлар ташкилотларнинг даромадларидан (театр томошалари, танловий ахборот воситалари ва бошқалар) қопланади																	

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_ Молия-иқтисод бўлими бошлиғи \_\_\_\_\_  
Бонг ҳисобчи \_\_\_\_\_  
М.У.

305



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ йил учун рўйхатга олинди  
\_\_\_\_\_ да  
Рўйхатдан ўтказиш карточка  
рақами \_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ йилдан.  
\_\_\_\_\_  
(шарҳ)  
\_\_\_\_\_

Тасдиқлайман

1. Маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар штат миқдори \_\_\_\_\_ бирлик
2. Йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси \_\_\_\_\_ сум

Штат жадвалини тасдиқлаган масъул шахнинг имзоси

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ йил.

Мухр

## ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ

\_\_\_\_\_ йил учун

(бюджет ташкилотининг тўлиқ номланishi)

(тизим а жириуви юзери ташкилотининг тўлиқ номи)

Таркибий бўлимларнинг номланishi ва лавозимлар номи	Штат бирлик-лари соми	ЯТС буйича разряди	Тариф коэфф.	Лавозим окладин (сумда)	Устама ва қўшимчалар (сумда)			Ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси (сумда)	Изоҳ
Маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар штат жадвали келтирилган									
Маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларнинг бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси буйича жами		x	x	x	x	x	x		
Шунинг ўзи бир йилда	x	x	x	x	x	x	x		
Шунинг ўзи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўйиш жойлари буйича тежалгanning хисоби билан	x	x	x	x	x	x	x		
Тарификация буйича ходимларнинг (педагог, тиббиёт ва бошқа) бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси	x	x	x	x	x	x	x		
Шунинг ўзи бир йилда	x	x	x	x	x	x	x		
Йилга соатбай меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси	x	x	x	x	x	x	x		
Ходимларнинг таътил даврида, кечки, навбатчилик ва байрам вақтларида ўрин алмашиш учун йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси	x	x	x	x	x	x	x		
Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси, йиллик	x	x	x	x	x	x	x		
Таълим муассасаларининг Директор жамғармаси, йиллик	x	x	x	x	x	x	x		
Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари тўлов, йиллик	x	x	x	x	x	x	x		
Жами йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси	x	x	x	x	x	x	x		

Бош ҳисобчи (ҳисобчи) \_\_\_\_\_

(шарҳ)

М.Х. Саидов

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ йил учун рўйхатдан ўтказилди  
\_\_\_\_\_ да  
\_\_\_\_\_ -сон рўйхатдан ўтказиш карточкаси  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдан

(имзо) \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ минг сўм миқдорига тасдиқланган  
(сумма ёзув ва рақам билан)  
жумладан, иш ҳақи \_\_\_\_\_ минг сўм  
(сумма ёзув ва рақам билан)  
Маблағларини бош тақсимловчи  
\_\_\_\_\_  
(имзо)  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

\_\_\_\_\_ ЙИЛ УЧУН БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР БЎЙИЧА  
ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

Ташкилотнинг тўлик номи \_\_\_\_\_  
Тўлик манзили \_\_\_\_\_  
Индивидуал (умумий)  
Бюджет даражаси \_\_\_\_\_  
Бўлим \_\_\_\_\_  
Кичик бўлим \_\_\_\_\_  
Боб \_\_\_\_\_  
Ўлчов бирлиги \_\_\_\_\_

Даромадлар номи ёки тушумлар тури*	_____ йил учун тушумлар	_____ йил				
		жами	тасдиқланган			
			жумладан, чораклар бўйича			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	
_____ январь ҳолатига қолдиқ						
Жами даромадлар						
жумладан:						
.....						
.....						
.....						
Қолдиқни ҳисобга олган ҳолда жами даромадлар						

Давоми

Харажатлар моддалари номи	Тоифа	Модда ва кичик модда	Элемент	___ йил учун ҳақиқий харажатлар	йил				
					жами	тасдиқланган жумладан, чораклар бўйича			
						I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
<b>I гуруҳ харажатлари — иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар</b>									
...									
<b>I гуруҳ харажатлари бўйича жами</b>									
<b>II гуруҳ харажатлари — иш берувчиларнинг ажратмалари</b>									
<b>II гуруҳ харажатлари бўйича жами</b>									
<b>IV гуруҳ харажатлари — бошқа харажатлар (иловага мувофиқ)</b>									
Бошқа даромадлар жами									
<b>Жами:</b>									

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_ Молия-иқтисод бўлими бошлиғи \_\_\_\_\_  
(имзо) (имзо)Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо)

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва  
харажатлар сметасига  
ИЛОВА

**БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР БҮЙИЧА «БОШҚА  
ХАРАЖАТЛАР» БҮЙИЧА IV ГУРУҲ ХАРАЖАТЛАРИ ЁЙИЛМАСИ**

Харажатлар моддалари номи	Тоифа	Модда ва кичик модда	Элемент	Тасдиқланган				
				жами	жумладан:			
					I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
<b>IV гуруҳ харажатлари — бошқа харажатлар</b>								
Бошқа харажатлар — жами								
<b>жумладан:</b>								
...								

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_ Молия-иқтисод бўлими бошлиғи \_\_\_\_\_  
(имзо) (имзо)Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо)

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг  
харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш,  
тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

<b>Рўйхатга олинган</b>	
20	йил « _____ » _____
(молия органининг номи)	
1.	_____
(молия органи раҳбари имзоси)	
2.	_____

\_\_\_\_\_ - сон рўйхатдан ўтказиш карточкаси

1. Ташкилотнинг тўлиқ номи \_\_\_\_\_
2. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли \_\_\_\_\_  
(бюджет, нобюджет)
3. Ташкилот манзили ва телефон рақами \_\_\_\_\_
4. Бевосита қайси ташкилотга қарашли \_\_\_\_\_
5. Қайси вазирлик, идора тизимига киради \_\_\_\_\_
6. Банк ва ҳисобварақ номи \_\_\_\_\_
7. Фазначилик бўлимидаги шахсий ҳисобварақ рақами \_\_\_\_\_
8. Ташкилот СТИРи \_\_\_\_\_
9. Ташкилотни сақлаб туриш харажатлар сметаси \_\_\_\_\_ сўм  
миқдоридан рўйхатдан ўтказилди (сумма ёзув ва рақам билан)

Жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси \_\_\_\_\_  
(сумма ёзув ва рақам билан)

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо)

Молия-иқтисод бўлими бошлиғи \_\_\_\_\_  
(имзо)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо)

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

**Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар  
жадвали ҳисобининг  
ЖУРНАЛИ**

Т/р	Рўйхатдан ўтказиш санаси	Смета ва штатлар буйича рўйхатдан ўтказиш қаргочкалари рақами	Ташкилот, юқори ташкилотнинг тўлиқ номла-ниши	Депозит ёки шахсий ҳисоб-варақ рақами	Минг сўмда рўйхатдан ўтказилди				Изоҳ
					смета буйича жами харажатлар суммаси	жами иш хақи буйича	иш берув-чининг ажрат-малари	бошқа хара-жатлар	

Изоҳ: жорий йилда ташкил қилинган барча янги ташкилотлар жур-налнинг алоҳида бетида рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штаатлар жадаллини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоьмга 7-ИЛОВА

«\_\_» \_\_\_\_\_ йил учун рўйхатдан ўтказилган  
 «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдан,  
 (таълим ташкилоти nomi)  
 «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдан,  
 (таълим ташкилоти nomi)  
 \_\_\_\_\_  
 (таълим ташкилоти nomi)

Харажатлар сметасига ўзгартиришлар рўйхати

(таълим ташкилоти nomi)

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2008 й., 42-сон, 424-модда)*

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2008 йил 13 октябрда 1865-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди]**

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ буюраман:

1. Илова қилинаётган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг ойлик, чорақлик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар» тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 13-сон буйруғи (2001 йил 13 февраль, рўйхат рақами 1005 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 3—4-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 2 сентябрь,  
91-сон

Молия вазирининг 2008 йил 2 сентябрдаги 91-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан  
таъминланадиган ташкилотларнинг ойлик, чораклик ва йиллик  
бухгалтерия ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда  
тақдим қилиш бўйича  
ҚОИДАЛАР**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, барча бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар (кейинчалик — ташкилотлар)да ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартибини белгилайди.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Ташкилотлар томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибга мувофиқ юритилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан турадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларига услубий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ўз тизимидаги ташкилотларда фаолият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг умумий қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисида белгиланган тартибда меъёрий ҳужжатлар чиқаришлари мумкин.

3. Ташкилотлар ушбу Қоида талабларига мувофиқ, бюджет ва бюджетдан ташқари харажатлар сметаси ижроси бўйича ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини (кейинги ўринларда — бухгалтерия ҳисоботлари деб юритилади) тузадилар ва топширадилар.

Йиллик бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январь ҳолатига тузилади. Чораклик бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига, ойлик бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобот ойдан кейинги ойнинг биринчи санаси ҳолатига тузилади. Йиллик ва чораклик бухгалтерия ҳисоботлари касса ва ҳақиқий харажатлар бўйича, ойлик ҳисоботлар эса, касса харажатлари бўйича тузилади.

Ташкилотлар сет, штат ва контингентлар режаларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклларга ва тартибга мувофиқ тузиб топширадилар.

4. Бухгалтерия ҳисоботларининг намунавий шакллари ва кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Тегишли техник воситалар мавжуд бўлган ҳолларда бухгалтерия ҳисоботлари шакллари машина ўқийдиган ахборот ташувчиларда тузишга йўл қўйилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган шаклларга мувофиқ бўлишига риоя қилиниши лозим. Молия вазирлиги билан келишилмаган ҳолда бухгалтерия ҳисоботлари шаклларига ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди (дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот бундан мустасно).

5. Ташкилотлар томонидан топшириладиган йиллик бухгалтерия ҳисоботлари таркибига қўйиладигилар кирради:

Баланс (1-шакл) (мазкур Қоидаларнинг 1-илоvasи);

Смета харажатларининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл) (мазкур Қоидаларнинг 2-илоvasи);

Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар тўғрисида ҳисобот (2-РЖ шакл) (мазкур Қоидаларнинг 3-илоvasи);

Тиббиёт муассасасини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар тўғрисида ҳисобот (2-ТММРРЖ шакл) (фақат тиббиёт муассасалари учун) (мазкур Қоидаларнинг 4-илоvasи);

Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси тўғрисида ҳисобот (2-ТК шакл) (мазкур Қоидаларнинг 5-илоvasи);

Бошқа махсус маблағлар жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар ижроси тўғрисида ҳисобот (2-БММЖ шакл) (мазкур Қоидаларнинг 6-илоvasи);

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг ҳисобланиши ва тўланиши тўғрисида ҳисобот (3-ВМҚН шакл) (мазкур Қоидаларнинг 7-илоvasи);

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот (мазкур Қоидаларнинг 8-илоvasи);

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (5-шакл) (мазкур Қоидаларнинг 9-илоvasи);

Материал захиралар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (6-шакл) (мазкур Қоидаларнинг 10-илоvasи);

Бюджет ташкилотларида пул маблағлари ҳамда моддий бойликларнинг камомади ва ўғирланиши тўғрисидаги ҳисобот (15-шакл) (мазкур Қоидаларнинг 11-илоvasи).

Ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда молия органларига 2-шакл — «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»ни тақдим қиладилар.

6. Ташкилотлар томонидан топшириладиган чораклик бухгалтерия ҳисоботлари таркибига қуйидагилар киради:

Баланс (1-шакл);

Смета харажатларининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл);

Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар тўғрисида ҳисобот (2-РЖ шакл);

Тиббиёт муассасасини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар тўғрисида ҳисобот (2-ТММРРЖ шакл) (фақат тиббиёт муассасалари учун);

Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси тўғрисида ҳисобот (2-ТК шакл);

Бошқа махсус маблағлар жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар ижроси тўғрисида ҳисобот (2-БММЖ шакл);

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг ҳисобланиши ва тўланиши тўғрисида ҳисобот (3-ВМКН шакл);

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот.

7. Йиллик ва чораклик бухгалтерия ҳисоботларига тушунтириш хати илова қилинади. Ушбу тушунтириш хатида бюджет ва бюджетдан ташқари харажатлар сметаси ижроси жараёнида вужудга келган асосий омиллар, жумладан, бюджетдан ажратилган маблағлар (агарда иқтисод қилинган бўлса) иқтисод қилинишининг сабаблари (таҳлиллари), дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг вужудга келиш сабаблари ва даври, агарда муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилган бўлса, ундириш бўйича қўрилган чоралар ва бухгалтерия ҳисоботлари билан бонглиқ бўлган бошқа тушунтиришлар келтирилади. Бундан ташқари, ҳисобот йилининг биринчи чораги бўйича тушунтириш хатида асосий воситалар ва бошқа активларни (жумладан, тугалланмаган қурилиш ва ўрнатиладиган ускуналарни) қайта баҳолаш бўйича ахборотлар очиб берилади.

Тушунтириш хати ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс), ташкилот бош ҳисобчиси ёки унинг ўринбосари (иккинчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс) ҳамда молия-иқтисод бўлими бошлиғи (штатлар жадвалига мувофиқ ҳолда режа-иқтисод бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ва ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

Ҳудудий молия органларининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари томонидан хизмат кўрсатиладиган халқ таълими муассасаларининг (юридик шахс мақоми берилмаганлари бўйича) тушунтириш хати мазкур молия органининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи (ёки бош иқтисодчи — халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари), бош ҳисобчи — халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари (ёки мактабгача болалар муассасалари ва бошқа муассасаларнинг молиявий-ҳисоб операциялари сектори мудирини) ҳамда



бош иқтисодчи — халқ таълими муассасаларини молилаштириш бўлими бошлигининг ўринбосари (ёки харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш бўйича сектор мудирини) томонидан имзоланади ва тегишли молия органининг муҳри билан тасдиқланади.

8. Ташкилотлар томонидан топширилаётган смета ижроси ҳақида ойлик ҳисобот (1-ОХ шакли) мазкур Қоидаларнинг 12-иловасига мувофиқ тузилади.

9. Бюджет ташкилоти бўлмаган, аммо бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (тегишли молия органларига) ҳар ойда смета ижроси ҳақида ойлик ҳисобот (1-ОХ шакли)ни ҳамда чорак учун смета харажатларининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл)ни мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ ҳолда тақдим қиладилар.

10. Ташкилотлар ва уларнинг бухгалтерия хизматлари раҳбарлари, марказлаштирилган ҳисобхоналарнинг бош ҳисобчилари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг тулиқ ва ҳақиқийлиги, Ўз тизимига қарашли ташкилотларда даромадлар ва харажатлар сметасининг ижро этилишини назорат қилишга раҳбарлик қиладилар ҳамда бунинг учун жавобгар бўладилар.

11. Ташкилотларни йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, агар қонунчиликда бошқаси кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралари, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари), бошқа юқори турувчи бошқарув идоралари томонидан амалга оширилади.

Ўрнатилган шакллар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тузиш учун ваколатли идоралар томонидан тасдиқланган бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини тайёрлаш (соғиб олиш) тегишли моддий-техника базаси мавжуд бўлган ҳолларда ташкилотлар томонидан мустақил амалга оширилиши мумкин.

12. Бухгалтерия ҳисоботи шаклларидаги барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Ташкилотларда тегишли активлар, пассивлар ва операцияларнинг мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устидан чизиб қўйилади.

13. Бухгалтерия ҳисоботи шакллари (жамланма ҳисоботлардан ташқари) «Бош-журнал» китоби (308-шакл) ва бошқа ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тузилади.

14. Бухгалтерия ҳисоботлари шакллариининг манзил (уст) қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

а) «ташкilot номи» реквизитида ташкilotнинг тулиқ номи кўрсатилади;

б) «бўлим, боб, параграф» реквизитида ташкilotнинг Давлат бюджетини харажатлар таснифининг ташкилий ва вазифавий жиҳатдан бўлиниши (белгиланиши) келтирилади;

в) «даврийлик (ҳисобот даври)» реквизитида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак, ой) кўрсатилади;

г) «вазирлик» реквизитида ташкилотнинг вазирлиги ёки юқори ташкилотининг номи кўрсатилади;

д) «бюджет тури» реквизитида ташкилот томонидан ҳисобот берилаётган маблагнинг манбаси (бюджет тури — Республика, Қорақалпоғистон Республикаси ёки маҳаллий бюджет номлари) келтирилади;

е) «ўлчов бирлиги» реквизитида ҳисобот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади. Ташкилотлар бухгалтерия ҳисоботларини минг сўмда туздилар, ушбу Қоидада назарда тутилган ҳолатлар бундан мўстасно.

## **II боб. Бухгалтерия ҳисоботларини тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартиби**

15. Бўйсунуш бўйича юқори турувчи ташкилотга тақдим этиладиган бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобот берувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Марказлаштирилган бухгалтерияда бухгалтерия ҳисоботлари у ташкилот этилган бошқарув идораси ёки ташкилот раҳбари томонидан, ҳамда марказлаштирилган ҳисобхонанинг бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Бунда, ғазна ижросига ўтилган ташкилотларнинг тегишли бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари)нинг Молия вазирлиги ҳамда ҳудудий молия органларига тақдим этиладиган жамлама бухгалтерия ҳисоботлари тегишли равишда мазкур бошқарув идораларининг ваколатли раҳбари ва ушбу идораларнинг бухгалтерия хизматлари раҳбарлари (ҳисобчилари) томонидан имзоланади. Юқорида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг имзоларисиз ва вазирликлар, идоралар, ҳокимликларнинг бошқармалари (бўлимлари)нинг мухрларисиз бухгалтерия ҳисоботлари ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

16. Ҳудудий молия органларининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари томонидан хизмат кўрсатиладиган халқ таълими муассасаларининг (юридик шахс мақоми берилмаганлари бўйича) бухгалтерия ҳисоботлари мазкур молия органининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи (ёки бош иқтисодчи — халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари) ҳамда бош ҳисобчи — халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари (ёки мактабгача болалар муассасалари ва бошқа муассасаларнинг молиявий-ҳисоб операциялари сектори мудири) томонидан имзоланади ва тегишли молия органининг муҳри билан тасдиқланади.

17. Республика бюджетида турадиган ташкилотлар бухгалтерия ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли буйруқларига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ўрнатилган муддатларда тақдим этадилар.

18. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) бюджетларида турадиган ташкилотлар бухгалтерия ҳисоботларини тегишли вазирлик ва идораларга, ҳокимликлар бошқармаларига (булимларига) улар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

19. Ташкилотлар тегишли молия органларига улар томонидан белгиланган муддатларда жамлама бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этадилар. Муддатлар тегишли бюджетни ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг юқори турувчи молия органига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й. 9-сон, 51-молда) мувофиқ, молия йилига қўшимча вақт этиб белгиланган давр мобайнида операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун Молия вазирлиги томонидан ҳисоботларни топширишнинг алоҳида муддатлари белгиланади.

21. Республика бюджетида турадиган ташкилотлар юқори турувчи идораларга ҳисоботларни бўйсунишга қараб ҳамда улар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

22. Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари чораклик жамлама бухгалтерия ҳисоботларини ҳисобот давридан кейин 30 кундан кечиктирмасдан, йиллик бухгалтерия ҳисоботларини эса ҳисобот йилидан кейин келадиган йилнинг 25 февралидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қўрсатилган муддатлар доирасида вазирлик ва идоралар томонидан чораклик ва йиллик жамлама бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этишнинг табақалаштирилган муддатларини белгилайди.

23. Молиялаштирилиши (ҳаражатларини тўланиши) йил давомида бир бюджетдан бошқасига ўтказилган, ёки бир вазирлик (идора) тасарруфидан бошқасига ўтказилган ташкилотларда ўтказиш санасига бухгалтерия ҳисоботи (йиллик ҳисобот шакллари ҳажмида) тузилади ҳамда у илгариги ва ҳозирги юқори турувчи идораларга тақдим этилади. Келгусида ҳисобот фақат янги юқори турувчи идорага тақдим этилади.

24. Ташкилотлар учун бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этиш санаси улар томонидан ҳақиқатда тақдим этилган сана ҳисобланади. Ҳисобот тақдим этиш учун белгиланган муддат дам олиш кунига тўғри келган тақдирда ҳисобот дам олиш куни арафасидаги сўнгги иш кунида тақдим этилади.

25. Вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (булимлари) ҳамда бошқа бюджет маблағларини олувчилар томонидан ҳисоботлар белгиланган муддатда топширилмаган тақдирда Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари бюджет маблағларини олувчилар раҳбарларини ёзма

равишда огоҳлантирган ҳолда бюджетдан молиялашни (ҳаражатларини тўлашни) чеклашлари, зарур ҳолларда эса тўхтатиб қўйишлари мумкин.

26. Юридик шахс мақоми берилган умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлар) бухгалтерия ҳисоботларини ҳудудий молия органларининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимларига тақдим қиладилар, кейинчалик ушбу бўлим томонидан мазкур бухгалтерия ҳисоботлари жамланади ва жамлама бухгалтерия ҳисоботлари ҳудудий молия органларига тақдим қилинади.

27. Бухгалтерия ҳисоботларида ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатилган тақдирда тегишли қайдлар қилинади, уларни ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар. Бухгалтерия ҳисоботларига киритилган барча тузатишлар ҳақида уларни юқори турувчи ташкилот томонидан кўриб чиқиш пайтида мазкур бухгалтерия ҳисоботлари тақдим этилган барча жойларга (манзилгоҳларга) мажбурий тартибда хабар қилиниши шарт.

28. Идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари) ҳамда бошқа бюджет маблағларини олувчилар (бюджет маблағларини бош тақсимловчилар) ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботларини қабул қиладилар, кўриб чиқадилар ҳамда тасдиқлайдилар.

29. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли молия органлари зарур ҳолларда ўтган молия йили яқунларини чиқаришда вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари) томонидан ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботларини кўриб чиқишда иштирок этишлари мумкин.

30. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) зарур ҳолларда бухгалтерия ҳисоботида келтирилган маълумотлар юзасидан тушунтиришлар талаб қилиш;

б) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари маълумотларини ҳамда уларнинг ҳужжатлар билан асосланганлигини, шунингдек тафтиш далолатномалари ва ташкилотнинг молия-ҳўжалик фаолиятини ўрганиш материалларини жойида кўриб чиқиш.

31. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари бухгалтерия ҳисоботлари юзасидан (агарда, ушбу бухгалтерия ҳисоботлари бўйича ноаниқликлар ва тушунмовчиликлар юзга келганда) ўз эътироз ва таклифлари ҳақида улар тегишли молия органларига келиб тушган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари)га хабар қиладилар. Бухгалтерия ҳисоботларини топширган ташкилот олинган эътирозлар ва таклифларга рози эмаслиги ҳақида 5 кун муддатда Молия вазирлиги ёки ҳудудий молия органларига хабар қилмаган тақдирда, таклифлар қабул қилинган деб ҳисобланади.

### III боб. Бухгалтерия субсчётларининг ёпилиш тартиби ҳамда якуний провотдаларни ҳисобда акс эттириш

32. Ташкилотларнинг ҳисобот чораги (йили) охириг кунига бюджет ҳисоб рақамларидаги (шахсий ҳисобварақларидаги) тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади ва қарорда белгиланган мақсадларга сарфланади.

Тежаб қолинган бюджет маблағларини ўтказиш ташкилотлар томонидан юридик ва молиявий мажбуриятлар олинмаган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ҳисобот чорагидан кейинги ой мобайнида амалга оширилади.

33. Ҳамма ҳисобдор шахслар, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар йил охирида яқунланган бўлиши лозим. Ҳисобдор шахсларга берилган аванслар бўйича ҳисоботлар тўлиқ топширилиши таъминланиши, шунингдек фойдаланилмаган аванс қолдиқлари қайтарилиши лозим. Дебиторлик қарзлар (аванс тариқасида ўтказилган маблағлар бундан мустасно) йил охирига қадар тўлиқ қайтарилиши, кредиторлик қарзлар эса харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида тўланиши керак. Дебитор ва кредиторлар билан мавжуд қарздорликлар йил охирига қадар тўлиқ ундирилиши (тўланиши) таъминланмаса, белгиланган тартибда таққослаш далолатномаси тузиш орқали ўзаро тасдиқланади.

Субсчётларни (14, 20, 21, 23, 24, 27, 40 ва 42-счётлар субсчётларини) йил охирида ёпишдан олдин ҳамма операциялар (провотдалар) тўғри амалга оширилганлиги ҳамда ўтказилган инвентаризация натижалари ҳисобда тўғри ва тўлиқ акс эттирилганлиги текшириб чиқилади.

Бунда, юқоридаги субсчётларни молия йилининг охирида ёпилиши мазкур молия йилига қўшимча вақт этиб белгиланган давр мобайнида ҳисобот йили учун амалга оширилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

34. Бюджет бўйича харажатлар сметаси ижросининг субсчётларини ёпилиш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

а) Ҳазначилик ижросига ўтилмаган ташкилотлар бўйича:  
қуйи бюджет маблағи олувчиларда:

140 — «Муассаса харажатларига ва бошқа тадбирларга бюджетдан маблағ ажратишга доир ҳисоб-китоблар» ва 142 — «Бошқа бюджетлар ҳисобидан маблағ ажратишга доир ҳисоб-китоблар» субсчётларининг дебетига мос равишда 200 — «Муассасани сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан харажатлар» ва 202 — «Бошқа бюджетлар ҳисобидан қилинган харажатлар» субсчётлари дебетигадаги амалга оширилган ҳақиқий харажат-

лар ҳисобдан ўчирилади (декабрь ойининг иккинчи ярми учун ҳисобланган иш ҳақи харажатларидан ташқари);

143 — «Капитал қўйилмаларга бюджетдан маблағ ажратишга доир ҳисобкитоблар» субсчётининг дебетида 203 — «Капитал қўйилмаларга бюджетдан харажатлар» субсчётидаги амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилади. Бунда, битказилмаган ҳамда битказилиб, лекин фойдаланишга топширилмаган (фойдаланишга қабул қилиш далолатномалари билан расмийлаштирилмаган) қурилиш объектлари ва реконструкциялар бўйича харажатлар 203-субсчёт бўйича йил охирида ҳисобдан ўчирилмасдан, кейинги йил балансига ўтказилади.

бош бюджет маблағи олувчиларда:

230 — «Бюджет томонидан муассаса харажатларини бошқа тadbирларни молиялаштириш», 232 — «Бошқа бюджетлар ҳисобидан маблағ ажратиш» ва 238 — «Муассасани сақлаш учун бошқа маблағлар» субсчётларининг дебетида мос равишда 200 — «Муассасани сақлаш ва бошқа тadbирларга бюджетдан харажатлар» ва 202 — «Бошқа бюджетлар ҳисобидан қилинган харажатлар» субсчётлари дебетидаги амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан ўчирилади (декабрь ойининг иккинчи ярми учун ҳисобланган иш ҳақи харажатларидан ташқари);

231 — «Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштириш» субсчётининг дебетида 203 — «Капитал қўйилмаларга бюджетдан харажатлар» субсчётидаги амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилади. Бунда, битказилмаган ҳамда битказилиб, лекин фойдаланишга топширилмаган (фойдаланишга қабул қилиш далолатномалари билан расмийлаштирилмаган) қурилиш объектлари ва реконструкциялар бўйича харажатлар 203-субсчёт бўйича йил охирида ҳисобдан ўчирилмасдан, кейинги йил балансига ўтказилади;

236 — «Болалар муассасаларини сақлашга ота-оналарнинг маблағлари» субсчётининг дебетида мактабгача таълим муассасалари йил охирида 209 — «Бошқа амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар» субсчёти бўйича қилинган ҳақиқий харажатларни ёзиб ҳисобдан ўчиради;

Бош маблағ тақсимловчилар умумий баланс тузиш пайтида 140, 142-субсчётлар бўйича қолдиқлар юқори ташкилот балансининг активидан ва худди шу субсётлар бўйича ўз қарамоғидаги муассасалар балансининг пассивидан ўзаро чиқариб ташланади.

б) Ғазначилик ижросига ўтилган ташкилотлар бўйича:

237 — «Ғазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тadbирларга амалга оширилган тўловлар» субсчётининг дебетида 206 — «Ташкилотни сақлаш ва бошқа тadbирларга бюджетдан қилинган ҳақиқий харажатлар» субсчёти дебетидаги амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан ўчирилади (декабрь ойининг иккинчи ярми учун ҳисобланган иш ҳақи харажатларидан ташқари);

233 — «Фазначилик орқали капитал қўйилмаларга амалга оширилган тўловлар» ҳамда 239 — «Фазначилик орқали бошқа бюджетлар ҳисобидан амалга оширилган тўловлар» субсчётларининг дебетига мос равишда 207 — «Капитал қўйилмаларга бюджетдан қилинган ҳақиқий харажатлар» ҳамда 208 — «Бошқа бюджетлар ҳисобидан қилинган ҳақиқий харажатлар» субсчётлари дебетидаги амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан ўчирилади. Бунда, битказилмаган ҳамда битказилиб, лекин фойдаланишга топширилмаган (тегишли қабул қилиш далолатномалари билан расмийлаштирилмаган) қурилиш объектлари ва реконструкциялар бўйича харажатлар 207-субсчёт бўйича йил охирида ҳисобдан ўчирилмасдан, кейинги йил балансига ўтказилади;

236 — «Болалар муассасаларини сақлашга ота-оналарнинг маблағлари» субсчёти бўйича мактабгача таълим муассасалари йил охирида 209 — «Бошқа амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти бўйича қилинган ҳақиқий харажатларни 236-субсчёт дебетига ёзиб ҳисобдан ўчиради;

144 — «Марказлашган тартибда берилган (олинган) товар-моддий бойликлар» субсчёти юқори маблағ олувчилар томонидан ҳисобот йилининг охирида 233, 237 ва 239-субсчётлар тегишлисининг дебетига, қўйи маблағ олувчиларда эса 206, 207 ва 208-субсчётлар тегишлисининг кредитига ҳисобдан чиқариш йўли билан ёпилади;

273 — «Бепул олинган (берилган), шунингдек инвентаризация натижасида ортиқча чиққан товар-моддий бойликларни ҳамда пул маблағларини кирим қилиниши» субсчёти амалга оширилган операцияларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда 209-субсчётнинг кредитига (233, 237 ёки 239-субсчётлар тегишлисининг дебетига) ҳисобдан чиқариш йўли билан ёпилади;

274 — «Бюджет маблағлари бўйича дебиторлик қарзларни ҳамда товар-моддий бойликларнинг ҳисобдан чиқарилиши» субсчёти ҳисобот йилининг охирида 233, 237 ва 239-субсчётлар тегишлисининг дебетига ҳисобдан чиқариш йўли билан ёпилади.

35. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича операцияларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг ёпилиши:

240 — «Бюджетдан ташқари махсус маблағлар жамғармаси» ва 400 — «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субсчётларининг дебетига мос равишда 211 — «Бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича харажатлар», 215 — «Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан харажатлар» ва 216 — «Капитал қўйилмаларга бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харажатлар» субсчётларидаги амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилади. Бунда, битказилмаган ҳамда битказилиб, лекин фойдаланишга топширилмаган (тегишли қабул қилиш далолатномалари билан расмийлаштирилмаган) қурилиш объектлари ва реконструкциялар бўйича харажатлар 216-субсчёт бўйича йил охирида ҳисобдан ўчирилмасдан, кейинги йил балансига ўтказилади.

420 — «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчётининг дебетига 218 — «Солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёз суммалари ҳисобига харажатлар» субсчётидаги амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилади.

402 — «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчётининг дебетига 212 — «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича харажатлар» субсчётидаги амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилади.

36. Йил охиридаги ушбу якуний проводкалар тегишли таҳлилий ҳисобкитоб жадваллари, бухгалтерия маълумотномалари ва тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга 20-мемориал ордер (274-шакл) билан расмийлаштирилади.

#### IV боб. Бухгалтерия ҳисоботларини тузиш қондаси

37. Бухгалтерия ҳисоботларини тузишда қуйидаги шартлар тўлиқ сақланиши лозим:

а) ҳисобот давридаги барча операциялар ҳамда пул маблағлари, асосий воситалар, моддий бойликларни инвентаризация қилиниши ва ҳисоб-китоблар натижаларининг тўлиқ акс эттирилиши;

б) таҳлилий ҳисоб маълумотларининг ҳисобот даврининг биринчи насасига синтетик ҳисоб юритиш ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқларга бир хил бўлиши, шунингдек бухгалтерия ҳисоботлари маълумотларининг синтетик ва таҳлилий ҳисоб маълумотларига мослиги;

в) бухгалтерия ҳисоботларидаги тегишли ёзувларни қайд этиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатларнинг асос бўлиб хизмат қилиши.

Ушбу асосий шартларга риоя қилинмаган ҳолда бухгалтерия ҳисоботлари нотўғри тузилган деб ҳисобланади.

38. Ташкилотлар жамлама бухгалтерия ҳисоботларини ўзлари кўриб чиққан тасарруфдаги қуйи ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ҳамда ўзининг смета харажатлари ижроси бўйича қилинган бухгалтерия ҳисоботлари асосида тузадилар.

39. Бухгалтерия ҳисоботлари ўсиб борувчи тартибда битта ўн хонали сонда минг сўм ҳисобида тузилади (бюджет ташкилотларида пул маблағлари ҳамда моддий бойликларни камомати ва ўғирланиши тўғрисидаги ҳисобот (15-шакл) бундан мустасно).

40. Агарда, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузмаган ҳолда бухгалтерия ҳисоботлари кўрсаткичлари манфий қолдиқ билан чиқса (манфий қолдиққа эга бўлса), у ҳолда ҳисоботларда ушбу кўрсаткичлар «минус» ишора билан акс эттирилади.



**V боб. Асосий воситаларни узоқ муддатли активлар таркибида акс эттириш**

41. Асосий воситалар — бу моддий ишлаб чиқариш соҳасида ва ноишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек ижарага беришда фойдаланиладиган, узоқ вақт давомида (бир йилдан ортиқ) ҳаракатда бўлувчи моддий активлардир.

Асосий воситалар таркибида қуйидагилар ҳисобга олинади: бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, машина ва ускуналар, компьютер техникаси ва унга қўшимча қурилмалар, транспорт воситалари, асбоблар, ишлаб чиқариш (шу жумладан, жиҳозлар) ва хўжалик инвентарлари, ишчи ва маҳсулот берувчи ҳайвонлар, кутубхона фонди, бошқа асосий воситалар (иншоотлар яратиш, музей бойликлари, ҳайвонот олами экспонатлари, саҳна-томоша воситалари, намунавий лойиҳалаштиришга оид хужжатлар, техник манбалардаги дастурлар, ўқув кинофильмлари, магнит дисклари ва ленталари, кассеталар ва ҳоказо).

42. Асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

а) бир йилдан ортиқ хизмат қилиш муддати;

б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикаси (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет ташкилотларига материал активларни асосий воситалар таркибида акс эттиришлари учун уларни камроқ қийматини белгилаши мумкин.

43. Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, қуйидагилар асосий воситалар таркибига киритилмайди:

а) махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумлаб ва ёппасига ишлаб чиқариш учун ёки яқка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли йўналтирилган асбоблар ва мосламалар);

б) махсус ва санитария кийим-кечаклари, махсус пойабзаллар;

в) кўрпа-тўшак анжомлари;

г) ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва бошқалар);

д) ошхона анжомлари, шунингдек, ошхона учун дастурхон-сочиқлар;

е) тикланиши бўйича харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннархига киритиладиган вақтинчалик (нотитул иншоотлар) мосламалар ва қурилмалар;

ж) бир йилдан кам фойдаланиш муддатига эга бўлган алмаштириладиган ускуналар;

з) ов қуроллари (траллар, тўрлар, қармоқлар, матраплар ва бошқалар) ва шу каби моддий қийматликлар.

Ушбу юқорида келтирилган моддий-қийматликлар арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар таркибида ҳисобга олинади.

44. Асосий воситаларга қиймати ва хизмат муддатидан қатъи назар, қуйидагилар киради: қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари, катта ёшдаги ишчи ва маҳсулот берувчи ҳайвонлар (шу жумладан, майдаси ҳам), кутубхона фондлари, музей бойликлари (музей экспонатларидан ташқари), ҳайвонот олами экспонатлари ва намунавий лойиҳалаштиришга оид ҳужжатлар.

45. Ноинвентар тусдаги харажатларга кирувчи (иншоотлар қурилиши билан боғлиқ бўлмаган) ерни яхшилашга доир капитал қўйилмалар, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга ошириладиган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ернинг устки қисмини яхшилашга доир маданий-техникавий тадбирлар (ер участкаларини режалаштириш, майдонларни ҳайдовга тайёрлаш учун кундаков қилиш, далаларни тошлар ва харсанглардан тозалаш, сув ҳавзаларини тозалаш ва бошқалар)га оид капитал харажатлар ҳисобот йилининг охирида молиялаштириш манбаларидан келиб чиққан ҳолда 23 ва бошқа тегишли сўғатларнинг тегишли субсўғатлари дебетига ҳисобдан чиқариш йўли билан ёпилади.

46. Алоҳида объектларни қуриш билан боғлиқ бўлмаган ер тузиш, ўрмон яратиш ва шу каби ишларга оид харажатлар, шунингдек асосий воситалар қийматини ошириб юбормайдиган бошқа харажатлар ушбу харажатлар таркибига киритилмайди ва йил охирида аниқланган молиялаштириш (амалга оширилган тўловлар) манбаси ҳисобига ҳисобдан чиқарилади.

47. Асосий воситалар бирламчи қиймати бўйича балансга кирим қилинади, қайта баҳоланганидан сўнг улар тикланиш қиймати бўйича ҳисобга олинадилар.

48. Музей бойликлари, лаборатория ускуналари, приборлар, асбоблар ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган бошқа буюмлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда қўшимча равишда ҳисобга олинади.

49. Қурилиши ва қайта таъмирланиши тугалланган бинолар ҳамда иншоотлар, ўрнатилган ускуналар, объектларнинг бирламчи қийматини ошириб юборувчи қўшимча қурилиш ва қўшимча жиҳозлаш ишлари қабул қилиб олиш далолатномалари ўрнатилган тартибда тасдиқланганидан сўнг ҳақиқатда амалга оширилган барча харажатлар, шу жумладан ускунани отказиш, монтаж қилиш ва ўрнатишга доир харажатлар тўлиқ асосий воситалар таркибига қўшилади.

50. Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларига амортизация ажратмалари ҳисобланмайди, бунинг ўрнига ўрнатилган тартибда эскириш ҳисобланади.

51. Яроқсиз ҳолга келиб қолган асосий воситалар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситаларни тугатишдан олинган моддий бойликлар (бино ва иншоотларни бузиш ҳамда ечиб олиш, ускуналарни қайта ўрнатиш ва ҳоказо) доимий асосда фаолият юритувчи асосий воситаларни ҳисобдан

чиқариш комиссияси томонидан белгиланган эҳтимолдаги фойдаланиш нархида кирим қилинади.

52. Ташкилотларни бир давлат идораси тасарруфидан бошқаси тасарруфига ўтказишда уларнинг барча мол-мулклари бепул ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

#### **VI боб. Капитал қўйилмаларни баланс активида акс эттириш**

53. Капитал қўйилмалар таркибида янги бинолар қуриш, бинолар ва иншоотларни қайта таъмирлаш учун қурилиш ва монтаж ишларини олиб бориш усулидан қатъи назар, бюджет ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар ҳисобга олинади.

Капитал қўйилмаларга доир харажатлар (бюджет маблағлари, махсус маблағлар ва бошқалар) манбасидан келиб чиққан ҳолда балансда алоҳида акс эттирилади.

54. Тугалланган ва фойдаланишга топширилган объектларга доир харажатлар йил давомида тегишли субсчётларда туради. Йил охирида ушбу харажатлар капитал қўйилмалар учун маблағлар манбалари ҳисоб рақами бўйича ҳисобдан чиқарилади.

55. Тугалланган ва фойдаланишга топширилган қурилиш объектлари қабул қилиб олиш далолатномаси асосида бухгалтерия ҳисобининг тегишли субсчётларда асосий воситалар бўйича ҳисобга олинади.

Тугалланмаган, шунингдек тугалланган, лекин ҳали фойдаланишга топширилмаган қурилиш ва қайта таъмирлаш объектларига доир харажатлар кейинги йил балансига ўтказилади.

56. Хўжалик усулида амалга оширилаётган қурилиш харажатлари ҳисоби ҳар бир объект бўйича алоҳида ҳамда харажатлар элементларига, яъни иш ҳақи, материаллар, бошқа бевосита харажатлар ва қўшимча харажатларга ажратган ҳолда юритилади.

Пудрат усулида амалга оширилаётган қурилишга доир харажатлар фақат объектлар бўйича (элементларга ажратмаган ҳолда) юритилади.

Қурилиш ишлари ҳисоби ва монтаж ишлари ҳисоби алоҳида юритилади.

#### **VII боб. Номоддий активларни узоқ муддатли активлар таркибида акс эттириш**

57. Номоддий активлар — бу ташкилотлар ўзларининг зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятларини амалга ошириши, шунингдек бюджетдан ташқари фаолиятлари бўйича ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мақсадида узоқ (12 ойдан ортиқ) муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектларидир.

58. Ташкилотларнинг номоддий активлари таркибида қуйидагилар акс эттирилади:

а) патент эгасининг ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделларга бўлган мутлақ ҳуқуқи;

б) муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

в) ҳуқуқ эгасининг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқи, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи;

г) ҳуқуқ эгасининг селекция ютуқларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

д) бошқа номоддий активлар (маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодий ҳамда бошқа имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи) ва шу кабилар.

59. Номоддий активлар таркибига ташкилот ходимларининг интеллект туал ва ишчанлик сифати, уларнинг малакаси ва меҳнатга қобилияти киритилмайди, чунки улар ўзларининг эгаларидан ажралмас ҳисобланади ва уларсиз фойдаланиш мумкин эмас.

60. Номоддий актив ташкилотнинг ўзи томонидан яратилган тақдирда ва уни яратишга кетган харажатлар суммасини тўлиқ аниқлаш имкони бўлса, бу ҳолда номоддий актив амалдаги таннархи бўйича акс эттирилади.

### **VIII боб. Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларни баланс активида акс эттириш**

61. Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар таркибига қўйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган ташкилотларнинг мол-мулклари ҳисобга олинади:

а) хизмат қилиш муддати бир йилдан ортқ бўлмаган;

б) хизмат қилиш муддатидан қатъи назар, бир бирлиги (комплекти)-нинг қиймати (сотиб олиш вақтида) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик баробаригача бўлган буюмлар.

Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар, шу жумладан омборда турган шундай буюмлар етказиш ва ҳоказо харажатларни қўшмаган ҳолда сотиб олинган нархларида ҳисобга олинади.

62. Яроқсиз ҳолга келиб қолган арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларни ҳисобдан чиқариш ҳамда уларни сотиш қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларни ҳисобдан чиқариш белгиланган тартибда далолатнома билан расмийлаштирилади.

### **IX боб. Моддий захираларни баланс активида акс эттириш**

63. Ташкилотларнинг моддий захиралари таркибига қурилиш материаллари, ўрнатиладиган ускуналар, материаллар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи, ем, фураж, идишлар, машиналар ва ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи хўжалик маҳсулотлари ва буюмлари, ёш ва бўрдоқига боқилаётган чорва моллари, ўқув, илмий ва бошқа мақсадлардаги материаллар, шунингдек узоқ муддат фойдаланиладиган ва лаборатория синовларида бўлган материаллар, хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишлари учун махсус ускуналар ва бошқалар кириди.

64. Баланснинг «Илмий-тадқиқот ишлари ва лаборатория синовлари учун узоқ муддат ишлатиладиган материаллар» моддасида илмий-тадқиқот ишлари учун омбордан лабораторияга ёки илмий-тадқиқот институти, олий ўқув юртининг бошқа таркибий бўлинмасига олинган ҳамда узоқ муддат давомида фойдаланиладиган материаллар қиймати, шунингдек илмий тадқиқотлар объектлари ҳисобланган материаллар қиймати кўрсатилади.

65. Баланснинг «Шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари учун махсус асбоб-ускуналар» моддасида буюртмачининг муайян мавзуси бўйича ҳўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишларини уни илмий бўлинмага беришгача бажариш учун сотиб олинган махсус ускуналар қиймати кўрсатилади.

66. Баланснинг «Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари буюмлари» моддасида сотилмаган (фойдаланишга берилмаган) буюмлар ва тайёр маҳсулот қолдиқлари ҳақиқий таннархи бўйича кўрсатилади.

67. Баланснинг «Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ ҳўжалигининг маҳсулотлари» моддасида жорий йилда ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари қолдиқлари йиллик ҳисобот калькуляцияси тузилгунга қадар режалаштирилган таннарх бўйича кўрсатилади. Йиллик калькуляция тузилиб ҳақиқий таннарх аниқлангандан сўнг, қолдиқлар ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади.

Кейинги йилга ўтадиган, ўзи ишлаб чиқарган уруғлар ва озуқа захиралари балансда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади.

68. Баланснинг «Ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари» моддасида барча турдаги ёш ҳайвонлар ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар, паррандалар, қуёнлар, мўйнали ҳайвонлар ва асалари уялари қиймати кўрсатилади.

Ўз ҳўжалигида болалатиш орқали олинган ёш ҳайвонлар режалаштирилган нархларда кўрсатилади. Янада ўстириш ва бўрдоқига боқиш учун кейинги йилга ўтказилган ёш ҳайвонлар, шунингдек ҳисобот йилида асосий подага ўтказиладиган ёш ҳайвонлар ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади.

69. Баланснинг «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» моддасида материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олинган нархларда кўрсатилади.

Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотларини майда улгуржи базалар ва дўконлар орқали сотиб олишда ўрнатилган тартибда чегирмалар берилган ҳолларда бундай қимматликлар балансда чегирма суммасини олиб ташлаган ҳолда чакана нархлар бўйича кўрсатилади.

Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиниш учун транспорт ёллашга доир ва бошқа харажатлар сотиб олинган қийматликлар қийматини оширишга кирмайди, балки ушбу қийматликлар сотиб олинган маблағлар ҳисобидан тегишли харажатлар моддалари бўйича ҳисобдан чиқарилади, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

70. Жавобгарлик асосида сақлашга қабул қилинган моддий бойликлар қиймати тўлов талабномаларини ақцептлашнинг рад этилиши ёки бошқа сабаблар оқибатида тегишли ҳужжатларда кўрсатилган нархлари бўйича баланسدан ташқари сўётларда (02-сўётда) кўрсатилади.

71. Ўқув устахоналари ва ёрдамчи қишлоқ хўжаликларидаги ишлаб чиқаришлар чиқиндилари ўртача бозор нархлари асосида эҳтимолий фойдаланиш нархлари бўйича баҳоланади.

72. Материал захираларини сотишдан тушган сумма (бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига сотиб олинган материал захиралар бундан мустасно) тегишли бюджетлар даромадларига ўтказилади.

#### **Х боб. Ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлардаги харажатларни баланс активида акс эттириш**

73. Баланснинг «Ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналарига қилинадиган харажатлар» моддасида тугалланмаган ишлаб чиқариш буюмлари ва маҳсулотларига оид харажатлар ҳақиқий таннарни бўйича кўрсатилади.

74. Баланснинг «Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжалигига қилинадиган харажатлар» моддасида ёрдамчи ўқув-тажриба ва қишлоқ хўжаликларида келгуси йил ҳосили учун ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар (қишки экинлар, тупрокни ҳайдаш, ерни тайёрлаш ва бошқалар) кўрсатилади.

75. Баланснинг «Шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишларига ҳамда бошқа бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга доир харажатлар» моддасида тугалланмаган илмий-тадқиқот ишлари (маъзулар) юзасидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар, шу жумладан қўшимча харажатлар, шунингдек бошқа бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга доир харажатлар кўрсатилади.

76. Баланснинг «Экспериментал қурилмаларини тайёрлашга доир харажатлар» моддасида давлат бюджети ишлари юзасидан илмий-тадқиқот ўтказиш учун синов қурилмаларини тайёрлашга (ускуналар, машиналар ва приборлар намуналари, синов стендлари ва бошқалар) ҳақиқатда сарфланган харажатлар кўрсатилади.

77. Баланснинг «Материалларни тайёрлаш ва қайта ишлашга доир харажатлар» моддасида материаллар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини хўжалик усулида тайёрлаш ва қайта ишлаш учун ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар кўрсатилади.

#### **XI боб. Пул маблағларини баланс активида акс эттириш**

78. Балансда кўрсатилган пул маблағлари қолдиги тегишли банк муассасалари (ғазначилик органлари) маълумотлари билан солиштирилади. Пул маблағлари бўйича барча тушунмовчиликлар ва эътирозлар баланс тузилгунга қадар бартараф этилади. Ташкилотлар балансларида ушбу ҳисоб-китоблар бўйича тартибга солинмаган суммаларнинг қолдирилишига балансни нотўғри тузиш сифатида қаралади.

79. Бошқа пул маблағлари (почта маркалари, билетлар ва бошқалар) балансда уларнинг номинал қиймати бўйича акс эттирилади.

### **XII боб. Ҳисоб-китобларни баланс активида акс эттириш**

80. Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар балансда бухгалтерия ёзуvidан келиб чиқадиган суммаларда акс эттирилади.

Келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда уларни бартараф этиш мақсадида манфаатдор томон тушунмовчиликлар ҳақидаги материалларни ҳал этиш учун белгиланган муддатда тегишли идораларга тақдим этиши шарт.

81. Шикоят қилиш муддати ўтган жарималар, пенялар ва жарималар (неустойкалар) бўйича эътирозлар, шунингдек тўловчи томонидан тан олинган, суд томонидан ёки қарздорга нисбатан юқори турувчи идора томонидан қарор чиқарилган жарималар бўйича эътирозлар тегишли равишда олувчининг балансида «Бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар» моддаси бўйича ҳисобга олинади.

82. Баланснинг «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» моддасида пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади ҳамда уларни талон-торож қилиш суммалари, шунингдек ушбу бойликларга етказилган зиён оқибатида айбдор шахслар ҳисобига ўтказилган йўқотишлар суммаси кўрсатилади.

Ундирилиши суд томонидан рад қилинган камомадлар ва бойликларни талон-торож қилишга доир қарздорликлар ҳар бир ҳолатда ташкилот раҳбарининг рухсати билан энг кам иш ҳақининг 3 бараваригача бўлган суммада ҳисобдан чиқарилади, энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан юқори миқдордагилари эса ҳар бир ҳолатда тегишли молия органининг рухсати билан ҳисобдан чиқарилади.

83. Жавобгарнинг тўловга қодир эмаслиги ва унинг мол-мулкига нисбатан ундириб олиш чорасини қўллаш имконининг йўқлиги суд томонидан тан олинганлиги туфайли ижро ҳужжатлари қайтарилган қарзлар ташкилот раҳбари рухсати билан ҳисобдан чиқарилади.

84. Қарзларни қарздорларнинг тўловга қодир эмаслиги оқибатида ҳисобдан чиқариш қарздорликни бекор қилиш эмас. Бу қарздорлик қарздорнинг мулкий аҳволи ўзгарган тақдирда ундириб олиш имконига эга бўлиш мақсадида кузатиб бориш учун у ҳисобдан чиқарилган пайтдан бошлаб беш йил мобайнида балансдан ташқари сўтда кўрсатилиши лозим.

85. Даъво муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги ташкилот раҳбарининг рухсати билан амалдаги харажатларни ошириш бўйича ҳисобдан чиқарилади ва бу ҳақда 10 кун муддатда тегишли молия органига хабар қилинади. Даъво муддатининг ўтиб кетишида ва мавжуд қарздорликни ундириб олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмаганлигида айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

86. Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг қайтарилган суммаси (бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига вужудга келган дебиторлик қарзлар бундан мустасно) тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади.

### **XIII боб. Молиялаштиришни (харажатларни тўлашни) баланс пассивида акс эттириш**

87. Ҳазначилик ижросига ўтилмаган ташкилотлар бўйича: ташкилотларга молиялаштирилган бюджет маблағлари суммалари балансда алоҳида моддаларда молиялаш манбалари бўйича акс эттирилади.

Ота-оналардан болаларни мактабгача болалар муассасалари ва ҳоказоларда тутиб туриш учун, шунингдек тўловларнинг махсус турлари бўйича бошқа ҳисоб-китобларга доир келиб тушган маблағлар балансда молиявий йил давомида акс эттирилади.

88. Ҳазначилик ижросига ўтилган ташкилотлар бўйича:

Ҳазна ҳисобварақларидан амалга оширилган тўловлар баланс пассивида амалга оширилган тўловларнинг манбасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида қаторларда акс эттирилади.

Болаларни мактабгача тарбия муассасаларида тарбиялаш учун ота-оналардан келаётган, шунингдек махсус тўлов турларига доир бошқа ҳисоб-китоблардан келаётган маблағлар балансда йил давомида акс эттирилиб борилади.

### **XIV боб. Маҳсулот сотиш ва даромадларни баланснинг пассивида акс эттириш**

89. Маҳсулот сотиш ва шартномалар асосидаги илмий-тадқиқот ишлари молиявий йил давомида баланс пассивида алоҳида моддада кўрсатилади. Махсус маблағлардан олинган фойда ва бюджет ташкилотларининг ишлаб чиқариш фаолиятидан олган фойдалари ҳам худди шундай алоҳида кўрсатилади.

90. Молиявий йил якунига кўра чиқарилган маҳсулот, буюмларни сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинган молиявий натижа аниқланади ҳамда у баланс пассивида алоҳида моддада ҳисобга олинади.

### **XV боб. Мақсадли йўналишдаги фондлар ва маблағларни баланс пассивида акс эттириш**

91. Ташкилотларнинг мақсадли фондлари ва маблағлари баланс пассивида алоҳида моддаларда акс эттирилади.

92. Баланс пассивида мақсадли йўналишдаги фондларга ўхшаб асосий воситалардаги фондлар, арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлардаги фондлар, шунингдек номоддий активлардаги фондлар ҳисобга олинади.

### **XVI боб. Ҳисоб-китобларни баланс пассивида акс эттириш**

93. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар балансда дебиторлар билан ҳисоб-китобларга ўхшаб бухгалтерия ёзувидан келиб чиқадиغان суммаларда кўрсатилади.



94. Даъво қилиш муддати тугаган, баланс пассивида турган бюджет маблағлари бўйича депонент қарзлар суммалари ташкилот молиялаштириладиган (харажатлари амалга ошириладиган) тегишли бюджет даромадига даъво қилиш муддати тугаган ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай киритилиши керак.

Бунда, даъво қилиш муддати тугаган, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича депонент қарзлар тегишли бюджетдан ташқари маблағларнинг даромадларида акс эттирилади.

95. Даъво қилиш муддати тугаган, баланс пассивида турган бошқа кредиторлик қарзлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

### **XVII боб. Баланс моддаларини инвентаризация қилиш**

96. «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» номли 19-БҲМСга (1999 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 833) мувофиқ асосий воситалар, номддий активлар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддаларини инвентаризациядан ўтказишлари шарт.

Барча турдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни инвентаризация қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартиб асосида амалга оширилади.

97. Инвентаризациянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) асосий воситалар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг ҳақиқатда мавжудлигини амалда мавжуд бўлганларини бухгалтерия ҳисоби маълумотларига таққослаш йўли билан аниқлаш, шунингдек моддий бойликлар ва пул маблағларининг сақланишини назорат қилиш;

б) нормативдан юқори бўлган ва фойдаланилмаётган моддий бойликларни аниқлаш;

в) моддий бойликлар ҳамда пул маблағларини сақлаш қоидалари ва шартларига риоя қилиш;

г) балансда ҳисобга олинган моддий бойликлар, кассалардаги, банк муассасаларининг депозит ҳисоб рақамларидаги, шунингдек фазначиликдаги шахсий ҳисобварақлардаги пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддалари қийматининг ҳақиқийлигини текшириш.

### **XVIII боб. Бухгалтерия ҳисоботларини тузиш тартиби**

#### **1-§. Баланс (1-шакл)ни тузиш тартиби**

98. Баланс (1-шакл)ни тузишдан олдин барча мавжуд мемориал ордерлар билан расмийлаштирилган бухгалтерия проводкаларини дастлабки ҳужжатларга мувофиқ ҳолда тўғри тузилганлиги ҳамда «Бош журнал» китоби (308-шакл)га тўғри ёзилганлиги, субсчётлар бўйича ойлик айланмалар ва ҳисобот даври охирига бош журнал китоби бўйича қолдиқлар тўғри

ҳисобланганлиги текшириб чиқилади. Ҳисобот даври охирига «Бош-журнал» китобида чиқарилган қолдиқлар балансининг 4-устуни «Йил (чорак) охирига» кўчириб ёзилади.

99. Дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобга олувчи субсчётлар бўйича дебиторлар ва кредиторлар умумлаштирилмасдан, яъни мавжуд дебиторлар балансининг актив қисмида, кредиторлик қарз эса пасив қисмида кўрсатилади. Бунда, ушбу дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотлар 285-шакл «Айланма ведомост» ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларидан олинади.

100. 3-устун «Йил бошига» кўрсаткичлари ўтган ҳисобот йили балансининг 4-устун «Йил (чорак) охирига» кўрсаткичларига айнан бир хил ҳолда кўчирилади.

101. Балансининг актив қисмидаги 4 — «Йил (чорак) охирига» устуни бўйича:

«I. Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар» бўлимининг «Асосий воситалар (010-013, 015-019)» қаторида бюджет ташкилотининг ҳисобот даври охирига мавжуд барча асосий воситалари, шу жумладан, ижарага берилганлари ҳам дастлабки (қайта баҳолаш) қиймати бўйича акс эттирилади.

Қайта баҳолаш натижалари бўйича аниқланган асосий воситаларнинг тикланиш қиймати чораклик ва йиллик балансларда 3-устунда каср чизиғи билан (маҳражид) акс эттирилади.

«II. Материал захиралар» бўлимида ҳисобот даври охирига мавжуд бўлган буюмлар ва маҳсулотлар, асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва илмий-тадқиқот ишлари учун материаллар, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари ҳамда материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қолдиқ суммалари кўрсатилади.

Бунда, ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари буюмлари (045) ҳақиқий таннархи бўйича, ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари (046) эса йил мобайнида режа таннархи бўйича акс эттирилиб, ҳисобот йилининг охирида йиллик ҳисобот калькуляциясига асосан аниқланган ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади.

«III. Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар» бўлимида барча (омбордаги ва фойдаланишдаги) арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларнинг баланс тузилаётган санага мавжуд қолдиқ қиймати (суммаси) кўрсатилади.

«IV. Ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадларга қилинадиган харажатлар» бўлимида ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналарига, ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжалигига, шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишларига ва бошқа бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга, экспериментал қурилмаларни тайёрлашга, шунингдек материалларни тайёрлаш ва қайта ишлашга доир амалга оширилган харажатларнинг қолдиқ суммаси акс эттирилади. Ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларнинг ҳисобот даври охирига қолган қолдиқ суммалари тугалланмаган ишлаб чиқариш суммасини билдиради.

«V. Пул маблағлари» бўлимида мавжуд ҳисобварақлардаги пул маблағлари, аккредитивлар, кассадаги нақд пул қолдиқлари ва бошқа пул маблағларининг, шунингдек фазначиликдаги шахсий ҳисобварақлардаги пул маблағларининг баланс тузилаётган санага қолдиқ суммалари акс эттирилади.

«VI. Ҳисоб-китоблар» бўлимида йил (чорак) охирига барча ҳисоб-китоблар бўйича қолдиқ суммалар (дебиторлик қарзлар) акс эттирилади.

«VII. Харажатлар» бўлимида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушуллар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатларнинг ҳисобот даври охирига қолдиқ суммалари кўрсатилади.

200 — «Муассасани сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан харажатлар» ва 202 — «Бошқа бюджетлар ҳисобидан харажатлар» субсчётлари бўйича фазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотларининг чораклик балансларида бюджет ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади. Йиллик балансларда эса, ҳисобланган, лекин тўлиқ молиялаштирилмаганлиги (молиялаштирилган маблағлар етмаганлиги) сабабли тўланмаган кредиторлик қарзлар, шунингдек, декабрь ойининг иккинчи ярми учун ҳисобланган иш ҳақи харажатлари ва бошқа кредиторлик қарзларнинг қолдиқ суммалари акс эттирилади.

Фазна ижросига ўтилган ташкилотлар балансининг 206 — «Ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан қилинган ҳақиқий харажатлар», 207 — «Капитал қўйилмаларга бюджетдан қилинган ҳақиқий харажатлар», 208 — «Бошқа бюджетлар ҳисобидан қилинган ҳақиқий харажатлар» ҳамда 209 — «Бошқа амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётлари бўйича чораклик балансларда мос равишда тегишли манбалар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларни акс эттирадilar.

Йиллик балансда эса, ҳисобланган, лекин тўловларнинг амалга оширилмаганлиги сабабли тўланмаган кредиторлик қарзлар, шунингдек декабрь ойининг иккинчи ярми учун ҳисобланган иш ҳақи харажатлари ва бошқа кредиторлик қарзларнинг қолдиқ суммалари акс эттирилади.

210 — «Тақсимланадиган харажатлар» субсчёти бўйича ташкилотнинг бюджетдан ташқари фаолияти юзасидан қилинган, жумладан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) турларига бўлиш (тақсимлаш)нинг имкони бўлмаган, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархига тўғридан-тўғри олиб боришнинг имкони бўлмаган ва ҳисобот йилининг (маҳсулот, иш, хизмат ишлаб чиқариш жараёнининг) охирида ана шу маҳсулот, иш, хизматларни таннархига бўлинадиган харажатлар тақсимлангунга қадар акс эттирилади.

211 — «Бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича харажатлар» ва 215 — «Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига харажатлар» субсчётлари бўйича чораклик балансларда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади. Йиллик

балансларда эса, ҳисобланган, лекин мос равишда 240 — «Бюджетдан ташқари махсус маблағлар жамғармаси» ва 400 — «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» субсчётларининг кредит қолдиги етмаганлиги сабабли йил охирида ёпилмаган кредиторлик қарзларнинг (ҳақиқий харажатларнинг) қолдиқ суммалари акс эттирилади.

212 — «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича харажатлар» субсчётида таълим муассасалари чораклик балансларда ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича ҳисобот даври (чорак) мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатларни акс эттиради.

Йиллик балансларда эса, ушбу субсчёт бўйича ҳисобланган, лекин 402 — «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчётининг кредит қолдиги етмаганлиги сабабли йил охирида ёпилмаган кредиторлик қарзларнинг (ҳақиқий харажатларнинг) қолдиқ суммалари акс эттирилади.

220 — «Олинган бюджет ссудалари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётида ташкилотлар томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларни олинган бюджет ссудалари ҳисобига тўғри келадиган қисми акс эттирилади.

«VIII. Зарарлар» бўлимининг 410 — «Зарарлар» қаторида ташкилотнинг бюджетдан ташқари фаолиятлари бўйича қўрилган салбий молиявий натижаси (зарари) акс эттирилади.

«IX. Капитал қурилиш сарфлари» бўлимида ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар (040), капитал қурилиш учун қурилиш материаллари (041), капитал қўйилмаларга бюджетдан харажатлар (203), капитал қўйилмаларга бюджетдан қилинган ҳақиқий харажатлар (207), капитал қўйилмаларга бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харажатлар (216) бўйича ҳисобот даври охирига қолдиқ суммалар акс эттирилади.

Капитал қўйилмаларга бюджетдан харажатлар (203) қаторида (ғазначиликка ўтилган ташкилотларда эса, капитал қўйилмаларга бюджетдан қилинган ҳақиқий харажатлар (207) қаторида) бюджет маблағлари ҳисобидан, капитал қўйилмаларга бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харажатлар (216) қаторида эса бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан янгидан қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган бино ва иншоотлар харажатлари акс эттирилади.

102. Балансининг пассив қисмидаги 4 — «Йил (чорак) охирига» устуни бўйича:

«I. Молиялаштириш (харажатларни тўлаш)» бўлимида бюджет томонидан «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» (230-140), «Бошқа бюджетлар ҳисобидан маблағ ажратиш» (232-142), «Болалар муассасаларини сақлашга ота-оналарнинг маблағлари» (236), «Муассасани сақлаш учун бошқа маблағлар» (238), «Ғазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун амалга оширилган тўловлар» (237)

ҳамда «Ҳазначилик орқали бошқа бюджетлар ҳисобидан амалга оширилган тўловлар» (239) ва бошқа тегишли субсчётлар бўйича ҳисобот даврининг охирига мавжуд қолдиқ суммалар кўрсатилади.

Бунда, ғазна ижросига ўтмаган ташкилотларнинг йиллик балансларида бюджет томонидан «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» (230-140), «Бошқа бюджетлар ҳисобидан маблағ ажратиш» (232-142), «Болалар муассасаларини сақлашга ота-оналарнинг маблағлари» (236) ҳамда «Муассасани сақлаш учун бошқа маблағлар» (238) қаторлари бўйича мазкур субсчётларда акс эттирилган молиялаштириш суммаларининг ҳисобот йилининг якунида ёпилган ҳақиқий харажатлар суммаларидан ортган (ёпилмаган) қисмини акс эттирадилар.

Ҳазна ижросига ўтилган ташкилотларнинг йиллик балансларида «Болалар муассасаларини сақлашга ота-оналарнинг маблағлари» (236), «Ҳазначилик орқали ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун амалга оширилган тўловлар» (237) ҳамда «Ҳазначилик орқали бошқа бюджетлар ҳисобидан амалга оширилган тўловлар» (239) қаторлари бўйича ҳисобот йилининг якунида ёпилган ҳақиқий харажатлар суммаларидан ошган (ёпилмаган) амалга оширилган тўловларни акс эттирилади.

«II. Мақсадли йўналишга мўлжалланган фонд ва маблағлар» бўлимида ҳисобот даври охирига «Бюджетдан ташқари махсус маблағлар жамғармаси» (240), «Асосий воситалар фонди» (250), «Асосий воситаларнинг эскириши» (020), «Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларнинг фонди» (260) ҳамда «Бепоул олинган, шунингдек инвентаризация натижасида ортиқча чиққан товар-моддий бойликлар ҳамда пул маблағлари» (273) субсчётлари бўйича мавжуд қолдиқ суммалар акс эттирилади.

«Асосий воситалар фонди» (250) ва «Асосий воситаларнинг эскириши» (020) субсчётларида қайта баҳолаш натижалари бўйича аниқланган тикланиш қиймати чораклик ва йиллик балансларда 3-устунда каср чизиғи билан (махражида) акс эттирилади.

«III. Ҳисоб-китоблар» бўлимида йил (чорак) охирига барча ҳисоб-китоблар бўйича қолдиқ суммалар (кредиторлик қарзлар) акс эттирилади.

«IV. Маҳсулот сотиш ва даромадлар» бўлимида «Ишлаб чиқариш (ўқув) устaxonалари буюмларини реализацияси» (280), «Ёрдамчи (ўқув) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализацияси» (281), «Шартнома бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва бошқа бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматларни реализация қилиш» (282), «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» (400), «Ҳисобланган, лекин ҳисоб рақамга тушмаган даромадлар» (401), «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» (402), «Фойда» (410) ҳамда «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар» (420) субсчётлари бўйича ҳисобот даври охирига мавжуд қолдиқ суммалар акс эттирилади.

«V. Ссудалар» бўлимнинг 520 — «Бюджет ссудалари бўйича қарздорлик» субсчётида ташкилотлар томонидан олинган бюджет ссудаларини қайтарилмаган қисми акс эттирилади.

«VI. Капитал қурилишни молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш)» бўлимида «Капитал қўйилмаларни бюджетидан молиялаштириш» (231-143) ҳамда «Фазначилик орқали капитал қўйилмаларга амалга оширилган тўловлар» (233) субсчётлар бўйича ҳисобот даври охирига мавжуд қолдиқ суммалар акс эттирилади.

«Балансдан ташқари ҳисоблар»да бюджет ташкилотларининг балансдан ташқари «Ижарага олинган асосий воситалар» (01), «Ишончсиз дебиторларнинг қарзлари харажатга чиқазилди» (05) ва бошқа тегишли балансдан ташқари счётларда акс эттирилган суммалар кўрсатилади.

103. Бюджетдан молиялаштирилган (тўловлар амалга оширилган) суммаларнинг 230 ва 231 (140 ва 143) ёки 233 ва 237 субсчётлар ҳаракати тўғрисида маълумот:

а) маълумотнинг 3 — «Харажатлар сметаси бўйича» ва 4 — «Капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирлар» устунлари бўйича:

«Ишончсиз қарзлар харажатга чиқазилди» ва «Муассаса ҳисобига олинган материаллардан камомадлар харажатга чиқазилди» қаторлари бўйича тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишончсиз дебиторлик қарзларни ва аниқланган материаллар камомадини ташкилот ҳисобига харажатга чиқарилиши акс эттирилади.

«Тугалланган ва ишлаб чиқаришга топширилган қурилиш объектлари бўйича харажатга чиқазилган сарфлар» қаторида ташкилотлар томонидан тугалланган ва ишлаб чиқаришга топширилган қурилиш объектлари бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатларни ҳисобдан чиқарилган суммалари кўрсатилади.

«Бепул, шунингдек, марказлашган тартибда берилган товар-моддий бойликлар қийматини фазначилик орқали амалга оширилган тўловлар ҳисобига ёпилиши» қаторида фазна ижросига ўтилган ташкилотлар томонидан 273 — «Бепул берилган товар-моддий бойликлар» ҳамда 144 — «Марказлашган тартибда берилган товар-моддий бойликлар» субсчётлари бўйича акс эттирилган маблағларнинг ҳисобот йилининг охирида фазначилик орқали амалга оширилган тўловлар (233 ёки 237) ҳисобига ёпилган суммалари акс эттирилади.

«Ҳисобот йилида ёпилган харажатлар жами» қаторида йил мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатларни (йил бошига қолдиқ сифатида қолган ҳақиқий харажатларни ҳисобга олган ҳолда) бюджет бўйича молиялаштирилган маблағлар (амалга оширилган тўловлар) ҳисобига ёпилган суммалари акс эттирилади.

«Шу жумладан: бюджет ҳисобидан» қаторида бюджет ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатларни (200, 206-субсчётлар) йил охирида бюджет ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) ҳисобига ёпилган суммалари акс эттирилади.

«Ривожлантириш жамғармаси (иқтисод қилинган) маблағлари ҳисобидан» қаторида ташкилот томонидан бюджет маблағларини тежаб қолиниши туфайли белгиланган тартибда ривожлантириш жамғармасига ўтказилиб, ушбу маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатларини (215-субсчёт) ҳисобот йилининг охирида бюджетдан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) ҳисобига ёпилган суммалари кўрсатилади.

Маълумотнинг бўш қаторларига 230 ва 231 (140 ва 143) ёки 233 ва 237-субсчётларнинг бошқа лебет айланмаси бўйича ёзувлар ёзилади.

«Жами» қатори бўйича маълумотнинг тегишли қаторлари бўйича акс эттирилган суммаларнинг йиғиндиси акс эттирилади.

б) маълумотнинг 7 ва 8-устунлари бўйича:

«Йил бошига қолдиқ» қаторида 230 ва 231 (140 ва 143) ёки газна ижросига ўтилган ташкилотларда 233 ва 237-субсчётлар бўйича йил бошига қолган қолдиқ суммалар кўрсатилади.

«Йил давомида (чорак давомида) бюджетдан олинган (тўловлар амалга оширилган) маблағлар, қайтариб олинган маблағларни ҳисобга олган ҳолда» қаторида ҳисобот даври мобайнида бюджетдан молиялаштирилган (тўловлар амалга оширилган) суммаларни (қайтарилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда) акс эттирадилар.

«Қабул қилиб олинган ортиқча материаллар» қаторида газна ижросига ўтилмаган ташкилотлар инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча материалларни ҳисобга қабул қилинган суммаларни акс эттирадилар.

«Юқори бюджет маблағини тақсимловчиси томонидан марказлашган тартибда амалга оширилган тўловлар» қаторида қонун ҳужжатларига мувофиқ юқори бюджет маблағи олувчиси томонидан қуйи бюджет маблағи олувчисига марказлашган тартибда етказиб берилган моддий қийматликларни, молиялаштириб берилган маблағларни ва бошқаларни акс эттирадилар.

«Асосий воситалар ҳамда арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар ҳисобидан материаллар ҳисобига ўтказилиши» қаторида газна ижросига ўтилмаган ташкилотларда асосий воситалар ҳамда арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар ҳисобида ҳисобга олинган моддий қийматликларни бўлакларга ажратиш ва бошқа сабаблар туфайли материаллар ҳисобига олинishi акс эттирилади.

Маълумотнинг бўш қаторларига 230 ва 231 (140 ва 143) ёки газна ижросига ўтилган ташкилотларда 233 ёки 237-субсчётларнинг бошқа кредит айланмаси бўйича ёзувлар акс эттирилади.

«Жами» қатори бўйича маълумотнинг тегишли қаторлари бўйича акс эттирилган суммаларнинг йиғиндиси акс эттирилади.

«Счёт бўйича йил охирига қолдиқ» қаторида 230 ва 231 (140 ва 143) ёки Газна ижросига ўтилган ташкилотларда 233 ва 237-субсчётлар бўйича йил охирига қолган қолдиқ суммалар кўрсатилади.

Баланс (1-шакл) ташкилотлар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади (мазкур Қоидаларнинг 20-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно).

## 2-§. Смета харажатларининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл)ни тузиш тартиби

104. Смета харажатларининг ижроси ҳақида ҳисоботни тузишдан олдин ташкилотлар:

тасдиқланган харажатлар сметаларига белгиланган тартибда киритилган ўзгартиришларни ҳисоб регистрларига (294-шакл дафтарларига) тўғри ёзилганлигини;

ҳисобот даври учун бюджетдан молиялаштирилган маблағларни тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ ҳолда (киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда) амалга оширилганлигини (тегишли мемориал ордер, 294-шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

ҳисобот чорагида амалга оширилган касса харажатларини (Ҳазначилик орқали амалга оширилган тўловларни) тўғрилигини (тегишли мемориал ордер, 294-шакл дафтарлари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

ҳақиқий харажатларни ҳисоб регистрларига тўғри ёзилганлигини (тегишли мемориал ордерлар ва 294-шакл дафтарлари маълумотлари асосида) текшириб чиқишлари лозим бўлади.

105. «Аниқланган смета бўйича» устунига ташкилотларнинг тегишли тасдиқланган харажатлар сметалари бўйича киритилган ўзгартиришлар ҳисоби билан ҳисобот даврига аниқланган режани харажатлар таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат моддалари бўйича ёзилади (01-1-40 — «Гиббиёт ташкилотлари ходимларига устамалар ва қўшимчалар», 01-1-50 — «Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси» ва «Бюджет ташкилотида ҳисобот чорагининг охириг кунига тежаб қолинган ва бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилган маблағлар» қаторларидан ташқари).

106. «Ҳисобот даври учун молиялаштирилган» устун буйича ташкилотга бюджетдан харажатлар сметаларига мувофиқ йил бошидан ўсиб борувчи тартибда молиялаштирилган маблағлар (294-шакл дафтар маълумотлари асосида) харажатлар таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича ёзилади (4-гуруҳнинг харажат моддаларидан ташқари).

Ҳазна ижросига ўтилган ташкилотлар ушбу устун бўйича йил бошидан ўсиб борувчи тартибда Ҳазначилик орқали амалга оширилган тўловларни кўрсатадилар.

107. «Касса харажати жами» устунида ташкилотнинг бюджет маблағлари бўйича депозит ҳисоб рақамидан харажатлар сметаларида кўзда тутилган мақсадлар учун ўтказилган маблағлар йил бошидан ўсиб борувчи тартибда (294-шакл дафтар маълумотлари асосида) харажатлар таснифи-



нинг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича ёзилади.

Фазна ижросига ўтилган ташкилотлар ушбу устун бўйича йил бошидан ўсиб борувчи тартибда Фазначилик орқали амалга оширилган тўловларни кўрсатадилар.

108. «Ҳақиқий харажатлар» устунда ташкилот томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар (бюджет бўйича) йил бошидан ўсиб борувчи тартибда (294-шакл дафтарлар маълумотлари асосида) харажатлар таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича ёзилади.

109. Смета харажатларининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл) ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади (мазкур Қоидаларнинг 20-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно).

### **3-§. Ривожлантириш жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар тўғрисида ҳисобот (2-РЖ шакл)ни тузиш тартиби**

110. Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларини шаклланиш манбалари ва сарфланиш мақсадлари (йўналишлари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тартибга солинади.

111. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар тўғрисида ҳисобот ташкилотлар томонидан ҳисобот даври мобайнида фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадларни, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан, юридик ва jisмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамлар ҳисобидан тушган тушумларни, шунингдек ҳисобот чорагининг охириги иш кунда тежаб қолинган ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилган бюджет маблағлари ҳаракатини акс эттириш учун тузилади.

112. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар тўғрисида ҳисобот шаклини тузишдан олдин ташкилотлар:

ҳисобот чораги мобайнидаги фаолият турига мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишга, вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришга, юридик ва jisмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамларга, шунингдек ҳисобот чорагининг охириги иш кунда тежаб қолинган бюджет маблағларига доир ҳужжатларни;

ҳисоб рақамлардан олинган кўчирмаларни ва тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларини текшириб чиқадилад.

113. «1. Йил бошига қолдиқ» қаторига ўтган ҳисобот йили учун тузилган Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромад ва харажат турларини бажарилиши бўйича ҳисоботнинг «5. Ҳисобот даври охирига қолдиқ (3 – 4)» қатори маълумотларига мувофиқ тўлдирилади.

114. «2. Ҳисобот даврига тушган даромад жами» қаторида «А, Б, В ва Г» қаторлар бўйича ҳисобот даврига тушган даромадларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

— «А) Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан тушган даромадлар» қаторида ташкилотлар фаолият тури бўйича маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган қўшимча даромадларини кўрсатадилар. Бунда, тушган жами тушумдан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар учун сарфланган барча харажатлар чиқариб ташланади.

«Б) Вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан тушган тушумлар» қаторида ташкилотлар вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадларини кўрсатадилар. Бунда, тушган жами тушумдан бюджетга ўтказиладиган 50 фоиз ажратма чегириб ташланади.

«В) Юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами ҳисобига олинган тушумлар» қаторида Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ҳомий ташкилотлардан ҳамда жисмоний шахслардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

«Г) Ҳисобот чорагининг охириги иш кунида тежаб қолинган бюджет маблағлари ҳисобидан тушумлар» қаторида қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилотларнинг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағларнинг ҳисобот чораги охириги кунида тежаб қолинган қисмининг Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилган суммаси кўрсатилади.

115. «3. Жами даромад (1+2)» қаторида «1. Йил бошига қолдиқ» ва «2. Ҳисобот даврига тушган даромад жами» қаторларида акс эттирилган даромадларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

116. «4. Жами касса харажати» қаторида 6-устун «Жами касса харажати»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

117. «5. Ҳисобот даври охирига қолдиқ (3 – 4)» қаторида «3. Жами даромад (1+2)» қаторида акс эттирилган даромадлар ҳисобидан амалга оширилган касса харажатларини («4. Жами касса харажати» қатори бўйича суммани) айирмаси кўрсатилади. Бунда «5. Ҳисобот даври охирига қолдиқ (3–4)» қаторидаги натижа ҳисоб рақамдаги қолдиқ билан мос келмаслик ҳолатларини эътиборга олиш лозим).

118. «Маълумот учун: Юридик ва жисмоний шахслардан ҳомийлик ёрдами сифатида олинган мол-мулк қиймати» қаторида ташкилотга юридик ва жисмоний шахслардан ҳомийлик ёрдами сифатида берилган мол-мулкларнинг қиймати кўрсатилади.

119. 2 — 5 устунлар бўйича белгиланган йўналишларга даромадларнинг ушбу ҳисобот шаклида келтирилган харажат моддалари бўйича сарфланиши кўрсатилади.

120. «Жами касса харажати»да 2–5-устунлардаги суммаларнинг йиғиндиси акс эттирилади.

121. «Жами ҳақиқий харажатлар» устунда ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобот даври мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобот шаклида келтирилган харажат моддалари бўйича акс эттирилади.

122. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар тўғрисида ҳисобот ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур Қоидаларнинг 20-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно.

**5-§. Ҳисоботнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси тўғрисида ҳисобот (2-ТК шакл)ни тузиш тартиби**

137. Ушбу ҳисобот Олий таълим муассасаларидаги ҳисоботнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

138. Олий таълим муассасалари ҳисоботнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан олдин қуйидагиларнинг тўғрилигини текшириб чиқадилар:

ҳисоботнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини; аналитик ҳисоб маълумотларини тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлигини;

тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларини тўлиқ ва тўғри ёзилганлигини текшириб чиқадилар.

139. «1. Йил бошига маблағ қолдиғи» қаторига ўтган ҳисобот йили учун тузилган ҳисоботнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг «5. Йил охирига маблағ қолдиғи (3 – 4)» қатори маълумотларига мувофиқ тулдирилади.

140. «2. Ҳисобот даври мобайнидаги тушум — жами» қаторида «А, Б ва В» қаторлар бўйича ҳисобот даврига тушган даромадларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

141. «3. Жами маблағлар (1+2)» қаторида «1. Йил бошига маблағ қолдиғи» ва «2. Ҳисобот даври мобайнидаги тушум-жами» қаторлари акс эттирилган даромадларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

142. «4. Жами касса харажати» қаторида 2-устун «Касса харажати»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

143. «5. Ҳисобот даври охирига маблағ қолдиғи (3 — 4)» қаторида «3. Жами маблағлар (1+2)» қаторида акс эттирилган даромадлардан ушбу даромадлар ҳисобидан амалга оширилган касса харажатларини («4. Жами касса харажати» қатори бўйича суммани) айирмаси кўрсатилади.

144. «Режа» устунида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасида кўзда тутилган режали ажратмалар ҳисобот шаклида келтирилган харажат моддалари бўйича акс эттирилади.

145. «Касса харажати» ва «Ҳақиқий харажатлар» устунида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича ҳисобот даври мобайнида амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобот шаклида келтирилган харажат моддалари бўйича акс эттирилади.

146. Ушбу ҳисобот чоракдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур қоидаларнинг 20-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно.

#### **6-§. Бюджетдан ташқари махсус маблағлар жамғармаси бўйича даромад ва харажатлар ижроси тўғрисида ҳисобот (2-БММЖ шакл)ни тузиш тартиби**

147. Бошқа махсус маблағлар жамғармаси бўйича даромад ва харажат турларини бажарилиши тўғрисида ҳисоботда (2-БММЖ шаклда) ташкилотлар 2-РЖ шакл ҳисоботида ҳамда 2-ТММРРЖ ҳисоботда акс эттириладиган даромадлар ва тушумлардан ташқари қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромад ва тушумларни (иккиламчи хомашёни топширишдан, кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни сотишдан ва бошқа тушумларни) шакллантирилишини ҳамда сарфланишини акс эттирадилар.

148. «1. Йил бошига маблағ қолдиғи» қаторига ўтган ҳисобот йили учун тузилган бюджетдан ташқари махсус маблағлар жамғармаси бўйича даромад ва харажат турларини бажарилиши тўғрисида ҳисобот (2-бмж шакл)нинг «5. Йил охирига маблағ қолдиғи (3 — 4)» қатори маълумотларига мувофиқ тўлдирилади.

149. «2. Ҳисобот даври мобайнидаги тушум — жами» қаторида «А, Б ва В» қаторлар бўйича ҳисобот даврига тушган даромадлар ва тушумларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

«А) Иккиламчи хом ашёни топширишдан тушган тушумлар» қаторида бюджет ташкилотлари томонидан фойдаланишга яроқсиз узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металларни, шунингдек, тугатилган асосий воситаларни қисмларга ажратиш ва демонтаж қилишдан олинган иккиламчи хом ашёни сотишдан олинган маблағлар акс эттирилади.

«Б) Кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни сотишдан тушган тушумлар» қаторида кераксиз ва эскирган моддий қийматликларни сотишдан тушган тушумлар акс эттирилади.

«В) Бошқа тушумлар» қаторида юқорида кўрсатилмаган бошқа қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган тушумлар ва даромадларни акс эттирадilar.

150. «3. Жами маблағлар (1+2)» қаторида «1. Йил бошига маблағ қолдиғи» ва «2. Ҳисобот даври мобайнидаги тушум-жами» қаторлари акс эттирилган даромад ва тушумларнинг йиғиндиси кўрсатилади.

151. «4. Жами касса харажати» қаторида 2-устун «Касса харажати»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

152. «5. Ҳисобот даври охирига маблағ қолдиғи (3 – 4)» қаторида «3. Жами маблағлар (1+2)» қаторида акс эттирилган даромад ва тушумлардан ушбу даромадлар ҳисобидан амалга оширилган касса харажатларининг («4. Жами касса харажати» қатори бўйича суммани) айирмаси кўрсатилади.

153. «Касса харажати» бўйича белгиланган йўналишларга даромад ва тушумларнинг ушбу ҳисобот шаклида келтирилган харажат моддалари бўйича сарфланиши кўрсатилади.

154. «Ҳақиқий харажатлар» устунида бюджетдан ташқари махсус маблағлар жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобот даври мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобот шаклида келтирилган харажат моддалари бўйича акс эттирилади.

155. Ушбу ҳисобот чоракдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур қоидаларнинг 20-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно.

#### **7-§. Бюджет бўйича вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг ҳисобланиши ва тўланиши тўғрисида ҳисобот (3-ВМҚН шакл)ни тузиш тартиби**

156. Ушбу ҳисоботни тузишдан олдин ташкилотлар:

ходимлар учун ҳисобот чораги мобайнида ҳисоблаб ёзилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини (кейинги ўринларда нафақа деб юритилади) (тегишли мемориал ордерлар маълумотлари ва бошқаларни);

банкдаги ҳисоб рақамларидан тўлаш учун олинган маблағларнинг асосланганлиги ва тўловларни тўғри амалга оширилганлиги (тегишли мемориал ордер маълумотлари асосида) ва бухгалтерия регистрлари (294-шакл) ва нафақаларни ҳисоблаб ёзиш учун асос бўлувчи дастлабки ҳужжатларни (меҳнатга қобилиятсизлик варақаларини) тўғрилигини текшириб чиқадилар.

157. «Олувчилар сони (йил бошидан бирликда)» бўйича:

«Ҳақиқатда тўланган» устунида йил бошидан ўсиб борувчи якун билан нафақаси ҳақиқатда тўланган олувчилар сони белгиланган миқдор-

лар (100%, 80%, 60%) бўйича кўрсатилади. Бунда, олувчилар сони нафақани тўлаш учун бюджет ташкилоти бухгалтериясига топширилган касаллик варақалари сони билан аниқланади.

«Ҳақиқатда ҳисобланган»нинг «ишловчиларнинг рўйхат бўйича сони (бирликда)» қаторида ташкилот ходимларининг рўйхат бўйича ўртача сони, «Жами» қаторида эса, йил бошидан ўсиб борувчи яқун билан нафақа ҳақиқатда ҳисобланган олувчилар сони белгиланган миқдорлар (100%, 80%, 60%) бўйича кўрсатилади. Бунда, олувчилар сони нафақани ҳисоблаш учун бюджет ташкилоти бухгалтериясига топширилган касаллик варақалари сони билан аниқланади.

158. «Меҳнатга қобилиятсизлик кунлари сони (йил бошидан кун ҳисобида)»да ходимларнинг ҳақиқатда меҳнатга қобилиятсизлик кунлари сони йил бошидан ўсиб борувчи тартибда касаллик варақаларида келтирилган миқдорлар (100%, 80%, 60%) бўйича кўрсатилади.

159. «Ҳисобот чораги учун» бўйича:

«Касса харажати» устунида ташкилот ходимларига нафақани тўлаш учун ҳисобот чораги мобайнида банкдаги ҳисоб рақамидан (шахсий ҳисобварағидан) кассага олинган маблағлар белгиланган миқдорларга (100%, 80%, 60%) бўлинган ҳолда кўрсатилади (касса харажатини тиклаш учун банкка (Ҳазначилик ҳисоб рақамига) топширилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда).

«Ҳақиқий харажат» устунида ҳисобот чораги учун тегишли мемориал ордер маълумотларига асосан бюджет маблағлари ҳисобидан ходимларга белгиланган миқдорлар бўйича (100%, 80%, 60%) ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари суммалари кўрсатилади.

160. «Йил бошидан» бўйича:

«Касса харажати»да ташкилот ходимларига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлаш учун йил бошидан ўсиб борувчи тартибда банкдаги ҳисоб рақамидан кассага олинган маблағлар белгиланган миқдорлар (100%, 80%, 60%) бўйича бўлинган ҳолда кўрсатилади (касса харажатини тиклаш учун банкка топширилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда).

«Ҳақиқий харажат»да ҳисобот йили учун 5-мемориал ордер маълумотларига асосан бюджет маблағлари ҳисобидан ходимларга белгиланган миқдорлар бўйича (100%, 80%, 60%) ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари суммалари кўрсатилади.

161. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур қоидаларнинг 20-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно.

### **8-§. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (5-шакл)ни тузиш тартиби**

162. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот ташкилотнинг ҳисобот йили мобайнидаги асосий воситаларининг (010-013, 015-019 субсчётлар бўйича) мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

163. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот шаклини тузишдан олдин бюджет ташкилотлари:

ҳисобот йили бошига мавжуд асосий воситалар қолдигини тўғрилигини (асосланганлигини);

йил мобайнида ташкилотга кирим бўлган ва ташкилотдан чиқим бўлган барча асосий воситаларни (бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби бўйича алоҳида ҳолда) ҳисоб регистрларида («Асосий воситалар бўйича айланма ведомост» 326-шакл ва «Бош журнал» 308-шаклда) тўғри акс эттирилганлигини;

кирим ва чиқим операцияларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириб чиқадилар.

164. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот «Бош журнал» китоби (308-шакл) ва бошқа асосий воситалар ҳисоби юритиладиган ҳисоб регистрлари (326-шакл) маълумотлари асосида тўлдирилади. Ҳисоботда асосий воситаларнинг (бюджет ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан олинганлиги кўрсатилган ҳолда) йил бошига мавжуд қолдиги, ҳисобот йили мобайнида кирим бўлган асосий воситаларнинг қиймати ва чиқим бўлган (ҳисобдан чиқарилган) асосий воситаларнинг қиймати, шунингдек ҳисобот даври охирига ташкилотлар балансидаги мавжуд асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади.

165. Асосий воситаларни ҳар йилги қайта баҳолаш ҳисобига дастлабки қийматининг ўзгариши (ошиши ёки камайиши) ҳисобот шаклининг алоҳида «Қайта баҳолаш натижасида» қаторида акс эттирилади.

166. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур қоидаларнинг 20-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно.

### **9-§. Материал захиралар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (6-шакл)ни тузиш тартиби**

167. Материал захиралар ҳаракати тўғрисида ҳисобот ташкилотнинг ҳисобот йили мобайнидаги материал захираларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

168. Ушбу ҳисобот шаклини тузишдан олдин бюджет ташкилотлари: ҳисобот йили бошига мавжуд материал захиралар қолдигининг тўғрилигини (асосланганлигини);

йил мобайнида ташкилотга кирим бўлган ва ташкилотдан чиқим бўлган (сарфланган) материал захираларни (бюджет ва бюджетдан ташқари маб-

лағлар ҳисоби бўйича алоҳида ҳолда) ҳисоб регистрларида (бош журналда) тўғри акс эттирилганлигини;

кирим ва чиқим операцияларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириб чиқадилар.

169. Ҳисобот шаклининг биринчи қисмида материал ва озиқ-овқат маҳсулотларининг (060–069 субсчётлар бўйича) ҳисобот даври бошига ва охирига қолдиғи ҳамда ташкилот эҳтиёжларига сарфланган материал ва озиқ-овқат маҳсулотларининг суммаси бюджет маблағлари ҳисобидан ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан алоҳида ҳолда кўрсатилади.

170. Ҳисобот шаклининг иккинчи қисмида ташкилотга кирим бўлган материал захиралар, шундан бепул олинганлари, сотиб олинганлари, ортиқча материалларни киришга олинishi ҳамда йил мобайнида чиқим қилинган материал захиралар, шундан бепул берилганлари, сотилганлари, камомадлар ва бошқа сабаблар туфайли чиқим қилинганларининг қиймати кўрсатилади.

171. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10–санасига қадар топширилади, мазкур қоидаларнинг 20–бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно.

#### **10-§. Бюджет ташкилотларида пул маблағлари ҳамда моддий бойликларни камомади ва ўғирланиши тўғрисидаги ҳисобот (15-шакл)ни тузиш тартиби**

172. Бюджет ташкилотларида пул маблағлари ва моддий бойликларни камомади ва ўғирланиши юз берган (аниқланган) ҳолларда тузилади. Пул маблағлари ҳамда моддий бойликларни камомади ва ўғирланиши ушбу ҳисобот шаклида бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади.

173. Ҳисобот шаклининг «Йил бошига қолдиқ» қаторида ўтган ҳисобот йилининг охирида пул маблағлари ҳамда моддий бойликларни камомади ва ўғирланиши бўйича айбдор шахслар ҳисобига қолган қолдиқ (туланмай қолган) сумма кўрсатилади (ўтган йил ҳисоботининг 060-қатор маълумоти).

174. «Судга тақдим қилинганлари» қаторида айбдор шахслар ҳисобига олиб борилган суммалардан суд органларига тақдим қилинганлари кўрсатилади.

175. «Тергов органларига берилганлари» қаторида айбдор шахслар ҳисобига олиб борилган суммалардан тергов органларига тақдим қилинганлари кўрсатилади.

176. «Йил бошидан аниқланган пул маблағлари ва моддий бойликларни камомади ва ўғирланиши — жами» қаторида ташкилотда ўтказилган тафтишлар, текширишлар ва инвентаризациялар натижасида йил бошидан буён аниқланган пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомади, бузилиши ҳамда ўғирланиши бўйича жами суммаси кўрсатилади.



177. «Шундан суд қарорларига асосан айбдор шахслар ҳисобига олиб борилган сумма» қаторида суд қарорига мувофиқ пул маблағлари ва моддий бойликларни камомати ва ўғирланиши бўйича айбдор шахслар ҳисобига олиб борилган суммалар кўрсатилади.

178. «Айбдор шахслардан ундирилган сумма» қаторида ташкилотнинг айбдор шахс (ҳодим)лардан пул маблағлари ва моддий бойликларни камомати ҳамда ўғирланиши бўйича ундирилган суммалар кўрсатилади.

179. «Ташкилот ҳисобига олиб борилган сумма» қаторида пул маблағлари ва моддий бойликларни камомати ҳамда ўғирланиши бўйича аниқланган суммаларни ташкилот ҳисобига олиб борилган (ҳисобдан чиқарилган) суммаларни олиб кўрсатадилар.

180. «Йил охирига қолдиқ» қаторида пул маблағлари ва моддий бойликларни камомати ҳамда ўғирланиши бўйича йил охирига ундирилмай қолган қолдиқ сумма кўрсатилади.

181. «Судга тақдим қилинганлари» қаторида айбдор шахслар ҳисобига олиб борилган суммалардан суд органларига тақдим қилинганлари кўрсатилади.

182. «Тергов органларига берилганлари» қаторида айбдор шахслар ҳисобига олиб борилган суммалардан тергов органларига тақдим қилинганлари кўрсатилади.

183. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур қоидаларнинг 20-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно.

#### **11-§. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотни тузиш тартиби**

184. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот ташкилотнинг ҳисобот даври охирига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мавжуд қарзлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун хизмат қилади.

185. «Дебитор қарздорлик» қисмида мавжуд дебиторлик қарзлар, «Кредитор қарздорлик» қисмида мавжуд кредитор қарзлар кўрсатилади.

186. «Жами қарздорлик» устуни бўйича ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тегишли харажат моддалари бўйича ҳисобот даврининг охирига мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг жами суммаси кўрсатилади.

187. «Бюджет ҳисобидан» устуни бўйича «Жами қарздорлик» устунида кўрсатилган сумманинг бюджет ҳисобига вужудга келган қисми, «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан» устуни бўйича эса ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига вужудга келган қисми кўрсатилади.

188. Агарда, юзага келган дебиторлик қарзни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига аниқ ажратишни имкони бўлмаса, у ҳолда

ушбу дебиторлик қарз бюджет ҳисобидан ўтказилган маблағ доирасида харажатлар таснифининг тегишли моддаси бўйича бюджет ҳисобидан кўрсатилади. Дебиторлик қарзни қолган (бюджетдан ошган) қисми харажатлар таснифининг тегишли моддаси бўйича бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ёзилади.

189. Агарда, юзага келган кредиторлик қарзни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига аниқ ажратишни имкони бўлмаса, у ҳолда ушбу кредиторлик қарз харажатлар таснифининг тегишли моддасини бюджет бўйича қолдиқ лимит маблағи доирасида мазкур харажатлар таснифининг тегишли моддаси бўйича бюджет ҳисобидан кўрсатилади. Кредиторлик қарзни қолган (бюджетдан ошган) қисми харажатлар таснифининг тегишли моддаси бўйича бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ёзилади.

190. «Шундан муддати ўтган қарздорлик — жами» устунисида «Жами қарздорлик» устунисида кўрсатилган қарздорликдан муддати ўтказиб юборилган, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сундирилмаган қарзнинг умумий суммаси, «Бюджет ҳисобидан» устунисида бюджет маблағлари ҳисобига вужудга келган қисми, «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан» устунисида эса ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига вужудга келган қисми кўрсатилади.

191. «Шундан Республика ташқарисида» устунисида муддати ўтган қарздорликнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги қисми кўрсатилади.

192. «Изоҳ» устунисида қўшимча изоҳлар келтирилади.

193. Зарурат туғилган тақдирда бюджет ташкилотларига ҳамда ҳисобот олувчиларга (тегишли молия органларига) ушбу ҳисобот шаклида ҳисобот олувчилар томонидан қарздорлик бўйича талаб қилинган қўшимча маълумотлар олиш имконини берувчи қўшимча реквизиитлар қўшиш ҳуқуқи берилади.

194. Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорасидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар топширилади, мазкур қодаларнинг 20-бандида назарда тутилган ташкилотлар бундан мустасно.

## 12-§. Смета ижроси ҳақида ойлик ҳисобот (1-ОХ шакл)ни тузиш тартиби

195. Ташкилотлар харажатлар сметаси ижроси ҳақида ойлик ҳисоботни тузишдан олдин:

барча бюджет ва бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлари бўйича маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги банк кўчирмаларини тўлиқлигини;

ҳисоб рақамлардан (шахсий ҳисобварақлардан) ўтказилган маблағларнинг (амалга оширилган тўловларнинг) тўғрилиги ва асосланганлигини, шунингдек тегишли ҳисоб регистрларига (294-шакл ва 292-шакл дафтарларга) тўлиқ ва тўғри ёзилганлигини текшириб чиқадилар.

196. Ҳисоб регистрларидаги (294-шакл ва 292-шакл дафтарларидаги) ёзувларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан сўнг, ушбу дафтарлар (294-шакл) маълумотлари асосида харажатлар сметаси ижроси ҳақидаги ойлик ҳисобот (1-ОХ шакл) тўлдирилади.

197. I-бўлим. Харажатлар қисмида:

